

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Н.Жиянова, О.Мўминова, С.Максумова**

**НУТҚ МАДАНИЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Н.Жиянова, О.Мўминова, С.Максумова**

# **НУТҚ МАДАНИЯТИ**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**(I - КИТОБ)**

**ТОШКЕНТ – 2016**

“Нутқ маданияти” фани бўйича тайёрланган маърузалар матни олий таълим муассасаларининг магистратура бўлими миллий гуруҳлари учун мўлжалланган. Ушбу маърузалар матнида нутқ маданияти бўйича илмий ва назарий маълумотлар берилган.

**Тузувчилар:**

Жиянова Н.Э. – Ўзбек тили кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди.

Мўминова О.Қ. – Ўзбек тили кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди.

Максумова С.С. – Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси,  
филология фанлари номзоди.

**Такризчилар:** ЎзМУ профессори, ф.ф.д. Б.Менглиев

ТДПУ доценти, ф.ф.н. И.Умиров

ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.н. С.Султонсаидова

ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.н. Г.Халлиева

“Нутқ маданияти” фани бўйича маърузалар матни ўзбек тили кафедрасининг 2015 йил октябрдаги мажлисида, рус филологияси факультетининг 2015 йил ноябрдаги факультет Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

## **НУТҚ МАДАНИЯТИ ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ БЎЙИЧА МУНДАРИЖА**

Сўзбоши.....	4
Кириш.....	5
1. Нутқ маданияти курсининг мақсад ва вазифалари. “Нутқ маданияти”, “тил маданияти”, “тил бойлиги”, “нутқ бойлиги”, нутқ одоби”, “нутқий этикет” тушунчалари. Тил ва нутқ. Адабий тил меъёрлари.....	8
2. Риторика тарихи ҳақида маълумот. Риторика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Риторика ва нутқ маданиятининг бир- бирдан фарқли жihatлари... ..	30
3. Ғарб нотиклик санъатининг шаклланиши. Грек ва Рим мактаби вакиллари.. ..	43
4. X-XV аср Шарқ ва Марказий Осиё нотиклик санъати тарихи.....	70
5. Уйғониш даврида воизлик санъати (Ваъз ва воизлик ҳақида).....	89
6. Нотиклик санъати турлари. Академик, диний, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, суд нотиклиги. Оғзаки ва ёзма нутқ.....	103
7. Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари (нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, ифодалилиги, мақсадга мувофиқлиги) .....	123
8. Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари .....	143
9. Нутқ маданияти ва нутқий услублар.....	159
10. Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари. Нутққа тайёргарлик кўриш. Нутқ техникаси. ....	178
Маърузада фойдаланиладиган айрим педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар.....	203
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	204
Муаллифлар ҳақида .....	208

## СЎЗБОШИ

“Нутқ маданияти асослари” фанидан тайёрланган маърузалар матни нутқ маданияти соҳаси ва тушунчасининг моҳиятини, бу фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, нутқ маданияти ва нотикликка эришишнинг шартлари ва талабларини, нутқ маданияти билан унга ёндош соҳалар орасидаги алоқадорлик ва фарқларни таҳлил қилишга бағишланган.

Матн олий таълим муассасаларида ўқиладиган маърузалар бўлгани учун нутқ маданиятига оид масалалар соддароқ ва ихчамроқ усулда ёритилди. Маъруза матнидан фойдаланувчилар ундаги баъзи ўринларни ўзлари кенгайтиришлари, тегишли далиллар, мисоллар билан бойитишлари мумкин.

Маърузалар матнини тайёрлашда муаллифлар нутқ маданияти масалалари бўйича ўзбек тилшунослигида мавжуд илмий адабиётлардан кенг равишда фойдаланишди. Баъзи ҳолларда илмий адабиётлардаги илмий мулоҳазалар ва таҳлиллар ҳамда далилий материаллар маъруза матнига деярли ўзгаришсиз киритилган ҳоллар учрайди. Мазкур матн илмий тадқиқот эмас, балки талабаларга ўқиладиган маърузалар бўлганлиги учун, у қўлёзма ҳуқуқига эгалиги ана шундай йўл тутишга ҳуқуқ беради деб ўйлаймиз. Фойдаланилган адабиётлар ишнинг охирида келтирилган.

## КИРИШ

Нутқ маданиятини юксак поғонага кўтариш, уни янада ривожлантириш бугунги ўзбек тилшунослигининг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам “Нутқ маданияти асослари” фанини тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида олий таълим муассасаларида ўқитиш юксак даражадаги нутқ маданиятига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки нутқ маданияти инсоннинг маънавий ҳаётида, унинг маданий савиясини кўтаришда, илмий ва бадиий тафаккурини ўстиришда жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кун талабидан келиб чиқиб, республикамизда «Таълим тўғрисидаги қонун» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, «бакалавр» ва «магистр»лик бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини янада оширишда нутқ маданиятининг ўрни ва ролини кўрсатиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди.

Нутқ маданиятини ўстириш фақат филология соҳасидаги таълимий-тарбиявий иш бўлмасдан ғоявий-сиёсий, маърифий ишларнинг ҳам энг муҳим томонларидан бирини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу фанни ўрганиш бўлажак мутахассислар учун зарурий эҳтиёждир. Бу эҳтиёж нотиклик санъати сирларини ўрганиш, адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри гапириш ва ёзиш, тилнинг лексик ва грамматик бирликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш санъатини ўрганиш орқали рўёбга чиқади. Шунга қарамасдан, бундай зарурат ва эҳтиёжларни қондира олувчи дарслик ва ўқув қўлланмалар салмоғини ва сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай адабий тилнинг ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари бўлиб, бу қонуниятларнинг ички моҳияти адабий меъёрларнинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Адабий тил умумхалқ тилининг юқори, олий шакли сифатида ҳар доим нормативликка интилади. Чунки адабий тил умумхалқ қуроли бўлиб, унинг лисоний воситалари, у амал қиладиган илмий ва амалий қоидалар, уларни татбиқ қилишни тартибга солиб турувчи дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, умуман, ўқув жараёнлари ва таълим ҳар доим муайян даражада адабий тил меъёрларини такомиллаштириб боришни талаб қилади. Бундай такомиллаштириш, аввало, адабий тилнинг умумхалқ алоқа қуроли сифатидаги вазифасини унумлироқ, яхшироқ бажаришига хизмат қилса, иккинчидан, адабий тилнинг ўз лисоний негизи ҳисобланувчи халқ сўзлашув тилидан узоқлашиб кетмаслигини таъминлайди.

Адабий тил ундан фойдаланувчи жамият аъзоларининг муштарак куроли сифатида барча учун бир хилда тушунарли, фойдаланишга қулай бўлиши, кўпчиликка мақбул тушиши лозим. Бунинг устига адабий тил ва унинг лисоний воситалари тил эгаси бўлмиш жамият аъзоларининг эстетик ва этикавий талабларига, маданий ва маънавий эҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлиши зарур. Мана шу маънода адабий тил меъёрлари нафақат лисоний (лингвистик) жиҳатдан, балки бир қатор нолисоний (экстралингвистик) омиллар, лисоний қадриятлар нуктаи назаридан ҳам баҳоланади.

Ҳар қандай адабий тил нафақат нафосат ва ахлоқий жиҳатдан баҳоланган тил, балки ўзида халқнинг эстетик ва ахлоқий, бадиий ва фалсафий, диний-этнографик, тарихий ва ижтимоий, кенг маънода мафкуравий ва маънавий қарашларини, улар ҳақидаги тушунчалар, тасаввурлар, категориялар, мушоҳадаларни ўзида ифода этувчи, мужассамлаштирувчи ҳамда авлоддан-авлодга олиб ўтувчи, уларни асровчи ва сақловчи маънавий қуролга, хазинага айланади. Шу сабабли ҳам тилни шунчаки алоқа куроли деб билиш ва баҳолаш ниҳоятда чегаралидир. Тилни, бир томондан, ўта қадимий, кўхна халқ даҳоси ижоди, маданияти ва маънавиятининг кўзгуси, иккинчи томондан эса, доимо навқирон мероси, бойлиги деб билиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, тил шунчаки ва фақатгина ўзаро алоқа воситаси эмас, балки халқ маънавиятининг таркибий қисмидир. Миллий мустақиллик мафкурасини яратишдан мақсад истиқлолга эришган ўзбек халқини улуг келажак сари рухлантириш, уни бир мақсад атрофида бирлаштириш, жипслаштиришдир. Ушбу вазифани адо этишда тилнинг, она тилининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Президентимиз Ислам Каримов ўзбек тилининг бу хусусиятини юксак баҳолайди: «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради»<sup>1</sup>. Тил халқ миллий қадриятлари, маънавияти, ҳатто мафкурасининг таркибий қисми сифатида кишилар ўртасида нафақат ўзаро алоқанинг, балки уларни тарбиялашнинг куроли ҳамдир. Она тилига ҳурмат Ватанга муҳаббатдир. Она тилини эъзозлаш – бу ўша тилнинг ватани бўлмиш Ўзбекистонни эъзозлашдир. Она тилига муносабат жамият аъзоларини тарбиялашнинг муҳим куролидир. Тилга муносабат, бу умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир.

Шундай экан, фақат маданият ва санъат намояндаси эмас, балки ҳар бир ўқитувчи, шифокор ва бошқа ходимлар, қолаверса, ҳар бир мутахассис ана шу қудратли восита билан – нотиклик санъати асослари билан

---

<sup>1</sup> Ислам Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура. -Ж.1. – Т.:Ўзбекистон, 1996, 80-бет.

қуролланиши, бу санъатнинг сирлари ва услубини билиши фойдадан холи эмас.

Дарҳақиқат, ўзбек тили энг тараққий этган тиллардан биридир. Бу борада тилнинг асосий ижодкори бўлган халқ ролини камситмаган ҳолда олимларимизнинг, шоир ва ёзувчиларимизнинг, давлат арбобларининг, педагоглар ва матбуот ходимларининг, кино, театр санъати усталари ва нашриёт ходимларининг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим бўлади. Айниқса, тилшунос олимларимиз ва ёзувчиларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Тил ва нутқ маданиятини такомиллаштиришда тилшуносларнинг роли ва хизматлари жуда ҳам каттадир.



# **1-МАВЗУ: Нутқ маданияти ва унинг ижтимоий ўрни. Тил ва унинг вазифалари. Тил ва нутқ. Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари**

## **Режа:**

1. Нутқ маданияти асослари фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Нутқ маданияти муаммосининг асосланиши.
3. Тил ва нутқ. Нутқ маданияти ва тил маданияти. Нутқ бойлиги ва тил бойлиги.
4. Нутқ одоби ва нутқий этикет тушунчалари. Мулоқот ва муомала одоби.
5. Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари.

**Таянч сўзлар:** Нутқ маданияти, нутқ одоби, нутқий этикет, меъёрий тушунчалар, тил бирликлари, нутқ бирликлари, тил бойлиги, нутқ бойлиги, тил маданияти, коммуникатив вазифа, экспрессив вазифа, эстетик вазифа.

## **Кириш**

XX аср охири Ўзбекистон учун туб ўзгаришлар, янгиланишлар ва тикланишлар асри бўлди. Ижтимоий тузум ўзгарди, у билан бирга давр ҳам ўзгарди. Давр ўзгариши эса ўз-ўзидан барча соҳалар, хусусан, маънавий соҳаларда қатъий эврилишлар, туб ўзгаришларни тақозо этди. Бу табиий жараён. Жамиятнинг барча қатламларида нутқ маданиятининг савияси пасайиб кетаётган, анъанавий адабий тил меъёрлари бузилаётган, оғзаки ва ёзма нутқнинг услубий хусусиятлари ўзгариб кетаётган бир пайтда жамият аъзоларининг нутқ маданияти даражасини ошириш зарурати юзага келди. Зеро, нутқ маданияти кишилиқ жамияти маданиятини акс эттирувчи кўзгу ҳамда жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Она тилида равон, чиройли гапириш, маданий нутқ ва нотиклик санъати сирларидан воқиф бўлиш бугунги тезкор замонда Ўзбекистон ёшлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблиқ касб этмоқда. Мамлакатимизда маънавият жабҳасида олиб борилаётган бениҳоя кенг қамровли ислохотларда тил муаммолари, хусусан, она тилига, давлат тилига эътибор масалаларига алоҳида диққат қилинаётганлиги бежиз эмас. Республикаимизнинг “Давлат тили ҳақида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлари, “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий

дастур” ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларда бу йўналишдаги ишларнинг асосий жиҳатлари кўрсатиб берилган. Давлатимиз раҳбари 1997 йилнинг июнида Тошкентда бўлиб ўтган “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни тузиш” комиссиясининг йиғилишида ҳар бир фуқаро учун “ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси” эканлигини асосли равишда таъкидлаганлар.

Бугунги тезкор замонда ўз она тилисида равон, чиройли гапириш, маданий нутқ ва нотиклик санъати сирларидан воқиф бўлиш Ўзбекистон ёшлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин”<sup>2</sup> деган сўзларини ҳамиша ёдда тутишимиз шарт ва зарурдир.

Қадимдан Шарқ мамлакатларида равон ва чиройли гапиришга катта эътибор қаратилган. Донишманд Шарқда бундан беш минг йиллар бурун барпо бўлган энг “кекса” муассасалардан бўлмиш илк мактабларнинг<sup>3</sup> бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлганлиги<sup>4</sup>, аини вазифанинг бугунги кунимизга қадар ҳам ўз моҳиятини йўқотмай келаётганлигидан далолатдир. Айтиш мумкинки, кишиларнинг тўғри, чиройли, равон ҳамда таъсирчан гапиришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадим тарихга эгадир.

“Нутқ маданияти асослари” фанининг мақсади тилшуносликнинг назарий фанларидан олинган билимларга суянган ҳолда нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатоларга доир муаммолар ҳақида баҳс юритиб, тўғри ва таъсирли нутқ тузиш йўллари ўргатади.

“Нутқ маданияти асослари” фанининг асосий вазифалари талабаларни нутқ маданиятининг илмий ва назарий тушунчалари билан таништириш, бўлажак мутахассисларда тил воситалари ва ифода имкониятларидан коммуникатив ва эстетик мақсад ҳамда нутқ вазиятига ўта мувофиқ тарзда фойдалана олиш малакаларини шакллантириш. Нутқнинг барча коммуникатив сифатлари моҳияти ҳамда нутққа тайёргарлик кўриш йўл ва усуллари билан таништириб, бундай сифатларга эга нутқ тузиш маҳоратини шакллантириш ҳамда оғзаки маданий нутқнинг муҳим узви бўлмиш нутқ техникасини яхшилаш билан боғлиқ кўникмаларни юзага келтиришдан иборат.

<sup>2</sup>Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. -Тошкент: Шарқ, 1997, 9 – бет.

<sup>3</sup> Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Қаранг:Крамер С.Н. История начинается в Шумере. -Москва: Наука, 1991.

<sup>4</sup> Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Қаранг:Къера Э. Они писали на глине. -Москва: Наука, 1984. С. 87 – 93.

Нутқ маданияти термини тилшуносликда уч хил ҳодисани ифода этади:

- 1) маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи;
- 2) маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи муаммонинг номи;
- 3) нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш билан шуғулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири мураккаб кўринишларга, кирраларга эга, уларни бир-бири билан қориштирмаслик лозим.<sup>5</sup>

Шундай қилиб:

1. Нутқ маданияти адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

2. Нутқ маданияти – бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силликланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувидир.

3. Нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок этиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир.

4. Нутқ маданияти кишиларнинг ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашидан иборатдир.

5. Нутқ маданияти фақат тўғри нутққина эмас, балки уқувлилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир.

6. Нутқ маданияти тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир.

7. Нутқ маданияти бу, аввало, фикрлаш маданиятидир.

8. Миллий ўзига хослиги билан ажралиб турувчи нутқ маданий нутқдир.<sup>6</sup>

*Тил, нутқ ва маданият* тушунчаларининг ҳар бири жамият ва тил таракқиёти мобайнида узлуксиз давом этган ўзаро боғлиқлик натижасида тил маданияти ва нутқ маданияти деб аталган янги тушунчаларнинг, янги илм соҳаларининг юзага келишига сабаб бўлди. Тил, нутқ ва маданият инсонсиз мавжуд бўлмаганидек, уларсиз инсоннинг ўзини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Тил ижтимоий маҳсулот, лисоний тизим, ундан инсон болалигидан бошлаб фойдаланади, у орқали фикрлашни ўрганади. У ёки бу ҳодисаларни одамлар ўз жамиятида шаклланган лисоний кўникма ва меъёрлар асосида қабул қилади. Дунё манзаралари ўртасидаги тафовут ҳам тиллар қанчалик бир-биридан фарқ қилса, шу даражада турлича

<sup>5</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Тошкент: 1998, 31-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар, 31-бет.

бўлади. Вилгельм фон Гумбольдтнинг мазкур гаплари тилнинг моҳиятини янада теранроқ англашга ёрдам беради:”Тилларнинг хилма-хиллиги асло муайян бир нарсани турлича товушлар билан ифодалаш эмас, балки бу нарсани кўришнинг фарқлилиги натижасидир”<sup>7</sup>. Ҳақиқатан ҳам, болаликдан эгалланган она тили ҳар бир миллатнинг ўзига хос бетакрор маданияти ва руҳий оламининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Миллат учун ишлаб турган тил унинг маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Маданиятнинг ўзи эса нутқ маданияти, демак, жамиятнинг тилга муносабати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади. Тил жамиятга нисбатан ҳам олиб қаралганда, ўзига хос турли вазифаларни бажаради ва бу, албатта, инсоннинг нутқий фаолиятида ўз аксини топади. Булар:

- 1) коммуникатив вазифа;
- 2) фикрни ифодалаш вазифаси;
- 3) сўзловчининг ички ҳолатини ифодалаш вазифаси ёки экспрессив вазифа;
- 4) тил воситалари орқали гўзаллик яратиш вазифаси ёки эстетик вазифа.

Тилнинг коммуникативлик вазифаси одамлар ўртасида унинг мулоқот воситаси сифатида хизмат қилишини талаб этади. Тилнинг бундай хусусияти антик даврлардан, яъни нотиклик санъати яратилгандан бери маълум бўлган. Тилнинг фикр яратиш ва ифодалаш вазифаси тил структураларининг тафаккур, фикрлаш категориялари билан боғлиқлиги орқали аниқланади. Немис тилшуноси Гумбольдт айтганидек, тил доимо фикрга ҳамроҳ бўлиши керак. Фикр ҳам тилдан ортда қолмасдан унинг бир унсуридан кейингисига етиб олиши ва тилда унинг боғлиқлигини таъминловчи барча нарсалар орқали ўз ифодасини топиши лозим. Яхши нутқ фикр баёнининг аниқлиги, тушунарлилиги, мантиқий кетма-кетлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам тилнинг коммуникативлик вазифаларини илмий ва назарий жиҳатдан таҳлил эта олиш ва улардан ўринли фойдаланиш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Тилнинг экспрессив вазифаси сўзловчи ё ёзувчининг ички ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Тил фақат бирор бир ахборотнигина эмас, балки унга, унинг мазмунига нисбатан сўзловчи ёки ёзувчининг муносабатини ҳам ифодалашида керак бўлади. Бунда, асосан, сўзловчининг руҳий ҳолати ва муносабати назарда тутилади. Сўзловчининг бирор воқеликка бўлган ҳолати сўзлашув жараёнида намоён бўлади. Демак, экспрессив вазифа ижобий ёки салбий ҳолатда ҳам намоён бўлиши мумкин. Ижобий ва салбий муносабат инсон нутқи орқали амалга оширилади.

---

<sup>7</sup> Гумбольдт В. Язык и философия культуры. –М.:Прогресс, 1985. –С.349.

Тил эстетик вазифасига кўра, етказилаётган хабарнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан шахснинг эстетик туйғуларини қондиришга хизмат қилади. Бундай илмий қарашда ҳам сўзловчининг руҳий ҳолати ва муомала маданияти, ўзини тута билиши, кийиниш ҳолати, барча-барчаси назарда тутилади. Лекин буларнинг барчаси, яъни тилнинг эстетик вазифаси коммуникатив вазифа билан бирга воқе бўлади.

Тил асосида инсон ички дунёсининг ўзига хос шаклда образлашуви содир бўлади. Шунинг учун ҳам тил маънавий ва моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва ижтимоий муносабатларга боғлиқ. Шу билан бирга, у ўз қонуниятларига эга мустақил барқарор ва турғун тизим, (масалан, ундаги жумлалар, тил birlikлари, яъни сўз бирикмалари, сўз, морфема ва бошқаларга ажралади). Тил инсонлар хотирасида сақланса-да, бироқ у ўз-ўзидан ишлаб кетмайди. Тил муайян ижтимоий фаолият (яъни мулоқот) курали бўлгани учун, асосан, нутқий фаолият жараёнида унга нисбатан кучли эҳтиёж сезилади. Натижада инсонлар ўртасидаги турлича муносабат шаклланади.

Нутқ –мустақил фаолият, у орқали тил тизими ўзлигини тўлиқ намоён этади. Нутқ – мулоқот, унда жамиятнинг у ёки бу қатламига тегишли маданияти ҳам маълум даражада ўз аксини топади. Тил ва нутқни ўзаро таққосланганда қуйидагилар яққол кўзга ташланади:

- 1.Тил мулоқот учун хизмат қилади ва инсоннинг дунё ҳақидаги бор тасаввурларини маълум бир белгилар орқали ифодалашга қодир.
- 2.Нутқ тилнинг амалиёт жараёнида татбиқ этилишидир; у ҳаракатдаги тил бўлиб, мулоқот воситаларини аниқ қўллаш пайтидаги кетма-кетлиги сифатида намоён бўлади.

Тил бирор бир ижтимоий жамоага (бирор бир миллатга) тегишли белгилар тизими ва нутқий фаолиятнинг муҳим таркибий қисми бўлса-да, бироқ у нутқ билан тенг бўла олмайди. Нутқ жараёнида тил тизимлари ишга солинади. Нутқ - индивидуал онг ва хоҳиш-истак шакли. У бир томондан сўзловчи тил шакллари орқали ўз фикрларини ифодалашдаги алмашинувни тақозо этса, иккинчи томондан – у психофизиологик механизм сифатида ушбу алмашинувлар мустақиллигини таъминлайди .

Тил ва нутқ тушунчаларининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, **тил маданияти** тилнинг лексик, синтактик, семантик, ифодалилик ва турфа ўзгарувчанлиги қай даражада ривожланган ва бой эканлигини кўрсатса, **нутқ маданияти** нутқий мулоқот асосида борлиқ ва шахс ҳақидаги ахборотни юзага келтириш, уни тил тизими белгилари орқали ифодалаш ва аниқ етказиш усулидир. Ёки **тил маданияти** тилнинг “маданийлашганлик”, адабийлашганлик, нормалашганлик даражасини, луғат

таркиби, грамматик, семантик, стилистик жиҳатлардан ривожланганлик, бойлик даражасини, потенциал ифода имкониятларининг кўламдорлигини ифода этади.<sup>8</sup> *Нутқ маданияти* эса тилдан бемалол, мақсадга мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир. Бошқача айтганда, нутқ маданияти тилда мавжуд бўлган хилма-хил ифода шаклларида фикр учун энг мақбулини танлай билиш ва шу асосда тўғри ва таъсирчан нутқ туза олиш маҳоратидир. Ҳар қандай нутқнинг асосий мақсади муайян ахборотни тингловчи (ўқувчи)га етказиш, шу йўл билан унга таъсир қилишдан иборат.

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психологик ҳодисалар бўлиб, тил алоқа қуроли сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир.

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурий, доимий муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ бу расмий тилдир. У кенг маънода сўзлардан, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади. Нутқ сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матн кўринишининг ифодаси бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки руҳият ва нафосат ҳодисаси ҳисобланади.

Шарқона муомала маданияти ҳар бир ўзбек хонадонига хос фазилат. Мулоқот нутқи, нутқ одоби, муомала нутқи, буларнинг барчаси инсоннинг маънавиятини, маърифатини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Демак, ҳар бир индивидуал шахснинг одоби унинг нутқида кўринади. Бизнингча, нутқ одоби деганда, айтилиши зарур бўлган ҳар қандай хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда ҳамда унинг кўнглига мос, адабий тил меъёрлари асосида етказишдир. Шунингдек, хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун эса сўзловчи ўз она тилисининг имкониятларини мукамал билиши керак. Чунки мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бундай мулоқотга ёшлиқдан ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ-атвориغا, гап-сўзига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб ўз мақсадларини қандай сўзлар билан тушунтиришларига катта аҳамият берган. Улар фарзандларининг кўрслик қилиши, катталар суҳбатига аралашishi каби ножўя ишларига зинҳор-базинҳор йўл қўймаганлар. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашга эгаллиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум

---

<sup>8</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. -№ 5. 1975, 50-58-б.

бўлади. Муомала – инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил-алоқа куроли дейилади. Инсоннинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъкидлашган. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий муомала маданияти, хушмомалалик тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида шундай гўзал фикрлар билдирганки, бугунги кунимизда ҳам ушбу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас:”Донау дур сўзини афсона бил, Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил”; “Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар, Ҳар неки ағёр дурур ёр айлар, Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар, Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар”.

Одамларнинг бир-бирлари билан қилган мулоқотларида нутқ маданиятининг қонун-қоидаларига риоя қилишнинг аҳамиятига халқимиз доимо ўз эътиборини қаратган. Доно халқимиз ўз фикрларини қисқа ҳамда маънили мақолларда ифода этган. Мақоллар одамларни нималарга ўргатади? Мақоллар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш улар маънавиятини ўстиришга, уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишларига замин яратади. Чунки мақоллар она тилимизнинг энг нозик хусусиятларини англашга ва сўз бойлигини оширишга кўмаклашадиган воситадир. Мақоллар ўқувчиларни тўғри, мантиқий фикрлашга, мақсадни қисқа, лўнда ва ихчам баён этишга ўргатади. Ҳар бир нутқ ўзининг чуқур маъно ифодалаш билан қимматлидир. Мазмунли маърузалар, суҳбатлар кишига қувонч бағишлайди, янги билимлар билан бойитади. Чунончи, “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нақли бор” мақолида ҳар бир сўзнинг нозик қирралари бўлиши, уларнинг бўш гап эмаслиги, мазмунли суҳбатларнинг аҳамияти катта эканлигини ифодаламоқда. Сўз қўллашдаги ноқислик, тилга эътиборсизлик ҳақида доимо куюниб гапирадиган буюк адабиётшунос олим О.Шарафиддиновнинг кўйидаги жумлалари афоризмдек янграйди: “...Афсуски, амалиётда биз кўп ҳолларда тилимизга беписанд қарашни кўрамиз. Гапирганда ёки ёзганда ўзимизни назорат қилмаймиз. Ўзимизнинг тилимизни ўзимиз ҳис қилмаймиз, унинг ички оҳангларига қулоқ тутиб кўрмаймиз, балки жиловни устига ташлаб қўйилган отдай майсаси кўпроқ кўринган ўтлоққа кириб кетаверамиз”.<sup>9</sup> Халқ мақолларида ҳам сўзларни ноўрин, номувофиқ маъноларда қўллаш, матнда мазмун ва маъноларнинг қоришиб кетмаслигига эҳтиёт бўлиш, фикрнинг изчиллик билан ривожланиб боришини ёддан чиқармаслик, тушунмаган ёки тўла англамаган ҳолда фикр

---

<sup>9</sup> Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. -Т.:Маънавият, 2004. 269-б.

билдиришга шошилмаслик каби хусусиятларга эътибор бериш ниҳоятда аҳамиятли эканлиги, мазмунсиз нутқнинг инсонга ҳеч қандай фойда келтирмаслиги ҳақида огоҳлантирилади: “Сўзла мазмунли бўлсин, тингла фойдали бўлсин”, “Ўйнаб гапирсанг, ҳам ўйлаб гапир”, “Кўп гап эшакка юк, “Кўп гапнинг ози яхши, оз гапнинг – сози”, “Сўзга тушмаган сўзни айтма, Созга тушмаган газални”, “Сўзламай сўзингга боқ”, “Аввал ўйла, ўзингга боқ”, “Тил- ақл хазинасининг қиличи бўлса, фаросат – гилофи”, “Қуруқ гап қулоққа ёқмас”, “Сўз ботирлиги тилда, Эл ботирлиги белда”, “ Сўз кишининг ўзаги, Одоб кишининг безаги”, “Сўз оёқдан илгари борар”, “Сўз чумчуқ эмас, Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас”.

Биз XXI асрга, яъни янги технологиялар, ихтиролар асрига қадам қўйдик. Инсон тафаккури шу қадар кенгайиб бораётган бир пайтда кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларнинг табиати, уларнинг хулқ-атвори ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Бир хил ижтимоий муҳитда, бир хил шароитда кишилар нима учун ўзларини ҳар хил тутадилар. Одоблилик ва тарбиялилик бобида нечун бир-бирларига ўхшамайдилар? Қисқаси, инсониятнинг асаб торлари таранглашган ҳозирги замонда одамлар билан хушмуомалада бўлиш учун ҳар биримиздан сабр-тоқат, бағрикенглик, муомала маданияти ва унинг қонун-қоидаларига (этикет) амал қилиш талаб қилинади. Нутқ одоби саломлашишдан бошланади. Саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, ўз айбини бўйнига олиш, ўзр сўраш, рағбатлантириш учун ҳам алоҳида нутқий воситалар мавжуд. Этикет – бу жамоат жойларида маълум бир қоидаларга амал қилишдир. Бунда энг муҳими нутқий этикетдир. Нутқий этикет, бир томондан, тил бирликларини, иккинчидан, муомала қоидаларини ўз ичига олади.

Этикет бирликлари қуйидагилардан иборат:

-саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, таъзия билдириш каби формулалар.

-Сиз ёки сен олмошлари, исм ва фамилияларни тўлиқ ва нотўлиқ ишлатиш.

-Стандарт коммуникатив вазиятлар (транспортда, дўконда) булар уч қисмдан иборат бўлади: муомаланинг бошланиши, асосий қисм, муомала якуни.

-Танишиш (ўзаро инсонлар ўртасидаги муносабатни шакллантириш учун).

-Кечирим сўраш (мулоқотни ижобий ҳал этиш учун).

-Миннатдорчилик билдириш (дўстона муносабатни ифодалаш учун).

-Табриклаш (муносабатларни яхшилаш, яқинликни таъминлаш учун).



-Таклиф қилиш (ўзаро дўстона фикр алмашиш жараёнини ташкиллаштириш учун).

-Ҳамдардлик, таъзия билдириш.

-Маслаҳат бериш, илтимос қилиш.

-Рад этиш, розилик билдириш.

Бу ҳақда Шарқ алломалари ҳам ўз фикрларини шу тарзда баён этган:

“Сўз ҳам тўрт навдур: бири, билинмайтурғон ва айтилмайтурғон; иккинчиси, айтилатурғон ва билинатурғон: учинчиси, ҳам билинатурғон ва ҳам билишга заруратсиз, аммо айтса бўлатурғон, тўртинчиси, билинатурғон ва айтилмайтурғон. Аммо айтилмайтурғон ва билинмай турғон ундоқ сўздурки... дунёнинг салоҳи унга боғлиқдир. Ул сўздин айтгувчига ҳам, эшитувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатурғон, бироқ айтилмайтурғон ундоқ сўздирким, бир мухташам одамнинг айби сенга маълум бўлур. Лекин ақл тариқидин хаёлга келсанг, уни айтмоқ бешармлиқдир. Чунки айтсанг ул мухташамнинг қаҳри ё у дўстнинг озори сенда ҳосил бўлур, ёхуд ўз бошингга улуғ шўриш ва ғавғо пайдо қилурсан. Шул вақдин ҳам бул сўз билинатурғон, аммо айтилмайтурғон сўздур. Бу сўзларнинг яхшироғи ҳам билинатурғон ва ҳам айтилатурғон сўздур”.

Ўтмиш аждодларимизнинг фикрича, шахс нутқининг қандай бўлиши унинг ўз тилига бўлган муносабатида, шунингдек, одоб-ахлоқига боғлиқдир. Улар тил одамнинг дили билан боғлиқлиги, уни тилга чиқаргунча мушоҳада қилган ҳолда яхшилаб мулоҳаза юритиши, воқеликка мос нутқий вазиятни эътиборга олишни, мазмунли, фойдали сўзларни сўзлашни, айтмоқчи бўлган фикри чиройли ва таъсирчан ҳамда лўнда ва қисқа бўлишини, зинҳор кўпол ва дағал сўзларни сўзламасликни таъкидлайдилар. Нутқ одоби ва нутқ маданиятини аждодларнинг қолдирган насихатларидан ва ҳаёт тажрибаларидан ўрганишни инсон нутқ одобининг меъёрларидан деб ҳисоблашган. Демак, кишиларнинг тўғри, чиройли, равон ҳамда таъсирчан гапиришга интилиши ҳамда унга оид одатий қоидалар жуда чуқур ва қадимий тарихга эгадир.

Нутқ адабий тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда воқеликка айланган фикрдир. Нутқ инсон нутқ аъзоларининг ҳаракати натижасида юзага келади. Шунга кўра нутқ икки хил бўлади:

**1. Ички нутқ.** Кишиларнинг ўз-ўзига хаёлан товушларни - сўзларни талаффуз қилмасдан фикрлаши, мулоҳаза юритиши, ўйлаши бу ички нутқдир. Ёзувчилар бадий образ орқали ички нутқни ифодалайдилар. Унда образ ўзига-ўзи сарҳисоб бериши, хаёлан ким биландир суҳбатлашиши, ўй-хаёллар орқали қандайдир муаммоларни ҳал этиши мумкин. Буларнинг барчаси ички нутқ орқали амалга оширилади. Масалан:

...Йигитали энди дўсти билан учрашадиган бахтиёр дақиқаларни кўз олдига келтирди. Уйида эканида бу томонларга талпинган кезларида бу учрашувларни минг хил кўринишларда тасаввур этарди. Ҳозир уларнинг барчаси ўрнига янгиси хаёлига келди:

..Дўсти уни кўра солиб, кучоқ очиб югуради...

“Жон жўражон, бор экансан-ку, йўлингга кўз тикавериб, кўзларим оқиб тушаёзди, - дейди-да, маҳкам кучоқлаб олади. – Жон жўражон, оёқни ташлаб келибсан-да, а? Тириклигингни билар эдим. Юрагим сезар эди. Қанот чиқариб учгим келарди. Аммо илож қила олмадим, жон жўражон. Ношукур дўстингдан ранжима”...

Ширин хаёллар йўл азобини бутунлай четга сура олмас экан (Т.Малик. Остона,138-бет).

**2.Ташқи нутқ.** Ўпкадан чиққан ҳавонинг нутқ аъзоларига таъсири, натижасида уларнинг ҳаракати билан аниқ товушлар сифатида юзага келадиган нутқ ташқи нутқдир. Ташқи нутқ орқали инсонлар бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Ўзаро фикр алмашишади, муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишади. Буларнинг барчаси инсон нутқи орқали, яъни ташқи нутқ орқали ифодаланади. Нутқ доимий ҳаракатдаги тил ҳисобланади. Нутқ тил бирликларини ўзаро мантикий боғлаб, уларни ҳаракатга келтиради. Нутқ сўз, сўз бирикмалари ва гаплардан иборат бўлиб, тугал фикр ифодалайди. Масалан:

...Раъно, хижолат аралаш Анварга кулимсираб бош кўтарди.

-Мен сизнинг “амрингизга” мувофиқ чиққан эдим!

- Амримга мувофиқми? – деди Анвар ва Раънонинг кўзига тўғри қараб илжайди: - Шомдан кейин.

-Нима шомдан кейин?

- “Амримга” мувофиқ чиқишинг!

- Ҳозир-чи?

-Ҳозир мумкин эмас!

Раъно ўпка билан Анварга қаради ва туриб ичкарига жўнади (А.Қодирий. Меҳробдан чаён, 90-бет).

Тил воситаларидан нутқий фаолиятда фойдаланишда жамият томонидан ўрнатилган муайян ижтимоий, аниқроғи, маърифий ва маданий меъёрларга риоя қилиш қатъий талаб этилади. Нутқ маданияти назариясида тил меъёри марказий тушунча ҳисобланади. Тил маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил меъёрлари, асосий вазифаси эса ушбу меъёрдаги иккиланишларни бартараф этиш бўлмоғи керак. Нутқ маданияти ҳақида гап кетганда, табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри

дейилганда, албатта, маълум бир ўлчов (мезон)га асосланишимиз тайин. Мана шу ўлчов (мезон) тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади. Адабий меъёр – тил бирликларидан мақсадга мувофиғини танлаб олишдир. Маълум бир ҳудудда тарқалган узус имкониятлари ўша ҳудудда яшовчи аҳоли учун истисносиз тушунарли бўлади, яъни алоқани енгил амалга оширишга имкон беради. Бу тилнинг ўзи меъёрдан иборатлигини кўрсатади. Меъёр – тилнинг яшаш шаклидир.<sup>10</sup>

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лексик - семантик меъёр.
2. Орфоэпик меъёр.
3. Грамматик (морфологик ва синтактик) меъёр.
4. Сўз ясалиш меъёрлари.
5. Услубий меъёр
6. Имловий меъёр.
7. Пунктуацион (тиниш белгилари) меъёр.

Нутқ маданияти фани адабий тил меъёрларини, унинг тарихийлигини, тараққий этиб боришини ундаги баъзи бирликларнинг эскириши, улар ўрнида янги меъёрий бирликларнинг пайдо бўлишини кузатиб, қайд этиб боради. Бироқ мазкур фан адабий меъёрларни яратмайди, баъзи бир ходисаларни меъёр сифатида мажбуран киритмайди, балки ўзбек миллий адабий тили фаолиятини, унинг ривожланишини кузатиб боради, объектив конунларини кашф этади, шулар асосида тавсиялар беради.

Нутқ маданияти фани ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганар экан, шу адабий тил асосида вужудга келадиган барча нутқ турлари, адабий тилга асос бўлувчи халқ тили шевалари ҳам унинг объектига дахлдордир.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;
- б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ходиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгараётган, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, «ўлган», истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

---

<sup>10</sup> Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Тошкент: 1993, 38-бет.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама - қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари бўйича текшириши лозим.

**Кенг равишда услубий тармоқланганлик адабий тилнинг ўзига хос белгиларидан бири адабий тилнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклга эга эканлигидир.** Адабий тилнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг мураккаб, кўп қиррали вазифаларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклларда ўташидир. Ҳар қандай адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари юзага келиши ўз тарихига ва мураккаб қонуниятларга эгадир. Адабий тил ҳар икки шаклнинг пайдо бўлиши ҳам ўзига хосдир. Бу дастлаб адабий тил ёзма шаклининг юзага келиши, кейинчалик эса оғзаки шаклининг пайдо бўлишида кўринади.

Адабий тилларнинг ёзма шакли юзасидан кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Лекин адабий тил оғзаки шаклининг пайдо бўлиши ва шаклланиш қонуниятлари ниҳоятда кам ўрганилган. Шунини ҳисобга олиб биз қуйида бу масалага қисқача тўхталамиз.

Адабий тилнинг дастлабки намуналари илк даврда халқ жонли тилининг ёзувдаги ифодаси бўлган. Шу сабабли илк даврдаги ёзма ва оғзаки нутқ орасида шаклий фарқ кам бўлган. Ҳозирги маънодаги сезиларли хусусиятлар бўлмаган. Лекин ёзув, ёзма нутқнинг ўзи маълум маънода унга ижодий ёндашиш, уни эстетик-норматив баҳолаш натижасидир. Ёзув кишининг ўз тили, яъни ёзма нутқи устида ўйлашига, унга муайян ўзгартиришлар киритишига имкон беради. Ёзма тилда бадиий, илмий асарлар ижод қилиш, ёзишмалар олиб бориш эса қайд қилинган имконият чегараларини янада кенгайтирди ва чуқурлаштирди. Натижада муайян даврга келиб, ўзининг маълум хусусиятлари билан жонли оғзаки тил (халқ тили) намуналаридан (шева ва диалектлардан) фарқланувчи тил шакли юзага келади. Бу ҳозирги адабий тилнинг илк намунаси эди. Шундай қилиб, адабий тилнинг пайдо бўлишида ёзув муҳим ва белгиловчи роль ўйнади. Шу туфайли ҳам адабий тил дастлаб ёзма тил - ёзма адабий тил сифатида шаклланди. Ўзбек адабий тилининг пайдо бўлиши ва шаклланиши XI-XV асрларга тўғри келади.

**Адабий тил оғзаки шаклининг юзага келиши маълум шароитлар билан боғлиқдир.** Булардан энг муҳими адабий тилдан кундалик турмушда фойдаланиш заруриятининг пайдо бўлиши ва бу жараённинг кундалик ҳаётини эҳтиёжга айланиши билан боғлиқдир. Натижада адабий тилнинг ўзига хос алоҳида кўриниши **оғзаки адабий нутқ юзага келади** ва у ўзига хос хусусиятлари билан ёзма тилдан фарқ қилади.

Адабий тил оғзаки шаклининг пайдо бўлиши шева ва диалектлардан устун турувчи, қўлланиш доирасига кўра улардан устунлик қилувчи оғзаки

нутқнинг юзага келишидир. Оғзаки адабий нутқнинг юзага келиши ҳар қандай ривож топган миллий тилнинг ҳам муҳим белгисидир. Адабий тилнинг дастлабки даврларида адабий тилнинг икки шакли – ёзма нутқ ва оғзаки адабий нутқ бир-бирига қарама-қарши қўйиб келинган бўлса, адабий тилнинг миллий тиллик даврига келиб, адабий нутқнинг бу икки тури ўзаро яқинлашади, ўзаро бир-бирига ўтиб турадиган бўлиб қолади.

Шундай қилиб, адабий тил оғзаки шакли тилнинг миллий тиллик даврларида, яъни миллий тил шаклланиши даврида юзага келади. Бу пайтга келиб адабий тил оғзаки шакли учун зарурият туғилади. Муайян ижтимоий-тарихий шароитлар юзага келади. Адабий тил бу даврда кенг халқ оммаси ҳаётига кириб боради, у оғзаки нутқ тарзида қўллана бошлайди. Оғзаки адабий тилда гапирувчилар сони кенгайиб ва кўпайиб боради. Адабий тилнинг оғзаки шакли, худди унинг ёзма шакли каби мактаб ва маориф соҳаларига кириб боради, оғзаки нутқ радио, кейинчалик телевидение тилига айланади, оғзаки тилда кенг доирада билим берилади, оғзаки тарғибот ишлари олиб борилади. Адабий тилнинг оғзаки шакли унинг ёзма шакли каби маълум қоидаларга солинади, унинг меъёрлари белгиланади.

Адабий тил оғзаки шаклининг ёйилиши ва шаклланишида миллий театр, радио, телевидение тили, айниқса, ўрта ва олий таълим алоҳида аҳамият касб этади. Мана шундай шароитлар ўзбек адабий тили учун XX асрда юзага келди. Бу ҳол ўзбек адабий тили оғзаки шаклининг юзага келиши ва шаклланиши учун асос бўлди. Шундай қилиб, ўзбек адабий тилида янги компонент – **ўзбек адабий тилининг оғзаки шакли** пайдо бўлди.

Демак, ўзбек адабий тили алоқа қуроли сифатида икки шаклга эга: 1) **ўзбек ёзма адабий тили**; 2) **ўзбек оғзаки адабий тили**. Адабий тилнинг бу икки шакли ёзма адабий нутқ, оғзаки адабий нутқ деб ҳам юритилади.

Адабий меъёрнинг икки шакли мавжуд. Булар:

**1. Оғзаки шакли.** Оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ кизиқчилари, аскиячилари, латифагўйлари, халқ бахшилари катта ҳисса қўшганлар.

**2. Ёзма шакли.** Ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдирилган ёзма адабиётнинг хизмати каттадир.

Адабий тил меъёри ва унинг шаклланиш қонуниятлари нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади. Ўзбек адабий тилида, асосан, қуйидаги меъёрлар фарқланади: 1) **Лексик-семантик меъёр**; 2) **талаффуз (орфоэпик) меъёри**; 3) **сўз ясалиш меъёри**; 4) **грамматик меъёр**; 5) **услубий меъёр**.

**1. Лексик-семантик меъёр** луғатларда, хусусан, изоҳли луғатларда ўз аксини топади. Бу луғатларга биринчи навбатда адабий тил лексикаси

киради. Адабий меъёрдан ташқаридаги сўзларнинг маълум қисми ҳам изоҳли луғатдан ўрин олган, аммо улар “эск.” (эскирган), “с.т” (сўзлашув тили), “диал” (диалектал), “тар.” (тарихий) каби изоҳлар билан берилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (2 томли 1981й. Москва) га ҳозирги замон ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва фразеологик иборалар киритилган. Айтиш жоизки, бугун бу луғатдаги анчагина сўзлар ҳозирги адабий тилимиз меъёрларидан чиқди, бир қанча сўзлар меъёрга кирди. Шунинг учун янги 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тайёрланди. Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, миллийликка интилиш, табиийки, тилнинг луғат таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Рўй бераётган ижтимоий-сиёсий эврилишлар, қизғин жараёнлар асносида баъзи янги сўзлар истеъмолга кирган бўлса, айримлари эса, аксинча, буткул истеъмолдан чиқиб кетди. Ер юзида мутлақо соф бирорта тил мавжуд эмас, алоқа - аралашув жараёнида, биридан бошқасига сўз ўтади. Эътибор бериладиган бўлса, 90-йилларда ижтимоий-сиёсий-маъмурий терминология соҳасида луғатни ўзбек совет терминологиясидан олдинроқ мавжуд бўлган терминлар ҳисобига бойитишга интилиш сезилади. Бунда ХХ аср бошларида истеъмолда бўлган араб ва форсча сўзларга бой чиғатой адабий тили луғатини қайта тиклаш тенденцияси устуворлик қилганди. Мазкур тенденция 1989 йилги қонунда тарихий меросни ўрганиш масаласининг қайд этилиши билан боғлиқ равишда юз берганди. Бироқ бу йўл ҳам ўзини тўлиқ оқламади. *Газета, республика, аэропорт, журнал* каби русча-байналмилал сўзларнинг вақтинча *рўзнома, жумхурият, тайёрагоҳ, мажалла* сингари сўзлар билан алмашиниши тил истеъмолчилари бўлмиш халққа сингишиб кетмади, бунинг устига, ифодаланиши лозим бўлган маъноларни тўла акс эттира олмади. Шу сабабли юқоридаги сўзларга ўхшаш байналмилал сўзлар ўзгаришсиз қабул қилинди. *Министр* ва *министрлик* ёки *область* ва *район* каби сўзларнинг *вазир, вазирлик, вилоят, туман* сингари муқобилларига алмашиниши ўзини оқлаб, байналмилал сўзларни истеъмолдан сиқиб чиқарди. “Давлат тили ҳақидаги” Қонун қабул қилингандан кейин *автор, гонорар, группа, министр, область, программа, план, редактор, секретарь, текст, тема* каби рус тилидан ёки у орқали бошқа тиллардан кирган бир қанча сўзлар ўрнига тавсия этилган *муаллиф, қалам ҳақи, гуруҳ, вазир, вилоят, дастур, режа, муҳаррир, котиб, матн, мавзу* каби арабча, форсча сўзлар бугун ўзбек тилининг лексик меъёрига айланиб бўлди. Мустақилликдан сўнг французча *комитет* сўзини ўзбекча талаффузга мослаштириб, *қўмита* шаклида олинди ва у адабий лексик меъёрга айланди. “Кичкинтойлар нутқини ўстириш” номли бир китобда шундай жумла бор: *Тарбиячи хаттахта олдида икки нафар болани чақиради*. Бу сўз русчадан олинган *доска* сўзининг муқобили

сифатида ясалган, лекин лексик меъёр мақомини олмаган. Демак, фан ва технология ривожланиб борган сари янги-янги сўзлар тилимизга кириб келади. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар туфайли *маркетинг, менежмент, менежер, брокер, лизинг, биржа*; алоқа соҳасига оид *дизайнер, компьютер* каби бир қанча сўзлар ўзбек адабий тилининг луғат хазинасидан жой олиб улгурди.

**2. Ўзбек адабий тилининг талаффуз (орфоэпик) меъёрлари** деганда, нутқда айрим товушлар, уларнинг қўшилмаси, сўзлар, гапларнинг оҳанги (интонацияси) ва шу кабиларни тўғри талаффуз қилиш қоидалари назарда тутилади. Мазкур меъёрлар нутқ товушлари талаффузи, урғу, интонация, паузага оиддир. Бу меъёрлар ўзбек тилшунослари томонидан яратилган 2 та орфоэпик луғатда акс эттирилган. (Содиқова М., Усмонова Ў. Ўзбек тилининг орфоэпик луғати Т. 1977) (Асомиддинова М., ва бошқалар. Ўзбек адабий талаффузи луғати. Т.1984 й.) Лекин бу луғатлар анча эскирди.

Нутқ маданияти ҳақида гапирганда, сўз урғусининг муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳам қайд этиш лозим. Рус тилида урғу қоидалари беҳад кўп бўлиб, уларда хилма-хил хусусий ва истисно ҳолатлар бор. Ўзбек тилидаги урғу эса турғун бўлиб, санокли истисно ҳолатлар ҳисобга олинмаса, у асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади. Қўшимча қўшилгани сайин, урғу ҳам кўчиб бораверади. Масалан: *пахта, пахтақор, пахтакорлар, пахтакорларга*. Бу қоида кучли меъёр бўлиб, ҳеч қайси ўзбек унга амал қилишда янглишмайди. Лекин –ма (борма) –дек (гулдек), –та (ўнта), –ча (қишлоқча), юкламалар, шахс-сон (-ман,-сан, -миз, -сиз) кабилар ёки янги-янги, ҳозир-ҳозир, этик-этик, қатлама-қатлама каби урғунинг кўчиши каби истисно ҳолатлар унча кўп эмас. Адабий талаффуз меъёрларини белгилашда сўзлардаги товуш ва товуш қўшилмаларини тўғри айтиш алоҳида ўрин тутди. Масалан, *китоб, ҳисоб, мактаб, юзлаб, савод, обод, марварид* каби сўзларнинг охиридаги жарангли –б, –д ундошлари нутқда жарангсизлашади. Нутқда *китоб, ҳисоб, мактаб, савот, обот, марварит* тарзида айтилиши ўзбек тилининг деярли барча шеваларида учрайди. Шунга кўра бу ҳолат адабий талаффуз меъёри ҳисобланади. Шунингдек, сўз охиридаги 2 та ундошнинг талаффузда охириги 1та ундошнинг тушиб қолиши ҳам талаффуз меъёри сифатида қаралади. Масалан, *балан, поез, Самарқан, хурсан, дўс, гўш* кабилар. Шунингдек, сўз шакллари куйидагича айтилиши ҳам меъёрга айланиб бўлган: ушта (учта), бессўм (беш сўм), ушти (учди), кетти (кетди), туссиз (тузсиз) кабилар. Оғзаки нутқда *бўлса, келса, бўлган, келган* сингари сўзлар талаффузида л товушини тушириб қолдириш ҳам адабий орфоэпия меъёрига айланган.

Адабий талаффуз меъёрларининг бузилиши, аввало, шеванинг таъсири натижасида юзага келади. Болалиқдан шаклланган шевага оид артикуляцион

база ва шеванинг фонетик қонуниятларидан батамом қутулиш осон бўлмайди. Бунинг оқибатида, бухоролик ўтовушини фақат тил олди тарзида, хоразмлик отовушини, асосан, а тарзида ёки унга яқин тарзда талаффуз қилиши, тошкентлик *чойни* сўз шаклини *чойи*, *ошни* сўз шаклини *ошии* фарғоналик *чойди*, *ошти* тарзида айтиши каби кўплаб хатолар келиб чиқаверади.

Баъзан бир хорижий тилни мукамал биладиганлар нутқида нуқсонлар кўзга ташланади. Масалан, *январь* сўзини *йинварь*, *Япония* сўзини *Йипония*, *декан* сўзини *дэ'кан* ёки *пайнет* сўзини *пейнет* тарзида бегона акцент билан талаффуз қилиш ўзбекча талаффуз меъёрига зиддир.

Нутқида интонация ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, *баҳор* сўзи дарак, сўроқ, ундов гапларга айланиши мумкин. Интонациянинг ўзгариши билан гапнинг мантиқий мазмуни ҳам тамоман ўзгаради. Масалан, ўқитувчи ўқувчига мурожаат қилар экан, *жим ўтирасизми?* гапини бир интонация билан, яъни *жи-им ўтирасизми?* тарзида айтса, *жим ўтирманг*, *жавоб беринг*, мазмуни англашилади. Яна бошқа интонация билан, яъни *жим ўтирасизми?!* тарзида айтганда эса, *жим ўтиринг*, бўлмаса *жазолайман мазмуни* ифодаланади. Пауза ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, *катта/ мевали дарахт* (*дарахтнинг катталиги*), *катта мевали/ дарахт* гапида (меваси катталиги) назарда тутилмоқда. Ушбу гапда икки мазмун ўртасидаги фарқ тўхтамнинг тўғри қўйилишига боғлиқдир.

**3.Ўзбек тилида сўз ясалиш меъёрлари мавжуд.** Ҳар қандай ясаладиган сўз меъёр доирасида бўлиш керак. Агар шу меъёрга амал қилинмаса, тилнинг луғат таркибидан ўрин ололмайди. Масалан: -гич, (-ғич,- қич,- кич) қўшилмаси фаол ясовчи қўшимчалар бўлиб, феълга қўшилади, нарса-қурол отини ясайди. Масалан: *сузгич*, *қирғич*, *қисқич*, *кўрсаткич* каби. Бу қўшимчалар от туркумидаги сўзга қўшила олмайди. Мустақилликнинг илк йилларида форсча *-нома* ва *-гоҳ* қўшимчаларидан ҳам кўп сўзлар ясашга ҳаракат қилинди. *-нома* қўшимчаси матн турини билдирувчи от туркумидаги сўзга боғланиши керак, *-гоҳ* қўшимчаси эса ҳаракат содир бўладиган жойни билдирадиган сўзни ифодалайди. Бу қўшимчалардан ясалган баъзи сўзлар ўзидан олдинги лисоний истеъмолда бўлган русча-байналмилал сўзнинг маъносини тўлиқ ифодалаб беролмайди. Масалан, «ўйингоҳ» сўзи тўғри ясалган бўлса-да, икки сўз ўртасида семантик изоморфизм етишмаслиги сабабли «стадион» лексемаси ўрнини тўла босолмайди. Шунинг учун сўз ясашда лингвистик билим ва экспертиза жуда ҳам зарурдир.

Баъзи бир ёзувчи шоирлар турли бадиий эстетик мақсад асосида бу меъёрларни бузади ва унинг нутқи нотўғри деб ҳисобланмайди. Масалан,



М.Юсуф ижодида *қуёшистон, юртфуруш, булбулзабон, таҳораткаш* каби, А.Қодирий ижодида *қоронғузор* каби янги ясалмаларни ишлатади.

**4.Грамматик меъёрлар** морфологик ва синтактик меъёрлардан ташкил топади. Адабий морфологик меъёрларнинг нутқда бузилиши тез-тез учраб туради. Бу қаратқич келишиги билан тушум келишигини алмаштиришдир. Қоида бўйича қаратқич келишиги от сўз туркумига, тушум келишиги феълга боғланади. Аммо мазкур меъёр шевалар ва оғзаки нутқ таъсирида кучсизланади. Ҳозирги кунда бу келишикни алмаштириш ҳоллари кўп учрайди. (*дарахтни барги, талабани китоби* ва ҳ.к.) Қаратқич ва тушум келишиги нутқда белгили ва белгисиз қўллана олади, бунда ҳам тегишли меъёрлар бор. Белгили қўлланганда, аниқлик, таъкидлаш маънолари, белгисиз қўлланганда эса умумийлик маъноларини беради. Нутқда бир келишикнинг ўрнида бошқасини қўллаш ҳолатлари учрайди. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шева вакиллари нутқда ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишигини ишлатиш ҳоллари учрайди. Масалан, *Тошкентга ўқимоқ, далага ишламоқ, поездга келмоқ*. Бу ҳолатлар меъёрнинг бузилишидир. *Сенга битта гапим бор, ҳали поездга айтаман* дейилса, бошқа шева вакиллари томонидан “*сенга айтадиган гапимни сенга эмас, поездга айтаман*” тарзида кулгили мазмунни ифодалайди.

Тушум ва чиқиш келишигининг маъноси билан боғлиқ икки ҳолатни қиёсланг: узумни емоқ - узумдан емоқ. Қисмни –дан, бутунни –ни ифодалайди. *Узумдан наққос туширди* гапида келишик қўшимчаси нотўғри қўлланган.

**5. Синтактик меъёрларнинг** ҳам нутқда бузилиш ҳолатлари кузатилади. Эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашиши кучли меъёр, аммо бунда ҳам баъзи хусусий ўринлар борки, улар нутқ тузувчининг иккиланишига сабаб бўлади. Масалан, эга ва кесимнинг 3-шахс кўплик сонда мослашишини олиб кўрайлик. Эга кесим билан 3-шахсда кўпликда ҳамиша мослашиши шарт эмас, яъни эга шахсни билдирадиган сўз бўлганда, кесим кўпликда ҳам, бирликда ҳам келавериши мумкин. *Ўқувчилар мактабга келдилар. Ўқувчилар мактабга келди*. Лекин эга вазифасидаги сўз жониворлар ёки жонсиз нарсаларни билдирса, кесим асосан бирликда қўлланилади. *Гуллар очилди. Итлар вовулади. Барча таълим муассасалари қишга яхши тайёргарлик кўрдилар*. Бу гапда кесим бирликда қўлланилиш керак эди. Мантиқий кўплик билан грамматик кўпликнинг фарқига бормаслик ҳам синтактик меъёрнинг бузилишига олиб келади. Масалан, *Исроил армияси ушбу ҳудудда ҳарбий техникаларни кўпайтирганлар*. Тилдаги гапларнинг ранг-баранглиги ҳам нутқнинг тўғрилигини таъминловчи имкониятдир. Синтактик меъёрларнинг

бузилиши тилдаги гап моделлари – структур схемаларни ҳам яхши тасаввур қилмасликдан келиб чиқади. Масалан, рекламада берилаётган *Менда иштаҳа йўқ* жумласи ўзбекча гап модели асосида тузилган эмас.

Тил қанчалик ривожланган бўлса, унинг услубий меъёри ҳам шунчалик ривожланган, бойиган бўлади. Ўзбек тилида 5та нутқ услуби бор. Сўзлашув, бадиий, илмий, публицистик, расмий. Бу услубларнинг ҳар бирига хосланган грамматик шакллар, сўз, сўз бирикмалари, гап ва интонацион воситалар мавжуд. Ана шу хосланиш ўзбек адабий тили услубий меъёрларининг асосидир. Ҳар бир услубнинг ўзига хос тил хусусиятларини, услубий меъёрларини билмасдан туриб тузилган ҳар қандай нутқ маданий нутқ бўла олмайди.

“Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз” нақлини барчамиз биламиз. Демак, тилга эътиборсизлик унинг кейинги ривожи ва янги авлодини тарбиялашда, умумий саводхонлик ва юқори нутқ маданиятига эришишда салбий ўрин тутаяди. Ўзбек тили мавқеига путур етказаяди. Шунинг учун юқори нутқ маданиятига эга бўламан деган ҳар бир кишидан адабий тил меъёрларини пухта билиш ва тилда юз бераётган ўзгаришлардан воқиф бўлиб бориш талаб қилинади.

### **Назорат саволлари:**

1. “Нутқ маданияти асослари” фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчаларининг фарқи нимада?
3. Тил бойлиги қандай белгиланади?
4. Нутқ бойлигининг қандай имкониятлари мавжуд?
5. Нутқ одоби тушунчаси нимани англатади?
6. Нутқ маданиятини ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш зарур?
7. Адабий тил меъёрларининг аҳамиятини биласизми?

### **Глоссарий**

**1.Адабий тил меъёрлари** – бу кўпчилик тил ташувчилари томонидан тил воситаларидан бир хилда фойдаланиш мақсадида қабул қилинган қонун ва қоидалар.

**2.Нутқ** – сўзловчи ёки ёзувчи томонидан ҳосил қилинган матннинг ташқи шаклий кўриниши.

**3.Нутқ маданияти** – адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри, чиройли ва ўринли сўзлаш; тилдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш кўникма ва малакаларининг жами.

**4.Маданий нутқ** – адабий меъёрларга риоя қилиб тузилган нутқ.

**5.Адабий норма** – тил бирликларидан мақсадга мувофиғини танлаш.

**6.Нутқий этикет** - бу жамоат жойларида маълум бир қоидаларга амал қилишдир. Нутқий этикет бир томондан, тил бирликларини, иккинчидан, муомала қоидаларини ўз ичига олади.

**7.Диалектизм** – шевага оид бирлик.

**8.Жаргон** – ижтимоий шева, маълум ижтимоий гуруҳ нутқига хос бирликлар.

**9.Тил бойлиги** – тилдаги сўзлар ва иборалар миқдори ва шу тилнинг ифода воситалари, ифода усуллари.

**10.Нутқ бойлиги** – тилдаги ранг-баранг воситаларнинг нутқда ифодаланиши.

### **Адабиётлар:**

- 1.Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 13-жилд. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
3. Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 5-сон, 1975.
4. Соссюр де Ф. Труды по языкознанию. -Москва: Прогресс, 1977.
- 4.Къера Э. Они писали на глине. -Москва: Наука, 1984.
4. 5. Крамер С.Н. История начинается в Шумере. -Москва: Наука, 1991.
7. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Тошкент: 1993.
- 8.Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Тошкент: 1998.
- 9.Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. -Тошкент: Маънавият, 2004.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Нутқ маданияти фанининг мақсади ва вазифаси

1-илова

Нутқ маданияти лисоний - моддий ва амалий фаолият бўлиши билан бирга илмий жиҳатдан ўрганилувчи объект, материал ҳамдир.

Баъзи тилшунослар фикрича, ҳозирги кунда, нутқ маданияти, лингвостилистика, ономастика ёки топономастика каби фан соҳалари каби юзага келгандир.

Ҳозирги давр филологиясида кейинги вақтда тез-тез тилга олинаётган ва кўпгина илмий мунозараларга сабабчи бўлаётган ҳодисалардан бири **нутқ маданияти ёки тил маданияти** деб юритилаётган муаммодир.


Нутқ маданияти соҳаси мустақил муаммо ва ўз текшириш объектига эга бўлган фандир.

Нутқ маданияти ғоят мураккаб лингвистик тушунчадир. Бу масалага доир ҳар қандай мулоҳазалар чуқур илмий асосланган бўлиши керак.

Нутқ маданиятининг мантиқшунослик, одобшунослик (этика), нафосат (эстетика), руҳшунослик, педагогика, ижтимоийёт, психолингвистика сингари фанлар ёки фан соҳалари билан алоқадор томонларини аниқлаш, маданий нутқни белгилашда мантиқийлик, одоблилик ва гўзаллик, руҳий ва педагогик мезонларнинг тутган ўрнини ўрганиш, нутқ маданиятини маданият ва маънавиятнинг таркибий қисми сифатида тавсифлаш муҳимдир.

## 2.Нутқ маданияти соҳаси ва унинг ўрганиш объекти

2-илова



### 3. Нутқ маданияти асослари фанининг мазмуни

3-илова

1. Адабий тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш.
2. Фикрни содда, аниқ ва тушунарли ифодалаш.
3. Нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги, мантиқийлиги ва миллийлигини таъминлаш.
4. Тил воситаларидан ўз ўрнида танлаб, мақсадга мувофиқ фойдалана билиш.
5. Нутқ одобининг анъанавий талабларига риоя қилиш ва б.

### 4. Адабий тил меъёрлари

4-илова

#### Ўзбек адабий тили меъёрлари

Талаффуз – (орфоэпик) меъёри

Лексик –семантик меъёр

Сўз ясалиш меъёри

Грамматик меъёр

Услубий меъёр

## **2-МАВЗУ: Риторика тарихи ҳақида маълумот. Риторика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Риторика ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари**

### **Режа:**

- 1.Риторика илмининг вужудга келиши.
- 2.Риторика тарихи назарияси.
- 3.Риторика тарихида нотиклик маҳорати.
- 4.Ғарб нотиклиги мактабларининг шаклланиши.
5. Риторика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
6. Риторика ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари.

**Таянч сўзлар:** Риторика тушунчаси, риторика илми, софистлар, софизм, риторика мақсади: ишонтириш, роҳатлантириш, ҳаяжонлантириш, риторика манбаи, нутқ тузиш қоидалари.

### **Кириш**

Манбалардан бизга маълумки, теран ва таъсирчан фикрлар, жозибали сўзларнинг шахс нутқи орқали жонли оғзаки ифодаланиши риторика предмети саналади. Жонли мулоқот жараёнида фикрларимизни ифодалашда тилимиз орқали сўзлаш санъатининг чексиз гўзаллик касб этиши ҳам риторика предмети саналган. Шунинг учун ҳам риторика предмети қадим замонлардан бугунги кунгача ҳам кишилар руҳияти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи сўз санъати сифатида ўрганилиб келинмоқда. Олимлар риторика тарихидан келиб чиққан ҳолда унинг ўз текшириш объекти мавжуд деган хулосаларни беришмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда риторика ҳам фан сифатида ўз текшириш объекти ва вазифаларига эга. Унинг текшириш предмети нутқ сўзламоқчи бўлган нотикнинг нутқи, нотик нутқидаги сўзнинг қудрати, унинг гўзал ифодаси ва мафтункор хислатларини аниқлашга қаратилган.

Риторикани, биринчидан, тингловчилар эҳтиёжларини тушуниш, уларни қийнамаслик, атрофдагиларга ёқимли кўриниш, нутқи орқали уларга завқ улашиш мақсадида, иккинчидан, туриб гапириш талаб этилган вазиятда (ҳамманинг эътибори нотикда бўлганда) ўзига бўлган ишончни хис қилиш, одамлар билан эркин мулоқотга киришиш асосий талаб бўлганлиги, учинчидан, аниқ нутқий кўринишлар: маъруза тайёрлаш ва айтиб бериш, ишга алоқадор музокараларда иштирок этиш, хушомад ва табрик сўзларни

айтиш, жамоат орасида ўз фикрларини ҳимоя қила олиш, баҳсларда ўзининг ҳақлигини исботлашнинг аҳамияти барча даврларда ҳам муҳим бўлганлиги учун ўрганганлар.

Риторика — бу амалий жиҳатдан фикр ифодалаш жараёнида чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил меъёрлари ва уларнинг нутққа таъсири, нутқнинг сифатлари, нутқий қоидалар ва улар билан боғлиқ бўлган турли ҳодисаларни ўрганади. Шунингдек, нутқда учраши мумкин бўлган нуқсонлар ва талаффузга доир муаммоларни ҳал этиш юзасидан баҳс юритади. Энг муҳими, нотикқа ўз билими ва дунёқарашига суянган ҳолда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўлларини ўргатади.

Ҳар бир нотикнинг нутқи ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат нотикнинг ўзига хос услуби билан ўлчанади. Чунки ҳар бир нутқ эгасининг (яъни нотикнинг) нутқи бошқа бир нотик нутқига ўхшамайди. Бир нотикнинг нутқи тингловчига яхши тушунилади, воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ, равшан маълумот беради, унинг онгига таъсир этади, уни кулдиради, йиғлатади, ширин хаёлот оламига тортади, хулқига таъсир этади. Бошқа бир нотикнинг нутқи эса тингловчига унчалик ҳам ёқмаслиги мумкин. Агар нотикнинг нутқи ғализ, тушунарсиз бўлса, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни аниқ-равшан маълумотлар билан етказиб беролмаса, бунинг устига сўзлаш жараёнида талаффуз меъёрларига эътибор бермаса, тингловчи бундай нутқни тушунмайди, бекорга вақтини бой беради. Риторика назарий жиҳатдан нотик бўлишга ундовчи қонуниятларни ўрганадиган фандир. Бугунги кунда нотиклик санъатини ўрганишдан мақсад нима? Нотиклик санъатига эҳтиёжнинг боиси шуки, у миллий мустақиллик мафқурасини омма онгига сингдиришнинг воситаларидан бири ҳисобланади.

Нотиклик ва риторика санъатига оид асарлар, миллий адабий мерос намуналари, адабий тилга асос бўлувчи халқ тили шевалари, Давлат тили сиёсати ва унга оид ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат тилида иш юритиш қонун қодалари мажмуаси “Риторика” фанининг асосий объекти ҳисобланади. Бугунги кунда ҳар бир раҳбар кадр, қайси идорада ишлашидан қатъи назар, нотиклик малакасига эга бўлиши зарурдир. Раҳбарнинг нотиклигига фуқаро билан оддий мулоқот-муомаладан тортиб мажлисни олиб боришида ҳам, олий минбарлардан нутқ сўзлашгача бўлган жараёнлар киради. Шунинг учун ҳам риторикага бўлган қизиқиш қадимдан то бугунги кунгача ҳам сўнмаган.

Риторика – юнонча сўз бўлиб, қадимги юнон тилида rhej ”гапириш”, “қуйилиб келиш”, retor - “ритор”- нотик маъноларини англатган. Авваллари “ритор” сўзи умуман нотикларга нисбатан ишлатилган бўлса, кейинчалик нотиклик санъатига ўргатувчи махсус муаллимларни шу ном билан атаганлар.



Риториканинг ватани қадимги Юнонистон ҳисобланади, чунки риторика назарияси бўйича ишлар биринчи бор Элладада вужудга келган. Эрамиздан олдинги V асрларга келиб, халқ мажлислари ва беш юзлар кенгашида сўзини ўтказа олган кишиларгина давлат арбоби даражасига кўтариладиган бўлгани учун нотиклик асосларини ўрганишга қизиқиш кучайди. Ана шундай ижтимоий эҳтиёж туфайли тарихда софистлар деб аталувчи кишилар тоифаси вужудга келди. Софистлар “донолар” деган маънони англатиб, фозил файласуфларни шундай аташган. Бу даврда эса софистлар жаҳон маданияти тарихида биринчи бор пул олиб ўқитган профессионал савиядаги ўқитувчилар бўлиб, улар этика, риторика, грамматика, тарих, сиёсат, мифология ва космология каби фанлардан дарс берган. Софист-риторларнинг энг асосий вазифаси шогирдларини фикрлаш ва сўзлашга ўргатиш бўлган. Улар ёшларни профессионал ритор сифатида фаолият олиб бора олишлари учун амалий машғулотлар ташкил қилганлар ҳамда нотиклик санъатининг назарий асосларини ишлаб чиқиб, риторикани ўқитиш мазмунига аниқлик киритганлар. Софистлар ўргатадиган метод асосан 3 йўналишни қамраб олган:

- 1.Риториканинг умумий қонунларни назарий ва амалий ишлаб чиқиш.
- 2.Сиёсий ва судбоп матнларни тузиш ва уни талқин қилиш услублари.
- 3.Баҳс қоидалари.

Софистлар нотиклик санъатига инсон ўқиш ва меҳнат қилиш орқасида эришади деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун аввал фанларни чуқур ўргатиб, хотира машқларига, нутқ тузишга ва баҳслашишга кўпроқ эътиборни қаратганлар. Нутқ ишончли бўлиши учун махсус лексикадан фойдаланишни, гапларни тузганда, уларнинг уйғунлигига, жарангдорлигига аҳамият бериш кераклигини ўқитишган. Тажрибали нотиклар нутқини кузатишган, уларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилишган ҳамда ҳозиржавоблик бўйича мусобақалар ташкил этишган.

Антик риторикага Протагор, Продик, Горгий, Корақ ва Аристотель каби йирик софист–риторлар катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарлари бугунги кунда ҳам дастуруламал бўлмоқда ва софистлар томонидан киритилган терминология қўлланилмоқда. У даврда риторика “Барча фанларнинг маликаси” бўлган. Устоз-ритор сифатида Протагор ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта ишларни амалга оширган. У биринчи бўлиб нутқни классификация қилган, яъни нутқни 4 гуруҳга ажратиб, уларнинг илтимос, савол, жавоб ва буйруқлардан иборат эканлигини айтади. Протагор нотиклик санъатида фикрни грамматик жиҳатдан аниқ ифода этиш (ортоэпия) масаласига алоҳида эътибор берган ҳамда нотиклик санъатини эгаллашда муҳим бир компонент даражасига кўтарган. Бироқ Протагорнинг нима қилиб

бўлса ҳам (ҳийла ишлатиб), баҳсда ютиб чиқиш мақсадида тузилган нутқлар ҳақидаги фикрлари софистлар мактабининг камчиликларидан бири эди. Тарихдан маълумки, Протагорнинг ўзи ҳам ана шундай “Эватл софизми” нинг қурбони бўлди. Кунлардан бир куни Протагорнинг ёнига Эватл исмли йигитча келиб, нотик бўлишни орзу қилишини, шунинг учун унга нотиклик сирларини ўргатишни илтимос қилади. Улар ўзаро шундай шартнома тузадилар: Агар Эватл биринчи суд ишида ютиб чиқса, устозига ўқиш учун 10 минг драхм тўлайди. Ютқазса, ҳеч нарса тўламайди.

Эватл ўқишни тугатгандан кейин суд ишларида қатнашмайди ва ўқиш учун пул ҳам тўламай юраверади. Сабр косаси тўлган Протагор шогирдини судга беради. Протагор шундай аргументни келтиради: “Суднинг ҳар қандай қарорига қарамасдан Эватл ўқиш ҳақини тўлаши шарт. Ишни ютса ҳам, ютқазса ҳам. Агар ютиб чиқса, шартнома бўйича тўлаши, ютқазса, суд қарори бўйича тўлайди”.

Эватл эса: “У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам тўлашга мажбур эмасман. Агар ишни ютиб чиқсам, суд қарори бўйича, ютқазсам, шартнома бўйича тўламаслигим керак” дейди.

Тисий, Корақларнинг қўлланмаларида ҳам қандай қилиб бўлмасин, ўзини оқлаб кетиш йўллари ўргатилган. Бунинг учун ким ҳақу ким ноҳақлигининг фарқи бўлмаган, ишқилиб нотик ўз сўзига ишонтирса бўлди. Масалан, бир нимжон кишини бақувват киши урса, нимжон киши “мана мени урди, мана излари” деб ишонтириши мумкин. Бақувват киши эса “наҳотки мен урган бўлсам, урсам ўлдириб қўйган бўлардим-ку, бу нимжонни” деб ишонтириши мумкин бўлган.

Софистларнинг мана шундай фикрларини Суқрот қаттиқ танқид қилади. Суқрот барча нарсаларнинг мезонини ҳақиқат деб белгилайди. Суқрот ўз шогирдларини фикрлаш, далиллар келтириш, гапиришга ўргатган. Суқрот суҳбатларни шундай уюштириш керакки, охирида ҳақиқат юзага чиқсин дейди. Ушбу фикрларни Суқротнинг шогирди Платон янада ривожлантириб, нотиклик санъати ҳақиқатга асосланиши ва одамларни ишонтира олиш санъати бўлиши кераклигини таъкидлайди. Платоннинг янада қимматли бўлган фикрларидан бири бу нутқнинг инсон қалбига таъсир қилиши ғоясидир. Унингча, тингловчилар ҳар хил бўлади, шунинг учун нутқни кишиларнинг билим савиясини, даражаларини ҳисобга олган ҳолда тузилишини қайд қилади. Платон ҳам устози Суқрот каби ҳақиқий нотиклик санъати ҳақиқатга асосланиши керак деб ҳисоблайди. Нарсаларнинг асл моҳиятини билган нотик инсон табиатини англайди ва тингловчиларга ўз фикрини ўтказа олади.

Платоннинг нотиклик ҳақидаги фикрлари унинг шогирди Аристотель томонидан ривожлантирилди. Аристотель устозининг академиясида 20 йил таҳсил олди. Умрининг охириги йилларида Аристотель Ликей номли мактабни ташкил қилди. У ерда эрталаб фалсафа, тушдан кейин риторика билан шуғулланишган. Аристотелнинг риторика назарияси ҳақидаги қарашлари бизга 335 йилда ёзилган “Риторика” номли асари орқали етиб келган. Бу асар уч китобдан иборат бўлган:

1. Нутқ хизмат қилиши лозим бўлган тамойиллар таҳлили.
2. Нотик учун зарур бўлган шахсий хусусият ва қобилият.
3. Нотик нутқида қўлланиладиган нутқ техникаси, нутқ усуллари.

Асарнинг биринчи китобида ишонтиришнинг турли усуллари топиш хусусиятларини аниқлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилади. Буларнинг 3 тури мавжудлиги, биринчиси, сўзловчининг характериға, иккинчиси, тингловчининг кайфиятиға, учинчиси, нутқиға боғлиқ бўлади. Хуллас, олим 1-китобида сўзлаш тўғрисидаги назарий фикрларини баён қилади.

2-китобда нотик донолик, ўзига хайрихоҳ ва мойиллик уйғота олувчи хислатларға эға бўлса, тингловчиларни ишонтира олади, лекин буларнинг барчаси фақат ҳақиқатға асосланиши лозим деб ҳисоблайди. Нотик тингловчиларнинг ёши, ижтимоий аҳволи кабиларға доимо эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради.

2-китоб ишонтириш услублари ҳақидаги назарий фикр ва мулоҳазалардан иборат.

3- китобда нутқ мантиқиға жуда катта аҳамият берилади. Нутқ услубини тўғри танлаш, яъни ҳар бир предметға мос услубни қўллаш, барча учун тушунарли бўлган сўз ва сўз бирикмаларини танлаш, сунъийликка йўл қўймаслик, нутқ муסיқийлиги ва юксаклигиға катта эътибор қаратилган. Масалан, муҳим воқеалар енгил-елпи, ҳазил-хузул билан баён қилинмаганидек, мақтов нутқлари жиддий баён қилинмаслигини қайд этади.

Шундай қилиб, Аристотель ўз асарида нафақат нотиклик санъати назарияси, балки ишонтириш санъати ва нутқ орқали кишиларға таъсир этиш усуллари ҳам баён этди.

Антик риториканинг нотиклик санъати асосларига бўлган талаблари тизими қуйидагилардан иборат бўлган: Нотиклик санъатининг 3 тури фарқланган:

#### **I.Сиёсий ёки кенгаш нутқи:**

- 1.Ишонтириш нутқлари.
  - 2.Фикридан қайтарувчи нутқлар.
- Бунда нотик фойда ва зарар категориясидан келиб чиқиб нутқ сўзлаган.

#### **II.Тантанали ёки эпидейктик тур:**

1.Мақтов нутқлари.

2.Танбеҳ нутқлари.

Бунда нотик яхшилик ва ёмонлик категориясидан келиб чиқиб нутқ сўзлаган.

### **III.Суд нотиклиги:**

1.Айблаш нутқи.

2.Ҳимоя нутқи.

Бунда нотик ҳақиқат ва ноҳақлик категориясидан келиб чиқиб нутқ сўзлаган.

### **Нотиклик санъатининг 3 манбаи ва 3 мақсади классификация қилинган:**

1.Табиий истеъдод.

2.Назарий билим.

3.Амалий машқлар.

### **Нотиклик санъатининг 3 мақсади:**

1.Ишонтириш.

2.Роҳатлантириш.

3.Ҳаяжонлантириш.

### **Нутқ матни устида ишлаш жараёни 5 қисмдан иборат бўлган:**

1.Материални топиш.

2. Материални жойлаштириш.

3.Сўзда баён қилиш, ёзиш.

4.Эслаб қолиш.

5.Талқин этиш.

Ўша давр назарийчилари биринчи иш муайян мавзунини аниқлаб олиш, сўнгра шу мавзуга хос бўлган ва уни ёритувчи фактларни ўрганиш ва уларни тўплаш, 2-тўпланган ва ўрганиб чиқилган факт ва ҳужжатларни режа асосида жойлаштириш, 3-нутққа қўйилган талаблар асосида, яъни тўғрилиқ, аниқлик, ўринлилиқ ва юксакликка риоя қилган ҳолда ёзма шаклда баён этиш, 4-матнни хотирада сақлаб қолиш, 5-нотик ва нутқ шаънига мос равишда нутқ сўзлаш жараёни бўлишини ишлаб чиққанлар. Биринчи навбатда кириш қисмини яхшилаб белгилаб олиш, иккинчидан, уни баён қилиш, учинчидан далилларни келтириш, тўртинчидан, ҳақиқий ҳулосаларни келтириш турган.

Хуллас, олим М.Гаспаров айтганидек, антик қоидалар “ёш нотиклар учун яхши мактаб, етук нотиклар учун яхши қуролдир”.<sup>11</sup> Шунинг учун антик нотиклик сирларини ўрганиш, уларнинг энг илғор хусусиятларини ўзлаштириш ва амалда қўллаш олиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>11</sup> М.Л.Гаспаров. Цицерон и античная риторика. (Қаранг:Цицерон. Три трактата об ораторском искусстве. – С.25.)

## РИТОРИКА ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

“Риторика” фани тилшуносликнинг барча бўлимлари билан боғлангандир. Чунки нутқда тилнинг бирорта соҳаси қатнашмай қолмайди. Ҳар қандай нутқда тилнинг фонетикаси, лексикаси, грамматикаси ва услуби ҳам иштирок этади. Ўзбек тилидаги мавжуд грамматик шакл ва категорияларнинг адабий меъёрлашганларини нутқ мақсадига мосини танлаш асосида тўғри нутқ тузиш нутқ маданияти учун асосий жиҳатдир. Тилнинг луғат бойлигини етарли даражада билмасдан, сўзларнинг маъносини, сўз маъносининг тараққиётини, сўзларнинг бир-бирига муносабати каби масалаларни билмасдан туриб яхши нутқ тузиш мумкин эмас. Бу нотиклик санъати ва лексикологиянинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Антик риторикага ўз хиссасини қўшган нотик Протагор фикрни грамматик жиҳатдан аниқ ифода этиш ҳақидаги билим тармоғи бўлган ортоэпия риториканинг муҳим қисмларидан бири бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган. Нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан тўғри бўлиши, барча учун тушунарли бўлган сўз ва сўз бирикмаларни қўллаш лозим бўлган, акс ҳолда бундай нутқ маданиятсиз ҳисобланган.

“Риторика” фани мантиқ ва руҳшунослик фанларига суяниб иш кўради. Чунки мантиқ сўзлар ва бутун бир гапдан чиқадиган тушунчаларни белгилайди. Сўзларнинг маъноси ва ифодаланаётган тушунча ўртасидаги муносабатни мантиқ текширади. Мантиқ сўзлар, бирикмалар ва гаплар орасидаги маъно алоқаларини таъминлаш учун хизмат қилади. Мантикий фикрлаш, мантикий хулосалар чиқариш шахснинг дунёқараши ва илмий-назарий савияси билан боғлиқ бўлади.

Нутқ қурилиши ўринли ёки ўринсиз бўлиб кўринадиган ҳолатларда руҳшуносликка мурожаат этилади. Руҳшунослик ўринсиз айтилган гаплар инсоннинг руҳий ҳолатига қандай таъсир этишини аниқ, назарий ва илмий асослар билан ёритиб беради. Тилнинг ўринсиз қўлланадиган у ёки бу воситаси кишилар руҳий ҳолатига қай даражада таъсир этишини руҳшунослик ифодалайди. Нотик турли вазиятларда ҳар хил одамлар ўртасида бўлади, шунинг учун у ўз нутқини шуларни ҳисобга олган ҳолда тузиши лозим бўлади. Жумладан, муайян нутқни баландпарвоз ёки қуруқ ва суст услубда сўзланмаган. Нотиклар нутқини одамларнинг кайфияти, ижтимоий аҳволи ва муҳитни эътиборга олган ҳолда сўзласа, мувафакқиятга эришган. Шунингдек, инсон онгига, руҳий ҳолатига ва таъсирига кўра тилнинг тасвирий воситалари нималардан иборат эканлигини ҳам руҳшунослик аниқлаб беради. Антик нотиклар кишиларнинг ва суд ҳайъатининг руҳий

ҳолатига таъсир қутувчи усулларни жуда усталик билан қўллаганлар. Масалан, нутқнинг хулоса қисмида улар ўзига нисбатан хайрихоҳлик ва ҳамдардлик, рақибга нисбатан нафрат уйғотишда пафос, этос ва юмордан моҳирона фойдаланганлар. Шу усуллар орқали нотиклар тингловчилар руҳиятига катта таъсир ўтказганлар.

Руҳшунослик кишиларнинг нутқий малакаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш жараёни ҳамда воситаларини, уларнинг мукамаллашувини ўрганиш орқали “Риторика” фанига ёрдам беради.

Бундан ташқари, “Риторика” фани нафосат, гўзаллик ҳақидаги фан бўлиб, эстетика, адабиёт назарияси, адабиётшунослик билан ҳам алоқадордир. Бу алоқадорликнинг умумий шакли инсон нутқининг шаклланиши ва тингловчига таъсирини белгилаб беради. Чунончи, Афина нотиклик санъатининг буюк намояндаларидан бири Горгий ўз нутқ матнларини поэтик юксаклик даражасига кўтара олган. У нутқда нафис ифодалар, эпитетлар ва образли ибораларни қўллаган. Булар “горгий фигуралари” сифатида машҳур бўлиб кетган. Қочирим фигураларга метафора, метонимия, синекдоха, перифраза, гипербола, фикрий фигураларга риторик сўроқ, ундов, мурожаат, сўзлар фигурасига қайтариқ, анафора, эллипс, антитеза кабилар кирган. Масалан: *Мен ўзим хоҳлаганимда ҳам бундай сотқинликни қилмаган бўлардим; агар бундай сотқинлик қўлимдан келганда ҳам уни қилмаган бўлардим.* Унинг нутқларидаги ритм, мутаносиблик, кўтаринки руҳ ва гўзаллик ҳар қандай тингловчини ўзига мафтун этган.

Антик нотиклар ва назарийчилар талқин этиш жараёни олдида ҳам жуда катта талаблар қўйган. Талқин назариясини биринчи бўлиб Феофраст ишлаб чиққан бўлиб, у бу жараёнга классик театр актёрларининг тажрибасини асос қилиб олди. Феофраст назарияси ва методикасига кўра, нотикнинг овози жарангдор, ёқимли, таъсирчан ва маъно оттенкаларига бой бўлиши билан бирга, қадди-қомат ҳам шуларга мутаносиб бўлиши талаб қилинарди. Бу экстралингвистик воситаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлганлигини кўрсатади. Феофраст томонидан имо-ишораларга оид тизим ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига хос бўлган талқин асослари, яъни ишора, мимика, поза кабилар билан боғлиқ қоидалар тизими баён қилинган.

Айтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, риторика санъатини эгаллаш учун грамматика, адабиёт, этика, психология, тарих, мифология, сиёсат каби фанларни чуқур ва пухта билиш талаб қилинган.

## **Риторика ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари**

Маълумки, нотиклик санъати ва нутқ маданияти тушунчалари ҳақида турлича илмий фикрлар айтилмоқда. Бу икки тушунча ҳақидаги олимлар ва мутахассисларнинг илмий-назарий фикрлари турличадир. Илмий адабиётларда бу икки тушунча бир-бирига яқин, аммо ўрганиш объекти мавжуд эканлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд. Булар куйидагилар:

1. Риторика фани қадимий тарихга эга ҳисобланади. Нутқ маданияти эса илмий соҳа сифатида энди шаклланиб, ривожланиб келмоқда.
2. Риторика ҳамма шароитга мувофиқ ягона андозага эга эмас, турли давраларда турлича қарашлар асосида шаклланиб келган. Нутқ маданияти эса жамият аъзоларига адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ шароит ва услуб тақозосига кўра ўринли фойдалана олиш кўникмасини беради.
3. Риторика аниқ бир шахс - нотик ёки нотиклар гуруҳи муаммолари билан шуғулланади. Нутқ маданияти эса умумхалқ нутқи муаммоларини назарда тутади.
4. Риторика кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантиқий асосларига, мундарижавий тузилишига эга бўлса, нутқ маданияти эса кўпроқ нутқнинг тил тузилишига эътибор қаратади.
5. Нотиклик санъати, аввало, нотикдаги мавжуд қобилият ва истеъдод билан боғлиқ бўлса, нутқ маданияти кенг халқ оммасини саводхон қилишга қаратилган соҳадир.
6. Риторика нотикнинг қобилияти ҳамда истеъдодини ўрганувчи илм, нутқ маданияти эса адабий тил ва унинг меъёрларини ўрганувчи илмдир.
7. Нотиклик санъатини ўрганиш ва моҳир нотик бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳар бир шахс нутқ маданиятини мукамал ўзлаштиргани ҳолда нотик бўлолмаслиги мумкин. Лекин ҳар бир нотик адабий тил ва нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.
8. Риторика тор ва маҳсус соҳа бўлса, нутқ маданияти кенг қамровли соҳадир.
9. Риторикада санъаткор нотик нутқи кўпчиликка мўлжалланади. Нутқ маданияти эса кўпчилик билан бўладиган адабий суҳбатлардан ташқари, яқка шахсга қаратилган нутқда ҳам иштирок этади.
10. Риторика нотикнинг нутқий маҳорати ва санъатини ифодаласа, нутқ маданияти бутун халқ нутқини маданийлаштириш муаммолари билан шуғулланади.
11. Нотиклик санъати нутқнинг фақат оғзаки шакли, нутқ маданияти эса

ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклга тааллуқли тушунчадир.

12. Риторикада сўзга чечанлик, таъсирчанлик устувор бўлса, нутқ маданияти адабий тил билан боғлиқ ҳодисадир.

Юқоридаги тафовутлар ҳар иккала фаннинг бир-бирига яқинлигидан ташқари алоҳида хусусиятларга ҳам эгаллиги боис, алоҳида-алоҳида фанлар сифатида фаолият кўрсатишига имконият беради. Риторика илмидан тўла хабардор бўлган ҳолда нутқий маданиятга эга бўлиш имкониятларини яратади.

### Назорат саволлари

1. Риторика сўзининг маъносини биласизми?
2. Риторика фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлган?
3. Антик риторика ҳақида нималарни биласиз?
4. Риториканинг бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида нималарни биласиз?
5. Риторика фани билан нутқ маданияти фанининг фарқли томонлари нимада?
6. “Риторика” асарининг муаллифи ким ва у ҳақида нималарни биласиз?
- 7.

### Глоссарий

**Риторик** – риторикага, нотиклик санъатига оид сўз.

**Риторика** – нотиклик назарияси ҳақидаги таълимот. Нотикқа ўз билими ва дунёқарошига суянган ҳолда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўллари йўргатади.

**Пафос** – юксак даражали туғёнкор ҳис-ҳаяжон.

**Этос** – ғоят мулойим, меъёрли ҳис-ҳаяжон.

**Юмор** – кулги ва истехзо кучи билан рақибнинг даъво ва далилларини йўққа чиқариш.

**Нафосат** – нафислик, гўзаллик, нафосат.

**Мантиқ** – нутқ, тил, сўзлаш деган маъноларни англатади. Гап, фикр, ҳаракат ва шу кабининг ақлга монандлиги, асослилиги.

**Эстетика** – 1. Нафис санъат ва бадий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти ва шаклларини, инсон ва одам ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганувчи фалсафий фан. 2. Бирор нарсанинг гўзаллиги.



### Адабиётлар:

1. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1973.
2. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
3. М.Л.Гаспаров. Цицерон и античная риторика. (Қаранг: Цицерон. Три трактата об ораторском искусстве. –М.:Наука, 1972. –С.25.)
4. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
5. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. (Маърузалар матни). – Т.: 2009.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Нотиқлик санъатининг турлари

1-илова

#### I. Сиёсий ёки кенгаш нутқи:

1. Ишонтириш нутқлари.
2. Фикридан қайтарувчи нутқлар

#### II. Тантанали эпдейктик тур:

ёки

1. Мақтов нутқлари.
2. Танбеҳ нутқлари.

#### III. Суд нотиқлиги:

1. Айблаш нутқи.
2. Ҳимоя нутқи.

### 2. Нотиқлик санъатининг 3 манбаи

2-илова

1. Табиий истеъдод.

3. Амалий машқлар.

2. Назарий билим.

### 3. Нотиқлик санъатининг 3 мақсади

3-илова

1. Ишонтириш.

2.Роҳатлантириш.

3.Ҳаяжонлантириш.

### 4. Риторика фан сифатида

4-илова

“Риторика” фани нафосат, гўзаллик ҳақидаги фан бўлиб, эстетика, адабиёт назарияси, адабиётшунослик билан ҳам алоқадордир. Бу алоқадорликнинг умумий шакли инсон нутқининг шаклланиши ва тингловчига таъсирини белгилаб беради.

### 5. Риториканинг ўрганиш объекти

5-илова

Риторика — бу амалий жиҳатдан фикр ифодалаш жараёнида чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил меъёрлари ва уларнинг нутққа таъсири, нутқнинг сифатлари, нутқий қоидалар ва улар билан боғлиқ бўлган турли ҳодисаларни ўрганади. Шунингдек, нутқда учраши мумкин бўлган нуқсонлар ва талаффузга доир муаммоларни ҳал этиш юзасидан баҳс юритади. Энг муҳими, нотиққа ўз билими ва дунёқарашига суянган ҳолда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўлларини ўргатади.

### 3- МАВЗУ: Ғарб нотиқлик санъатининг шаклланиши. Грек ва Рим мактаби вакиллари

#### Режа:

- 1.Ғарбда нотиқлик мактабларининг шаклланиш тарихи.
- 2.Грек нотиқлик мактабининг шаклланиши.
- 3.Рим нотиқлик мактабининг шаклланиш даври.
4. Нутқ турларининг шаклланиши.
- 5.Ғарб нотиқлик мактаби намояндалари.

**Таянч сўзлар:** Беш юзлар кенгаши, суд органи, халқ мажлислари, демократия, сиёсий нотиқлик, суд нотиқлиги, эпидейктик нутқ, синегор, логограф, диалогик мулоқот, уйғунлашган мулоқот, фикрий мулоқот.

#### Кириш

Нотиқлик санъати Қадимги Юнонистонда вужудга келди ва катта маъкега эришди. Нотиқлик санъати ҳақидаги илк маълумот Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида келтирилган. У ўз асарида Менелай, Нестор, Ахилл, Одиссей каби машхур нотиқлар бўлганлиги, улар нотиқлик санъатининг тўрт йўналишига мансублиги, нотиқлик мактабларида тахсил олганликлари, хусусан, Ахиллнинг Феникс номли сўз устаси дарсхонасида сабоқ олганлиги ҳақида қайд этади. Гомернинг нотиқлик намояндаларини ўз асарларига киритганлиги қадимги Юнонистонда нотиқлик санъатининг юксак камол топганлигини кўрсатади.

Қадим Юнонистонда нотиқлик санъатининг ривожига демократия сабаб бўлган. Булар:

Беш юзлар  
кенгаши


Халқ  
мажлиси

Суд органи

Беш юзлар кенгашида давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар бўйича киритиладиган таклифлар, қонун-қоидалар лойиҳасини тузиб, муҳокама этиларди. Ана шу жараёнда Кенгаш аъзоси муҳокама этилаётган масала ёки лойиҳа бўйича ўз фикрини айтар, лойиҳани киритувчи ёки масалани

кўтарувчи кенгаш аъзолари эса ўз нуктаи назарларини эркин тарзда ҳимоя қилиб, ҳар томонлама асослаб, узундан-узок нутқ сўзлардилар. Ана шу нутқ ва эркин муҳокама жараёнида масалани кўтарувчи Кенгаш аъзоси ўз позициясини ҳимоя қила олса, лойиҳа қабул қилинар, асослай олмаса, қабул қилинмас эди. Ана шундай сўз эркинлиги, яъни демократия нотиклик санъатининг тараққиёти учун қулай замин яратди. Кенгаш нотиклиги сиёсий характерга эга бўлганлиги учун бу тоифага мансуб нотикларнинг кўпчилиги ўз мавқеига кўра сиёсий ёки ҳарбий нотиклар бўлиб, улар ижтимоий-сиёсий нотикликнинг вужудга келишига сабаб бўлдилар.

Ижтимоий-сиёсий нотикликнинг йирик намояндаларидан бири Периклдир. Периклнинг нотиклик маҳорати ҳақида Эвполид шундай дейди:



”У сўзда донолиги жиҳатдан ҳаммадан устун туради. Унинг лабларига ишонтириш худоси макон қурган: у шу қадар мафтун эта олардики, нотиклар ичида, тингловчиларида ўз ништарини қолдирадиган яккаю яғонаси эди.”

Нотик-Периклнинг ибрат бўладиган хислатларидан бири шундаки, у юксак маҳоратга эга эканлигига қарамай, то пухта тайёргарлик кўриб, нутқ матнини кўнгилдагидай қилиб тўла-тўқис ёзиб олмагунча, сира минбарга чиқмаган. Плутархнинг айтишича, одамлар қайсарлик қилиб талаб қилганда ҳам, тайёрланиб улгурмаганлигини айтиб, сўзга чиқмаган. У ўз нутқида мантиқ масаласига алоҳида эътибор берган. Бунинг учун у нутқида қўлланадиган факт ва ҳужжат, мисол ва далилларни шундай жойлаштирганки, натижада, унинг нутқини эшитган тингловчида нотик позициясининг тўғрилигига ҳеч қандай шубҳа қолмаган. Перикл нутқ матнларининг тилига ва унинг талқини жараёнидаги талаффузига ҳам эътибор бериб, ўз фикрларини образли ифодалашга ҳаракат қилган.

Юнон демократиясининг иккинчи ҳал қилувчи органи – қонун чиқарувчи Халқ мажлиси эди. Беш юзлар муҳокамасидан ўтган масала ва лойиҳаларни кенг умумхалқ муҳокамасига кўйишар ва ана шу муҳокама натижасида муайян масала ёки лойиҳа қабул қилинарди ё узил-кесил инкор

этиларди. Шу жараёнда фуқароларнинг барчаси эркин иштирок этиш ва эркин муҳокама юритиш ҳуқуқига эга эди. Демократик асосга эга бўлган бундай муҳокама ва мунозаралар жараёнида шаҳар фуқаролари орасидан ўнлаб забардаст нотиклар етишиб чиқар ва улар минг-минг кишилардан иборат кенг муҳокама этувчи аудиториялар олдида юртдошлари манфаатини, ўз давлати манфаатини ва ўзларининг хусусий позицияларини ҳимоя қилиб нутқ сўзлардилар. Бу ҳол кенг омма орасида нотиклик санъатининг ривожланиши учун жуда қулай шароит яратди. Чунки нотиклик санъати ҳар бир фуқаро учун эҳтиёжга айланган эди. Улар нотиклик санъатининг асосларини эгаллаш учун курашар ва мақсадга эришиш учун махсус устоз-ўқитувчилардан дарс олишарди. Бадавлат оилалар эса ўз болаларини болалик чоғиданоқ шу санъат сирларидан хабардор этишга уринар ва фарзандларини махсус нотиклик мактабларига бериб ўқитарди. Ўз-ўзидан маълумки, ана шу оммавий эҳтиёж туфайли нотиклик санъатининг бошланғич, ўрта ва олий таълим даражасидаги мактаби мавжуд бўлиб, уларда минглаб кишилар таълим оларди. Шухрат қозонган мактаблардан бири Исократнинг мактабидир. Исократ эрамиздан аввалги 436-338 йилларда яшаган. У нотиклик, фалсафа ва юриспруденция соҳасида Сукрот, Лисий, Горгий каби забардаст олимлардан сабоқ олади. У 329 йили Афинада нотиклик мактабини очади ва унда 40 йил устозлик қилади. Ўша даврда Исократ мактаби ўзининг етук, пухта билим бериши билан шухратга эга бўлди. Шунинг учун ҳам бу мактабга фақат афиналиклар эмас, балки Юнонистоннинг барча бурчакларидан ўқувчилар оқиб кела бошлайди. Бу эса Исократ мактабининг шухрат топишига имкон яратади. Ўша даврда бу мактабдан кўплаб нотиклар (жумладан, Демосфен) етишиб чиқадилар.

**Суд нотиклиги** Юнонистонда энг катта мавқе ва эътиборга, амалий аҳамиятга молик бўлган нотиклик турларидан биридир. Антик демократия қоидаларига кўра ҳар бир эркин фуқаро хоҳлаган пайтида, хоҳлаган иши бўйича судга мурожаат этиши ва ўз манфаатини ҳимоя қилиши мумкин бўлган. Суд жараёнида суд ҳайъати чинакамига демократик, одилона позицияда турар, суд ҳукмининг қайси томон фойдасига ҳал бўлиши кўпинча уларнинг нотиклик санъатидаги маҳоратига боғлиқ эди. Қайси томон ўзининг мантиқий фикрлари, асосли далиллари орқали ишонтириш кучига эга бўлиб, суд ҳайъатини ишонтира олса, ҳукм ўшанинг фойдасига ҳал бўлар эди. Антик суд жараёнининг демократик қоидаларига кўра, ҳар ким ўзини ҳимоя қилиши мумкин эди. Бироқ ҳамма вақт ҳам суд жараёнида етук нотик бўлган рақибларининг тазйиқига дош беришлари қийин кечар эди. Шунинг учун ҳам антик суд тизимининг қоидаларига мувофиқ кучли нотиклар тазйиқига учрамасликлари учун бундай кишиларга улар номидан сўзловчи

нотиклардан ёрдамчи олишга рухсат бериларди. Улар синегорлар ва логографлар деб аталган.

**Синегорлар** суд жараёнида бошқа бировнинг манфаатини кўзлаб нутқ сўзловчи кишилардир. Синегорлар нотиклик санъати ва ҳуқуқшуносликдан махсус таълим олган кишилар бўлган. Улар олган ишларини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқиб, уни юриспруденция қоидалари асосида ёзиб, нотиклик маҳоратларини ишга солиб, суд жараёнида ғолиб чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу уларнинг тайёрлаган нутқ матнлари ва ижро маҳорати билан боғлиқ бўлган.

**Логографлар** эса нутқ матнларини тузиб ёки ёзиб берувчи иқтидорли кишилар бўлган. Улар қонуншунос мутахассис, таъсирчан, мантиқий, изчил ва ишонтирувчи нутқларнинг ёзувчиси, ўрни келганда нотик сифатида ўз ҳимояларидаги кишиларни кенг омма олдида, демократик суд олдида оқлаб чиқувчи билимдон шахслардир. Логографлар кишининг ёши, мавқеи ва бошқа жиҳатларига қараб нутқ матнларини ёзганлар ва ҳимояланувчига мана шу матнларни маҳорат билан ижро этиши учун репетиция ҳам қилдирганлар. Шундай қилиб, нотиклик санъатининг ривожланишига, хусусан, суд нотиклиги тараққиётига синегорлар ва логографлар улкан ҳисса қўшганлар.

Нотиклик турларидан яна бири **эпидейктик**, яъни тантанали нотикликдир. **Эпидейктик** нутқ кўриниши нотиклик санъатига бўлган катта қизиқишнинг маҳсули бўлиб, фақатгина суҳанпардозлик мақсадини кўзда тутарди. Бу нутқдан кўзланган мақсад, ўз нотиклик маҳоратини намоён этиш, нотиклик санъатининг барча имкониятларини ишга солиб, тингловчиларга эстетик завқ бағишлашдан иборат эди. Эпидейктик нотикликда баландпарвоз сўзлар ишлатилар, шу боис ҳам бундай нутқ матнини тайёрлаш анчагина изланишни талаб қиларди. Натижада логографлар ўзларидан олдинги нотикларнинг меросига ва халқ оғзаки ижодига мурожаат эта бошладилар. Шу туфайли чиройли сўзлаш санъати аста-секин шаклланиб, бадий адабиётнинг ривожига муҳим аҳамият касб этди, яъни трагедия, комедия ва роман жанрларининг туғилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Энг муҳими, нотиклик санъатининг ривожига адабий тилнинг шаклланишига, шунингдек, нотиклик санъати назарияси бўлмиш “Риторика” илмининг вужудга келишига сабаб бўлди. Римдаги барча шоирлар ва нотиклар шу мактабдан, яъни риторика мактабидан таълим олганлар.

Нотиклар томонидан яратилган нутқ матнлари насрий ва поэтик ижод намунаси саналган. Тантанали нутқ матнлари шу қадар гўзал, силлиқ, бадий ва лингвистик безакларга бой ҳолда тузилганки, уларни ўқиб чиқишнинг ўзи ҳам катта завқ-шавқ беради. Истеъдодли нотик талқинида эса бу нутқлар

ажойиб артистона ижрочиликка айланиб кетган ва тингловчиларга катта эстетик завқ бағишлаган. Шу нуқтаи назардан Юнон нотиклигининг эпидейктик кўриниши ўз ижтимоий мавқеига кўра бадий-эстетик ижод характериға эға бўлган. Умуман, ёзма адабиётнинг пайдо бўлишида, нафис адабиётнинг гўзал лирик шаклларининг юзаға келишида эпидейктик нотикликнинг таъсири жуда катта бўлган.

Юнонистонда бўлганидек, Римда ҳам нотикликнинг, асосан, уч турини кўрсатиш мумкин:


1. **Суд нотиклиги** - оқловчи ва қораловчи нутқлари асосида шаклланган.

2. **Сиёсий нотиклик** – турли дипломатик ёзишмалар асосида шаклланган.

3. **Мақтов нотиклиги** – ўша даврнинг юқори табақа вакиллари ва мансабдор шахслар номиға айтиладиган мақтов матнлари ҳисобланади.

Булардан ташқари, Юнонистонда бўлганидек, нотиклик санъатини ўқитиш учун хизмат қилувчи ўқув - машқ нотиклиги ҳам мавжуд эди. Бундай нотикликнинг асосий вазифаси нутқ назариясига асосан нотиклик мактабида нотикларнинг шаклланиши учун хизмат қилган. Кейинчалик Римда урушнинг кучайиб кетганлиги ҳарбий саркардалар нутқининг ривожланишиға ҳам имкон берди. Натижада Ғарбу шарқда машҳур ҳарбий нотиклар пайдо бўла бошладилар. Уларнинг вазифаси урушда аскарларни ғалабаға чорлашдан иборат бўлган.

Нотиклик санъатининг йирик намояндаси Цицерон бу санъатға юксак баҳо бериб, икки хил санъатни — лашкарбошилиқ ва нотиклик санъатини тан олади: «Тарихда ном қолдириш учун ё яхши саркарда, ё яхши нотик бўлиш керак». Бундай ижодкор нотикларнинг номи ўз мамлақати доирасидан чиқиб, жаҳонға маълум ва машҳур бўлган. Аристотель, Демосфен ва Цицерон, Лисий, Катон, ака-ука Гракхлар шулар жумласидандир.





## Аристотель (384-322)

Марказий Осиёда Арасту номи билан машхур бўлган Аристотель эрамиздан аввалги 384 йилда Стагирда (Македония ярим ороли) шифокор оиласида дунёга келди. Унинг отаси Никомах Александр Македонскийнинг набираси подшо Аминти II саройида шифокорлик қилган.

Аристотель 17 ёшида Афинага келади ва бу ерда ўз замонасининг машхур олимларидан бўлган Платонга шогирд тушади. Платоннинг вафотидан сўнг Аристотель 347 йили Афинадан Троад томон ўтиб, Ассосга боради. Чунки бу ерда устозининг тарафдорлари кўп эди. Унга, айниқса, зўравон, золим Гермий ҳомийлик қилади. Аристотель Гермий вафотидан сўнг Лесбос ярим оролидаги Митилен шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда 342 йилгача яшайди. 342 йили Македония подшоси Филипп ўзининг Александр номли 13 ёшли ўғлининг тарбияси учун Аристотелни Митилендан чақириб олади. Бу ерда у фалсафа мактабини очади ва катта кутубхона ташкил қилади.

Шу даврда Грецияда чиройли сўзлашга қизиқиш кучайиб кетган эди. Натижада қатор нотиклик мактаблари очилади. Бу мактаблардан ўз даврининг сўз санъати усталари тайёрланарди. Кейинчалик чиройли сўзлаш ҳақидаги қўлланмалар майдонга кела бошлади. Шундай асарлардан бири Аристотелнинг “Риторика” номли китобидир. Буюк олим уни машхур “Поэтика” номли асаридан сўнг, яъни эрамиздан олдинги 330 йилларда Афинага сўнгги марта қайтиб келганда ёзган эди.

Маълумки, унгача Анаксимон, Лампсак ҳам “Риторика” номли қўлланма яратган эди. Бу икки асар бир-бирига тамоман ўхшамайди. Уларнинг биринчиси қўлланма бўлса, иккинчиси чиройли сўзлаш назарияси бўйича илмий мулоҳазалардан иборат эди.

Аристотелнинг “Риторика”си уч китобдан ташкил топган. Асарнинг биринчи ва иккинчи китоблари, асосан, чиройли сўзлаш, ишонтириш услублари ҳақидаги назарий фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлса, учинчи китобида нутқ мантиқига жуда катта аҳамият берилади. Олимнинг нутқ назарияси ҳақидаги фикри, нотик тилидаги турли “қоришмалар”, яъни сўзларнинг нотўғри ва ноўрин талаффуз қилиниши, жумлаларнинг мантиқан ҳар хил тузилиши сўзловчининг катта хатосидир, деб ҳисоблайди. Аристотель ҳар бир жумланинг асосий фикрни ифода этишга қаратилиши, равон ва тингловчи тушунадиган даражада содда бўлишини талаб этади. У нотикнинг ҳиссиёт билан сўзлаши мулоҳаза юритаётган фикрнинг тингловчи қалбига тез етишида муҳим омил бўлишини алоҳида уқтиради. Бундан ташқари, Аристотель нотикнинг аудиторияни ўзига жалб этиши учун ҳазил-мутойиба сўзлар билан лирик чекиниш қилиб, тингловчиларни

хаяжонлантира билиш зарурлигини, агар турли кўргазмали қуроллардан фойдаланса, ҳар хил эпитет, чоғиштириш ва метафораларни қўлласа нутқининг таъсирчанлиги янада ошишини, аммо келтирилган мисоллар кўпайиб кетиб, тингловчини зериктириб қўймаслиги кераклигини ҳам таъкидлайди.

Аристотель нотиклик санъатини эгаллашни 5 қисмга бўлиб ўргатади:

1. Материални кашф этиш (ҳар томонлама тайёрлаш). Бунда Аристотель аудиторияга мос матн тайёрлаш лозимлигини назарда туттади. Демак, ҳар қандай нотик қандай аудиторияга қираётганлигини ҳис этиши ва шунга кўра матн материални кашф этиши кераклигини қайд этади.

2. Материални жойлаштириш шакли (режаси). Бунда Аристотель аудиторияга мос матнни таъсирчан, жозибали сўзлар орқали фикр кетма-кетлигини тузиб чиқишни тафсия этади. Фикр кетма-кетлиги нотикнинг сўз маҳорати ва ўз нутқи орқали ифода этиш санъати билан боғлиқ ҳодисадир.

3. Материални эслаб қолиш (ўзлаштириш). Нотик сўзга чечан, сўз устаси бўлолмаса, у қандай материални кашф этмасин, унинг кетма-кетлигини мос ҳолда тайёрламасин, эслаш қобилияти яхши бўлмаса, аудиторияга етказиб беролмайди. Бундай ҳолатда нотикдан кучли хотира талаб этилади.

4. Материални сўз ёрдамида тўғри акс эттириш. Нотик сўз ёрдамида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Демак, у сўз сеҳрини, маъносини, кўчма маънога эгаллигини, таъсирчанлигини ҳис эта олиши ва ўз ўрнида қўллай билиши зарурдир.

5. Материални тўғри талаффуз этиш. Агар нотик сўз устида тинимсиз изланиш олиб бормаса, унинг фикр ифодалаш жараёнида сўзларни тўғри талаффуз этиш қобилияти ривожланмайди. Изланиш ва ижод ҳар бир сўзни тўғри талаффуз этиш имкониятини келтириб чиқаради.

Аристотелнинг фалсафий фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини сақлаб келмоқда. Ғарбу шарқ нотиклари бу фикрлар асосида ўзларининг нотиклик маҳоратларини ошириб келмоқдалар.

### **Сукрот (тахминан 427-347й.й.)**

Оддий сўз эмас, маънога тўйинган сўз қудратга эга бўлади, - дейди,- буюк аллома Сукрот. Инсониятга сўз шунинг учун берилдики, у ўзига юклатилган вазифани - дунёни, ўзлигини англаш учун хизмат қилсин.

Файласуфнинг фикрича, нутқ худди тирик мавжудоддек тузилиши, унинг танаси билан қўл-оёғи бир-бирига мувофиқ бўлгани сингари нутқдаги сўзлар ўзаро мос бўлиши керак. Биринчидан, нутқ бошида кириш,

иккинчидан, баён қилиш, гувоҳликлар, учинчидан-исботлар, тўртинчидан-хулоса бўлиши керак. Нотиклик борасида Суқротнинг ғояси қуйидагича:

**1.Диалогик мулоқот.** Бунда суҳбатдошлар ўз фикрларини, ўз нутқларини ҳимоя қила олишлари уқтирилмайди. Балки ўзаро суҳбат жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган масалани ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.

**2.Уйғунлашган мулоқот.** Суҳбат. Баҳс-мунозаранинг асосий мақсади кураш ёки ғалаба қилиш эмас, мулоқот қатнашчиларининг умумий мақсадга эришиши учун бирлашишларидир.

**3.Фикрий мулоқот.** Одамлар ўртасидаги нутқнинг мақсади муҳокама мавзусида яширинган, топиш мумкин бўлган ҳақиқатни, маънони излаш ва топиш.

Платон диалогларида ҳам тасвир этилган бир қанча шахслар орасида алоҳида ўрин тутадиган, алоҳида илиқ муҳаббат ва самимий эҳтиром билан тилга олинадиган зот Суқротдир.

Бир киши Суқротнинг олдига келиб, шундай деди:  
-Биласанми, менга дўстинг сен ҳақингда нима деганини?  
- Шошма-шошма, олдин айтмоқчи бўлган хабарингни уч элакдан ўтказиб ол!–деди Суқрот уни сўздан тўхтатиб.

-Уч элак?!

-Нимадир айтишдан аввал, у хабарингни уч марта элаклаш керак. Биринчиси, ҳақиқат ғалвиридан. Айтмоқчи бўлган хабаринг ростлигига аминмисан?

-Йўқ, мен шунчаки уни эшитдим.

-Демак, сен буни рост ёки ёлғонлигини билмайсан. Ундай бўлса – иккинчиси, яхшилик ғалвиридан ўтказамиз. Сен менинг дўстим ҳақида бирон бир яхши нарса айтмоқчимисан?

-Йўқ, аксинча.

-Хўш, Суқрот сўзида давом етиб, - сен у ҳақда бирон ёмон нарса айтмоқчисан-у, лекин ўзинг у сўзнинг ростми, ёлғонми эканлигини билмайсан. Демак, айтмоқчи бўлган хабарингни, учинчи ғалвиримиз - фойда элагидан ўтказамиз. Шундай экан, сен айтмоқчи бўлган хабарингни эшитишимдан менга қандайдир фойда борми!?

-Йўқ, ҳеч қандай фойда келтирмайди.

-Ҳа, шуни унутмагинки, айтмоқчи бўлган ҳар қандай гапингни ростлигини билмасанг, шу хабаринг яхшилик бўлишига сабабчи бўлмаса ёинки билишдан ҳеч қандай наф йўқ бўлса, у ҳолда сукут сақлагин, - деб таълим берди Суқрот сўзини яқунлаб.

Диалогни ўқиганимизда, хунуккина, ғарибона кийинган Сукротнинг оддий, аммо бениҳоя ёқимли мазмундор сўзлари калондимоғ, лекин ичи пўк, хонаки олимларни мулзам қилганини кўриб, зоҳиран жуда тўпори туюлган бу одамнинг аслида нақадар теран ақл, тиниқ фикр ва атрофдагиларнинг дилини ёритиб турадиган даражада дилрабо хислат эгаси эканлигига, ҳамиша ҳақиқат тарафдори бўлганлигига иқрор бўлишимиз мумкин.

### **Демосфен (384-322)**

Нотиклик санъатига ўз устида тинмай меҳнат қилиш орқали эришиш мумкинлигини исботлаган ва бутун умрини Она-ватанининг гуллаб-яшнашига бағишлаган давлат арбоби, машҳур нотик Демосфен эрамиздан олдинги 384 йили Афинада ўзига тўқ оилада дунёга келди. Отасининг исми ҳам Демосфен бўлиб, қурол-яроқ устахонасининг эгаси бўлган. Бўлажак нотик 5 ёшга тўлганида отасидан айрилади. Демосфен билан синглисига отадан катта мерос қолади. Болаларнинг тарбияси ва мероси вақтинча тоғасига топширилади. Тоға эса барча бойликларни қўлга киритиб олгач, болаларнинг тарбияси билан қизикмайди. Натижада, Демосфен жуда нимжон ва касалманд бўлиб ўсади.

Демосфен вояга етгач, тоғаси унга фақат қуллари, уйи ва уй жиҳозларини ҳамда пулнинг маълум бир қисминигина бериб алдайди. Демосфен тоғасидан мол-мулкнинг қолганини яхшилик билан қайтариб беришини сўрайди. Бироқ тоға бундан бош тортганидан кейин у қолган меросини суд орқали ундириб олишга қарор қилади. Судда муваффақият қозониш учун Афинанинг давлат қонунларини яхши билиш, шу билан бирга, равон сўзлаш, даъвосининг тўғрилигига кишиларни ишонтириш керак эди. Шу сабабли Демосфен нотиклик санъатини ўрганиш учун ўз даврининг мерос ишлари бўйича машҳур адвокати Исей мактабида таълим олишга мажбур бўлади ва тўрт йил давомида кунт билан ўқийди. Шунингдек, бу даврда кўпгина ёзувчиларнинг асарлари билан танишиб чиқади. Айниқса, машҳур тарихчи Фукидид (эрамиздан олдинги V асрда яшаган Афина тарихчиси ва давлат арбоби. У Пелопан урушида иштирок этган ва унинг тарихини ёзган) ва файласуф Платоннинг танланган асарларини пухта ўрганади. Бўлажак нотик Фукидид асарларини саккиз мартаба қайта кўчириб ёзиб, уни деярли ёддан ўзлаштиради.

Демосфен ўқишни тугатгач, васийлари билан судлашади ва суд беш йил давом этади. Бир неча йил сурункасига бўлган кураш бўлажак нотик характерининг тобланишида, бир сўзли ва матонатли бўлишида катта роль ўйнайди. Ёшлик чоғларидаёқ кўпчилик олдида сўзга чиқишни орзу қилиб юрган Демосфен ўқиш йилларида ўқитувчиси билан суд мажлисларига

катнашади. Демосфен нотиклик билан шуғулланишдан аввал ўз устози йўлидан бориб, бошқаларга судда сўзланадиган нутқнинг матнини ёзиб берар ва бу ишлари учун яхшигина ҳақ олар эди. Бора-бора нутқий матнлар ёзиш Демосфенни қониқтирмайди. У оташин ватанпарвар сифатида ўз ижтимоий фаолиятини Ватан равнақи учун сарфлашни орзу қилади. Шу орзуси ортидан эргашади, қунт билан ўқийди, ўрганади.

Ёш нотикнинг халқ олдидаги биринчи нутқи аянчли ҳолда: тўполон, кулги, қийқирик, хуштак чалиб масхаралаш билан қарши олинади. У ўз нутқини тугатолмай минбардан тушишга мажбур бўлади.

Демосфен нутқининг бундай аянчли тугаши табиий эди, чунки унинг товуши жуда паст бўлиб, бир оз дудукланар, “Р” ҳарфини талаффуз этолмас, ғулдираб, мужмал гапирар эди. Булардан ташқари, унинг елкасини қимирлатиб турадиган одати ҳам бўлиб, кўпчилик орасида ўзини тўғри тута билмас эди.

Халқ мажлисларидан бирида Демосфен ўзини иккинчи бор синаб кўради. Лекин бу сафар ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Шундан сўнг Демосфен ўз нутқидаги камчиликларни бошқа такрорламаслик учун астойдил бош қотиради. Ҳар куни бир неча соатлаб нотўғри талаффуз этаётган сўзлари устида қайта-қайта машқ қилади. Оғзига тош солиб олиб, каттиқ ва равон гапиришга ҳаракат қилади. “Р” товушини тўғри талаффуз этиш мақсадида кучук боласининг ириллашини кузатади ва ўзи ҳам худди шу товушни қайтаради. Ниҳоят, узоқ муддатли тинимсиз машқлардан сўнг Демосфен ўз мақсадига эришади. Натижада, дунё тан олган машҳур нотик бўлиб етишади. Аммо шунга қарамай, у ҳеч қачон тайёргарликсиз нутқ сўзламас, олдиндан ёзиб қўйилган матнни ёдлаб олар, ҳар бир сўз устида пухта ўйланар, жумлаларни аниқ ва чиройли тузишга ҳаракат қилар эди. Улуғ нотикнинг нутқи шу қадар содда, равон, мантиқан пухта ва жозибали бўлардики, бу фақат машаққатли меҳнат самараси эди.

Демосфен бўлмағур сафсаталарни ёқтирмас, хотиржамлик билан тингловчиларни ўзига тортар, уларни ўзи ҳимоя қилаётган ишнинг ҳақлигига ишонтириш учун бутун куч-қувватини сарфлар эди.

Демосфен 30 ёшга тўлганда давлат ишларида ҳам иштирок эта бошлайди. У ўзининг бутун маҳорат ва билимини Ватанининг душмани — македониялик подшо Филиппга қаратади. Афина давлати Македония раҳбарлигига ўтгач, Демосфен душманлари қайтадан бош кўтардилар. Аслида бу воқеадан бир неча йил илгари Халқ партияси Демосфеннинг ватанпарварлигини юксак баҳолаб, уни “Олтин гулчамбар” билан тақдирлашга тавсия этган, Халқ мажлиси ҳам буни маъқуллаб, қарор қабул қилган эди. Македония тарафдорлари бу қарорга қарши чиқадилар. Ҳатто ўз

даврининг машхур нотикларидан бўлган Эсхин мажлис қарори устидан судга шикоят қилиб ариза беради. У халқ мажлисининг нотўғри қарор чиқарганлигини исботлашга уриниб, Демосфеннинг бундай олий мукофотга муносиб эмаслигини уқтиради. Қайта бўлган суд икки буюк нотикнинг яккама-якка олишувига айланиб кетади.

Суд бўлаётган майдонга шунчалик кўп халқ тўпланган эдики, гўё мавж уриб турган денгизни эслатарди. Демосфенни қоралаб сўзга чиққан Эсхин тамомила куракда турмайдиган гаплар билан тухмат тошини ота бошлайди. “Гулчамбар”ни ҳимоя қилиш мақсадида сўз олган Демосфен эса, Ватанининг гуллаб-яшнаши йўлида тинмай курашганини, шу билан бирга, Эсхиннинг сотқинликдан иборат фаолиятини ёрқин нутқида образли тарзда тасвирлаб беради. Ғанимларнинг қаршилигига қарамай, суд жуда тўғри ва оқилона қарор чиқаради. Суд ҳукмига мувофиқ Эсхинга катта миқдорда жарима солиниб, Афинадан бадарға қилинади. Демосфеннинг “Гулчамбар” ҳақидаги нутқи фақат Эсхин устидан қозонилган ғалабагина эмас, балки Афина ва бутун Грециядаги ватанпарварларнинг тантанаси ҳам эди. Суддаги муваффақиятидан сўнг, Демосфеннинг давлат олдидаги обрўси янада ошади. Бироқ турли сабабларга кўра, Македония билан Афина ўртасида бошланиб кетган урушда афиналиклар мағлуб бўлиб, барча ватанпарварлар ўз юртларидан бадарға қилинадилар. Фақат аристократ бойларгагина сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар берилади. Демосфен сиртдан ўлимга маҳкум этилади. Шундан сўнг у Калаври оролига қочиб бориб, Посейдон ибодатхонасига яширинади. Ўша вақтларда ибодатхонага қочиб кирган одамни, ким бўлишидан қатъи назар, қамаш ёки ўлдириш мумкин эмас эди. Чунки у худонинг паноҳи ва ҳимоясида ҳисобланар эди.

Душманлари Демосфеннинг яширинган жойидан хабар топиб, уни тириклайин қўлга туширишга ҳаракат қиладилар. Улар нотикқа бўлмағур ваъдаларни бериб, Антипатра хузурига олиб бормоқчи бўладилар. Демосфен ёвуз ниятни фаҳмлагач, уйига хат ёзиш баҳонаси билан ибодатхонанинг ичкарасига кириб, заҳар ичади. Буюк нотик эрамиздан олдинги 322 йилнинг 12 октябрида шу тариқа дунёдан ўтади.

### **Демосфен услуби кўйидагича бўлган:**

1. Демосфен нутқ матнида ҳам, нутқ талқини жараёнида ҳам архаизмдан қочади, жуда латиф ва жозибадор сўзларни қўлламайди, янгича сўз, ибора ва терминлар тўқимайди. Фақатгина, гоҳида халқ ҳикматларидан ва мақол-маталлардангина фойдаланади.
2. У нутқларида бирор тушунчани ифода этувчи синонимларни кўп қўллайди. Масалан, “майли гапирсин ва маслаҳат берсин”, “шодланмоқ ва

кувонмоқ”. “Йиғламоқ ва кўз ёши тўкмоқ”, “сўзлар ва нутқлар” каби синонимлар унинг нутқ матнларида кўплаб учрайди.

3. У нутқда узук-юлуқ гаплардан қочар, қисқа бўғин, калта-калта жумлаларни ишлатмас, аксинча, узун, чўзиқ бўғинларни кўплаб қўллашни хуш кўрарди.

4. Нутқ матнларини тайёрлаш жараёнида гапнинг боши ва охирига мантиқий урғу тушувчи, муҳим маъно касб этувчи сўзларни қўярди.

5. Нутқда мусиқийлик ва таъсирчанликка эришиш учун жумлаларнинг охири насрий шеър билан, муайян вазн билан тугашига алоҳида эътибор берарди.

6. Демосфен нутқларидаги даврланиш композицион яхлитлик ва мутаносибликка эга эди. Унинг ҳар бир нутқий даври олдинги ва кейингиси билан мантиқий мустаҳкам боғланиб, улардан бирортасини ислоҳ этиш мазмунига ҳам, шаклга ҳам катта путур етказарди.

7. Айрим, ўзи учун муҳим туюлган сўзларни онгли равишда бир неча марта қайтаришни ёқтирарди.

8. Сўз ва жумлаларни ўзаро қарама-қарши қўйиб, ифодавийлик ва образлиликка эришишни хуш кўрар эди. Жумладан, “Гулчамбар ҳақида” номли нутқда Эсхинга қарата шундай дейди: “Сен савод чиқарардинг, мен бўлсам мактабга қатнардим, сен мақтовлар тайёрлардинг, мен мактанувчи эдим, сен хорда рақсга тушардинг, мен хорнинг хўжайини эдим, сен котиб эдинг, мен бўлсам халқ мажлисида қатнашардим, сен майда ролда чиқувчи актёр эдинг, мен эса томошабин эдим, сен расво қилиб ўйнарддинг, мен бўлсам хуштак чалардим”.

9. Риторик саволлардан унумли ва ўринли фойдаланарди. Шунинг учун ҳам унинг нутқларида “Хўш, бунинг ҳаммасига сабаб нима?”, “Нега энди мен буни ҳозир гапраяпман?” каби риторик саволлар кўплаб учрайди.

10. Демосфеннинг нутқлари энг аввал ўзининг чуқур мазмундорлиги, сиёсий ўткирлиги билан диққатга сазовор бўлган. Шунингдек, унинг фикрлари ниҳоятда олижаноб, ватанпарварлик руҳи билан суғорилган, самимий пафоси билан характерланар эди.

11. У нутқ талқини жараёнида эмоционал ҳаяжон, жестикуляция, мимика каби психофизик ва ташқи ифода воситаларидан унумли фойдаланган.

12. Демосфен ўзининг нотиклик миссиясини фақатгина Ватанга ва халқига ҳалол хизмат қилишдан иборат, деб тушунарди.

Демосфен Афина нотиклигининг йирик намояндаси бўлиб, унинг техник машқлари, нутқ талқини жараёнидаги ҳолатлари, нутқ устида ишлаш услублари, тил имкониятларидан фойдаланиш ва нотикликнинг талқиний ифода воситаларидан моҳирона фойдалана олиши барча нотиклар учун мактаб вазифасини ўтаган ва бугунги кунда ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади.

## Цицерон (103-43)

Марк Туллий Цицерон эрамиздан олдинги 103 йилда Римдан узоқ бўлмаган Арпина шаҳрида бадавлат оилада дунёга келди. Унинг болалик йиллари Арпина шаҳридаги отасига қарашли ерларда ўтади. Отаси ўз фарзандига яхши таълим-тарбия бериш мақсадида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда Юнон мураббийлари қўлида таҳсил олади. Юнон тили ва адабиётини мукамал эгаллагач, Юнонистоннинг машҳур сўз усталари Лициний Коидаас ва Марк Антоний каби нотиклардан сўз санъатининг нозик сир-асрорларини ўрганади, уларнинг ажойиб нутқларини тинглайди. Бўлажак нотик айни вақтда фалсафа билан шуғулланади. Лекин уни кўпроқ нотиклик санъати қизиқтиради. Цицерон нотикларнинг турли мимика ва ҳаракатлар билан сўзлаётганини кўриб, нотик бўлиш учун актёрликдан ҳам хабардор бўлиш керак экан, деган хулосага келади. Шунинг учун Эзоп ва Росций каби ўз даврининг машҳур актёрларидан сабоқ олади.

Цицерон узоқ тайёргарликдан сўнг, 25 ёшида биринчи марта халқ олдида нутқ сўзлашга журъат этади. У аввал фуқаролик сўнгра жиноий иш жараёни бўйича гапиради. Бироқ унинг бу нутқига давлат бошлиқларидан Сулл ҳамда Котт исмли машҳур нотиклар қарши чиқади. Шундан сўнг у риторика ва фалсафа фанларидан мукамалроқ назарий билим олиш мақсадида замонасининг буюк нотикларидан ҳисобланган Антио Аскалонскийдан таълим олади, машҳур сўз усталаридан нотиклик сирларини ўрганиш ниятида Кичик Осиёнинг бир қанча шаҳарларини кезиб чиқади. У анча вақтгача нутқ сўзлашда янги усуллар қидиради. Ниҳоят, Осиё ҳамда Аттика (Ўрта Грециянинг Юнонистон жануби шарқидаги денгиз ичкарасига анча ёриб кирган ярим орол Аттика деб аталади) усуллари омухтасидан иборат бўлган янги бир услуб кашф этади.

Цицерон замонасининг кўпчилик сўз усталари сингари ўз фаолиятининг илк даврларидаёқ нутқида услубнинг чиройлилиги, ибораларнинг жонлилиги, жумлаларнинг нафис бўлишига катта эътибор беради.

Цицерон Осиёга саёҳат қилиб, нотиклик санъатининг сирларини ўрганиб юрган вақтида Рим ҳукмдори Сулл вафот этади. Шундан сўнг ёш нотик Римга қайтиб келади ва 31 ёшидан бошлаб давлат ишларида иштирок этади. Цицерон консуллик лавозимига сайлангач, бутун нотиклик маҳоратини сиёсий нутқларга бағишлади. У суддаги нутқларида ўзи яратган услубдан фойдаланиб, рақибларини “қўл-оёғи боғланган қуёндай таслим қилди”. Ҳукмдор Сулл томонидан қабул қилинган сенат қонунларини қаттиқ қоралаб, Сулл тарафдорларини ўлдириб юборади. Келгуси йили (59 йил) Цицерон ўрнига Цезарь консул бўлиб сайлангач, сенатнинг Сулл лойиҳасига



жуда яқин бўлган янги қонунлар қабул қилинади. Габини ва Пизонлар ўзлари консул бўлиб иш бошлаган 58-йилнинг дастлабки даврида Цицеронни Римдан бадарға этиш ҳақида қонун чиқаришга ҳаракат қиладилар. Душманлари томонидан қасос олиниши муқаррар эканлигига ишонган нотик проекти чиқмасиданок Юнонистонга жўнаб кетади.

Ватандан ҳайдалиши Цицерон учун ниҳоят даражада оғир бўлади. У бир ярим йилдан сўнггина дўстларининг ёрдами туфайли Италияга қайтиб келиш учун рухсат олади. Она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат буюк нотикнинг илҳомини янада жўш урдиради. У нутқ назарияси устида тинимсиз ижод қила бошлайди. Орадан кўп ўтмай, машаққатли меҳнат самараси сифатида, унинг уч китобдан иборат “Нотиклар ҳақида” номли асари дунёга келади. Мазкур асар диалог шаклида ёзилган бўлиб, Лициний, Коидаасс, Марк Антоний, Юлий Цезарь, Страбон, Катулл, ҳуқуқшунос Сцевола ва унинг шогирдлари Катт, Сульниций Руфларнинг ижтимоий ва сиёсий нутқлари, уларнинг нотиклик санъати ҳамда бу санъатнинг энг майда-чўйда масалаларидан тортиб сиёсий муаммоларгача бўлган қимматли нотиклик ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини ўз ичига олади.

Цицероннинг нотиклик ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, нотик шунчаки суд ишларининг барча қонун-қоидаларини яхши биладиган қонунпараст эмас, балки давлат ишларини чуқур тушунадиган, халқ қайғусига ҳамдардлик қила оладиган давлат арбоби бўлмоғи керак. Шунинг учун нотиклик санъатига қизиққан ҳар бир киши фақат Риторика илмига оид ибтидоий билимлар билан чекланмасдан, шунингдек, ўзининг табиий истеъдодига ишониб қолмасдан, доимо турли фанларни ўқиб-ўрганмоғи, илм ва маданиятнинг юқори чўққиларига интилмоғи даркор. Бундан ташқари, “Нотиклар ҳақида” асарининг муаллифи нотикларнинг одамлар дилига кўрқув, ғазаб ва қайғу сола билиши ва аксинча, бу хилдаги ҳаяжонли ҳолатлардан кишиларни халос қилиб, уларнинг руҳида хотиржамлик, меҳр-шафқат ҳисларини уйғота олиши кераклигини таъкидлайди. Унинг таълимотига кўра, агар нотик одамларнинг турли-туман характерларини сезмаса, инсон табиатидаги умумий хусусиятларни билмаса ва ҳар бир кишини гоҳ безовта қиладиган, гоҳ тинчлантирадиган сабабларни тушунмаса ҳеч қачон ўзининг мақсадига эриша олмайди.

Цицерон “Брут” (47 йил), “Нотик” (56 йил) номли бошқа асарларида Рим нотиклик санъати тарихи ҳақида батафсил назарий фикрлар юритиб, аттикачиларнинг назарияларига тамомила қарши мулоҳазалар билан майдонга чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотикнинг кўзда тутган асосий мақсади тингловчининг завқини уйғотиб, уларни ўзига мойил қилишдан иборатдир. Нотик шароитга қараб мавжуд услубларнинг

хаммасидан баравар фойдаланиши зарур. Цицерон бу **фикрини** давом эттириб, «кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ходисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади» дейди.

Поэзия тилининг вазни ва оҳангдорлиги, узун ва қисқа хижолаарнинг, унли ва ундош товушларнинг алмашинуви, бир сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келишига йўл қўймаслик, сўзларни турлича талаффуз этиш, грамматик қоидаларга катта эътибор бериш каби нотиклик санъатининг муҳим масалалари ҳам Цицерон асарларида ўзининг тўла ифодасини топган.

Тингловчини толиқтириб қўймаслик учун нутқ давомида кўтаринки усулни бир парда пасайтириб, нутқ мавзуйга алоқадор шахслар бўлса, уларнинг гоҳ салбий, гоҳ ижобий характеристикасини бериш, илгари ўтган машҳур зотлар ҳақидаги бирон латифани эслатиб кетиш, лозим бўлганда баъзи бир ҳаётий манзараларни, драматик воқеаларни эшлаш, ўрнига қараб бироз ҳикматли сўз, мақол ёки қочириқ гапни қистириб ўтиш — Цицероннинг энг севган усулларида ҳисобланади.

Цицерон нутқ композициясига алоҳида эътибор берган. У нутқ жараёнида уч муҳим омилга алоҳида эътибор беришни таъкидлайди. Бу – нутқнинг кириш қисми, хотимаси ва репетицияси (шуғулланиш)идир. Шунингдек, Цицерон нутқ композициясининг назариясини ҳам ишлаб чиққан. Унинг фикрича нутқ қуйидаги қисмлардан иборат бўлмоғи зарур:

1. Нутқнинг кириш қисми.
2. Ишнинг моҳиятини очиш.
3. Кейинги қисмларнинг режаси.
4. Асосий қисм (далиллар).
5. Охирги қисм, яъни нутқ давомидаги асосий масалаларни қисқа-қисқа эслатиб ўтиш ва яқун яшаш .
6. Хулоса.

Цезарь вафотидан сўнг давлатни унинг набираси Октавиан бошқаради. У ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида Цицероннинг Сенат олдидаги мавқеи ва обрўсидан фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ Цицерон Октавианга ишонмайди. Цицероннинг душманлари янги ҳукмдорни ўзлари томонга оғдириб олгач, ундан буюк нотикни қатл этишни талаб қиладилар. Шундай қилиб, сўз санъатининг моҳир устаси шафқатсиз жазога ҳукм этилади. Олдин унинг ўнг қўли қирқиб ташланади, сўнгра боши танасидан жудо қилинади.

Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаб, обрўсини оширган нарса унинг ажойиб, такрорланмас нутқлари бўлади. Уйғониш даврида Италия, Франция ва Германиянинг инсонпарвар олимлари Цицероннинг илҳомбахш

нутқларини севиб ўргандилар. Ўша даврда чиройли сўзлаган кишилар “цицерончилар” деб аталар эди. Чунки улар Цицерон таълимотига суянган ҳолда ўз нутқларини тайёрлашган.

### **Лисий (тахминан 459-380 й.й.)**

Лисийнинг асл ватани Сицилиядир. Нотикнинг отаси Периклнинг таклифига биноан Афинага келиб, шу ерда ўрнашиб қолади. Лисийлар оиласи шаҳарнинг анчагина давлатманд хонадонларидан ҳисобланса ҳам унинг аъзолари метек, яъни келгинди бўлганликлари сабабидан Афина фуқароси қаторига киролмайдилар. Пелопонесс урушида Афинанинг мағлубиятга учраши натижасида, демократиянинг тарафдори сифатида Лисийнинг акаси қатл қилинади, унинг ўзи аранг қочиб қутилади. 403 йилда демократия тартиблари янгидан тиклангач, Лисий яна Афинага қайтиб, муттасил логографлик касби билан шуғуллана бошлайди.

Қадимгиларнинг шаҳодатига қараганда, Лисий меросидан бизга қадар фақат ўттиз тўрттаси етиб келган. Уларнинг барчаси, асосан, суд нутқларидан иборатдир. Ўз фаолиятини логографлик касбига бағишлаган Лисий, даставвал суд аҳллариининг ва судга иши тушган кишиларнинг табиатини чуқур ўрганишга киришади. Маълумки, Афина судида қатнашган шахсларнинг кўпчилиги мураккаб давлат қонунларини теран билмаган, аксар унчалик дуруст таҳсил кўрмаган одамлар бўлганлар, шу сабабли улар айёр ва устомон одамларнинг суд ҳайъатини алдаб кетишларидан ҳадиксираб илмоқдор, дабдабали сўзларга чуқур шубҳа билан қарар ва бу хилдаги сўзларни тўқишда, албатта, бирон одам кўмаклашган бўлса керак, деб гумон қилардилар. Иккинчидан, логографларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб, уларга мурожаат этган одамлар орасида жамиятнинг турли-туман фуқаролари бўлган. Бинобарин, Лисий ҳар бир нутқни ёзишга киришаркан, у аввало буюртма берган кишининг табиатига, ижтимоий мавқеига қанчалик монанд келиш-келмаслиги катта эътибор беради. Гапириши лозим бўлган кишининг характерини, ижтимоий аҳволини жуда ҳам аниқ тасвирлаб берувчи нутқ матнини ишлаб чиқишга жуда уста эди. Натижада Лисий тайёрлаган нутқ фақат ўша сўзловчигагина хос бўларди.

Лисийнинг нотик сифатидаги иккинчи хусусияти, ҳикоячилик санъатини эгаллаб олганлигидир. У ҳар қандай воқеани содда, жонли, қизиқарли шаклда ҳикоя қилишга уста эди. Унинг нотиклик санъатидаги учинчи хусусияти-услугидаги аниқлик, соддалик ва табиийлик эди. Лисий оғзаки нутқнинг инсон руҳиятига таъсир этишини яхши тушунади. Унинг асосий хусусиятларидан бири фикр ифодалаш жараёнида сўзларни

такрорламаслик деб билади. Унинг фикрича, бирор масала бўйича сўзланган нутқ иккинчи марта такрорланмаслиги керак, агарда шу нутқни аввалги тингловчилар бир неча марта такрор эшитсалар, нутқ ўз кучини ва ифодалилигини йўқотади.

Лисийнинг ёзма мероси бўлган нутқ матнларини уч тоифага бўлиш мумкин:

1. Эпидейктик (тантанали ёки тасвирий) нутқлар.
2. Сиёсий (кенгаш) ва суд нутқлари.
3. Эпитафия, яъни мотам нутқлари.

Лисийнинг нутқлари тилининг мусаффолиги ва бениҳоя гўзаллиги билан алоҳида ажралиб турган. Дионисийнинг маълумотига кўра унинг тилидаги фасоҳат қуйидагилардан иборат бўлган:

1. У нутқларида кишилар учун сал бўлса ҳам тушунарсиз бўлиб қолган архаик сўзларни сира ишлатмаган.

2. У ўз нутқини неологизмлардан, яъни ўз замонасининг жонли нутқига кириб келаётган, лекин ҳамма учун оммавий даражада тушунарли бўлмаган гап қурилиши ва сўзлардан фойдаланмаган.

3. Ғоят содда, ҳамма учун тушунарли тилда ёзган ва сўзлаган. Аммо содда, барча учун тушунарли усулда ҳам нафис ва латиф сўзлай олган.

Лисий ўз маҳорати билан тингловчиларни, суд ҳайъатини маҳлиё этиб, уларнинг меҳру муҳаббатини қозонган. Бироқ баъзан ҳаддан ортиқ берилиб кетиш оқибатида айрим далиларининг кучли эмаслиги туфайли ожизлик қилиб қолган пайтлари ҳам бўлган.

Лисий кишиларнинг характерини тасвирлаш ва шу кишилар тилидан гапириш усулидан унумли фойдалана олган. Унинг логографлик санъати кучли бўлган. Натижада Лисий қаламидан чиққан нутқларини қайси бир синфга мансуб киши талқин этмасин, ҳеч қандай шубҳа туғдирмаган.

### **Исократ (эрамиздан олдинги 436-338)**

Исократ нотиклик, фалсафа ва юриспруденция соҳасида ўз замонасининг энг йирик вакили ҳисобланган. У кўзга кўринган фан ва маданият арболари бўлган Сукрот, Тисий, Горгийлардан таълим олган.

Исократ сиёсий вазиятга кўра 404 йилда Хиос оролига кўчиб кетади ва у ерда риторика мактабини очади. Бир йилдан сўнг, Афинада демократия тиклангач, она юрти Аттикага қайтиб келади. Исократ она шаҳрида логографлик билан шуғулланади. Афинада нотиклик мактабини очади ва қарийб 40 йил давомида устозлик қилади.

Ўз замонасида Исократнинг нотиклик мактаби жуда катта шуҳрат қозонган. Шунинг учун ҳам у очган мактабга афиналикларгина эмас, балки

Юнонистоннинг барча бурчакларидан ўқувчилар келиб таҳсил оладилар. Натижада Исократга тўланадиган меҳнат ҳақи ҳам кўпайиб кетади. Ўз даврининг машҳур кишиларидан ҳисобланган улуғ нотиклар Ликург ва Гиперид, забардаст тарихчилардан Эфор ва Феопомп Исократ мактабини битиришган эди.

Исократ маҳоратли устозгина эмас, балки ўз замонасининг йирик нотиғи ҳам эди. У нотиклик санъатининг назариётчиларидан бири саналган. Бизгача унинг 27 та нутқи турлича аҳволда етиб келган.

Исократнинг нутқларини қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Суд нутқлари – 6 та.
2. Эпидейктик нутқлари – 6 та
3. Ўқув-эпидейктик нутқлари – 9 та
4. Сиёсий нутқлари – 6 та.

Булардан ташқари унинг 9 та мактуби ва риторикага оид қўлланмасидан парчалар ҳам етиб келган. Бу манбалар нотикнинг ижодий фаолиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Исократ нотиклигининг биз учун ибратли томони шундан иборатки, у нутқ матнлари устида узоқ иш олиб борган ва ихтиролари билан бошқа нотиклар нутқидан фарқланиб, ажралиб турган. Нотик ўз нутқининг ташқи безагига жуда катта эътибор берган. Бунинг учун у “горгий фигуралари” деб донг таратган услубдан кенг фойдаланган. Натижада “горгий фигуралари” системасини янги, янада юксак босқичга кўтарган. Исократ нутқини шаклий безак санъати эгаллаб олганлиги учун ҳам унинг нутқларида шаклнинг мазмундан устун келиш ҳолатларини сезиш мумкин. Бироқ Горгий услубини ижодий ривожлантирган Исократ ўз устозининг овозига хос бўлган баландпарвозлик хусусиятини йўқотади ва кўркам фигуралар билан безалган нутқларининг табиий ва содда бўлишига эришади.

Исократнинг нотиклик санъатида ўрнатилган арзийдиган яна бир хизмати бу нутқнинг даврларга бўлинишига алоҳида эътибор берганлигидир. Нутқларнинг даврларга бўлиб Исократдан аввал ҳам амалга оширилган эди. Бироқ Исократнинг асосий хизмати нутқларининг айрим даврий бўлаклари ўзининг чўзиқлиги, бир хиллиги билан ажралиб турганлигидир. Чунки у нутқнинг мусиқийлигини сўз ва жумлаларнинг ички тузилишидан излади. Бу эса ўша давр нотиклик санъатида янги ижодий қадам эди.

### **Исей (эрамиздан олдинги тахминан 420-350 )**

Нотиклик санъатида шуҳрат қозонган, асосан, логографлик билан шуғулланган йирик нотиклардан бири бу Исейдир. Исейнинг логографлик ва нотиклик фаолиятига хос бўлган хусусиятлардан бири унинг сўзга

чечанлигидадир. У ўзининг ана шу иқтидори, нотиклик маҳорати туфайли кўлига тушган ҳар қандай ишни ўзи ва мижози фойдасига ҳал қила олган.

Исей логографлик ва нотикликда Лисий ва Исократларнинг нотиклик соҳасидаги ютуқларига суянган ҳолда иш юритган. Унинг нутқидаги мусиқийлик ва мантиқийлик ва бошқа хусусиятлари устозлари изидан борганлигини исботлаб туради.

Исей нутқларининг қолипи унча мураккаб эмас эди. У ибтидо, диэгега, аргументация ва эпилог каби қисмлардан иборат бўлган. У зарур бўлганда, нутқ тузилишидаги компонентлар ўрнини аламаштириб юбораверган. Буни у ҳар бир ишнинг аниқ мазмунидан, ҳар бир вазиятнинг хусусий талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширган. Бу эса Исейнинг асосий ютуқларидан бири саналади. Исей нутқ жараёнига ҳам ижодий ёндашган. У сўзлаётган пайтида муайян фикр в далилларнинг бир неча марта такрорланишидан кўрқмаган. Чунки ҳар такрорлашда ана шу далилларнинг янги бир қиррасини очиб бера олган. У ўз нутқларига истаганча ривоят, афсона, нақл ва ҳикматли сўзларни кўшиб фикрий аниқликка эришган. Исей нутқида аввал кичик-кичик далиллардан бошлаб, даъво далиллари таъсирини тобора ошириб борган. Энг охирида қақшатқич зарба берувчи, кучли фактларни ишга солиб, шундан кейин дарҳол хулоса чиқарган. Исей бу йўналиши билан ўз рақибини, баъзан суд ҳайъатини ва тингловчиларни ҳам довдиратиб кўйган. Исей ўз даврида ҳеч кимникига ўхшамайдиган нутқлари билан ўз ўрнини топа олган кучли нотик ҳисобланган.

### **Ликург (324 йилда вафот этган)**

Ўз даврининг гуманист нотиғи, давлат, фан ва маданият арбоби Ликург демократия тарафдорларидан бири ҳисобланган. У Демосфеннинг маслакдоши ҳисобланган. Ёши ҳам Демосфендан каттароқ бўлиб, тахминан 324 йилда вафот этган.

Ликург нотиклик санъати асослари, фалсафа ва юриспруденция бўйича Платон ва Исократдан махсус таълим олган. Истеъдоди ва нотиклик маҳорати туфайли Афина давлатининг энг йирик нотиклари ва арбоблари сафидан жой олган. Эрамиздан олдинги 388 йилдан бошлаб у давлат хазиначиси сифатида (ҳозирги тушунчада молия вазири) Афина иқтисодини бошқаради. Ликург ана шу лавозимида туриб қатор хайрли, демократик руҳдаги ишларни амалга оширади.

Ликург забардаст нотик ҳам эди. У ўз мансаби ва ижтимоий мавқеи тақозосига кўра кўпроқ давлатнинг ички масалаларига оид сиёсий нутқлар сўзларди. Ликург ўз нутқларида Афина давлатини мағлубиятга олиб келган далилларни ва бунга сабабчи шахсларни фош қилар, шунингдек, никоҳни

бузувчи, динни ҳақоратловчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини қатъий қораларди. Ликург нутқларини мавзуйи жихатдан 3 турга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ҳарбий-жанговарлик.
2. Сиёсий-ижтимоий.
3. Ахлоқий мавзудаги нутқлар.

Ликург нутқ сўзлаётган пайтда ўзини гоят тантанали, хотиржам тутар, нутқлари нафис, жиддий ва мантиқий эдики, бу сифатлар уни улкан нотиқлар жаражасига кўтарди. У юнон халқининг ҳақиқий фарзанди эди. Шунинг учун ҳам унинг хизматлари муносиб тақдирланди. У ҳалол хизматлари учун бир неча марта энг олий мукофот – олтин гулчамбар билан мукофотланди. Вафотидан сўнг Афинада унга катта ҳайкал ўрнатилди, барча қариндош-уруғларига давлат томонидан алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Ликург чиқарган қонунлар ва унинг ҳикматли сўзлари ёздирилиб, Акрополга ўрнатилди.

### **Катон (эрамиздан олдинги 234-145 йиллар)**

Рим нотиқлик мактабининг йирик вакилларида бири, давлат арбоби бу Катон ҳисобланади. У Рим империясининг лашкарбошиси ва сенатори сифатида ўз ватани ва халқига садоқат билан хизмат қилган инсонлардан биридир.

Марк Порциус Катон сўз санъаткори сифатида юнон нотиқлик санъати руҳида тарбияланди. У кенг маълумотли, донишманд киши бўлиб, гарчи ўзи юнон маданияти руҳида тарбияланган, унга хайрихоҳ бўлса ҳам, амалда юнон маданиятининг Рим маданиятига таъсир этишига қарши турган.

Катон 150 тага яқин нутқ мерос қолдирган. Аммо бу нутқлардан бизгача айрим парчалар етиб келган. Нотиқ сифатида Катон кўтаринки руҳ ёки нафрат билан, яъни катта эмоционал қудрат билан гапирган. У бирор муҳим нарсага тингловчилар эътиборини жалб қилиш зарур бўлса, шу нарсани кўп марта қайтариш ва таъкидлашдан қўрқмаган. Аксинча, у ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, хатто қайсарлик билан ўша муҳим ўринни қайтарган ва шу йўл билан ниятининг амалга ошиши учун курашган.

Катон нотиқ сифатида шу қадар кучли маҳорат эгаси бўлганки, бу борада унга Цицерон ҳам тан берган. Цицероннинг фикрича: “Ҳаммасини янада чиройлироқ, янада нафисроқ қилиб айтиш мумкин, аммо ҳеч нарсани ундан кучлироқ ва жонлироқ қилиб айтиш мумкин эмас”.

Катоннинг нотиқлик маҳоратига қуйидаги тўрт муҳим хусусият хос эди:

1. У Лисий изидан бориб, масалани мухтасар, ихчам баён қилиш услубини қўллаган. Бугина эмас, муҳим масалаларни мухтасар, аммо катта эҳтирос ва таъсирчанлик билан баён этишда муайян муваффақиятга эришган.
2. Масалани ғоят кескин тарзда қўйиш Катоннинг энг сеvimли иши ҳисобланган. У энг муҳим муаммоларни ғоят кескинликда қўйганки, натижада кўпдан-кўп баҳсларни ўз фойдасига ҳал этишга эришган.
3. Фикрларини услуб жиҳатдан ғоят гўзал қолипларда, ифодали ва таъсирчан шаклда баён этишни хуш кўрган. Бу услуб эса, унинг таъсирчан нутқ услубига мос келган.
4. У ҳар бир масала билан танишар экан, уни тарофлича ўрганиб чиқишга алоҳида эътибор берган. Шунинг учун ҳам у нотикларга насиҳат қилиб, “ишни пухта ўрган, сўзнинг ўзи келади” деб айтади.

Катон Рим нотиклик санъатининг ёрқин сиймоларидан бири ҳисобланади.

### **Ака-ука Гракхлар (эрамиздан олдинги II асрда яшаб ўтган).**

Ака – ука Гракхлар ҳам ўз даврининг кучли нотиклари ҳисобланишган. Акаси Тиберий ва укаси Кай Гракхларнинг нотиклик истеъдоди уларнинг ғоявий-ижтимоий қарашлари заминида очилди ва шуҳрат қозонди. Улар Италияда ер реформаси учун кураш олиб бордилар. Уларнинг реформалари ўша давр учун чиндан ҳам катта аҳамиятга эга эди. Гракхларнинг мақсади катта ерга эга бўлган заминдор бойлар мулкини қисқартириб, кам ерли ва ерсиз фуқароларга бўлиб беришдан иборат бўлган. Бусиз ҳам синфий кураш авж олиб турган бир пайтда Гракхлар реформаси лойиҳаси туфайли кескин мунозара ва кураш бошланиб кетади. Айни ана шу ғоявий ва иқтисодий кураш жараёнида ака-ука Гракхларнинг нотиклик заковати ёрқин намоён бўлади. Бу курашда Гракхлар мағлубиятга учрайдилар. Натижада аввал акаси, сўнгра укаси қатл этилади.

Улар нотик сифатида ғоят таъсирчан, фақат сўз олови билан эмас, балки ҳис-ҳаяжон олови билан ҳам рақиблар уйига ўт қўювчи кучли сўз устаси бўлганлар. Жумладан, Тиберий Гракх бир нутқида шундай дейди: “Италияда изғиб юрган ваҳший йиртқичларнинг ҳам тунаш учун ғор ва яйловлари бор, Италияни деб курашаётган ва қурбон бўлаётган кишиларда эса, нур билан ҳаводан бошқа ҳеч нарса йўқ... Солдатлар бошқа бировларнинг ишрати ва бойиши учун жанг қиляпти; уларни “борлиқнинг ҳокими” деб айтишади, аслида эса уларнинг бир қаричгина ери ҳам йўқ”. Демак, Тиберий омманинг бахту саодати, кўп миллионли Италия халқининг порлоқ истикболи деб жонбозлик қилган кучли нотиклардан биридир.



Укаси Кай Гракх ҳам сиёсий-ғоявий жиҳатдан акасига ҳамнафас нотик бўлган. Нотиклик маҳорати нуктаи назаридан қараганда Кайнинг ўзига хос кирралари кўп бўлган. Кайнинг нутқлари эмоционал жўшқин бўлиб, риторик саволларга, хитобларга ҳам бой бўлган. Жумладан, у акаси Тиберий қатл этилгандан сўнг сўзлаган мотам нутқида бундай дейди: “Мен бахти қаро, энди бошимни қаерга уришим керак? Капитолийгами? Ахир у ер акамнинг қонига тўлиб ётибди-ку! Уйимгами? Бусиз ҳам бахтсиз, ҳақоратланган онамни биратўла ўлдириш учунми?” Шулардан энг муҳими унинг нутқда овоз ва оҳанг мутаносиблигига алоҳида эътибор берганлигидадир. У нутқ сўзлашга тайёрланиб, мустақил шуғулланаётган чоғидаёқ нутқининг қай қисми қай тондан (нотадан) бошланишини олдиндан белгилаб олган. Шунинг учун ҳам у қаерда нутқ сўзламасин, ўзи билан флейта чалувчи хизматкорини бирга олиб юрган. Чунки, нутқнинг керакли ўрнида хизматкор муайян нотани чалиб тон берган ва Кай ана шу тондан бошлаб нутқини давом эттирган. Жаҳон тарихида, йирик нотиклар орасида ўз нутқининг тонал рангдорлиги ҳақида қайғурган инсон - бу Кай Гракх бўлади.

### **Марк Антоний (эрамиздан олдинги 143-87-йиллар)**

Цицерон ўзининг “Нотиклик ҳақида” асарида ўзи билан тенг кўрган Рим нотиклик мактабининг йирик намояндаси, давлат арбоби бу Марк Антоний ҳисобланади. У давлат консули ва кейинчалик цензорлик мартабаларида ишлаб, асосан, халқ мажлислари ва сенатда сўзлаган. Нотик сифатида у кўпинча аввалдан тайёрланмасдан, экспромт – бадиҳа тарзида нутқ сўзлаган. Антонийнинг нотиклик санъати ҳақидаги қарашлари ҳам қизиқарли. Унинг фикрича: “Нутқда тингловчини ўзига қаратиб олишдан муҳимроқ нарса йўқ, бунинг учун эса томошабинни шу қадар ҳаяжонлантира олиш керакки, натижада у кўпроқ қалб ҳаяжони таъсирида бўлсин”. Албатта, бундай маҳоратга эга бўлиш учун нотик ғоятда чиниққан бўлиши зарур. Антоний эса нотик аҳлидан айни шундай шижоатни талаб этган.

Марк Антонийнинг нутқ композицияси олдида кўйган талаблари ҳам мавжуд: “Менинг нутқ услубим ва уни талқин этиш маҳоратим учта асосга таянади: биринчиси – тингловчиларни жалб этиш, иккинчиси – уларни тўғри йўналтирмак, учинчиси – уларни кўзғатиш - дейди Антоний. Бу уч асосдан биричиси – нутқда юмшоқликни талаб қилади, иккинчиси – ўткирликни, учинчиси кудратни”. Фикрларидан кўринадикки, у ўз олдида аниқ вазибаларни кўйган ва уларни маҳорат билан амлга оширишга интиланган.

Шундай қилиб, қадимда давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир киши учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир эҳтиёжга айланган. Шу эҳтиёж қонун доирасигача борган. Улар ўз

мансабларининг юқори бўлишини истаганликлари учун ҳам нотиклик санъати сирларини ўргатадиган махсус мактабларда таълим олганлар. Чиройли нутқ эгаси бўлишга ҳаракат қилганлар. Чиройли нутқ эгасигина юқори лавозимларни эгаллаган. Шунинг учун ҳам улар доимо ўз нутқини ўстириш устида ишлаганлар.

### Саволлар:

- 1.Нотиклик санъати дастлаб қаерда шаклланган?
- 2.Нотиклик санъат даражасига кўтарилишига нима сабаб бўлган?
- 3.Нотиклик ҳақида илк бор маълумот берган асар қайси?
- 4.Қадимги юнон ва рим нотиклиги ҳақида нималарни биласиз?
- 5.Исократнинг нотикликка қўшган ҳиссаси нималарда кўринади?
6. Сукротнинг нотикликка қўшган ҳиссасини биласизми?
- 7.Логографлар билан синегорларнинг асосий вазифаси нималардан иборат бўлган?
8. Демосфеннинг нотиклик санъати тарихидаги ўрни нималарда кўринади?
9. Лисийнинг нотикликка қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот беринг?
- 10.Цицероннинг нотикликка доир асарлари?

### Глоссарий

**Синегор** – қадимда маълум ҳақ эвазига судда томонларнинг манфаатини химоя қилиб нутқ сўзловчи шахс.

**Логограф** – қадимда нутқ матнини тузиб берувчи шахс.

**Эпидейктик нотиклик** – тантанали нотиклик.

**Диалогик мулоқот** - ўзаро суҳбат вақтида ҳал этилиши зарур бўлган масалани ниҳоясига етказиш жараёни.

**Уйғунлашган мулоқот** - суҳбат, баҳс-мунозара жараёнида мулоқот катнашчиларининг умумий мақсадга эришиши учун бирлашишлари.

**Фикрий мулоқот** – мулоқот жараёнида нутқнинг мақсади муҳокама мавзусида яширинган, топиш мумкин бўлган ҳақиқатни, маънони излаш.

### Адабиётлар:

1. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. –Тошкент: Фан, 1973.
- 2.Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
3. Бегматов Э., Турсункулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

- 4.Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
- 5.Жуманиёзов Р., Салимов С. Ғоявий тарбияда нотиклик санъати.-Тошкент, 2002.
- 6.Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Тошкент, 2002.
- 7.Бекмирзаев Н. Ўзбек нутқ маданияти. –Тошкент, 2007.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Ғарб нотиклик санъатининг шаклланиши.

#### 1-илова

Нотиклик санъати Қадимги Юнонистонда вужудга келди ва катта мавқега эришди. Нотиклик санъати ҳақидаги илк маълумот Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида келтирилган.

Нотиклик санъати ҳақидаги илк маълумот Гомернинг “**Илиада**” ва “**Одиссея**” дostonларида келтирилган. У ўз асарига **Менелай, Нестор, Ахилл, Одиссей** каби машхур нотиклар бўлганлиги, улар нотиклик санъатининг 4 йўналишига мансублиги, нотиклик мактабларида таҳсил олганликлари, хусусан, Ахиллнинг Феникс номли сўз устаси дарсхонасида сабоқ олганлиги ҳақида қайд этади.

Беш юзлар кенгашида давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар бўйича киритиладиган таклифлар, қонун-қоидалар лойиҳасини тузиб, муҳокама этиларди.

Юнон демократиясининг иккинчи ҳал қилувчи органи – қонун чиқарувчи **Халқ мажлиси** эди. Беш юзлар муҳокамасидан ўтган масала ва лойиҳаларни кенг умумхалқ муҳокамасига қўйишар ва ана шу муҳокама натижасида муайян масала ёки лойиҳа қабул қилинарди ё узил-кесил инкор этиларди.

## 2. Грек ва Римда илк нотиқликнинг кўринишлари

### 2-илова

Римда ҳам нотиқликнинг, асосан, уч турини кўрсатиш мумкин: **суд нотиқлиги** - оқловчи ва қораловчи, **сиёсий нотиқлик**, **мақтов нотиқлиги**. Булардан ташқари, Юнонистонда бўлганидек, нотиқлик санъатини ўқитиш учун хизмат қилувчи ўқув - машқ нотиқлиги ҳам мавжуд эди.

Юнонистонда нотиқлик санъатининг ривожланишига ва, хусусан, суд нотиқлиги тараққиётига синегорлар ва логографлар улкан ҳисса қўшганлар. Нотиқлик турларидан яна бири **эпидейктик**, яъни тантанали нотиқликдир.

## 2. Грек ва Рим мактаби вакиллари

### 3-илова

Марк Туллий Цицерон эрамиздан олдинги 103 йилда Римдан узоқ бўлмаган Арпина шаҳрида бадавлат оилада дунёга келди.

Демосфен (384-322) эрамиздан олдинги 384 йили Афинада ўзига тўқ оилада дунёга келди.

Лисий(тахминан 459-380й.й.)Лисийнинг асл ватани Сицилиядир. Нотиқнинг отаси Периклнинг таклифига биноан Афинага келиб, шу ерда ўрнашиб қолади.

Сукрот (тахминан 427-347й.й.) Оддий сўз эмас, маънога тўйинган сўз қудратга эга бўлади, - дейди,-буюк аллома Сукрот.

→ Периклнинг нотиклик маҳорати ҳақида Эвполид шундай дейди: У сўзда донолиги жиҳатдан ҳаммадан устун туради. Унинг лабларига ишонтириш худоси макон қурган: у шу қадар мафтун эта олардики, нотиклар ичида, тингловчиларида ўз ништарини қолдирадиган яккаю яғонаси эди.



## 4-МАВЗУ: X-XV аср Шарқ ва Марказий Осиё нотиқлик санъати тарихи

### Режа:

1. Шарқ ва Марказий Осиё нотиқлик санъати тарихи.
2. Уйғониш даври нотиқлиги тарихи.
3. Шарқ алломаларининг нотиқлик санъати ҳақидаги қарашлари.
4. Кайковуснинг нотиқ ва нотиқлик ҳақидаги фикрлари.

**Таянч сўзлар:** нутқ тузиш, нутқ одоби, шарқ нотиқлиги, одобнома тушунчаси, дидактик адабиёт тушунчаси, мантиқ, нотиқ.

### Кириш

Ҳозирда нутқ маданияти, нутқ одоби деб юритилаётган нуқтаи назарлар қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг тафаккури мевасидир. Бунинг ёрқин намуналари ёзма манбаларда, халқ удумларида сақланиб, бизгача етиб келган: халқ оғзаки тилидаги, лаҳжа ва шевалардаги тил ва нутққа оид фикрлар; қадимий ёзма обидалар (тошбитиклардаги матнлар, тарихий мемуарлар, мумтоз адабиёт асарлари ва бошқалар); халқ оғзаки ижоди асарлари – дoston ва эртақлар, мақол ва маталлар; қадимдан турли шаклларда сақланиб бизгача етган мифологик асарлар – афсоналар, латифалар, мифлар; “Ибратли ҳикоялар”, “Ҳикматлар” номи билан бизгача етиб келган ёзма асарлар шулар жумласидандир.

Энг қадимги ёзма обидамиз “Авесто”да тил, нутқ, нутқ одоби, тилга муносабат, тилни улуғлашга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда айтилишича, ўша давр дини ва маънавияти асосини *эътиқод, эзгу ният, эзгу сўз* ва *эзгу амал тушунчалари ташиқил қилган*<sup>12</sup>. Келтирилган *эзгу сўз* тушунчаси халқ учун фойдали бўлган фикрни ифодалаган, уни нутқ одоби ва маданиятига амал қилган нутқ ҳамда кишиларга манфаат келтирувчи ва таъсир этувчи, қолаверса, уларни тарбияловчи восита, сўз деб тушунмоқ керак. Бу фикрни баъзи ўринларда *эзгу сўз ўрнида эзгу калом, эзгу фикр, муқаддас сўз* кабилар ифодалашида ҳам кўриш мумкин.

Қадимий туркий ёзма ёдгорликларидан “Кул Тегин ёдгорлиги”даги кичик ёзувда табғачларнинг чучук сўз эканлиги ҳақида гапирилади ва улар ўзининг ширин муомаласи билан йироқ элларни ўзига яқинлаштириши таъкидланади:

*Табғач будун сўзи чучук,  
Оғизи юмшоқ эрмиш.*

<sup>12</sup> Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.:Шарқ, 2001, 56-57-б.

*Сучук сўзи, юмишқ қилиқ(ла) авраб,  
Йироқ будунни анча яқинлатар эрмиш.*<sup>13</sup>

Шу билан бирга, ушбу ёдгорликда кишининг, айниқса, душманнинг ширин тилига ишониб алданиш керакмаслиги ҳам айтилади:

*Чучук сўзига, юмишқ қилигига алданиб,  
Кўп, турк будуни, ўлдинг.*<sup>14</sup>

Демак, бизнинг аждодларимиз VI-VII асрлардаёқ ширин, ёқимли тилни улуғлаган, ёлғон ва кўпол тилни қоралаган.

Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда бадий, илмий ижоднинг таракқиёти, шунингдек, ваъзхонлик, “Қуръон”ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қадимдан кўп яхши илмий ва назарий қоидалар айтилган. Ваъзхонлик ( сўзга чечанлик, нотиклик) санъатининг услуби баробарида нутқ олдиға кўйилган талаблар замонға мос ҳолда шакллантириб борилди. Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор беришға даъват этиш билан бирга тилға, луғатға, грамматика ва мантиқ, тилшуносликка бағишланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларға доир асарларида бу мавзуга алоқадор назарий ва илмий фикрлар билдирдилар.

**Буюк қомусий олим Беруний (973-1048)** ўз давридаги барча фан соҳалари бўйича ижод қилиб 150 дан ортиқ асар қолдирди. Бизгача етиб келган асарлари “Хронология”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия” ва бошқалардир. “Геодезия” асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши, материалига кўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалашни мумкин. Бу кўплаб мунозараларға сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган “мезон”ни яратади. Бу мантиқ фани эди. Инсон нутқида шубҳали ўринлар сезилса, маълум “мезон” ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни ўрганмасдан, уни маломат қилганларға ҳайрон қолади ва уларға ачиниб: “Агар у дангасаликни ташлаб, оромға берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган наҳв (грамматика), аруз (шеър ўлчови) ва мантиқни (логика) мутолаа қилганида эди, сўзнинг (нутқ) наср ва назмға ажралишини билган бўларди”

<sup>13</sup> Қаюмов А. Қадимият обидалари. –Т.:Адабиё ва санъат, 1972, 135-б.

<sup>14</sup> Қаюмов А. Кўрсатилган асар. 136-б.



— дейди.<sup>15</sup>

Демак, Беруний нутқнинг икки хил — наср ва назм кўриниши борлигини таъкидламоқда. Нутқнинг бу турлари маълум қоидалар асосида шаклланади. Наср нахв қонун-қоидалари, назм аруз талабларига биноан тузилади. Арузга қараганда нахвнинг таъсир доираси кенг, у наср учун ҳам, назм учун ҳам зарур. Беруний ёзади: “Нахв насрда ва аруз назмда айтилган сўзнинг меъёрини ўлчовчи ва хатосини тузатувчи аниқ иккита мезон бўлиб қолди, лекин нахв булар иккисининг умумийроғидир, чунки у насрни ҳам, назмни ҳам биргаликда ўз ичига қамраб олади. Хуллас, яхши нутқ тузиш учун нахв, аруз, мантиқ фанлари ҳамкорлигидан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг биронтасига аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидаси бузилса, қолган иккитасига таъсир қилмай қўймайди”<sup>16</sup>

Беруний шакл ва мазмун бирлигига катта аҳамият беради. Унингча, шакл мазмунга хизмат қилиши, мазмунсиз ҳар қандай чиройли шакл ҳам эл орасида эътибор қозонмайди. Нутқнинг насрий шаклида ҳам, назмий шаклида ҳам мазмун асосий мезон эканлигини таъкидлайди. Абу Райҳон Берунийнинг бебаҳо асарлари саҳифасида сўз, унинг аҳамияти, сўзни тўғри қўллаш ва сўз қўллаш меъёрларидан ташқари тилдаги ўзлашма сўзлар ва бевосита нутқ маданияти ва тил эстетикасига алоқадор бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Берунийнинг ёзишича, тилнинг тарихий тараққиёти даврида тил луғат таркибида “...ўша тилда фақатгина оз киши фаҳмлайдиган бир мунча бегона сўзлар пайдо бўлади ва улар тушунарсиз бўлгани учун бундай сўзларга салбий муносабатда бўлади”. Олимнинг таъкидлашича, “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”<sup>17</sup>. Атрофимиздаги ҳамма нарса ва ҳодиса каби тил ҳам ривожланиши ва ўзгаришини, тилдаги бундай ўзгаришлар, аввало, халқ тарихида содир бўлган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар туфайли янги сўзлар кириб келишини ва аксинча айримлари истеъмолдан чиқиб кетишини яхши билган олим бу ҳодисаларга ижобий муносабатда бўлади ва тилнинг асосий вазифаси кишиларнинг ўзаро маданий мулоқотини таъминлаш деб ҳисоблайди: “Тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир”<sup>18</sup>

Улуғ **файласуф Абу Наср Форобий** (870-950) илмнинг турли соҳаларини мукаммал билган ва улар ҳақида мустақил фикрлар баён қилган алломадир. Нутқ ва ақл тарбиясига оид илмлар тўғрисида Фаробий қимматли

<sup>15</sup> Беруний. Танланган асарлар. Ж.Ш, 1982, 64-бет.

<sup>16</sup> Беруний. Ўша асар, 64-б.

<sup>17</sup> Беруний. Ҳикматлар. –Т.: Ёш гвардия, 1973, 22-б.

<sup>18</sup> Беруний. Кўрсатилган асар, 46-б.

фикрлар айтган.

Тўғри сўзлаш, тўғри мантикий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, нутқий қонидани қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўзлаш ва қандай жавоб бериш (масаласи) га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси — жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир деб тасдиқлайман”.

Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган номларни қандай тартибга солишни ҳамда нарсалар (субстанция) ва ҳодисаларнинг (акциденция) жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи хикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир: “маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз”.<sup>19</sup>

Кўринадики, лексикология, грамматика ва мантиқ фанларининг нутқ тузишдаги аҳамиятини икки буюк олим ҳам юксак даражада англаганлар ва уларга катта аҳамият берганлар. Нотиқ нимани ва қандай сўзлаши кераклигини билиши ва тўғри хулосалар чиқариши учун ўз нутқида сўз ва гапларнинг жойлашиш тартиби катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Нутқ одоби, нутқий маҳорат, поэтик нутқ хусусиятлари, унинг ҳар бир бадий жанрда ўзига хос намоён бўлиши ҳақидаги баъзи фикрлар Абу Наср Форобийнинг “Шеър санъати”<sup>20</sup> асарида учрайди. Абу Наср Форобийнинг ушбу рисолада келтирилган бир шеърда ёлғон сўзлайдиган нотиқдан узоқроқ юришни маслаҳат беради:

*Узоқ юр бўлса ботил, сўзи ёлғон,  
Ҳақиқат тарқатиб, бўлса имкон*<sup>21</sup>.

Беруний билан замондош бўлган **Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий** (вафоти 997 й.) ҳам ўзининг “Мафотиҳ-ул-улум (Илмлар калити) асарида ўша давр нотиқлигининг баъзи бир масалалари, адабиётшунослик фани истилоҳлари, уларнинг таърифи ҳақида, шунингдек, девонхона иш қоғозлари ва уларнинг шакллари, ишлатиладиган терминлар (атамалар) ҳақида маълумот беради. Асарнинг бешинчи бобида аруз ва қофия илми ҳамда шеърятда ишлатиладиган бадий тасвир воситалари, уларнинг фазилатлари ва нуқсонлари устида сўз боради. Асарда аруз илми, ундаги 15 баҳр кўриниши

<sup>19</sup> Абу Наср Фаробий. Рисолалар, -Т., 1975, 54-бет.

<sup>20</sup> Абу Наср Фаробий. Шеър санъати. -Т:Адабиёт ва санъат, 1979, 53-б.

шеърий мисоллар билан берилади. Аруз илмига туташ қофия илми, унинг истилоҳлари таъриф ва изоҳлар билан қайд этилади. Асарнинг бешинчи боби беш бўлинмадан ташкил топган. Бешинчи бўлинма X аср Ўрта Осиё шеъриятига бағишланган. X асрдаёқ ўлкамизда бадий нутқ юксак даражада ривожланган, унинг назарияси мукамал ишланган эди”. (Х.Хайруллаев, Р.М.Баҳодиров. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. М. 1988, 58-бет; “Ўзбек адабиёти ва санъати” газ., 1989, 18 август.).

Тилшунослик тарихида **Маҳмуд Кошғарий** салмоқли ўрин эгаллайди. У тилшуносликнинг жуда кўп соҳалари бўйича асарлар ёзди. Қиёсий тарихий тилшуносликнинг отаси, фонетист, лексиколог, лексикограф, туркий тиллар сарф ва наҳв илмининг асосчиси саналади.

Бизгача Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти ҳақида жуда оз маълумот етиб келган. Маълумотларга кўра, унинг туғилган йили аниқ эмас. Лекин луғат ёзилганда муаллифнинг кексайиб қолганлигини ҳисобга олсак, у XI аср бошларида туғилган деб ҳисоблаш мумкин. М.Кошғарийнинг туркий тилларга бағишланган иккита асар ёзганлиги маълум. Улардан бир “Жавоҳирун наҳв фил луғатит турк” (“Туркий тилларнинг синтаксиси жавоҳирлари”, иккинчиси эса “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар тўплами) деб аталади.

Унинг семасиология соҳасидаги фикрлари ҳам жуда қимматли. Олим сўзларнинг маъноларини изоҳлабгина қолмай, маъно ўзгаришлари юзасидан ҳам нозик кузатишлар олиб борганлигини таъкидлайди. Маънонинг кенгайиши, торайиши ва маъно кўчиш усуллари билан бирга сўзлардаги омонимия ва синонимия ҳодисалари ҳам асарда тилга олинади. Маҳмуд Кошғарийнинг бошқа тиллардан сўз олиш ҳақидаги фикрлари ҳам мавжуд. Олим ўз она тилимизда мавжуд бўлган сўзларни бошқа чет тиллардаги сўзлар ўрнида ишлатилиш ҳолатларига салбий муносабат билдиради. Масалан, ўғузларнинг *қумгон* сўзи ўрнида *офтоба* сўзини қўллашларига танқидий муносабатда бўлиб, бундай ҳолатнинг тил учун зарарли эканлигини қайд этади.

“Девону луғатит турк”нинг адабий қиммати бениҳоя каттадир. Унда уч юзга яқин шеърий парча ва кўплаб мақол ҳамда ҳикматли сўзлар бўлиб, шоир бундай шеърий парчаларга қисқа-қисқа шарҳлар беради, халқ мақолларининг моҳиятини ёритиб, уларнинг ишлатилиш ўрнини ҳам кўрсатади. Асарда ҳам тил, тил одоби, нутқ, муомала, яхши ва ёмон сўз, ёқимли ва майин сўз, эзмалик ва чақимчилик, тўғри ва ёлғон сўз ҳақида айтилган фикрлар учрайди. Масалан: *Ардам боши тил- адаб ва фазилатнинг*

*боши тил*,<sup>22</sup> деб таъкидлайди. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий ўзи ўрганган ҳар бир лаҳжа, шевалардаги фарқли ҳодисалар – қаттиқ ва юмшоқ талаффуз, дағал ва майин оҳанг, юмшоқ ва дағал (қўпол) муомала ҳақида ҳам фикрлар билдирган. Булар бевосита қадимдан ота-боболаримизнинг нутқ одоби ва маданиятига алоҳида эътибор билан қараганликларини кўрсатади.

Ўрта аср шарқининг буюк алломалари орасида машҳур табиб, файласуф, шоир **Абу Али ибн Сино** алоҳида ўрин тутади. Унинг турли соҳалар билан бирга таълим-тарбия, ахлоқ ва нутқ ҳақида ҳам фикрлари мавжудки, улар билан яқиндан танишиш нотиклик санъатини мукамал ўрганишга ёрдам беради. Ибн Синонинг фикрича, инсон тили шунчаки алоқа воситаси бўлмасдан, балки мулоқот эгаларига муайян ахлоқий ва эстетик таъсир этишини ҳам кўзда тутади. Шу сабабли Ибн Сино *“Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади”* деб ҳисоблаган.

Ибн Сино нутқ маданияти, нутқнинг сифатига хос белгиларидан ташқари нутқ техникаси, нотик амал қилиши лозим бўлган баъзи талаблар ҳақида ҳам фикр юритган. Масалан, овоздан ўринли фойдаланиш юзасидан шундай маслаҳат берган: *“Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун, аввало, ўқишни паст овоз билан бошлаб, кейинчалик аста-секин кучайтириш, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак”*<sup>23</sup>.

Яхши дўст қайси йўл билан ахлоқий камчиликларни тузатишда бошқаларга ёрдам бериши мумкинлиги масаласига ибн Сино алоҳида эътибор беради ва нотик қуйидагиларга амал қилиши лозим деб билади:

1. Насиҳат қўпол оҳангда берилмаслиги керак.
2. Суҳбатдошнинг илм даражасини ҳисобга олиш зарур.
3. Насиҳатга қўп берилмасдан, ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак.
4. Насиҳатни мулойим оҳангда, ёлғиз олиб бориш керак.
5. Агар таъна қилмоқчи бўлсанг, бошқалар камчилиги билан қиёслаб таъна қил.
6. Агар ўз эътиқодингни айтмоқчи бўлсанг, фақат бир фактга таянма, балки қўп масалалар билан исботла, суҳбатдошнинг буни юрагига яқин олишга, шу нарса ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.
7. Агар суҳбатдошнинг сенинг гапларингга эътибор билан қулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапни бошқа мавзуга бур.

Ибн Синонинг таълим-тарбия берувчи муаллимлар ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, муаллим мардонавор, ростгўй ва покиза инсон бўлмоғи, бола тарбияси усулларини ҳамда маънавият қонун-

<sup>22</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. –Т.: – Б. 323.

<sup>23</sup>Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967, 52, 86-б.

қоидаларини мукаммал билиши зарур. Аллома болага якка-ёлғиз илм бермасдан, балки кўпчилик яъни гуруҳ асосида дарсни олиб бориш керак дейди. Чунки болалар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб туришлари, бир-бирларидан яхши хулқни ўзлаштиришлари даркор. Ибн Синонинг фикрича, муаллим қуйидаги қоидаларни билиши шартдир: ўқувчини нохуш таъсирлардан асраши, унинг хуш ахлоқли ва виждонли дўстлар билан биргаликда бўлишлигини назорат қилиб туриши керак. Абу Али ибн Синонинг ўқитувчининг нутқи, унинг қисқа, аниқ, ортиқча сўзлардан холи, тингловчининг ёши, ақлий даражасига мос бўлиши юзасидан айтган фикрлари Беруний мулоҳазалари билан ҳамоҳангдир<sup>24</sup>.

Минг йил муқаддам битилган алломаамизнинг бу фикрлари баркамол авлодни тўғри йўлга солишга, уларни жисмонан соғлом, маънан етук қилишга, уларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилгандагина комил инсон бўлиб етишишларини тасдиқлайди.

### **Кайковуснинг “Қобуснома” асари**

“Қобуснома” муаллифи Кайковус ўз даврининг қомусий билимларга эга бўлган мутафаккирларидан бири бўлган. У тиббиёт, фалакиёт, айниқса, диний билимларни мукаммал билган инсон бўлган. У ўз давригача яратилган таълим-тарбияга оид асарларни ўрганиб чиққан, илм-фан, маданият ривожланган Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда бўлган Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рўшноинома” асарларини ўрганган.

XI асрнинг 82-83 йилларида Ғарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб “Насиҳатнома”сини яратади ва ўша давр анъанасига кўра, уни бобоси подшоҳ Шамсулмаолий Қобус шарафига “Қобуснома” деб атади “Қобуснома асрлар мобайнида Шарқу Ғарб мутафаккирларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган: 1702-1705 йилларда турк тилига, 1786-1787 йилларда Муҳаммад Сиддиқ Рашидий томонидан уйғур тилига, 1881 йилда Қаюм Носирий томонидан татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, француз, олмон тилларига таржима қилинган. 1935 йилда Техрон университетининг профессори, атоқли адиб Саид Нафисий “Қобуснома”ни Техронда катта илмий шарҳ билан нашр эттирди.

1860 йилда “Қобуснома” ўзбек тилига биринчи марта буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган. Огаҳий таржимасининг кўлөзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар

---

<sup>24</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 75-76.

Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ва Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада сақланади.

**Қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири “Қобуснома”**да ҳам нотиклик ва нотик одоби ҳақида ибратомуз гаплар айтилган бўлиб, улар ҳозир ҳам маълум даражада аҳамиятини йўқотмагандир. “Қобуснома” **Кайковус** томонидан 1082-1083 йилларда яратилган бўлиб, 44 бобдан иборат.

Унинг 6-7-боблари сўз одоби ҳақидадир. Асар муаллифнинг фарзандига қилган насиҳатлари сифатида ёзилгандир. У фарзандини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди: *Яхши сўзлашга ўрган ва мулойим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки, қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиради. Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз, агар у яхши сўз бўлса ҳам, ёмон кўринади*. “*Киши сухандон ва нотик бўлиши лозим*”. *Ҳар бир нотик ўз нутқи устида кўп машқ қилиши, халқ олдида нутқ сўзлаганда ёқимли ва бамаъни гапириши, халқнинг эътиборини қозониши зарур. “Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага эришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади*”.

Нотик сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак, деб ҳисоблайди **Кайковус**. “*Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!*” Нотик халқ тилини, халқнинг фикрини, руҳиятини билиши керак. “*Шундай кишини нотик (сухангўй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин*”. Сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосани кўз олдига келтириб гапирган нотик пушаймон бўлмайди. “*Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан*”.

**Кайковус** нотикларни “билафонлик” қилиб тилдаги сўзларни бузиб сўзламасликка, ҳамма вақт мавжуд тил меъёрларига амал қилишга чақиради: “*Агар сўзни ва илми яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи даҳо ақлли одам бўлса ҳам, халқ уни ақлсиз дейди...*”

Сўзнинг қадри, ундан фойдаланиш, кам сўзлаб, кўп маъно юклаш, равшан фикрлаш каби масалалар устида XII- XIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийлар ҳам ибратли фикрлар билдирганлар.

Улуғ шоир **Юсуф Хос Ҳожиб** туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадий ёдгорлиги бўлган “Қутадғу билиг” (“Бахт келтирувчи билим”) асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида: “Билиб сўзласа, сўз билиг саналур” деган эди. Гапиришдан мақсад сўзловчининг кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан етказишидан иборат. Шундай экан, нутқнинг тўғрилиги, равонлиги ва мантиқийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир яна сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда ҳовлиқмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, равон нутқ тузишга чақиради:

*Тилнинг фойдаси талайдир, ортиқча ҳовлиқма,*

*Гоҳо тил мақталади, гоҳо сўқилади.*

*Модомики шундай экан, сўзни билиб сўзла,*

*Сўзинг кўр учун кўз бўлсин, (у) кўра билсин.*

“Қутадғу билиг” асарининг бир неча боби бевосита одоб-ахлоқ қоидаларига бағишланган бўлиб, унда нутқ одоби талабларини тушунтириш алоҳида ўрин тутади. Асарда “Тил ардами” (“Тил одоби”) дейилган махсус боб бўлиб, унда тилнинг аҳамияти, нутқ одобига оид мулоҳазалар баён қилинади. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз асарининг қисмларидан бирида тилнинг аҳамияти ҳақида сўзлайди. Унинг фикрича, тил кишини билим-маърифатга, эъзоз ва ҳурматга эриштиради:

*Ақлу идрок, билим таржимони – тил,*

*Улуғловчи мардни равон тилни бил*

*Тил-ла киши бўлур улуг, бахтиёр,*

*Тил-ла беқадр эр, замга гирифтор.<sup>25</sup>*

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, кўп сўз сўзлаган кадрсиз бўлиши, топиб сўзлаган киши эса иқбол топади:

*Билиб сўзланган ҳар сўзда иқбол бор,*

*Билимсиз сўз-ла ўз бахтин қилур хор.*

Тилнинг ақл ифодачиси эканлиги, тил билан дил бир бўлиши, ҳақиқатнинг доимо инсонларга фойда келтиришини уқтиради:

*Сўз дилда яралар, тилда тугилар,*

*Эгри сўздан поклик куяр, бўгилар.*

*Тўғри сўзланган сўз кўп фойдали ши,*

*Гар эгри сўзланса, барчаси сўкиши.*

Юсуф Хос Ҳожиб тилнинг, нутқий одобнинг инсон ҳаётидаги ролини шу даражада юксак баҳолайдики, бунга кўра киши тили туфайли

<sup>25</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Академнашр, 1915. – Б.29, 30, 99.

подшоҳликка эришиши, аксинча, “яшил кўк”ка, яъни қанчалик юксакликка эришган бўлса, ундан жудо бўлиб, ерга қулаши мумкин:

*Сўз фойдаси туфайли, кўргин, қора ердаги,  
Яшил кўкка юксалади, тўрга чиқади.*

*Агар тил сўзни уддалаб сўзлай олмаса,*

*Яшил кўкда бўлса ҳам, у кишини настга туширади, кўр<sup>26</sup>.*

Шундай қилиб, донишманд шоир Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида мансабдор шахсларнинг нотиклик санъати сирларидан, яъни тилнинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта ўрганиш, нутқнинг ички ва ташқи шаклига бирдай эътибор бериш, мантиқли, гўзал ва таъсирчан нутқ туза олиш, тил бирликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларидан хабардор бўлишларини қайд этган.

**Аҳмад Югнакий** (XII-XIII) истеъдодли шоир ва донишманд мураббийдир. Ундан сақланиб қолган ягона адабий сўз санъати ва адабий мерос “Ҳибатул-ҳақойик” (“Ҳақиқатлар армуғони”) бадиий сўз санъати ва адабий тилнинг жуда қимматли ҳамда нодир ёдгорлигидир. Бу асар дидактик дoston бўлиб, ахлоқ-одоб масалалари ундаги кўпчилик бобларнинг мавзусини ташкил этади. Шоир тил одоби, сахийлик, бахиллик, камтарлик, эзгулик ва бошқалар ҳақида худди Юсуф Хос Ҳожиб каби замонасининг пешқадам мураббийси сифатида фикр юритиб, кишиларга ўғит беради.

Рост, соғлом ва мазмунли сўзлашни, керак бўлганда, сир сақлай олишни мақтаб, лақмалик, ёлғон сўзлаш ва сергапликни қоралаган шоир тилни тийиш одобнинг боши дейди. Сўзлаганда нутқни ўйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз, ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чақиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин, деб сўзловчини огоҳлантиради:

*Уқиб сўзла сўзни эва сўзлама,  
Сўзинг қизла, кедин, бошинг қизлама.*

Яна:

*Кудазгил тилингни, кел оз қил сўзунг,  
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг.<sup>27</sup>*

(Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан).

Демак, шоир нутқий одобнинг асосий шарти тилни тийиш, ўринли сўзлаш, инсоннинг тили ва дили бир бўлишидир, деб ҳисоблайди.

<sup>26</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. – Б. 205.

<sup>27</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳибат-ул-ҳақойик. -Т., 1971, 78-49-б.



**Носируддин Рабғузий** ўзбек мумтоз адабиёти тарихида алоҳида мавқе козонган адибдир. Унинг “Қиссаси Рабғузий” асари туркий халқлар орасида кенг тарқалган. У пайғамбарлар ҳақидаги қиссалардан иборатдир. Рабғузий ҳикояларида инсонпарварлик, юртпарварлик, инсонни комиллик даражасига кўтариш, ахлоқий поклик, маънавий баркамоллик сари ундаш ғоялари етакчилик қилади. Улар орасида тил одоби ва қалб поклиги ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу жиҳатдан “Луқмон ва унинг хожаси” ҳикояти ибратлидир:

*“Луқмонга хожаси айди: - “Борғил, бир қўй бўғизлаб этиндин қаю яхшироқ эрса манга келтургил”. Кўйни бўғизлади, тили бирла юракни олиб келди. Хожаси сўради: - Буларни налук (нима учун) келтурдинг?*

*Айди: - “Кўйда тилдин, юракдин яхшироқ йўқ. Агар ёвуз эрса тилдин, юракдин ёвузроқ йўқ”.*

Тилга эътибор бериш, ҳар бир айтиладиган сўз масъулиятини таъкидлаш ҳикоядаги асосий ғоявий-бадий ниятдир. Бу ерда донолик, ҳозиржавоблик ҳам улуғланган.

### **Алишер Навоий нотиклик ҳақида**

Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк сўз устаси Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузиш, уни тингловчига етказа билиш жараёнида ҳам ўзининг бутун ижоди билан ўзбек тилининг барча қирраларини, мавжуд бойликларини намоён эта олди. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн”, “Маҳбубул-қулуб”, “Назмул-жавоҳир” асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди.

А.Навоий “Маҳбубул-қулуб”да тилнинг аҳамияти, ундан фойдаланиш, нотикнинг дилидаги фикрни тўғри акс эттириши лозимлиги ҳақида шундай дейди: *“Саодатбахш руҳ зулолига матлаъ ҳам тил. Тилга ихтидорлиг — ҳакими хирадманд; сўзга ихтиёрсиз — лайни нажанд. Тилки фасиқ ва дилназир бўлғай, кўброқ бўлғай агар кўнгил била бир бўлғай”* (“Саодатбахш руҳнинг тиниқлиги манбаи ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг бошланишига сабаб ҳам тил. Тилига кучи етадиган (киши) аъут подшосидир: сўзга аҳамият бермайдиган (киши) лаънатланган, паст (киши)дир”. Тил гўзал ва дилларни оловлантирувчи бўлиши билан бирга (сўзловчининг) дилидагини акс эттирса, янада яхшироқ бўлади”).

Ҳазрат майин, ёқимли, ширали овоз билан сўзлаш одоби ҳақида, ўйламасдан сўзламаслик ҳақида ёзади: *“Тилдин азубат дилписанддур ва мийнат судманд. Чучук тилки ачигликка эврулди, зарари он бўлди. Чучук сўз соф кўнгилларга нушдур... Сўзни кўнглингда пишиқирмагунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглингда бўлса, тилга сўрма”* (“Тилнинг ширин ва ёқимли ҳамда

*юмшоқлиги фойдадур. Чучук тил аччиқ айланса, оммага (тингловчига) зарар етади. Кишини маст қилувчи қилсалар, ҳаром бўлади. Чучук сўзни тоза кўнгиллар симиради... Сўзни кўнглингда пишитиб олмагунча сўзлама, кўнглингда бўлган ҳар қандай қоидани ҳам айта берма”).*

Навоий нутқ самимий, дилкаш, юракдан чиқадиган бўлмоғи кераклиги, инсоннинг сўзи унинг ичидагини ифодалаши, унинг кимлигини нутқи айтиб туришини таъкидлайди:

*Ўртади чун бўйла заволи ичин,  
Бу сўз ила айлади холи ичин. (ҲА, 255-б).*

Алишер Навоий сўзловчининг нутқи тингловчига қизиқарли бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида суҳбатдошнинг, яъни тингловчининг кимлигини, савиясини, эҳтиёжини ҳисобга олиши, деб ҳисоблайди:

*Ҳар бирига ўзгача сўз муддао,  
Ўзгача сўз демаки, юз муддао. (ҲА, 334-б).*

Шундай қилиб, шоирнинг сўз, унинг маънолари, унда мужассам бўлган тушунчалар, сўзнинг кучи, муқаддаслиги ҳақидаги фикрлари унинг нутқ маданияти юзасидан билдирган мулоҳазалари негизини ташкил қилади. Алишер Навоий нутқнинг мазмундорлиги, мақсадга мувофиқлиги, қисқа ва лўндалиги, тилнинг лисоний меъёрлари, нутқда тил қонун-қоидаларига амал қилиниши, аниқлиги, ифода воситаларига бойлиги, кўпол воситалардан холи бўлишлиги, вазиятбоплиги, хушоҳанглигини маданиятли нутқнинг лисоний талаблари деб ҳисоблайди.

**Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг** “Бобурнома” асари бадий нутқнинг гўзал намунасидир. Бобур ўзи ҳаммабоп ёзиши билан бирга, бошқаларга ҳам шундай иш тутишни маслаҳат беради. Жумладан, ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган бир хатида бировга юбориладиган мактубни муаллифнинг ўзи бир неча бор ўқиб кўриши лозимлиги, унинг равонлигига, сўзларнинг кўзда тутилган маънони тўғри акс эттираётганлигига ишонч ҳосил қилиниши, шундан сўнггина уни жўнатиш мумкинлигини таъкидлайди. Сўзларнинг хато ёзилиши айтилмоқчи бўлган фикрни хиралаштиради, ўқувчини қийнайди: *Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқимайсен не учунким, агар у кўп хаёл қилсанг эди, ўқиёлмас эдинг. Ўқиёлмагандан сўнг албатта тағйир бўлур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақдур. Насри муаммони ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни то била битибсен. Қулунжни ё билан битибсен. Хатоингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу мутлоқ алфозингдин мақсуд тамон мафҳум бўлмайдур. Голибо хат битурда кохиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилмай*

*дейсан, ул жиҳатдин муғлак бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била битгин; ҳам сенга ташиши озроқ бўлур ва ҳам ўқиғувчига”<sup>28</sup>.*

Юқоридагилардан маълум бўладики, Шарқ мутафаккирлари нотик олдида тилни пухта ўрганиш, гўзал ва таъсирчан нутқ туза билиш, тил бойликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўядилар.

### **Саволлар:**

1. Шарқ нотиклик санъати тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Буюк алломаларнинг нутқ ва тил ҳақидаги фикрларини биласизми?
3. Берунийнинг грамматикага оид фикрларида қандай илмий ғоялар илгари сурилган?
4. Кайковуснинг нотикликка қўшган ҳиссаси ҳақидаги фикрларингиз?
5. Алишер Навоийнинг сўз қудрати ҳақидаги фикрларидан келтира оласизми?
6. З.М.Бобур хатида қандай илм ҳақида фикр юритган?

### **Глоссарий**

**Мутафаккир** – чуқур фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган киши, тафаккур эгаси.

**ахлоқий** – муомала, хатти-ҳаракат одоби.

**маънавият** – инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва ш.к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**маърифат** – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият.

**эътиқод** – ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак.

**хулқ** - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи.

**сарф** - морфология

**наҳв** – синтаксис

**дидактик адабиёт** – ибратли, таълим берувчи адабиёт, ўғит-насиҳат берувчи адабиёт.

**мантиқ** – тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

### **Адабиётлар:**

1. Бобур. Бобурнома. –Т.:Юлдуз, 1960.

---

<sup>28</sup> Бобур. Бобурнома. –Т.:Юлдуз, 1960, 421-б.

2. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971; 2015.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳибат-ул-ҳақойиқ. -Т., 1971.
- 5.Қаюмов А. Қадимият обидалари. –Т.:Адабиёт ва санъат, 1972.
- 6.Беруний. Ҳикматлар. –Т.:Ёш гвардия, 1973.
7. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. –Т:Адабиёт ва санъат, 1979.
8. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. –Т.:
9. Беруний. Танланган асарлар. -Ж.Ш. –Т., 1982.
10. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
11. Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.:Шарқ, 2001.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. X-XV АСР ШАРҚ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ

1-илова

Мовароуннаҳрда бадий, илмий ижоднинг тараққиёти, шунингдек, ваъзхонлик, “Қуръон”ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қадимдан кўп яхши илмий ва назарий қоидалар айтилган.

Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, луғатга, грамматика ва мантиқ, тилшуносликка бағишланган асарлар ёздилар

**Буюк қомусий олим Беруний** ўз давридаги барча фан соҳалари бўйича ижод қилиб 150 дан ортиқ асар қолдирди. Бизгача етиб келган асарлари “Хронология”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия” ва бошқалардир. “Геодезия” асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши, материалига кўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаш мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган “мезон”ни яратади.



## Форобий (870-950)

Улуғ файласуф **Абу Наср Форобий** илмнинг турли сохаларини мукамал билган ва улар ҳақида мустақил фикрлар баён қилган алломадир. Нутқ ва ақл тарбиясига оид илмлар тўғрисида Форобий қимматли фикрлар айтган.

Тўғри сўзлаш, тўғри мантикий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантикнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, нутқий қондани қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўзлаш ва қандай жавоб бериш (масаласи) га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси — жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир деб тасдиқлайман”.



## Маҳмуд Кошғарий

Тилшунослик тарихида М.Кошғарий салмоқли ўрин эгаллайди. У тилшуносликнинг жуда кўп сохалари бўйича асарлар ёзди. Қиёсий тарихий тилшуносликнинг отаси, фонетист, лексиколог, лексикограф, туркий тиллар сарф ва наҳв илмининг асосчиси саналади.

М.Кошғарийнинг ҳаёти ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Унинг туғилган йили аниқ эмас. Лекин луғат ёзилганда муаллифнинг кексайиб қолганлигини ҳисобга олсак, у XI аср бошларида туғилган деб ҳисоблаш мумкин. М.Кошғарийнинг туркий тилларга бағишланган иккита асар ёзганлиги маълум. Улардан бири “Жавохирун наҳв фил луғатит турк” (“Туркий тилларнинг синтаксиси жавоҳирлари” деб, иккинчиси эса “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар тўплами) деб аталади.



## Алишер Навоий



Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк сўз устаси Али-шер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузиш, уни тингловчига етказа билиш жараёнида ҳам ўзининг бутун ижоди билан ўзбек тилининг барча қирраларини, мавжуд бойликларини намоён эта олди. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн”, “Маҳбул-қулуб”, “Назм-жавоҳир” асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Навоий “Маҳбул-қулуб”да тилнинг аҳамияти, ундан фойдаланиш, нотикнинг дилидаги фикрни тўғри акс эттириши лозимлиги ҳақида шундай дейди: “Саодатбахш руҳ зулолига матлаъ ҳам тил. Тилга ихтидорлиг — ҳақими хирадманд; сўзга ихтиёрсиз — лайни нажанд. Тилки фасиқ ва дилназир бўлғай, кўброқ бўлғай агар кўнгил била бир бўлғай” (“Саодатбахш руҳнинг тиниқлиги манбаи ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг бошланишига сабаб ҳам тил. Тилига кучи етадиган (киши) аъут подшоҳидир: сўзга аҳамият бермайдиган (киши) лаънатланган, паст (киши)дир”. Тил гўзал ва дилларни оловлантирувчи бўлиши билан бирга (сўзловчининг) дилидагини акс эттирса, янада яхшироқ бўлади”).

### 3-илова

#### Алломалар сўз хусусида

→ **Юсуф Хос Ҳожиб** – Туғилган одамдан қоладиган мерос – сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади.

→ **Кайковус** – Сўзни бағоят улуғ билғил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур. Қай бир сўзники билсанг, жойини ўткармай айтғил, вақтни зое қилмағил, йўқ эрса донишға ситам қилғон бўлғайсан.

#### Алишер Навоий:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,

Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо хайвондин.


Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

### 3. X-XV АСР ШАРҚ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВАКИЛЛАРИ

4-илова



5-илова





#### 4. Юсуф Хос Ҳожиб дурдоналаридан

6-илова

Ўқув ва билимнинг тилмочи, таржимони тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади, буни яхши билиб олиш керак: Тилингни авайла – омондир бошинг. Сўзингни авайла – узаяр ёшинг.

Тил арслон мисоли ётар қафасда,

Беҳабар бошини у ер нафасда.

Тилидан тутилган не деяр, эшит,

Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт (12-бет).

## **5-МАВЗУ: Уйғониш даврида воизлик санъати (Ваъз ва воизлик ҳақида)**

### **Режа:**

1. Шарқ воизлик санъати тарихи.
2. Алишер Навоийнинг воизлар ҳақидаги фикрлари.
3. Хусайн Воиз Кошифийнинг воизликка кўшган ҳиссаси.
4. Шарқ воизларининг нотиклик маҳорати.

**Таянч сўзлар:** ваъз, воиз, нотиклик, сўз санъати, панд-насихат, нутқ одоби, сўз санъаткори, маънавий олам, суҳбат одоби.

### **Кириш**

Нотиклик — ўтмиш сўз санъатининг энг қадимий санъатларидан бири бўлиб, бу санъат мусулмон Шарқида воизлик деб аталган. Шунга кўра нутқ — ваъз, нотик — воиз деб юритилган.

Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи IX-XV асрларда дунё маданияти тараққиётида олдинги сафлардан бирига кўтарила олган эди. Умуман, ўрта асрларда фан ва маданиятнинг ривожига Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Кошғарий, Навоий каби улуғ сиймолар катта ҳисса кўшганлар. Улар яшаган давр Шарқ тарихида Уйғониш даври ҳам деб юритилади. Бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг раванқ топган йиллари бўлди. Адабиёт, санъат, фан ва умуман, маданиятимизнинг тарғиботчилари бўлган бу алломалар айни вақтда воизлик санъатини ҳам яратдилар. “Ваъз” сўзи арабча тарғиб қилиш, панд-насихат деган маъноларни англатади; “воиз” сўзи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдиради. Воизлик санъати тингловчининг, жамоанинг онгига, ҳис-туйғусига таъсир этиш маҳорати бўлиб, ҳозирги вақтда у нотиклик санъати деб юритилмоқда.

Қадимги Шарқда (9- асргача) воизлик вазифасини шоҳлар, халифалар бажарган. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йиғиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари, бошқа мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, мудофаа масалалари ҳақида ва бошқа мавзуларда ваъз айтганлар. IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидаги махсус сўз усталарига юклаб, уларни воизлар деб атай бошлаганлар. “Воиз” сўзи ҳатто уларнинг исми шарифларига кўшиб айтилган ва ёзилган. Марказий Осиё воизлик санъати

хазинасига даставвал Баҳовуддин Валад, Жалолиддин Румий, Ҳусайн Кошифий, Муин Воиз каби сўз усталари ғоят бой ҳисса қўшганлар.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисоалар ёзилган. Булар қаторига Муҳаммад Рафиқ Воизнинг “Авбоб ул-жинон”, Воиз Казвинийнинг “Зилолу мақол”, Воиз Ширвонийнинг “Аҳсан ул-аҳодис”, Муҳаммад Воизнинг “Ҳидоят ул-тақвим”, Қурайш Саидийнинг “Анис ул-воизин”, Воиз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Қози Ўшийнинг “Мифтоҳ ул-нажжих”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Махзан ул-иншо” каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, муҳаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён қилинган. Тарихнавис Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мантиқ ут-тайр”, “Махбуб ул-қулуб”, “Хамса”, “Чор девон” асарларида; Зайнуддин Восифийнинг (15 аср) “Бадое ул-вақое”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, исътеъдоди, ваъзхонлик услублари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Тарихчиларнинг маълумотиغا кўра, соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Мирзо Улуғбек каби давлат арбоблари воизлик санъатини пухта эгаллаганлар ва ўз фаолиятларида ундан моҳирона фойдаланганлар.

Воизлик санъати асосан уч шаклда бўлган: **дабирлик, хатиблик, музаккирлик**. Булардан биринчиси-давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзма баён этиш ва қироат билан ўқиб бериш, иккинчиси-жума кунлари пешин намози олдидан хутба ўқиш, учинчиси, жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборат бўлган. Уларни асосан имом-хатиб, имом-ноиблар, гоҳо мударрислар ўтказганлар. Умуман, воизлик санъатига диний таълимот соҳиблари ҳамиша катта эътибор билан қараган ва бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Воизлик санъати тингловчиларнинг, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқе ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳам учга ажратилган ва уч хил номланган:

- 1) юқори табақа аъёнлари ва зодагонлари учун мўлжалланган бўлиб, султониёт;
- 2) жанггоҳлар иштирокчилари учун мўлжалланган бўлиб жиҳодия;
- 3) оддий фуқаролар учун мўлжалланган бўлиб ғарибона деб юритилган. Султониётда - ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган; улар кўкларга кўтариб мақталган, яъни шахсга сиғиниш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик

Ўз ифодасини топган; жиҳодия - жанговарлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик улуғланган, барча жиҳодга чақирилган; ғарибонада эса - меҳнат аҳлини итоаткорликка, ювошликка чақириш кабилар ифодаланган. Ҳар бирининг ёзилиш, ўқилиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳанги ҳам ҳар хил бўлган.

Машҳур воизлардан бири, кўпгина билимларни чуқур эгаллаган, халқ орасида катта нуфузга эга бўлган Воиз Иршод ҳақида Али Сафий деган тарихчининг асаридан куйидаги бир воқеа келтирилади:

Кунлардан бирида Хусайн Бойқаро Шерознинг замондош шоҳи ҳузурига бир нуфузли вакил юбормоқчи бўлибди. Бу киши расмий давлат иши юзасидан шоҳ билан музокара олиб бориши лозим бўлган. Султон аркони давлат аъёнлари билан маслаҳат қилганида, улар ўз замонасининг ғоят маҳоратли нотик ва сиёсатдонларидан бири ҳисобланган мавлоно Иршодни тавсия қилганлар. Уни салтанатга чорлаб, бу музокарани унга топширганлар. Мавлоно Иршод Шерозга бориб, қисқа муддатда топширикни моҳирлик билан адо этган. Унинг воизлик маҳоратини пайқаган шоҳ унга қайтиш учун ижозат бермай, битта анжуман чақиртириб, ваъз айттириб, сўнг жавоб беражagini айтган. Воиз мамнуният билан бу илтимосни қабул қилиб, жума куни бўладиган анжуманга пухта тайёргарлик кўрган. Фахриддин Сафийнинг шоҳидлик беришича, Иршод минбарга чиқиб, шундай маҳорат ва эҳтирос билан нутқ сўзлаганки, масжиди жомега йиғилганлар хўнг-хўнг йиғлай бошлаганлар. Шунда у ўз нутқининг жозибадор, мафтункор яна бир қиррасини намойиш қилган: у ўз ваъзи жараёнида шундай бир бурилиш ясаганки, йиғлаб ўтирганларнинг барчаси беихтиёр қаҳқаҳа отиб юборган.

Яна шундай нотиклардан бири XV-XVI асрларда Фарғона водийсида яшаган нотик Қози Ўший бўлган. У Ўш шаҳрида туғилиб, бу ерда қозилик мансабида хизмат қилгани учун шундай ном олган. Фахриддин Сафийнинг юқорида қайд этилган рисоласида ва тарихнавис Муҳаммад Маждийнинг “Зайнат ул-Мажолис” асарида таъкидланишича, Ўший воизлик санъатида мислсиз маҳорат соҳиби сифатида донг таратган ва эл назарига тушган.

Ушбу кўлёмаларда қайд этилишича, Эрон мамлакатининг жанубидаги Сейистон вилоятининг аҳолиси ўша даврларда зикналиги билан ном чиқарган бўлиб, ҳатто тиланчига ҳам бир бурда нон бермас экан. Бу зикналикни эшитган Қози Ўший ўша вилоятга борибди. Бундан бирор наф чиқишидан шубҳаланган биродарлари уни бу фикрдан қайтаришга уринибдилар. Шунда воиз уларга қараб: “Дунёда юмшамайдиган кўнгил, очилмайдиган қулф бўлмайди: мен уларнинг кўнгил қулфини суҳандонлик калити билан очиб юмшатаман”, -дебди. Ўший сўзининг устидан чиқибди. Қози Ўшийнинг “Мифтоҳ ун-Нажжох”, яъни “Сўз калити” рисоласи эса

воизлик санъатининг сир-асрорини моҳирона очиб берган. Бу эса унинг ўткир воизгина эмас, балки нутқ маданияти бўйича етарли билим соҳиби эканлигидан ҳам далолат беради. Нотиқлик назарияси соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритган.

Воизлик санъати, унинг моҳияти, муҳим шартлари нималардан иборат бўлган? Ваъз нима-ю, воиз ким? Пиру муршид воиз қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Уни тингловчи мурид-чи? Ушбу саволлар ҳар бир замондошимизни кўпдан қизиқтириб келади. Бу каби саволларга ҳазрат Алишер Навоий ижодидан жавоб топса бўлади.

Қадим Шарқ санъатида воизлик — нотиқлик санъатининг энг оммавий турларидан бири бўлган. Бу санъат катта нотиқлик истеъдодини ва маҳоратини талаб этган. Ҳар ким ҳам воизлик санъатини эгаллай олмаган, ҳар кимга ҳам воизлик мартабаси ишонилмаган, ҳар ким ҳам халқ минбарида воизлик мақомига муяссар бўлолмаган. Воизлар бўлганки, ваъзхонликни касб даражасига кўтарганлар, умрбод шуғулланиб, бу санъат соҳасида китоблар ёзганлар, ўз нутқлари билан халққа руҳий мададкор бўлганлар, йўлбошчилик қилганлар, подшолар ҳузурида маънавий ҳомийлик мақомини тутганлар, уларни тўғри йўлга бошлаганлар. Бундай воизлар пири комил бўлганлар. Воизлар бўлганки, маънавий комил бўлмаганликларидан, халқнинг дилидаги гапни топиб гапиролмаганлар, минбарни тепиб, муштлаб, пирлик ва нутқ одобига нолайиқ ҳаракатлар қилиб, омманинг назаридан қолганлар, минбарни тез тарк этганлар”.<sup>29</sup>

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида насихатгўй ва ваъзхонлар тўғрисида алоҳида тўхталади. У воиз қандай киши бўлиши кераклиги ҳақида шундай фикр юритади: *“Воиз Ҳақ сўзни тарғиб қилиши, Пайгамбар сўзидан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи Ҳақ ва пайгамбар йўлига кириши, сўнгра эса насихат билан элни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга элни бошламоқ — мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақириши — уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этишига ўхшаши бир нарсадир”*. Демак, воиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни тарғиб этадиган, аввало, ўзи шариат ва тариқат йўлига кирган нотиқ бўлиши керак экан.

Ҳаётда баъзан шу даражага етмаган кишиларнинг ваъз айтганини эшитиб қоласиз, табиийки, бундай кишилардаги ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги, ғоявий маслагининг қатъий эмаслиги тингловчиларни ҳам мақсад йўлидан оздиради.

---

<sup>29</sup> Нусратулло Атоулло ўгли Жумаҳўжа. Истиклол ва она тилимиз. –Т.: Шарқ, 1991.

Навоий наздида: *“Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига кирган одам тўлиб чиқсин; тўла кирган одам эса енгил тортиб, холи кетсин. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насиҳатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлади. Агар у бошқаларга буюрса-ю, ўзи қилмаса, унинг сўзлари ҳеч кимга таъсир этмайди ва фойда келтирмайди. Ўз ёрдамчилари орқали насиҳат қилувчи воиз — ўзи қолиб, шогирдини куйлатувчи қўшиқчидир”*. Ушбу фикр қоидаларида воизнинг яна янги фазилатлари ойдинлашади.

Ўтмишда кўплаб воизлар бўлишган. Масалан, Алишер Навоий замонасида яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий Шарқнинг машҳур алломаларидан бири бўлган. У ахлоқ, тарих, тасаввуф, илми нуҷум (астрономия), риёзиёт, фикр соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратган. Унинг *“Футувватномаи султоний”*, *“Ахлоқи Муҳсиний”*, *“Рисолаи хотамия”*, *“Анвори Сухайлий”*, *“Лубби лубоби”* каби ўнлаб асарлари беш юз йилдан бери шарқона одоб ва ахлоқ дастури сифатида юртма- юрт, қўлма-қўл ўқиб келинмоқда. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг мухлиси, шогирди ва дўсти бўлган. У *“Тафсири Ҳусайний”* ва *“Жавохир ут-тафсир ат-туҳфат ул-Амир”* номли тафсир асарларини Алишер Навоийга бағишлаб ёзган.

Алишер Навоий *“Мажолис ул-нафоис”* асарида бу улуғ воиз ҳақида шундай маълумот беради: *“Мавлоно Ҳусайн Воиз “Кошифий” таҳаллус қилур. Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳардадур ва Мавлоно Зуфунун рангин ва пуркор воқе бўлубтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай”*.

Алишер Навоийнинг бошқа бир воиз ҳақидаги маълумотига эътибор берайлик: *“Мавлоно Муин Воиз — Мавлоно хожи Муҳаммад Фарохийнинг ўғлидурким, машохирдиндур. Холо ўзида азим воиздур ва муридлари кўп. Минбар устида девонавор илик ташламоғи ва тахтани тепмағи кўндир ва ўзин “Муин девона била таъбир қилур ва кўп баланду наст сўзлар айтур”*.

Алишер Навоийнинг бундай воизларга танқидий муносабати унинг кўп асарларида ҳажвий ифодасини топган. Афсуски, шундай воизлар ҳам бўлган ва бор. Дарвоқе, воизнинг ўзи ахлоқ-одоб ўргатувчи мураббий бўлмоғи лозим-ку. Шу боис, мумтоз меросимизда, аввало, воизнинг ўз одоби ҳақида кўпроқ фикр юритилади.

Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг *“Охиратнома”* асарида ҳам воизларга дастурул-амал тариқасида панд-насиҳатлар айтилади. Ғаззолий воизлик тили, ваъзнинг услубига алоҳида эътибор қаратади: *“Мабодо, ваъз ўқитишдан бошқа иложинг қолмаса, икки нарсада эҳтиёт бўл: бирламчи — сўзларинг ортиқча ибораю ишоратлар, асли пуч ҳикоятлару маънисиз байтлар ила ясанган, яъники, сертакаллуф бўлмасин! Чунки, Оллоҳ таоло такаллуф қилувчиларга ғазаб қилади, уларни дўст тутмайди. Ҳаддан*

*ташқари сертакаллуфлик воизнинг ботинан хароб, қалбан гафлатда эканидан далолат қилади*”. Дарҳақиқат, нотиқнинг нутқи асосий мақсадга қаратилмаган ҳар қандай ортиқча сўз ва иборалардан холи бўлиши керак. Аксарият нотиқлар нутқларини сертакаллуф, жимжимадор сўз-иборалар билан безашга ҳаракат қиладилар. Улар нутқларининг чиройли бўлишини истайдилар ва унинг ташқи чиройига зўр берадилар. Аслида эса нутққа зеб берадиган нарса фикрдир. Ваъзни эшитимли қилувчи омиллардан бири ҳаётий ҳикоятлар ва байту ғазаллар билан омухта гапиришдир. Аммо кўп нотиқлар бу борада ҳам меъёрдан чиқиб кетадилар. Сўзлаш давомида ўз ҳаётий саргузаштлари тафсилотларига ҳаддан ташқари берилдилар. Воиз ваъз айтишда худнамоликдан, халққа ўзини кўз-кўз қилишдан, шуҳратпарастликдан эҳтиёт бўлмоғи лозим.

Воизлик санъати фақат ўтмишдагина эмас, балки бугунда ҳам зарур. Мустақил Ўзбекистон фуқароларида янгича дунёқарашнинг шаклланишида воизлик санъатининг ўзига хос ўрни бор. Ҳазрат Навоий ҳам “Мажолисун-нафоис” асарида қатор воизлар ҳақида маълумот берган. Шундан ҳам билиш мумкинки, Шарқ воизларининг салмоғи бошқа халқларникидан кўп бўлса кўпки, кам бўлмаган.

**Хожа Муайяд Меҳнагий** ўз замонасининг етук нотиқларидан бири бўлиб, ўз замонасида оддий мазор шайхларидан бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, у “зоҳир улумин такмил қилиб эрди”, яъни юзадаги илмлар, ўзига аён бўлган фанларнинг ҳаммасини ўзлаштиргангина эмас, балки уни тўлдирган ва ривожлантирган ҳам эди. Унинг ваъзлари жўшқин ўтган, ўз тингловчиларида нутқига нисбатан хайрихоҳлик кўзғата олган. Шунинг билан бирга у ўз тингловчилари қалбига қўл сола олган, уларни фақатгина тингловчиликдан, ҳар бирини фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига нисбатан фаол муносабатда бўлувчи ижодкор тингловчилар даражасига кўтара олган. Ўз мажлисларининг қизгин ўтишига эриша олган. Ўша даврларда Хожа Муайяд Меҳнагий каби оташнафас нотиқлар сони жуда кам бўлган. Шунинг учун ҳам уларнинг номи улкан адиблар номи қаторида тарих саҳифасидан шарафли ўрин олган. Унинг ижодий маҳорати бошқа нотиқлар учун намуна бўла олади. Чунки у ўша даврдаги мавжуд фанларнинг барчасини тўла ўзлаштирган ва уларни такомиллаштирган донишманд олимдир.

Хожа Муайяд Меҳнагий каби маҳорат ва билимга эга бўлган ҳар бир нотиқ ўз тингловчилари қалбини ларзага келтириши, уларни ҳаяжонга сола олиши турган гап. Ана шундай қудрат заковати туфайлигина султонлар, подшоҳлар ҳам унинг маҳорати, истеъдодини тан олиб, эъзозлаганлар.

**Мавлоно Риёзий** Зова деб аталган вилоятда ўсди, улғайди. Ўзининг ақл-заковати била шу вилоятнинг қозилик лавозимигача кўтарилди. Бирок Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” асарида ёзишича, у айрим ўринсиз хатти-ҳаракатлари учун қозилик лавозимидан четлаштирилган, кишанга солиб бадарға қилинган. Натижада бир умр таъқиб остида юради, ғарибликда кун кечиради.

Мавлоно Риёзийнинг нотиклик даражасига эришувида мамлакат хукмронлари мафкураси билан унинг инсонпарварлик қарашлари ўртасидаги келишмовчилик, турли зиддиятлар асосий омиллардан бири бўлган. Риёзий нотиклигининг табиий томонларидан бири ҳамдардлик туйғуларини биринчи ўринга қўя билишдир. Алишер Навоий: “... *ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқуб, йиглаб важди хол қилур эрди*”, — дейди. Шоирнинг бу сўзлари анча диққат-эътиборга лойиқ, чунки эл олдида расмий нутқ билан чиқиб, йиғлаш даражасига бориб етиш ва бу кўз ёшига нисбатан тингловчиларда кулги эмас, балки ҳамдардлик кайфиятини уйғота олиш учун катта санъаткорлик маҳорати керак. Мавлоно Риёзий нутқ пайтида кўз ёши даражасига етиб борар экан, қалбидагини йиғиб баён этар ва кишиларни шунга ишонтира олар экан, демак, шубҳасиз, у жуда истеъдодли нотик, чинакам сўз санъаткори бўлган.

Мавлоно Риёзий ажойиб сўз санъаткори бўлиши билан бир қаторда, ўз даврининг кўзга кўринган педагогларидан ҳам бири бўлган. У дунёвий фанлар: табиатшунослик, география, тарих, адабиёт назарияси ва табиий фанларни чуқур ўрганиб, ёшлар ўртасида тарғиб қилган. Мавлоно Риёзий ўз нутқларида бошқа нотиклар қатори халқ оғзаки ижодидан ва айниқса, бадий адабиётдан жуда усталик билан фойдаланган. У ўз замонасининг забардаст нотиғи, олими, педагог ва шоирларидан бўлган.

#### **Хусайн Воиз Кошифий (Нутқ одоби қоидалари ҳақида).**

Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Шайх Саъдий Шерозий каби Шарқнинг буюк алломалари ижодида нутқ одоби қоидалари қиёмига етказиб баён этилган. Инсоншуносликнинг олий натижалари тарзида ушбу умумлашмаларни бугунги инсон одоб-ахлоқига ҳам айнан татбиқ этиш мумкин.

Хусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида нутқ одоби тўғрисида муфассал тафаккур юритадики, бунинг маҳсули нутқ одоби низомномасидай шаклланган. Мутафаккирларимизнинг наздида тил нутқ одобининг бирдан-бир воситасидир. Уни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатишгина нотикни мақсадига муяссар этиши мумкин.

Ҳаётда, инсонлараро муомалада тилнинг фаолиятига эҳтиёж ва зарурат



жуда катта. Қуйидаги ҳолатларда тилни суҳбатга очиш лозим ҳисобланади. Зарурат тақозоси билан кўнгилдаги яширин сирларни ошкор этиш, мазлумларнинг фарёдига, нидосига, илтижосига жавоб бериш, мазлумларга мадад бериш мақсадида сўз айтиш. Зотан, бу ҳолатларда кўнгил енгил тортади, айтилган сўзлар мазлумларни золимлар зулмидан озод этиши мумкин.

Тилдан фойдаланиш билан бирга, кези келганда тилни тия билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Тилни асраш ўзни асраш, тинчликни сақлаш, инсонлараро муомала, муносабат мувозанатини меъёрлаштиришга сабаб бўлади. Ҳусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича кўрсатади:<sup>30</sup>

1. Ёлғон гапиришдан, зеро, ёлғончи худонинг душманидир.
2. Ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан.
3. Гийбат ва бўҳтон гаплардан (чунки бўҳтон фосиқлар ишидир).
4. Беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қидиришдан ва гап ташишдан (булар шайтон васвасасига киради).
5. Ўзини мақташ ва таърифлашдан (бу худбинликка олиб келади).
6. Навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан.
7. Қарғашдан, дуойибад қилишдан (чунки бу жону дилнинг офатидир).
8. Мазах-масхара қилиш ва ҳазил-хузулдан.

Одамзоднинг ички маънавий олами, шарафи, обрў-эътибори унинг нутқида намоён бўлади. Сўз муқаддас нарса, шундай экан, у фақат эзгулик учун хизмат қилиши керак. Сўз тўғри, ўрнида, вақтида айтилган ва ҳақиқатни илгари сурадиган бўлиши лозим. Одам ҳақиқатни ҳатто жуда танг аҳволда қолганида ҳам айтолмас, ҳаққоний гапиролмас экан, лоақал ёлғонни гапирмасин, жим турсин. Ёлғон гапирмасликнинг ўзи ярим ростгўйликдир. Афсуски, замон аҳли зарурат бўлмаган чоғида ҳам ёлғонни кўп гапирди. Бу эса жамиятни маънавий бўҳронга итарувчи офатдир.

Ҳусайн воиз Кошифий тариқат аҳлини икки тоифага бўлади:

- а) мартабага эришганлар;
- б) мартабага эришмаганлар.

Сўнг уларнинг ҳар иккиси учун алоҳида-алоҳида суҳбат одоби қоидаларини тасниф этади: “Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги олтита қоидани сақлашлари керак:

1. Ҳар кимнинг аҳволига қараб муносиб сўз айтсин.

---

<sup>30</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т., 1994, 51-бет.

2. Дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин.
3. Гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин.
4. Овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин.
5. Одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин.
6. Агар сўзнинг қиммати — қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбати одоби нечта, деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил.

1. Сўрамагунларича гапирмасин.
2. Гапираётганда овозини баланд кўтармасин.
3. Гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин.
4. Ғаразли ва кинояли гапларни гапирмасин.
5. Бетгачопарлик қилмасин.
6. Пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин.
7. Одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин.
8. Кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам соз гапиришни шиор этсин”.

Сўзлаш ҳам, тинглаш ҳам жуда катта масъулият ва маданият талаб қиладиган инсоний фазилатдир. Агар инсон яхши сўзласа-ю, тинглашни билмаса ёхуд тингласа-ю, сўзлаёлмаса, бу ҳам маънавий ноқислик аломатидир. Чунки ўз сўзини сўзласа-да, суҳбатдошининг сўзини диққат билан тингламаса, ўзининг худбинлиги ва дўстининг дардларига бефарқлиги билан суҳбатдошини ранжитиб қўйиши мумкин. Тингласа, ўйласа-да, астойдил гапирмаса, ички мушоҳадакорлиги ва тафаккур қобилятини юзага чиқара олмайди. Нутқ ва тафаккурида мутаносиблик юзага келмайди. Шунинг учун сўзни сидқи садоқат, самимият билан сўзлаган маъқул. Суҳбатдош эса сўзни қабул қулоғи билан, диққат-эътибори билан, хайрихоҳлик ва ҳамдардлик билан тинглагани маъқул. “Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди. Агар нуксонли сўз қайсидир, деб сўрасалар, Худо ва Расулнинг сўзига мувофиқ келмайдиган сўз, деб жавоб бергил,” — дейди Хусайн Воиз Кошифий. Дарҳақиқат, айтилган сўз одам учун фарзанди жигарбандидай бир нарсадир. Ота-она фарзандидан тонолмагани каби, инсон ўз сўзидан ҳам тонолмайди. Фарзанд ҳам ота-онадан тонолмагани каби, сўз ҳам суҳандоннинг ўзиники. Шунинг учун айтилган сўзга масъуллик ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага масъуллиги даражасида бўлмоғи

лозим. Элга фойда келтирадиган фарзанд қобил, бировга зарари тегадиган фарзанд эса ноқобил саналади. Сўз ҳам шундай. Бировга нафи тегадиган сўз яхши саналади ва ўз эгасига шараф келтиради. Бировга етказадиган сўз ёмон ҳисобланади ва сўзловчини бадном этади.

**Муин Воиз.** Ҳирот вилоятининг энг забардаст воизларидан яна бири мавлоно Муин Воиздир. Муин Воиз ҳақидаги маълумотлар А.Навоий асарларида учрайди. Навоийнинг бу воизга катта эътибор берганлиги шундан ҳам маълумки, унинг тазкирасида Муиннинг нутқ маданиятига тааллуқли кўпгина қимматли далиллар бор. Улардан аён бўлишича, Муин ғоят жўшқин, эҳтиросли нутқ сўзлаш маҳоратига эга бўлган. У ваъз қилаётганда, шу қадар берилиб кетар эканки, девоналик даражасига етиб борар ҳамда “баланд ва паст сўзлардан айтур” экан.

Муин Воизнинг нутқ пайтидаги қўл ҳаракатлари, чеҳрасидаги имо-ишоралари, танасининг ҳолати ҳам ва бу воиз нутқ маданиятининг ёрдамчи, қўшимча воситаларидан ўз ўрнида моҳирона фойдаланганидан далолат беради. Демак, у тингловчиларни кучли ҳарорат ва мўл-қўл иқтидор билан қаноатлантирган экан. Муиннинг дилрабо ваъзларини тингловчи шинавандалар сабрсизлик билан кутганликлари сабабли, унинг, айниқса, жума намозида, рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ўқиладиган бомдод намозлари олдидан айтадиган ваъзлари ҳаммани лол қолдирган, нодир ходиса ҳисобланган.

Тарихнавис Хондамирнинг таъкидлашича, воиз Муин ўз ваъзларида ҳеч кимни юз-хотир қилмаган, муросасиз бўлган. Ҳатто давлат арбобларини ҳам аёвсиз танқид қилган. Гарчи бу арбобларнинг ўзлари иштирок этаётганини кўрса-да, уларни ҳақли, адолатли танқид қилавергани учун, қуйи, ўрта, юқори мартабали ҳокимлар воизга қарши чиқишга ожиз бўлиб қолганлар. Муин Воизга Хондамир берган юқори баҳоларга қараганда, бу воиз зўр суҳандон бўлиш билан бирга, кенг ва чуқур билим соҳиби ҳам бўлган. Унинг чуқур билимли воиз бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар ҳам бор. Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълум” деган луғатида келтирган далиллар бу воизнинг донишманд олимлигидан далолат беради. Бу қомусда айтилишича, Муин Воиз бешта асарнинг муаллифидир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Муин Воиз ўзининг хайратомуз санъатига фидойи суҳандонлардан бўлиб, жозибадор нотиклик заковати, оҳанрабо сўз санъати, яна кўп қиррали педагогик фаолияти, шиддаткор, муросасиз жўшқинлиги унинг моҳир воиз бўлганлигидан ёрқин далолат беради.

### **Саволлар:**

1. Ваъз нима, воизлик нима?
2. Воизлик тарихи ҳақида нима биласиз?
3. Ўрта Осиё воизларидан кимларни биласиз?
4. Алишер Навоийнинг воизлар ҳақидаги фикрларидан келтира оласизми?
5. Хусайн Воиз Кошифийнинг воизлик ҳақидаги фикрларини биласизми?
6. Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида нутқ одоби масаласини қандай ёритган?
7. Муин воизнинг ваъзлари қандай характерга эга бўлган?
8. Мавлоно Риёзийнинг воизлиги ҳақида қандай маълумотларни биласиз?

### Глоссарий

**Ваъз**- даъват, хитоб.

**Воиз** – исломда одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахс.

**Маддох** – бирор шахс ёки нарса, воқеа-ҳодисани мадҳ этувчи.

**Сухандон** – Сўзга чечан, турли мавзуларда нутқ сўзлайдиган маданиятли ва маърифатли шахс.

**Бадихагўй** – Сўзга чечан кишиларнинг шеърӣ йўсинда бирданига сўз, шеър ёки кўшиқ айтиши.

**Хулқ** - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳӣ хусусиятлари мажмуи.

**Хутба** – жума ва ҳайит намозларида ҳамда катта диний маросимларда диний арбобнинг расмӣ нутқидир.

**Қиссагўй** – афсона, эртак ва дostonларни равон ва ифодали ўқийдиган киши.

### Адабиётлар:

1. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари.-Тошкент, 1982.
2. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
3. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз. – Тошкент, 1992.
4. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т., 1994.
5. Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.
6. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. -Тошкент, 2002.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


### 1. Алишер Навоий дурдоналаридан

1-илова

“Саодатбахш рух зулолига матлаъ ҳам тил. Тилга ихтидорлиғ — ҳақими хирадманд; сўзга ихтиёрсиз — лайни нажанд. Тилки фасиқ ва дилназир бўлғай, кўброқ бўлғай агар кўнгил била бир бўлғай” (“Саодатбахш рухнинг тиниқлиги манбаи ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг бошланишига сабаб ҳам тил. Тилига кучи етадиган (киши) аьут подшосидир: сўзга аҳамият бермайдиган (киши) лаънатланган, паст (киши)дир”. Тил гўзал ва дилларни оловлантирувчи бўлиши билан бирга (сўзловчининг) дилидагини акс эттирса, янада яхшироқ бўлади”) (“Маҳбубул-кулуб”).

### 2. Воизлар фикрича

2-илова



3. Хусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича кўрсатади:

1. Ёлғон гапиришдан сақлан, зеро, ёлғончи худонинг душманидир.

2. Ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан.

3. Ғийбат ва бўҳтон гаплардан (чунки бўҳтон фосиқлар ишидир).

4. Беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қидиришдан ва гап ташишдан (булар шайтон васвасасига киради).

5. Ўзини мақташ ва таърифлашдан (бу худбинликка олиб келади).


6. Навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан.

7. Қарғашдан, дуойибад қилишдан (чунки бу жону дилнинг офатидир).

8. Мазах-масхара қилиш ва ҳазил-ҳузулдан.

#### 4.Шарқ воизлари

4-илова



## **6-МАВЗУ: Нотиқлик санъати турлари. Академик, диний, суд, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, суд нотиқлиги**

### **Режа:**

1. Нотиқлик санъати турлари.
2. Ижтимоий-сиёсий нотиқликнинг нутқий кўринишлари.
3. Академик нотиқликнинг нутқий кўринишлари.
4. Суд нотиқлиги.
5. Ижтимоий-маиший нотиқлик.
6. Шарқ нотиқлиги турлари ҳақида.

**Таянч сўзлар:** нотиқлик турлари, нутқ кўринишлари, ижтимоий-сиёсий нотиқлик, ижтимоий-маиший нотиқлик, академик ва суд нотиқлиги, мадҳия, таъзия ва табрик нутқи, илмий нутқ, илмий шарҳ, қораловчи нутқи, оқловчи нутқи.

### **Кириш**

Нотиқлик санъатининг ижтимоий мавқеи шу қадар кенг ва сертармоқки, унинг ҳар бир соҳада меъёри, мазмуни ва шакли, ўзига хослиги, таъсир кучи мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳага хос томонларини, ўзига хос жиҳатларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш ҳамда ўзига хос томонларини, имкониятларини ўрганиш зарурдир. Нотиқликнинг ижтимоий мавқеини яққолроқ тасаввур қилиш учун уни қуйидагича турга бўлинади:

#### **1.Ижтимоий-сиёсий нотиқлик**

#### **2.Академик нотиқлик**

#### **3.Суд нотиқлиги**

#### **4.Ижтимоий-маиший нотиқлик**

#### **5.Диний нотиқлик**

Нотиқлик турлари ҳам ўз нутқ кўринишларига эга.

#### **1.Ижтимоий-сиёсий нотиқлик**

Ижтимоий-сиёсий нотиқликнинг қуйидаги нутқ кўринишлари мавжуд:

1. Сиёсий-ижтимоий ва сиёсий-иқтисодий мавзудаги нутқ.
2. Сессия, конференциядаги нутқ.
3. Сиёсий нутқ.
4. Дипломатик нутқ.
5. Сиёсий шарҳ.



6. Ҳарбий ватанпарварлик нутқи.
7. Митинг нутқи.
8. Илмий-оммабоп нутқ.

## **2. Академик нотиқлик:**

1. Ўқув юртлари маърузалари.
2. Илмий нутқ.
3. Илмий шарҳ.
4. Илмий ахборот.

## **3. Суд нотиқлиги:**

1. Қораловчи нутқи.
2. Жамоатчи-қораловчи нутқи.
3. Оқловчи нутқи.
4. Жамоатчи-оқловчи нутқи.
5. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

## **4. Ижтимоий-маиший нотиқлик:**

1. Мадҳия (юбилей ёки мақтов нутқи)
2. Таъзия (мотам) нутқи.
3. Табрик нутқи (тост)

## **5. Диний нотиқлик:**

1. Хутба.
2. Ваъз.

**1. Ижтимоий-сиёсий** ва сиёсий–иқтисодий мавзудаги нутқларнинг вазифаси шу мавзуга тааллуқли информацияларни ёритиб, тингловчиларни хабардор қилиш ва мазкур масалаларда фикр юритишга ўргатишдан иборат. Ушбу нутқлар қаторига бирор давлат, ижтимоий тузум ёки дунё миқёсидаги муҳим муаммоларни камраб олувчи нутқларни киритиш мумкин. Бундай нутқлар кенг кўламда ва аниқ фактик мисоллар ёрдамида ёритилади.

**2. Қурултой, анжуман** ва ҳоказолардаги ҳисобот маърузалари – муайян раҳбарнинг бирор ташкилот, жамоанинг маълум бир муддат орасидаги ҳисоботи. Бунда амалда бажарилган иш ҳажми ва мазмуни, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва келажакда кўзланадиган режалар аниқ фактлар асосида таҳлил қилинади.

**3. Сиёсий нутқ** бирор мажлис, анжуман ёки қурултойда сўзланадиган нутқдир. Бунда раҳбар муайян даврга хос долзарб сиёсий масалаларни ёритиб беради. Сиёсий нутқлар сиёсий вазиятни аниқ, равшан, лўнда ёритиб бериши ва аниқ мазмунли шиор билан яқунланиши, тингловчиларни янги

сиёсий-ижтимоий босқичлар сари даъват қилиши билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради.

**4.Дипломатик нутқ** - Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан дипломатик алоқа ўрнатилди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон билан кўплаб мамлакатлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ривожлана бошлади ва ривожланмоқда. Ижтимоий-сиёсий нутқ турларидан бири бўлган дипломатик нутқ давлат аҳамиятидаги расмий нутқ бўлиб, халқаро мавқега эгаллиги билан характерланади. Дипломатия ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш, унинг хорижий давлатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолиятидир. Ана шу жараёнда у ёки бу давлат номидан сўзланадиган барча сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва бошқа мавзулардаги нутқларга дипломатик нутқ дейилади. Дипломатик нутқ мазмун ва талқин характери жиҳатидан турлича бўлади. Масалан: республикамизнинг давлат ва миллий байрамларида дунёнинг турли чеккаларидан табриклар ва табрикномалар келади. Мазкур табрик ва табрикномалар матни хурмат, эҳтиром туйғуси билан йўғрилган бўлади. Зеро, бу дипломатик муносабатнинг асосий тамойилларидан биридир. Ижтимоий-сиёсий нутққа мисол тариқасида давлатимиз раҳбари номига ва у киши орқали ўзбек халқи номига келган чет давлатлар раҳбарлари, жаҳон миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари томонидан йўлланган мактублар матнларини келтириш мумкин. Уларда ифодаланаётган мазмун ижтимоий-сиёсий нутқнинг яққол ифодасидир:

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

*Жаноби Олийлари,*

*Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига катта мамнуният ила зоят самимий қутловларимни йўллайман.*

*Жаноби Олийлари, Сизга бўлган зоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.*

Кофи АННАН,  
БМТ Бош котиби

**5.Сиёсий шарҳ** – бирор нотикнинг муайян даврда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни шарҳлаб баён этиб беришидан иборат.

Сиёсий шарҳнинг энг юқори тури радио ва телевидениеда мавжуд, чунки телевидение кўрсатув ва радиоэшиттиришларда эътиборли сиёсий шарҳловчилар, мухбирлар ва олимлар муайян даврнинг сиёсий-ижтимоий вазиятини имкони борича асосли равишда шарҳлаб, хулосалаштириб

берадилар. Сиёсий шарҳ фақат халқаро мавқедаги воқеа-ҳодисаларга эмас, балки мамлакат ички сиёсати масалаларига ҳам бағишланган бўлади.

**6.Ҳарбий-ватанпарварлик** нутқи ўзининг жанговар руҳи, сиёсий кескин характери ва юксак пафоси билан ажралиб туради. Ушбу нутқда ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳи уфуриб туради. Масалан, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Панипат жангидан аввал сўзлаган нутқи шижоат, мардлик руҳи билан суғорилган ҳамда унинг нафақат буюк саркарда, балки буюк нотиклигидан ҳам далолат бериб турибди:

*Беклар ва йигитлар!...*

*Ҳар кимки, ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ.*

*... Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоғ давлатни бизга қарийб айлабтур. Ўлган шаҳид, ўлтурсан гози. Барча тенгрининг каломи билан онт ичмак керакким, ҳар ким бу қитолдин юз ёндурур ҳаёл қилмагай, то бадандин жони айрилмагунча, бу муҳораба ва муқоталадин айрилмагай...(385-386-б.).*

**7.Митинг** нутқи оммавий нутқ кўринишларидан бири саналади. Митингда халқаро ва давлат аҳамиятига молик муҳим воқеалар кўпчиликка баён этилиб, улар ўша воқеани қўллаб-қувватловчи ёки қораловчи умумий шиорлар, қарор ва мурожаатномалар билан яқунланади. Шунинг учун митинглар сиёсий ташвиқотнинг энг оммавий ва таъсирчан шаклларида бири ҳисобланади. Қуролланиш пойгасини авж олдиришларига қарши, терроризмга қарши ёки ижобий из қолдирувчи воқеаларга, жумладан, давлат арбобларининг тинчлик ва дўстона ташриф билан хорижга қилган сафарлари, йиғим-терим ва сайлов кампанияларига бағишлаб ўтказиладиган митинглар буларга мисол бўла олади.

**8.Ташвиқотчи нутқи.** Суҳбатлар. Нутқнинг бу кўриниши ўзининг соддалиги, оддий суҳбатга яқинлиги, ҳар бир аудиторининг шарт-шароити ва талабига мослиги билан ажралиб туради.

Ташвиқотчи нутқининг мавзуси турлича бўлади. Масалан, давлатимизнинг муҳим ҳужжатларини жамоада оммалаштириши, сайлов пайтларида маҳалла ва хонадонларда тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда фан, адабиёт соҳасидаги янгиликлар ва ютуқларни оммага тушунтириб бериш каби масалаларда бўлиши мумкин. Ташвиқотчи суҳбатини турли шаклда ўтказиши мумкин. Айрим ташвиқотчилар тингловчиларга савол бериб ва уларнинг жавобларидан келиб чиқиб, ўз фикрларини баён этиши

ёки аксинча иш тутиши мумкин. Бу нотикнинг маҳоратига ва ҳозиржавоблигига боғлиқ бўлади.

**9.Илмий-оммабоп нутқ.** Илмий –оммабоп нутқлар илмий асосга ва ғоявий йўналишга эга бўлиши, аниқ далил ва ҳужжатларга асосланиши, масалани тарихий жараёнга боғлиқ ҳолда ёритиши, қизиқарли ва ихчам бўлиши шарт. Илмий-оммабоп нутқлар ўқиладиган аудитория тингловчилар савиясини оширишга, уларнинг билимини кенгайтиришга, дунёқарашини муайян йўналишда шакллантиришга хизмат қилиши керак.

## **II.Академик нотиклик**

Академик нотиклик ўзининг илмийлиги билан характерланиб, бирор илмий ҳақиқатни баён этиш жуда аниқ ва асосли бўлишини талаб қилади. Аргументацияларнинг кучлилиги ва уларнинг муайян фан ёки илм тармоғининг моҳиятини ечишга бағишланганлиги академик нотикликнинг энг муҳим хусусиятларидандир.

Академик нотиклик ҳам бир неча кўринишга эга:

1.Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари маърузалари ўзининг аниқлиги, илмий мунтазамлиги, фактларга асосланганлиги ва маълум бир предметни ёритиб беришга бағишланганлиги билан характерланади. Академик маърузалар предметнинг мазмуни, дастури ва тингловчилар савиясига кўра турли мураккаблик даражасида бўлади. Мана шу реал ўзига хослик ҳамisha нотикнинг диққат марказида туриши лозим.

2.Илмий маъруза - олимларнинг илмий конференциялар, симпозиумлар, илмий кенгаш ва семинарлар, халқаро конгрессларда ўқиладиган ва иштирокчилар томонидан муҳокама қилинадиган илмий маърузаларидир. Бунда муайян аспектда қилинаётган ишлар, илмий тажрибалар ҳақидаги хулосалар, туғилган ғоялар ва фикрлар баён қилинади. Илмий маърузалар ўз тадқиқот объектининг аниқлиги, илмий аргументациянинг академик маърузадан ҳам кучлилиги, муайян янгиликни ечишга алоқадорлиги билан характерланади.

3.Илмий шарҳ – муайян илмий ютуқлар ва ихтироларнинг баёни ва хулосасидан иборат бўлиб, бунда ҳам илмийлик, аниқлик, далилларга асосланиш ва предмет доирасидан чекинмаслик каби ўзига хос хусусиятлар бўлиши талаб қилинади.

4.Илмий ахборотда ҳам академик нутққа кўйиладиган барча талабларга амал қилинади. Мазкур нутқ кўриниши қилинаётган ишлар ҳақида муайян доирадаги мутахассис, жавобгар ва раҳбар шахсларни хабардор қилишни кўзда тутди. Бунда илмий ҳақиқатни ёрқинроқ очиб бериш учун академик

нутқларда қўлланиши мумкин бўлган талқиндаги образлилик, эстетик таъсирчанлик, эмоционал жонлиликдан фойдаланиш мумкин.

### **III. Суд нотиқлиги**

Суд нотиқлиги нотиқлик санъатининг қадимий турларидан ҳисобланади. Бу санъат тури Греция ва Римда, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда қадимдан мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда ҳозирги маънодаги судья вазифасини қозилар бажарган. Улар ўз нутқи, нотиқлик маҳорати билан эл назарига тушган.

Суд нотиқлиги таркибан бир неча турга бўлинади: қораловчи нутқи, жамоатчи қораловчи нутқи, оқловчи нутқи, жамоатчи оқловчи нутқи, ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

1. Қораловчи нутқи муайян шахс ёки бир гуруҳ кишиларнинг айбини бўйнига қўйиш, муайян ижтимоий тузум манфаатини ёқлаб, шу тузум қонун-қоидаларига риоя қилмаган фуқароларни қоралаш билан характерланади. Қораловчи ўз нутқида судланувчининг барча айбларини аниқ ашъвий ва мантиқий далиллар билан исботлашга, унинг чиндан ҳам айбдор эканлигини қонун доирасида асослаб беришга ҳаракат қилади. Қораловчиларнинг нутқи эмоционал жиҳатдан бир нотиқнинг ўзига хос бўлади: кимдир эҳтирос ва хаяжон билан гапирса, бошқаси босиқ ва совуққон гапириши мумкин.

2. Жамоатчи қораловчи нутқи юридик қонунлар билан таниш бўлмаган шахснинг нутқидир. Жамоатчи-қораловчи шу жиноятни содир этган кишилар билан бир жамоада ишлаганлиги, уларнинг инсонийлик қиёфасини, ўтмишини яхшироқ билиши билан жиноятчиларнинг қилмишини, айбини очиб ташлаши билан ўзига хос ўрин эгаллайди.

3. Оқловчи нутқи. Оқловчи айби бўлган жиноятчини оқлашга уринади. Шунинг учун қораловчи қўйган талабларга қарши далиллар топиши, суд ҳайъатини ва шу процесда иштирок этувчиларни ишонтирувчи контраргументлар келтира олиши керак. Оқловчи нутқи анча эркинлиги билан ажралиб туради. У нутқида бадий асарлардан парчалар ўқиб бериши, суд ҳайъатининг руҳиятига таъсир қилиб, уларнинг кўнглини юмшатадиган ҳикоялар, маталлар ёки латифалар каби воситаларга мурожаат этиши мумкин.

4. Жамоатчи оқловчи нутқи ҳам судланувчиларнинг гуноҳини енгиллатиш учун қаратилган бўлиб, улар муайян жамоа номидан сўзлайдилар. Шунинг учун ҳам жамоатчи оқловчининг нутқи инобатга олинади. Жамоатчи-оқловчи нотиқ ўзи ҳимоя қилаётган судланувчининг келажакда ўз гуноҳини оқлашга қодир эканлигини, жамиятга манфаат келтира олишини ва тўғри йўлга тушиб кета олишини маҳорат ҳамда ишонч билан сўзлаши лозим.

5. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи. Ноҳақ судланувчи ўзини ҳимоя қилиш учун сўзлайдиган нутқ туридир. Нотиклик маҳоратига эга бўлган киши ўзининг айбсизлигини мантикий ва фактик далиллар билан гапириб суд ҳайъатини ишонтира олиши мумкин. Бу суд жараёнининг демократик эканлигини кўрсатади.

#### **IV. Ижтимоий -маиший нотиклик**

Ижтимоий-маиший нотикликнинг турли кўринишлари мавжуд. Булар орасида анъанавий нутқ кўринишлари билан бирга, замон талаби билан янгича нутқ кўринишлари ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, мадҳия, мотам нутқи кабилар жуда қадимий бўлса, мажлис, анжуманлар ҳамда турли йиғинлардаги табрик нутқлари замонавийдир.

1.Мадҳия ёки юбилей – мақтов нутқлари икки кўринишда бўлади:а)аниқ шахсларнинг хизматларини таърифлаш ва тавсифлашга бағишланади; б) бирор корхона, жамоа ва бошқа географик бирликлар таърифига бағишланади.

Масалан, биринчи кўринишдаги мадҳиялар жумласига буюк тарихий шахслар, давлат арбоблари каби улуғ кишилар ҳақидаги таърифлар кирса, иккинчисига қадимий шаҳарлар юбилейлари, ўзбек пахтакорларининг ютуқлари билан боғлиқ бўлган нутқлар киради.

2.Таъзия ёки мотам нутқи ҳам дунёнинг кўпчилик халқларига мансуб бўлган нутқ кўринишларидан бири. Ўрта Осиё халқлари орасида таъзия нутқининг сажъ (қофияли наср) ва шеърий шакллари мавжуд. Улар ўзининг ёзилиши, таъзия билдирувчи шахсларнинг фазилатларини ёрқин оча олиши билан шу қадар гўзал ва дилбар ёзилганлигини қуйида келтириладиган А.Навоийнинг устози А.Жомийга бағишлаб ёзган марсиясини мисол тариқасида келтириш мумкин.<sup>31</sup>

Чарх анжуманидан ҳар дам янги жафо келади,  
Унинг ҳар бир юлдузи бошқа бир балонинг доғидир.  
Кеча билан кундузнинг кўк ва қора туни бор,  
Кечаси бошқа бир азаю, кундузи бошқа бир азадир.  
Сен кетдингу жаҳон халқинингдили зор қолди,  
То қиёматгача фироқингга гирифтор қолди!  
Дўстлар, ҳамма фанда олам аро ягона қани?  
Одам авлодининг энг афзалу доноси қани?

<sup>31</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 5-жилд, 2-китоб, 373-385-бетлар.

Қалам кўксини ёрди, юзига суртди қора,  
Дея, ул олимлар олими бўлмиш эгам қани?

Бундай таъзия нутқларининг жуда таъсирчан, мазмунан теран намуналари уларнинг нотиклик санъатининг муҳим бир кўриниши сифатида катта ижтимоий мавқега эга эканлигини кўрсатади.

3. Табрик нутқи қадимдан мавжуд бўлган нутқ кўринишларидан бири хисобланади. Табрик нутқлари 2 кўринишда бўлади:

1. Расмий-дипломатик табрик нутқи.

2. Кундалик-маиший табрик нутқи.

Расмий-дипломатик табрик нутқи давлат аҳамиятига эга бўлган анжуманларда йирик сиёсий арбоблар томонидан сўзланадиган нутқ бўлиб, мазмун жиҳатдан табрик билан халқаро аҳволга, турли мамлакатлар ва давлатларнинг ўзаро муносабатларига доир масалаларни қисман ёки умумий тарзда ёритишга бағишланган бўлиши мумкин. Айниқса, мустақилликдан кейин йирик давлатлар сиёсий арбобларининг расмий ва норасмий ташрифлари туфайли табрик нутқларининг халқаро аҳамияти ортиб бормоқда. Шу дўстона жараёнда қанчадан-қанча кескин масалалар мўътадил тус олади, баъзи муаммолар бартараф этилади, халқлар ва давлатларнинг ўзаро яқинлашувига, мавжуд муаммоларнинг тинч-тотув ҳал қилинишига замин яратилади.

Қуйидаги матнда табрикловчи шахснинг эҳтироми маъноси бир неча усулларда акс этган. Масалан, табрикнома матнининг биринчи гапида қўлланган ажратилган тўлдирувчи (Жаноби Олийларига), тўлдирувчидан (Сиз(га)) англашилган ҳурмат мазмунига урғу беришига хизмат қилган. Ушбу мисолда ҳам аниқловчи бирикмалар (беҳад мамнун, энг самимий тилак, юксак эҳтиром, саховатли халқ) кабилар табрикдаги белги семали мисолларга хос кўтаринкилик, юксалтириш, кучайтириш оттенкалари ҳам табрикнома йўлловчининг эҳтиромини ифодалаган. Шунингдек, бу типдаги табрикномаларда феъл + -гай шакли фаол қўлланилиши кузатилади:

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

*Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан бундай қутлуг айёмни мусулмонларга такрор насиб қилишини, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг саховатли халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.*

*Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.*

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ,

Қувайт Давлати Амири

Кундалик-маиший табрик нутқларига зиёфатлардаги табрик нутқлари, тўй-ҳашамлардаги муборакбод кабилар киради. Нутқнинг бу кўриниши вазият тақозосига кўра хилма-хил мазмунга ва ҳажмга эга бўлиши мумкин. Табрик нутқлари чиройли, силлиқ ва бадий безакларга бой ҳолда тузилади ва уларни сўзга уста нотик оғзидан эшитиш катта завқ-шавқ бағишлайди.

Ҳар иккала табрик нутқи ёзма матнга эга бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин расмий дипломатик нутқлар кўпинча ёзма матнга эга бўлса, кундалик-маиший матнлар эса бадиҳа характерига эга бўлади.

Умуман олганда, нотиклик санъатининг бу тури ижтимоий мавқега эга ҳамда шундай нутқларнинг аксарияти катта тарбиявий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам нотиклик санъатининг ушбу имкониятларидан унумли фойдаланиш жуда зарурдир.

#### **V. Диний нотиклик**

Нотиклик санъати маҳорати қадим тарихга эга бўлиб, бу санъат ғарбда ҳам шарқда ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турган ва даврлар оша шаклланиб борган. Шарқда нотиклик санъатининг қуйидаги кўринишлари мавжуд бўлган:

#### **Оғзаки нутқ**

1. Воизлик.
2. Нотиклик.
3. Сухандонлик.
4. Қиссагўйлик.
5. Бадиҳагўйлик.
6. Аскиячилик.
7. Маддохлик.
8. Қироатхонлик

#### **Ёзма нутқ**

1. Дабирлик.
2. Муншийлик (мирзолик)
3. Хаттотлик.



1. Хутба мусулмон давлатларида кенг тарқалган диний нутқ кўринишларидан бири бўлиб, узоқ тарихга эга. Хутба нутқи диний арбобнинг жума ва хайит намозларида ва бошқа диний маросимларда айтиладиган расмий нутқидир.

Хутба нутқлари таркибан қуйидаги тузилишга эга бўлган:

- 1) ҳамд ва наът (оллоҳ ва пайғамбар шаънига мадҳия);
- 2) хутбаи аввал (диний пандлар);
- 3) хутбаи сония (информация);
- 4) хулоса.

Хутба нутқида одатда анъанага кўра нотик оллоҳ ва пайғамбар шаънига мадҳия айтган, сўнгра жамоатни диний қонун-қоидаларга амал қилишга чақирган ва ана шу фикрини диний ҳужжатлар, дўзах ва жаннат ҳақидаги ривоятлар, қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадислари билан асослаган. Нутқининг асосий қисмида эса сиёсат ҳақида, яъни давлат янгиликлари, халқаро аҳвол ҳамда маҳаллий ахборотларни баён қилган. Чунки оммавий ахборот воситалари бўлмаган бир даврда хатибнинг сиёсий ахборотлари ягона информация манбаи бўлган. Хутбанинг эътибори шу қадар юксак бўлганки, ҳатто подшоҳлар ўзларининг тахтга ўтирганларини расман эълон қилдириш учун хутбадан фойдаланган. Чунки ҳар бир хутбада оллоҳ пайғамбарларга ҳамду санодан сўнг, албатта подшоҳнинг номи тилга олинган ва унга мадҳия ўқилган. Чунончи, тарихчи Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Шайбонийхон Ҳиротни эгаллагандан кейин жума намозида “Халифат ар-рахмон ва имам аз-заман”,<sup>32</sup> яъни “замонанинг имоми ва раҳмдил (Аллоҳ)нинг халифаси” унвонини қўшиб ўқишни буюрган. Ушбу тарихий воқеа хутбанинг қанчалик аҳамиятли бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хутба нутқининг диний информацион хусусиятларидан ташқари ахлоқий жиҳати ҳам бўлган. Хатиб тингловчиларга ахлоқ-одоб ва гигиена масалаларида панд-насихат қилган. Хутба нутқлари қуруқ ва расмий тилда эмас, аксинча, ҳикоят, ривоят, саргузашт ва бошқа ибратли, айтилган пайтда қизиқарли иллюстратив материаллар асосида баён қилинган. Булар хутба нутқининг риторик ва эстетик-бадиий қимматини оширган.

2. Ваъз диний нотикликка мансуб иккинчи нутқ кўринишидир. Ваъз арабча сўз бўлиб, “даъват”, “хитоб” деган маъноларни ифодалайди. Бу санъат катта нотиклик истеъдодини ва маҳоратини талаб этган. Ваъзлар кенг оммага мўлжалланганлиги учун динийлиги жиҳатдан хутбага қараганда анча эркин бўлган. Ваъз бадиийлик ва ҳиссий таъсирчанлик жиҳатидан ҳамда тилнинг содда ва равшонлиги билан ҳам хутбадан ажралиб турган. Ваъз орқали

<sup>32</sup> Хондамир. Тарих-и ас-сийар фи ахбар афрад башар. Ба муқаддима ба калам-и Жалал ад-дин Хумайи. – Ж.4. – Техрон, 1954. 378-б.

кенг халқ оммаси дунёвий ва диний билимлар, янгиликлар ва яна кўплаб масалаларнинг ечимларидан хабар топганлар. Ваъзларнинг қуруқлиги ёки бадийлиги ваъз эшитувчи кишиларнинг савиясига ва ваъзхоннинг билими ва маҳоратига боғлиқ бўлган.

Воизлик санъатининг ривожланиши натижасида унинг янги тармоқлари шаклланган. Булар:

**1. Музаққирлик**-диний-ахлоқий масалалар бўйича маъруза ўқийдиган кишилар ҳисобланганлар. Жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборат вазифаларни ҳам бажарганлар. Кейинчалик буларга республикамизда кенг тарқалган амри - маъруфлар ҳам қўшилган.

**2. Дабирлик** – давлат миқёсидаги ёзишмалар билан шуғулланиб, уларни кироат билан ўқиб берувчи шахслар ҳисобланган.

**3. Нотиқлик.** Нотиқ сўзи араб тилидан олинган бўлиб, у нутқ, мантиқ сўзлари билан ўзакдошдир. Нутқ сўз ва тафаккурнинг узвий боғлиқлигида намоён бўлади. Нотиқ бошқа одамлар хулқ-атвориغا ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга сўз орқали таъсир этувчи шахсдир. Нотиқнинг тафаккури ва онги узвий боғлиқдир. Нотиқ мантиқий фикрлаш хусусиятига эга бўлган ҳамда идроки, хотираси, ўй-хаёллари, иродаси, сўзамоллиги, гапга чечанлиги, билимдонлиги билан оддий одамлардан фарқланувчи шахс ҳисобланади.

#### **4. Сухандон ва сухандонлар ҳақида**

Сухандон — сўз донишманди, сўзлаш устаси, сўз ижодкори демакдир. Сухандонлар учун сухандонликнинг ўзига хос асосий шартлари белгилаб қўйилган. Булар қўйидагилардир:

Биринчидан — у маънавий-ахлоқий етук, маърифатли, сўзга чечан, сўз маъноларини теран англай оладиган, тезкор жавоблари билан кишилар ҳурматиغا сазовор бўлган зот бўлиши керак;

Иккинчидан — ёши улугроқ ҳаётий тажриба кўрган, уддабурон бўлиши керак;

Учинчидан — эл таниган ва элни танийдиган бўлиши керак;

Тўртинчидан — нутқий камчилиги бўлмаслиги керак;

Бешинчидан — кўриниши кўркем, нуроний ва ёқимтой бўлиши керак;

Олтинчидан — давра ташкилотчиси ёки тўй-маърака эгасига яқин бўлиши шарт;

Еттинчидан — давра қатнашчилари, хонадон аҳли, меҳмону мезбонларнинг асосий қисмини танийдиган киши бўлиши зарур.

Юқорида санаб ўтилган шартларга мос келган кишигина суҳандон деб тан олинган. Давраларда кишиларни аниқ ва тегин, таъсирчан фикрлари орқали бирлаштира оладиган шахс сифатида қабул қилишган.

Суҳандонликнинг шартлари таркибида уларнинг одоби қандай бўлиши кераклиги ҳам белгилаб берилган. Булар қуйидагилар:

-суҳандон, аввало, имон-эътиқодли, доимо таҳоратда юрадиган бўлсин;  
-суҳандонлик мавқеидан ғаразли ниятда ва қасд олиш учун фойдаланмасин;

-бойликка, хирсу тамаъга берилган бўлмасин;

-ийғинларда ошириб муболаға қилиш билан шуғулланмасин;

-давра, тўй-маърака манфаатини кўзлаб гапирсин, мавқеини суиистеъмол қилиб, ўз-ўзини тарғиб қилиш, ўз шахсиятини улуғлаб кўрсатишдан сақлансин;

-суҳандонлик бурчини сўзни сўзга улаш деб тушунсин, узундан узок гапириб, аравани қуруқ олиб қочмасин, балки давра аҳлини, меҳмон ва мезбонларни маҳорат билан сўзлатсин, уларнинг кўнгилларидаги гапни топсин, қулфи дилларини очсин.

Услугига кўра суҳандонлар тўрт хил бўлади. Бир хиллари на шеър, на насрий асарлардан фойдаланмай фақат оддий гапларни гапирадилар. Уларнинг нутқи камбағал ва жозибасиз бўлади. Иккинчи хиллари фақат шеър ўқийдилар, шеърни равон ва ифодали ўқиб, тингловчиларга завқ бағишлайдилар. Учинчи хиллари насрий асарлар, мўъжаз гаплар, ибора ва таъриф тавсифлар (қиссахонликни) наср билан адо этадилар ва бу тоифани ғаррохон (чиройли гапирадиганлар) деб атайдилар. Тўртинчи хиллари наср ва назмни аралаштириб, ўз ижодий фикрлари билан йўғириб гапирадилар. Бу тоифани мурассаъхон (сўз устаси), деб атайдилар. Бундай нотикларнинг камолу фазли, мартабалари олдинги уч гуруҳдан баланддир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги даврларда республика радио ва телевидениеси орқали чиқаётган дикторларни суҳандон деб аташмоқда. Диктор-лотинча “диктор” (“сўзловчи”) сўзидан олинган бўлиб, радио ва телевидениеда нутқ сўзловчи шахсдир. Диктор сўзи икки маънода қўлланилади: 1)телекамера ёки микрофонда тайёр матнни хуш овозда ифодали ва тўғри талаффузда ўқиб берувчи шахс; 2) матнга қарамасдан уни равон ва чиройли гапирувчи шахс.

Дикторнинг иккинчи маъносига хос хислатга эга бўлган нотиклар диктор сўзини суҳандоннинг синоними сифатида ишлатишади. Нотиклик санъатининг назарий ва амалий масалалари бўйича таниқли мутахассис Раҳимбой Жуманиёзов “Нутқий маҳорат” қўлланмасида бу ҳақда шундай ёзади: “Бошқа тилдан ўзлашган сўзлар кўпинча, маъно торайиши ва

кенгайиши билан кириб келади. Сухандон сўзи ҳозир диктор маъносида кўлланилмоқда. Аслида, нотўғри. Диктор бўлиш мумкин, сухандон бўлолмаслик мумкин. Диктор тайёр матнни ёқимли талаффуз, дикция билан ифодали тарзда ўқиб берувчидир. Дикторлар орасида сухандонлик маҳоратини эгаллаганлари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Диктор матн билан қаттиқ боғланса, сухандон матн билан эркин муносабатда бўлади. Нутқий малакага, кўникмага эга бўлмаган диктор тилимизнинг софлигини ҳам, бойлигини ҳам намоёиш эта олмайди. Чинакам диктор нутқ техникаси, яъни овоз, нафас, интонация, пауза, оҳанг каби нутқнинг ифода воситалари, машқий жараён билан чегараланиб қолмасдан, балки нутқий маҳорат, нутқий фаолият қирраларини эгаллашга интилиши, назарий маълумот ва амалий машғулоти уйғунлаштира олиши зарур.

Ифодали ўқиш, матн мазмунини етказишга дахлдор техник ва назарий воситаларни билиш ва амал қилиш ҳар доим аҳамиятлидир. Диктор олдида кўйилган талабларни кундалик машқ орқали шакллантириб боради. Лекин баъзи дикторлар нутқнинг сифати сухандонларга кўйилган тўртинчи шарт талабига жавоб бермайди. Айрим нутқий камчилиги бор кишиларга дикторлик вазифаси топширилмоқда. Ушбу камчилик радиодан ҳам кўра кўпроқ телевидениеда яққол сезилади. Чунки телевизорда нотик томошабин билан бевосита юзма-юз бўлади. Томошабиннинг эътибори нотик нутқнинг мазмунига эмас, балки нутқий камчилигига қаратилиб қолади. Оммавий минбарларда халқ мақолида айтилганидек, “Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин”, қабилда иш тутилмаслиги лозим. Республика радиоси ва телевидениесига энг асил сухандонлар танлаб кўйилиши керак”.

**5.Қиссахон.**Ўтмишда қиссахонлар ва афсона айтувчилар бўлган. Улар ҳам нотик ва саводхон кишилар бўлишган. Қиссахонлик йиғинларини китобхонлик деб ҳам айтишган. Маънавиятга катта эътибор берилаётган ҳозирги замонда ана шу анъаналарни тиклаш, ёшларни жалб этиш фойдали бўларди. Қиссахонликнинг аҳамиятини XV асрдаёқ Ҳусайн Воиз Кошифий шундай таъкидлайди: “Шуни билки, қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаси катта. Биринчидан, киши ўтган аждодларининг иши ва аҳволидан хабардор бўлади. Иккинчидан, одам ғаройиб ва ажойиб воқеа, саргузаштларни эшитса, фикр кўзи очилади. Учинчидан, ўтганларнинг заҳмату уқубатларидан хабардор бўлса, ҳеч ким бу дунёда ташвиш-ғамдан озод эмаслигини англаб, кўнгли таскин топади, тасалли бўлади. Тўртинчидан, ўтган подшолар давлати ва мулкнинг заволини эшитса, дунё молига меҳри сусаяди, бойлик кишига вафо қилмаслигини билиб олади. Бешинчидан, қисса эшитган инсон беҳад кўп ибрат олади, тажриба орттиради. Маълум бўладикки, ўтмиш аждодларнинг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўқувчи билан бирга эшитувчи ҳам

ундан наф топади ва агар ғайри воқе (тўқима) бўлса, айтувчи учун гуноҳ ҳисобланса-да, аммо эшитувчи учун фойдали ва савобдир...” .

Ўтмишда қиссахон ва сухандонларнинг мавқе-мартабаси улуғ бўлган. Йиғинларда қиссахон курсига ўтказилган. Курсига ўтқазилган мақсад, истеъдоди, нотиқлик ҳунари бўлган киши ҳаммадан баланд жойга ўтқазилганда бошқалар унинг дийдоридан, нутқидан бемалол баҳраманд бўлади. Подшолар сўз ҳунарида ном қозонган кишиларни сийлаб, ўз хузурларидаги курсига таклиф этганлар. Сўз майдонининг паҳлавонлари курсига ўтқазилиб эъзоланишга, қадрланишга лойиқ, деб ҳисобланган. Курсининг тўртта рукни бор, деб қаралган. Уларнинг иккита устки рукнидан бири — билим, иккинчиси — ақлу фаросат, зехну заковатга ишора. Демак, нотиқлик санъатида шу фазилатлар устувор ҳисобланган. Шунингдек, бу рукнлар курсида ўтирган нотиқнинг ўз билими ва заковати билан ҳар бир маърақада қандай сўзга талаб борлигини англаши ва шунга қараб сўз айтиши учундир. Курсининг икки остки рукнидан бири — сабрга, иккинчиси — саботга ишорадир. Бу шуни англатадики, курсига чиқиб ўтирган одам чидамли бўлиши, ўз ишига мустаҳкам, собит бўлмоғи лозим. Ҳар нарсага ўрнидан туриб кетиб енгил ҳаракатлар қилмаслиги, чалғимаслиги ва тингловчиларини чалғитмаслиги шарт ҳисобланган.

Қиссахонлик икки хил бўлади: биринчиси — ҳикоят, ривоят ва насрий қиссалар айтиш, иккинчиси — шеърхонлик йўлида ўз ҳунарини намоён этиш. Наср айтиш одоби қоидалари бундай: қиссахонлик қилувчи, агар у қиссани бошловчи бўлса, устоз таълимини олган, таҳсилни устоз ҳузурида ўтказган бўлиши лозим. Агар қиссани тугатувчи бўлса, ўзи мустақил тақрорлаган бўлсин, токи эсидан чиқиб, тутилиб қолиб, даврани совутмасин. Сўзга дадил киришсин, сусткашлик қилмасин. Тингловчилар жамоаси қандай асарни қабул қилишини англасин ва эл рағбати кўпроқ бўлган асарларни танласин. Қиссахонлик давомида назми наср билан омукта тарзда баён этсин. Лекин меъёр бузилмасин. Улуғ сухандон устозлар: “Назм қиссахонликда бамисоли таомга солинадиган туздир — агар кам бўлса таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса шўр бўлади”, — деган эканлар. Қиссахон ёлғон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасинки, элининг назаридан қолади. Кинояли, тушунилмайдиган, мавҳум сўзларни қўллаб тингловчиларни ранжитмасин. Таъмагирлик қилиб одамларни ўзидан бездирмасин. Қиссахонликни ҳаддан ташқари тез тугатмасин, ортиқ чўзмасин ҳам — ўрта меъёрни сақласин.

Ўзига хос шеърхонлик одоби қоидалари ҳам мавжуд бўлган. Шеърхонлик одоби қуйидагилардан иборатдир: шеърнинг муаллифини айтиш, шеърни ифодали ўқиш, уни одамлар қалбига жойлай олиш,

тингловчиларга уни шарҳлаб, мағзини чақиб бериш, эшитувчиларга малол келувчи ҳаракатлар қилмаслик. Мана шу қоидалар бажо келтирилса, қиссахонлик катта бир маърифий маъракага айланади.<sup>33</sup>

**6.Бадихагўй.** Бадихагўй сўзи арабча сўзловчи деган маънони ифодалайди. Бадихагўйлар ҳозиржавоб ва сўзга чечан кишилар бўлиб, улар шеърий йўсинда бирданига сўз, шеър ёки қўшиқ айтувчилар ҳисобланади. Бадиха эркин тарзда ижод ва ижро этилган асар бўлиб, бадихагўйдан катта тажриба ва юксак иқтидор талаб этилади. Бадихагўйликнинг тур ва жанрлари кўп бўлиб, энг кўп тарқалгани бахшичиликдир. Ўзбек бахшиларидан Пўлкан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир ва бошқалар бахшилик (бадихагўйлик) санъатига муносиб ҳисса қўшганлар. Улар сўзга чечанлиги, хотиранинг кучлилиги билан ажралиб турганлар. Ҳар бир бахшининг ўзига хос овози ва одамларга таъсир эта оладиган жиҳатлари бўлган.

**7. Маддох.** Маддох-арабча “мадх” (“мақтов”, “таъриф”) сўздан олинган бўлиб, бирор шахс ёки нарса, воқеа-ҳодисани мадҳ этувчидир. У, асосан, диний мавзуларда, хусусан, Муҳаммад (С.А.В) пайғамбар ва чориёрларнинг ҳаёти ҳамда хислатлари ҳақидаги маълумотлардан бадиха тарзида айтувчи ҳисобланади. Диний байтларни, ғазалларни ва ҳикояларни баланд овозда кенг халқ оммаси олдида равон ва ифодали айтиш маддохнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Демак, маддохлик диний айтиш йўли бўлиб ижрочидан нотиклик маҳоратини талаб қилган. Кейинчалик маддох сўзининг яна бир маъноси юзага келди. Бирор шахсни, хислатни ёки ғояни ҳаддан ортиқ мақтовчи ҳам маддох деб юритила бошлади.

**8.Аскиячи.** Аскиячи – арабча “закий” сўздан олинган бўлиб, “ҳозиржаноб, ўткир зеҳнли” деган маънони ифодалайди. Аскиячи жамоат олдида маълум мавзу бўйича сўзда ўз қобилиятини намоён қилиб тортишувчи киши ҳисобланади. Аскияда икки ва ундан ортиқ киши ёки маълум гуруҳлар ўзаро мусобақалашадилар. Аскиячининг вазифаси сўзда ҳозиржавоб бўлиши, кўп маъноли сўзларнинг моҳиятини англаган ҳолда ўз ўрнида қўллай олиши, йиғилганларни кулдира олиши, шунингдек, таъсирли ва қочиримли сўзлай олиши зарурдир. У она тилининг бойликларини яхши билиши, киноя, қочирим, ҳазил, масҳара, кесатик, ўхшатиш, муболаға каби санъатлардан унумли ва ўринли фойдаланиши лозим. Аскиячининг вазифаси кулги орқали

---

<sup>33</sup> Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011, 63-б.

одамларга завқ бериш, уларнинг билими ва ақлини чархлаш, ҳозиржавоб бўлишга ўргатишдан иборатдир.

**9.Қироатхон.**Таъсирчан, ифодали ўқийдиган шахс бўлиб, қиссахон унинг бир кўринишидир. Қироат мусиқийликка мойиллиги билан ажралиб туради. Арабий қироат талаби, тажвид қоидалари билан ўқилувчи Қуръон тиловати бунга мисолдир. Қуръон ёддан ёки манбанинг ўзидан ўқилади ҳамда қироатга риоя этилади. Таниқли сўз санъаткорларининг номи билан аталувчи навоийхонлик, бобурхонлик, бедилхонлик кабилар қироатхонликка мисол бўла олади.

Демак, нотиклик санъати тур ва кўринишлари катта ижтимоий мавқега эга. Ушбу санъатнинг мавқеи ва аҳамияти бугунги кунда ҳам тобора ошиб бормоқда. Зотан, мустақил Ўзбекистон фуқароларида янгича дунёқарашнинг шаклланишида нотиклик санъатининг ўзига хос ўрни бор. Бугунги кун ёшлари нотиклик санъатининг тур ва кўринишлари ҳақида муайян маълумот ва билимга эга бўлиши жоиз, албатта.

### **Саволлар:**

1. Нотикликнинг қандай турларини биласиз?
2. Сухандонлар билан дикторларнинг фарқи борми?
3. Қадимда маддоҳларнинг вазифаси нималардан иборат бўлган?
4. Қиссахонларнинг вазифаларини биласизми?
5. Ёзма ва оғзаки нутқнинг аҳамиятли томонларини фарқлаб бера оласизми?

### **Глоссарий**

**Ваъз**- даъват, хитоб.

**Воиз** – исломда одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахс.

**Маддоҳ** – бирор шахс ёки нарса, воқеа-ҳодисани мадҳ этувчи.

**Сухандон** – Сўзга чечан, турли мавзуларда нутқ сўзлайдиган маданиятли ва маърифатли шахс.

**Бадихагўй** – Сўзга чечан кишиларнинг шеърӣ йўсинда бирданига сўз, шеър ёки қўшиқ айтиши.

**Хулқ** - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳӣ хусусиятлари мажмуи.

**Хутба** – жума ва ҳайит намозларида ҳамда катта диний маросимларда диний арбобнинг расмӣ нутқидир.

**Қиссагўй** – афсона, эртақ ва достонларни равон ва ифодали ўқийдиган киши.

**Аскиячи** - хозиржавоб, ўткир зехн эгаси.

**Дабирлик**- котиблик.

**Хатгот**-чиройли хуснихат билан ёзиш санъатини эгаллаган киши, каллиграф.

**Мунший**-ёзув ишларини олиб борувчи котиб.

#### **Адабиётлар:**

1. Хондамир. Тарих-и ас-сийар фи ахбар афрад башар. Ба муқаддима ба калам-и Жалал ад-дин Хумайи. –Ж.4. –Техрон, 1954. 378-б.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 5-жилд, 2-китоб, 373-385-бетлар.
3. З.М. Бобур. Бобурнома. Т.: Фан, 1960.
4. А.Навоий “Муҳокаматул луғатайн”. -Т.Фан, 1982.
5. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. –Тошкент:Ўқитувчи, 1982.
6. Жумахўжа Н. Истиклол ва она тилимиз. –Тошкент:Шарқ, 1992.
7. Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.



## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Нотиқлик санъати турлари

1-илова

1.Ижтимоий-сиёсий нотиқлик:1.Сиёсий-ижтимоий ва сиёсий иқтисодий мавзудаги нутқ. 2.Сессия, конференциядаги нутқ.  
3.Сиёсий нутқ. 4.Дипломатик нутқ. 5.Сиёсий шарҳ. 6.Ҳарбий ватанпарварлик нутқи.7.Митинг нутқи.8.Илмий-оммабоп нутқ.

2.Академик нотиқлик:

- 1.Ўқув юртлари маърузалари.
- 2.Илмий нутқ.
- 3.Илмий шарҳ.
- 4.Илмий ахборот.

3.Суд нотиқлиги:

- 1.Қораловчи нутқи. 2.Жамоатчи-қораловчи нутқи.
- 3.Оқловчи нутқи.4.Жамоатчи-оқловчи нутқи.
5. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

4. Ижтимоий-маиший нотиқлик:

1. Мадҳия (юбилей ёки мақтов нутқи).
- 2.Таъзия (мотам) нутқи.
- 3.Табрик нутқи (тост)

5.Диний нотиқлик:

- 1.Хутба.
- 2.Ваъз.

## 2. Шарқда нотиклик санъатининг кўринишлари

2-илова

Оғзаки нутқ

1. Воизлик.

2. Нотиклик.

3. Сухандонлик.

4. Қиссагўйлик.

5. Бадиҳагўйлик.

6. Аскиячилик.

7. Маддоҳлик.

8. Қироатхонлик.

Ёзма нутқ

1. Дабирлик.

2. Муншийлик (мирзолик)

3. Хаттотлик.

## 3. ВОИЗЛИКНИНГ ТУРЛАРИ

3-илова

1. Хатиблик – жума кунлари пешин намозидан сўнг диний ва сиёсий маърузаларни ўқиб берувчи кишилар ҳисобланган.

2. Музаққирлик - диний-ахлоқий масалалар бўйича маъруза ўқийдиган кишилар ҳисобланганлар. Жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборат вазифаларни ҳам бажарганлар.

3. Дабирлик – давлат миқёсидаги ёзишмалар билан шуғулланиб, уларни қироат билан ўқиб берувчи шахслар ҳисобланган.

Ўзига хос шеърхонлик одоби қоидалари ҳам мавжуд бўлган. Шеърхонлик одоби қуйидагилардан иборатдир: шеърнинг муаллифини айтиш, шеърни ифодали ўқиш, уни одамлар қалбига жойлай олиш, тингловчиларга уни шарҳлаб, мағзини чақиб бериш, эшитувчиларга малол келувчи ҳаракатлар қилмаслик. Мана шу қоидалар бажо келтирилса, қиссахонлик катта бир маърифий маъракага айланади.

## 5. Сухандонликнинг асосий шартлари

5-илова

Тўй-маъракалар сухандонлари учун сухандонликнинг қуйидаги асосий шартлари бор: биринчидан — у маънавий-ахлоқий етук, маърифатли зот бўлсин; иккинчидан — ёши улуғроқ ҳаётий тажриба кўрган бўлсин; учинчидан — эл таниган ва элни танийдиган бўлсин; тўртинчидан — нутқий камчилиги бўлмасин; бешинчидан — кўриниши кўркам, нуроний ва ёқимтой бўлсин; олтинчидан — давра ташкилотчиси ёки тўй-маърака эгасига яқин бўлсин; еттинчидан — давра қатнашчилари, хонадон аҳли, меҳмону мезбонларнинг асосий қисмини танийдиган киши бўлсин.

## **7-МАВЗУ: Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари (нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, ифодалилиги, мақсадга мувофиқлиги)**

### **Режа:**

1. Нутқнинг тўғрилиги.
2. Нутқнинг аниқлиги.
3. Нутқнинг тозаллиги (софлиги).
4. Нутқнинг мантиқийлиги.
5. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги.
6. Нутқнинг ифодавийлиги (таъсирчанлиги).

**Таянч сўзлар:** маданий нутқ талаблари, лисоний омиллар, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг талаффуз маданияти, луғавий маданият, нутқнинг аниқлиги, ихчамлиги, мантиқийлиги, тозаллиги, таъсирчанлиги, жозибадорлиги.

### **Кириш**

Маданий нутқ малакасини ҳосил қилиш, нутқ маданиятига эришиш, ҳеч шубҳасиз, адабий тил меъёрларига амал қилиш билан боғлиқдир. Адабий тил меъёрлари талабига риоя қилиш нотик нутқини умумтушунарли қилади, унга адабийлик, тўғрилик хусусиятларини бахш этади. Шу билан бирга, ҳар қандай нутқ алоҳида шахсларнинг ўзига хос фаолияти ва ижодидир ҳамда у кўп ҳолда бетакрорлиги билан ажралиб туради. Нутқнинг индивидуал фаолият экани ҳар бир шахс билганича гапираверади деган гап эмас. Ҳар қандай нутқ маълум ва аниқ тингловчига, шахсга, жамоага қаратилган бўлади. Демак, нутқ ана шу шахс ёки жамоага тушунарли бўлиши лозим. Мана шу маънода нутқ олдида маълум умумий талаблар қўйилади, бу талаблар, бир томондан, лисоний омилларга, иккинчи томондан, нолисоний омилларга боғлиқ бўлади. Ушбу талабларнинг асосийлари: тўғрилик, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилиги (таъсирчанлик), бойлик, софлик, жўялилиқдир.

Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади. Ҳар қандай нутқнинг асосий мақсади муайян ахборотни тингловчига етказиш, шу йўл билан унга таъсир қилишдан иборат бўлиб, мазкур сифатларнинг жами нутқнинг таъсирчанлигини юзага келтиради.

**Нутқнинг тўғрилиги.** Нутқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири фикрни тўғри, мазмунли баён қилишдир. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига мос келадиган нутқ тўғри нутқдир. Нутқнинг талаффуз маданияти тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқдир. Бунга сўз ва ибораларнинг тўғри дикцияси, сўз ва мантикий урғу, интонация ва паузага эътибор қилиш орқали эришилади. Масалан: *қатлама, ҳозир, қўллар, боғлар* кабилар. Нутқда мантикий урғудан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан: *Семиз папкали киши келди, Онасиз бола ўйнамас* каби гапларнинг маъноси урғунинг қайси гап бўлагига тушишига кўра турли маъноларни англатиши мумкин.

Маданий нутқда сўзларнинг тўғри талаффуз қилиниши энг муҳим шартлардан биридир. Айрим сўзларни эскирган шаклда талаффуз қилиш (ишқоп, паришта), талаффузи бир-бирига яқин сўзларнинг фарқига бормай (тип-тиф), эътиборсизлик натижасида х товуши ўрнида ҳ ни (шоҳ-шоҳ), у товуши ўрнида ў (улкан-ўлкан) ни, русча ўзлашмалардаги ў товуши ўрнида о (коллеж) ни талаффуз қилиш ғайримеъёрий ҳолатдир.

Интонация туфайли сўзларнинг маъно ифодалаш имкониятлари кенгайди. Одатда, интонация нутқ сўзланиб турган вазиятда юзага келади ва у нутқий талабга кўра ҳар хил кўринишда бўлади. Масалан: *келинг* сўзи оҳангига кўра самимият, норозилик, масхаралаш каби қатор маъноларни ифодалаш мумкин. *Баҳор* сўзи гап интонацияси билан айтилмаса сўзлигича тураверади, аммо тегишли интонацион моделга мувофиқ айтилса дарак, сўроқ, ундов гапларга айланади. Тўғри нутқ тузиш учун фикрни ҳар томонлама мазмунли, ифодали қилувчи сўз ва сўз вариантларини топа билиш, уларни ўз ўрнида ишлата олиш муҳимдир. Сўзнинг луғавий маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга олиб келади. Масалан: *Ғофир Солиҳбойнинг қироли эди. Дилноза ойисидан жудо хурсанд бўлди.*

Синонимлар нутқни таъсирчан қилиш билан бирга, турли қайтариқларнинг олдини олиб, уни равон қилади. Нутқда синонимлардан уларнинг маъно ва услубий нозикликларини тўла англаган ҳолда фойдаланиш лозим, акс ҳолда нутқий ғализлик вужудга келади. Масалан: *озгин, ориқ, юз, афт, бет, чехра, турк, жамол, ораз, башара, кулмоқ, жилмаймоқ, табассум қилмоқ, ишшаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ* каби.

Тўғри нутққа қўйиладиган талаблардан бири унинг грамматик жиҳатдан тўғри шаклланишидир. Жумладан, қаратқич келишигини белгили ва белгисиз қўллаш бўйича муаммолар бор. Гапнинг маъноси, мазмунига путур етмаса, қаратқич келишиги тушириб қолдирилади. Баъзи ҳолларда қаратқич келишиги қўшимчасининг тушириб қолдирилиши ахборотни

хиралаштиради, фикрни чалғитади: *Аскар отаси* деб ёзганда, матнни ўқиб чиқмасдан туриб, гап ким ҳақида борётганлигини билиб бўлмайди: гап аскарнинг отаси ҳақидами, ёки аскар бировнинг отасими? *Унда факультетларнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича декан ўринбосарлари қатнашди. - Факультет деканининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари қатнашди.* Аниқловчи кўплик билдирувчи сўз бўлганда *-лар* эгада ҳам, кесимда ҳам тежалади. Ҳозирги кунда ана шу қоидага риоя қилинмай эга ва кесимга *-лар* кўшиб ишлатилмоқда: *Мусобақада 1, 2, 4, 5, 9, 10, 11, 15, 31-ўрта мактаблардан 64 нафар спортчилар иштирок этдилар. Айни кунда илм масканида 3 нафар фан доктори, 19 нафар фан номзодлари, 26 нафар олий тоифали ўқитувчилар иштирок қилишмоқда.*

Ҳозирги кунда сўзлаш маданиятида сезилаётган яна бир тенденция араб ва форс сўзларини зўрма *-зўраки* ишлатиш ҳисобига ёзма ва оғзаки нутқни жимжимадор, дабдабали қилишга интилишдир. Жумладан, *сарафроз, зуҳур этмоқ, алҳол, мухтасар, номавзун* каби сўзлар ўрнига ўзбекча муқобилларини ишлатиш ўринли бўлади. Худди шунингдек, адабий тил луғат таркибидан ўрин олмаган, фақат сўзлашув нутқида ўринсиз ишлатиладиган *гостиница – “меҳмонхона”, столовой – “ошхона”, больница – “касалхона”, библиотека – “кутубхона”* каби қатор сўзларнинг ўзбекча муқобилларини ишлатиш тўғри нутқ меъёрини таъминлайди.

Тўғри нутқ тузиш кишининг руҳий ҳолати билан ҳам боғлиқ. Жумладан, сен ва сиз кишилиқ олмошлари нутқ вазияти ҳамда сўзловчи ва тингловчи муносабатига кўра турлича маъновий-услубий вазифа бажаради. «Сен» кишиларнинг яқинлигини (ёши ёки қариндошлиги жиҳатидан) кўрсатади. «Сиз» сўзида ҳурмат семаси бўлганлиги учун ёши улуг ёки таниш бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилади ва орада оз бўлса-да масофа сақланади. Айни замонда «сен» кўполлик, ҳурматсизликни, «сиз» эса диққат ва хушмуомалалиқни ифодалаш ҳам мумкин. Нутқ жараёнида бирор бир сабабсиз шароитда «сиз»дан «сен»га ва аксинча «сиз» лашга ўтиш ўринли эмас. Чунки «сиз» сўзидан кейин «сен»лаш ноқулайлик туғдирса, «сен»дан кейин «сиз»лаш эса муомалада совуқлик туғдиради. Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала ҳолатда ҳам нутқий тўғрилиқ бузилади.

Нутқда ортиқча кераксиз сўзларни қўллаш унинг маъносини, таъсир кучини сусайтиради. Жумладан, айрим нотиклар нутқидаги *масалан, демак, ниҳоят, хўш, масалан, демоқчиманки, айтайлик, ҳалиги* сўзларининг такрор-такрор ишлатилиши бунга мисол бўлади.

Айрим шахслар ўз нутқида русча сўзларни бепарволик оқибатида эҳтиёжи бўлмаган ўринларда ишлатадилар: *ака ўрнига брат, братан, банд ўрнига зайнит, ота ўрнига пахан, бизнинг отец, марҳамат ўрнига пожалиста, яхши ўрнида хорошо, отлично* каби. Худди шунингдек, баъзи ёшлар жуда чиройли исмларни бузиб, русчага тақлидан талаффуз этадилар: *Иродани-Ира, Адолатни – Адол, Алишерни – Алик, Дилбарни- Диля, Улуғбекни – Удик* каби.

Юксак нутқ маданиятига эришиш учун шевачиликнинг айрим салбий таъсиридан ҳам қутулмоқ лозим. Ҳозиргача матбуот радио ва телекўрсатувларда шевачилик таъсири сезилади.

Демак, тилдаги лексик, фразеологик ва грамматик воситалардан ўринли ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиб тўғри нутқ тузиш ҳар бир маданиятли кишининг, айниқса, нотикнинг муқаддас бурчи бўлмоғи зарурдир.

**Нутқнинг аниқлиги.** Қадимги юнон донишманди Аристотель ўзининг “Риторика” китобида нутқнинг асосий фазилати унинг аниқлигида эканлигини айтиб, “агар нутқ аниқ бўлмаса, у ўз мақсадига эриша олмайди” деб таъкидлайди.<sup>34</sup> Нутқнинг аниқлиги –бу айтилаётган сўз ёки иборанинг ўзи ифодалаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишидир. Шунинг учун сўзловчи ким ёки нима ҳақида гапираётганини ҳар томонлама чуқур тушунган бўлиши керак, акс ҳолда нутқ аниқ бўлмайди. Нутқий аниқлик дейилганда, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг лисоний алоқа жараёнидаги атамаси бўлган материали ўртасидаги мутаносиблик тушунилади. Яхши нутқнинг коммуникатив сифати бўлган аниқликни «нутқ-воқелик», «нутқ- тафаккур» муносабати асосида белгилаш мумкин.

Нутқ аниқ бўлиши учун, энг аввало, сўзда ифодалаётган денотат ҳақида тўғри тасаввур бўлмоғи керак. Шу ўринда тўғри нутқ ва аниқ нутқ ўзаро фарқланади. Тўғри нутқ бу «тил-нутқ» муносабати асосида қурилиб, асосан, лисоний далилларга суянса, аниқ нутқ «нутқ-борлиқ-воқелик» муносабати асосига қурилади ва ҳақиқатни фаҳмлаш, билишга қаратилган бўлади. Тафаккур қилиш, билиш нутқ шаклида рўёбга чиқади. Айтилаётган фикр тингловчилар томонидан қабул қилинса, тушунилса, бундай нутқ аниқ бўлиб ўз мақсадига эришган бўлади. Шунинг учун сўзловчи нима ёки ким ҳақида гапираётганини ҳар томонлама чуқур тушунган бўлиши керак, акс ҳолда нутқ аниқ бўлмайди. Фикр тингловчига тўлиқ бориб етмайди.

Фикрий ноаниқликлар қуйидаги ҳолларда учрайди:

<sup>34</sup> Античные риторика. -Москва: МГУ, 1978. - С.129.

1. Сўз маъносига етарли эътибор бермаслик натижасида: *Тарбиячи болаларга тушунарли бўлиши учун китобни олиб, хонтахта тортмасига қўяди.* (хонтахтанинг тортмаси бўлмайди).
2. Паронимлар маъносини билмаслик натижасида: *Дилноза маржон оналарини ипга чизди.* ( ипга тизмоқ бўлиши керак ). “*Орифжон, отнинг афзалларини жойига қўй,*” - деди отаси (Отнинг абзаллари).
3. Мантикий жиҳатдан воқеликка зид бўлган тушунча ифодаловчи сўзларни ёнма-ён ишлатиш натижасида: *Корхонага янги замонавий технология ўрнатилди* (ишлаб чиқариш жараёнлари ва усуллари ҳақидаги билимларнинг жами, шунинг учун моддий бўлмаган нарса ўрнатилмайди, балки жорий этилади ёки техника сўзи билан алмаштириш керак).
4. Нутқда сўзни ўз ўрнига қўйиб гап тузолмаслик, гап тартибининг бузилиши натижасида: *Яқиндагина наشريётдан чиққан адабимизнинг янги асарлар тўплами кенг жамоатчиликка манзур бўлди.*
5. Сўзнинг ноўрин танланиши натижасида: *Шаҳар билан қишлоқ ўртасида тафовут тобора қисқараётир.* Режиссёр бир қатор умидли сахна усталарини *кашф этди.*
6. Бир синонимик қаторни ташкил қилган сўзларнинг барчаси ҳам бошқа сўзлар билан синтагматик муносабат ташкил қилолмайди. *Пухта, пишиқ, мустаҳкам* синонимлари бино сўзи билан синтагматик муносабат ташкил қилади, *йигит* сўзи эса *пишиқ ва чидамли* сўзлари билан синтагматик алоқага киришади.

Аниқлик сифати бадий нутқда ўзига хос тарзда намоён бўлади, чунки бадий асар бадий тафаккур маҳсулидир. Бадий нутқда образлилик биринчи планда бўлганлиги учун сўз маъносидаги силжишлар, кўчишлар кўп кузатилади. Сўз ва у ифодалаган предмет ўртасидаги мутаносиблик бадий нутқда кўпинча очик ва тўғридан-тўғри бўлмайди. Бадий нутқ ўзининг таъсир этишдан иборат асосий мақсадига эришиш учун сўзнинг турлича қўлланиши, товланиши, турланиши, хилма-хил маъноларни устига олишига кенг имконият яратади. Бадий нутқда сўзлар ўз ва ҳатто кўчма маъноларидан ташқари ўзига хос янгидан-янги маъно қирраларини кашф этиши ва шу тарзда бадий тасвирнинг янада аниқлигини таъминлаши мумкин: *Мирёқуб гурурининг калтакланишидан келган бир захарханда билан кулди, инженер эса бурунги кулар юзини ҳам нўқталаб олди.* Бу гапдаги *гурурининг калтакланиши ва кулар юзини нўқталамоқ* бирикмаларидаги ажратилган сўзлар касб этган маъно нозикликлари билан матнга аниқлик, таъсирчанлик бахш этган (ғурурни азобли даражада поймол қилиш, кескин ва тамоман тўхтатмоқ).



Демак, нутқнинг аниқлиги сўзнинг тилдаги маъносига тамомила мувофиқ тарзда қўлланиши, сўзнинг воқеликдаги ўзи ифодалаётган нарса-ходиса билан қатъий мослиги асосида юзага келадиган коммуникатив сифатдир.

Хурматли бюро аъзолари! Мен Баширжон акани узоқ йиллардан бери биламан. У киши жуда ғалати, ўзига хос одам. Адабиётчилар тили билан айтсак, ўзига хос бир тип. Баширжон ўтирган ерида қимирлаб қўйди. У тип сўзини тиф деб тушуниб: Ёлғон! Умримда тиф билан оғриган эмасман!-деб кичқирмоқчи ҳам бўлди. (Н.Аминов. Елвизак)

Компост- компот паронимиясидаги компост гўнждан ачитиб тайёрланадиган ўғитни, компот эса меваларни қайнатиб тайёрланадиган ичимликни ифодаловчи сўзлар бўлиб, қуйидаги парчада улар асосида жуда чиройли кулгу чиқарилган: Марҳамат,-дедим-да, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, лекция ўқишга тушиб кетдим, -ўртоқлар, компост жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанча кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларда компостни ўрик, шафтоли қоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, компост ичмабсиз, дунёга келмабсиз... Гапимни тугатмасимдан ўтирган одамлар шарақлаб кулиб юборишди.(Х.Тўхтабоев, Сарик девни миниб).

Гиппократ касал кўраётганда, ундан: “Сиз ким томондасиз? Мен томондами ёки касал томондами?”-деб сўраркан. Шунда касал:”Албатта, сиз томондаман-да” деса, Гиппократ унга қараб: “Мен томон бўлсангиз, биз икковлон касални енгамиз. Агар касал томонда бўлсангиз, мен яккаланиб қоламан-да”, дер экан.

Демак, аниқ нутқ малакасининг шаклланишида тавсифланаётган воқеликни билиш, тилдаги сўз маънолари системасини яхши англаш, нутқ мазмунига эътибор билан қараш ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Ана шунда ифода учун энг уйғун ва алмаштириб бўлмайдиган аниқ сўзни топиш мумкин.

Нутқда **ихчамликка, аниқликка** интилиш ҳаётий зарурат ҳисобланиб, у одатда, оғзаки нутқда кўпроқ учрайди. Ёзма нутқда турли сарлавҳалар, халқ мақоллари ихчам шаклда бўлади. *Тобутдан чиққан товуш – Тобутдан товуш; Олтин водийдан эсган шабадалар – Олтин водийдан шабадалар: Дўстимдан келган хат-Дўстимдан хат; Онамга ёзилган хат- Онамга хат; Яхшидан от қолур, ёмондан дод қолур – Яхшидан от – ёмондан дод* каби. Бундай қўлланишлар тилнинг ихчамликка интилиш қонуниятини ўзида акс эттиради, шу сабабли улар адабий нутқ эҳтиёжи ҳисобланади. Демак, нутқ ихчамлиги деганда, нутқда сўзларни кам миқдорда қўллаган ҳамда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади. Кўп сўз нутқий мазмунига,

нутқнинг чиройли бўлишига халақит беради. Жумлаларни қисқа ва тўғри тузиш нутқ аниқлигини таъминлайди.

Нутқнинг аниқлиги унинг мантиқийлиги билан бевосита боғланган бўлиб, нутқнинг аниқлиги мантиқий нутқни юзага келтиради.

**Нутқнинг мантиқийлиги.** Ўзаро мантиқий боғлиқлик инсон фаолиятининг барча соҳалари қатори фикр алмашиш қуроли бўлган тил ва нутқ ҳодисаларига кўпроқ тааллуқлидир. Тилдаги луғавий, фразеологик ва грамматик бирликлар ҳам ўзаро мантиқан боғлиқдир. Яхлит бир тизим (система)га бирлашиб, фикрлар ривожини изчил бўлган, луғавий ва грамматик шакллар аниқ ҳамда мақсадга мувофиқ ишлатилган нутқ мантиқий нутқдир.

**Мантиқийлик** энг аввало, нутқнинг тафаккур билан алоқасига асосланади. Нотўғри тузилган нутқ ҳеч қачон мантиқий бўлмайди. Мантиқий нутқ нафақат сўзларнинг маъносига асосланади, балки уларнинг синтагматик боғланиши билан ҳам юзага келади.

Мантиқий нутқ тушунчаси кенг қамровлидир. У гап, хатбоши, бутун бир асарга тааллуқли бўлиши мумкин. Нутқдан мантиқийликка эришиш учун матндаги фикрлар бир-бирига қарама-қарши бўлмаслиги лозим. Нутқ бошида айтилган фикр изчил давом этиб, охирида тўғри яқун топгандагина мантиқий нутқ ҳосил бўлади.

Юқорида қайд қилинганидек, мантиқийлик, энг аввало, сўзлар ифодалаган тушунчанинг ўз денотатига мос келиши билан белгиланади. Денотатга, воқеликка мос келмаган нутқ мантиқсиз бўлади: *Кўз ёшин селила ўстирарди дон* (Ғайратий). Гапдаги дон сўзи ўрнида экин сўзини ишлатиш лозим. Яна чоғиштиринг: *Мен ана шу "косиблар" орасидан тарбиячилик касбини танлаб олдим.* Косиб ва касб сўзлари турли денотатларни ифодалайди.

Нутқда айрим сўзларнинг туширилиб қолдирилиши унинг мантиғига салбий таъсир қилади: - *Юр, жўражон, икковимиз бир портретга тушайлик.* (Ў.Усмонов). Портретга тушиб бўлмайди. Портрет учун расмга тушиш мумкин. *Қиз онасини самолётда кутиб олишга чиқди. У оқ кўйлақда бўлади* (Ким оқ кўйлақда бўлади, онасини ёки қизи).

Мантиқийлик нутқнинг тингловчи томонидан тўғри ва тўлиқ англаниши учун зарурий бўлган сифатларидан биридир. Мантиқийликдан маҳрум бўлган бирон-бир нутқ кишилар ўртасидаги алоқани таъминлай олмайди. Нутқнинг мантиқийлигини тўғрилик ва аниқлик сифатларидан ажралган ҳолда тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, чунки тўғри ва аниқ бўлмаган нутқ ҳеч қачон мантиқий бўлиши мумкин эмас. Зотан, тўғри ва аниқ бўлмаган нутқдан мантиқийликни излаб топиб бўлмайди. Адабий тил

меъёрларига зид тарзда тузилган ва тегишли бирликлар ноўрин танланган нутққа мантиқ бегона бўлиши табиий.

Фикр таркиби ва қурилишининг тўғри ифодаланиши нутқ мантиқийлигининг асоси дейиш мумкин. Нутқда тил воситаларининг мантиқ ва тўғри тафаккур қонуниятларига мос тарзда мазмуний бирикиши нутқ мантиқийлигини баҳолашнинг бош ўлчови ҳисобланади. Ана шунга кўра мантиқийлик сифатини нутқда сўзлар ва гаплар ўртасидаги семантик алоқаларнинг ва фикрнинг мантиқий моҳияти ҳамда унинг ривожланиб боришига қатъий мослиги тарзида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш мумкинки, нутқнинг мантиқийлиги структура нуктаи назаридан кўпроқ тилнинг синтактик сатҳи билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, нутқ тузувчи нутқнинг мантиқийлигига эришиш учун тил бирликларининг синтагматик имкониятларини яхши билиши лозим. Сўзловчи (ёзувчи), энг аввало, баён этмоқчи бўлган фикрини, билдирмоқчи бўлган хабарини ва у билан боғлиқ тафсилотларни, айти пайтда мантиқ қонуниятларини етарли даражада тасаввур этмас экан, у мантиқли нутқ туза олмайди. Бу ўринда нутқ тузувчининг тафаккур қобилияти жуда-жуда муҳимдир. Кўринадики, нутқнинг мантиқий бўлиши учун ҳам лисоний, ҳам ғайрилисоний омил иштирок этади.

Нутқ маданияти тушунчаларини ифодаловчи сўзларга терминологик маъно юклашга алоҳида эътибор қаратган Б.Н.Головин нарса мантиқийлиги ва тушунча мантиқийлигини фарқлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Унинг кўрсатишича, нарса мантиқийлиги нутқдаги тил бирликлари мазмуний алоқалари ва муносабатларининг реал борлиқдаги нарса-ҳодисалар алоқалари ва муносабатлари билан мутаносиблигидир. Тушунча мантиқийлиги эса мантиқий фикр таркиби ва унинг мантиқий ривожининг нутқдаги тил унсурларининг семантик алоқаларида тўғри акс этишидир. Мантиқийликнинг бу икки кўриниши бир-бири билан боғлиқ ва нутқда улар бирликда намоён бўлади, лекин эртак, бадиий фантастика, мажозий асарлар каби алоҳида нутқ кўринишларида нарса мантиқийлигидан атайлаб воз кечилиши мумкин.<sup>35</sup> Масалан, эртакларда ҳайвонлар, турли буюмлар, ўсимлик ва шунга ўхшашларнинг одамлардай гапириши, кулиши, ўйлаши ва бошқа ҳаракатларида нарса мантиқийлиги соғлом сақланади. Мавжуд анъанага кўра бундай ҳолатлардаги нутқда мантиқийлик бузилган деб қаралмайди, мазмун тўғри англашилаверади.

Мантиқийлик нутқнинг мақсад нишонига беҳато етишини, бу нишонни ортиқча уринишларсиз забт этишини таъмин этадиган

---

<sup>35</sup> Головин Б.Н. Основы культуры речи. Москва: Высшая школа, 1988. - С. 145.

сифатлардандир. Мантиқий нутқ фикр таркибини тўғри ва аниқ акс эттириши билан таъсирчанлик касб этади, айтиш пайтда у тингловчи идрокини зўриқтирмайди.

**Нутқнинг (тозалиги) софлиги.** Ҳар қандай нарсага баҳо берилганда, аввало, унинг асиллиги, бошқа кераксиз унсурлардан холилиги, ўз моҳиятига мувофиқ тоза таркибга эгаллиги каби меъёрлардан келиб чиқилади. Софлик сифати нутқни ана шундай баҳолаш меъёрларидан ҳисобланади. Айтиш лозимки, нутқнинг бу коммуникатив сифати нутқ билан адабий тил ва нутқ билан жамият муносабатида намоён бўлади. Шунга кўра нутқнинг софлигини нутқнинг адабий тил меъёрларига ва жамиятдаги маънавий-ахлоқ қоидаларига ёт бўлган унурлардан холилиги билан белгиланувчи коммуникатив сифат тарзида таърифлаш мумкин. Айтиш жоизки, киши нутқининг софлиги унинг маънавий-маърифий, лисоний-маданий савиясини намоён этадиган кўрсаткичлардан биридир.

Адабий нутқнинг софлигига путур етказувчи унсурларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- 1) шевага хос сўз, ибора, грамматик шакллар, урғу ва талаффуз. Ўзбек тили кўп шевалидир. Ҳар бир шевага хос луғавий ва грамматик шакллар мавжуд бўлиб, улар адабий тил меъёри доирасига қирмайди. Фақат сўзлашув ва бадиий нутқ услубларида ишлатилади.

Шевавий сўз ва грамматик шакллар бадиий адабиётда тасвирий восита – маҳаллий колорит яратиш, қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш вазифасини бажаради, шу билан бир қаторда адабий тилнинг шевалар ҳисобидан бойиб боришига таъсир кўрсатади. Аммо шевага хос унсурларни оммавий нутқларда, ўқув ва ўқитиш жараёнида, радио ва телевизор эшиттиришларида қўллаш ман этилади. Бунга асосий сабаб шева сўзларининг маъноси маълум ҳудуд вакилларигагина тушунарли бўлиб, оммафаҳм эмаслигидир.

- 2) ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари (варваризмлар). Ажнабий сўз ва иборалар маданий нутқ тозалигини бузади. Варваризмлардан, одатда, ўзга ер ва халқларга хос урф-одатларни тасвирлашда, баъзан хориж маданияти олдида сажда қилувчи персонажларнинг нутқини индивидуаллаштиришда фойдаланилади. Аммо баъзи шахслар ўз нутқларига эътибор бермай, пала-партишлик билан тилимизга кириб, ўзлашмаган «заявления ёзди», «бошлиқ зайнит», «организоват қил», «документ топширди» каби қолипларда гапираверадилар.

- 3) жаргон ва арголар. Нутқ тозалигига путур етказувчи луғавий бирликлардан бири **жаргон ва арголардир**. Жаргон ва арголар тилдаги сўзларнинг товуш томонини ўзгартириш, бузиб қўллаш, бошқа тиллардан сўз

ўзлаштириш ва тилдаги мавжуд сўзларга махсус маъно бериш йўли билан ҳосил қилинади. Бундай сўзлар диндорлар, савдогарлар, ўғри ва фирибгарлар нутқида хос бўлиб, маъновий махфийлиги билан характерланади. Бадиий адабиётда баъзи типларнинг образини яратишда айрим ҳолларда ўринсиз ишлатилган жаргон ва арголардан фойдаланилади. Жаргон ва арголар тилни булғайди. Маданий нутқнинг тозаллиги ва софлигига путур етказилади.

4) дағал, ҳақорат сўз ва иборалар (вульгаризмлар). Кейинги пайтларда талабалар ҳамда айрим ёшлар нутқида учраётган «дум», «ҳачча», «международний», «локомотив», «ништяк» каби маъноси фақат уларнинг ўзларигагина тушунарли сўзларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Нутқ тозаллигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири **вульгаризмлар** ҳисобланади. Вульгаризмлардан бадиий адабиётда айрим қаҳрамонларнинг дағаллигини, маданиятсизлигини кўрсатиш учун фойдаланилади. Аммо бундай сўзлар одатий нутқда ишлатилмайди.

5) “ишламайдиган” ёки паразит сўзлар. Айрим шахслар нутқида, аввал ҳам такидланганидек, расмий, сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ноўрин ишлатилиши (маълумки, керак бўлса, биз биламизки); шунингдек, «бекорчи (паразит) сўзлар” деб аталувчи (яъни, масалан, хўш, анақа каби) луғавий бирликларни меъёрдан ортиқ қўллаш нутқнинг нотабиий ва ишончсиз чиқишига олиб келади.

6) идоравий сўз ва иборалар (канцеляризмлар). Расмий иш қоғозлари услубида доимий қўлланадиган, қолиплашган сўз ва иборалар. Масалан. *Ютуқларга эришмоқ, фактларга мурожаат қилмоқ, тарихий воқеаларга гувоҳ бўлмоқ, шуни қайд этиб ўтмоқ, шуни айтиб ўтиш жоиизки* каби.

Бинобарин, маданий нутқ тузувчи нотик нутқида ушбу унсурлар учрамаслиги керак. Чунки канцеляризмлар сўзлашув, бадиий ва публицистик нутқларда қўлланса, нутқнинг тозаллигига анчагина путур етади. Хуллас, нутқнинг тозаллиги учун кураш адабий тил маданияти учун курашдир.

**Нутқнинг бойлиги.** Нутқнинг таъсир қуввати, тегишли ахборотни тингловчига тугал ва қулай, “юқумли” тарзда етказиш имконияти муҳим коммуникатив сифатлардан бўлмиш бойлигига ҳам боғлиқ. Бой нутқ тингловчининг жонига тегмайди, балки у бундай нутқни жон қулоғи билан тинглайди. Нутқнинг бой ёки камбағаллиги унда тилнинг бир-биридан фарқ қиладиган (сўзлар, маънолар, интонация, синтактик тузилмалар, иборалар ва ҳоказо) элементлардан қай даражада фойдаланганлиги билан белгиланади. Айни бир тил унсури нутқда қанчалик кам такрорланган бўлса, бу нутқнинг бойлик даражаси шунчалик юқори бўлади, аксинча, муайян тил унсурининг

такрори кўп бўлган нутқ камбағал ҳисобланади ва унинг таъсири ҳам шунга яраша бўлади. Улуғ Алишер Навоий айтганидек, “*Бир деганни икки демак хуш эмас, Сўз такрор ўлди, дилкаш эмас*”. Шунинг учун нутқнинг бу сифати ранг-баранглик тарзида ҳам талқин этилади, яъни бойлик тегишли фикр ифодаси учун кўлланган тил бирликларининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги билан ўлчанишига урғу берилади. Қадимги юнон файласуфи Галикарнастик Дионисий (эразмиздан олдинги I аср) “*Сўзларнинг қўшилиши ҳақида*” номли асаридан нутқнинг ранг-баранглиги (бойлиги) сифатининг зарурияти тўғрисида шундай ёзади: “*Умуман барча ёқимли нарсалардай ҳатто ҳар қандай гўзаллик ҳам тинимсиз такрорланса, жонга тегади; хилма-хил, ранг-баранг ўзгаришларда эса бу гўзаллик мангу, янги бўлиб қолаверади.*”<sup>36</sup>

Бой нутқ тузиш учун ифодаларнинг бир хиллигидан қочиш, айтиб бир тушунча ёки фикрга фарқли “либос”лар танлаш ва кийдириш лозим. Бунинг учун эса нутқ тузувчида тил воситаларининг бой ва фаол захираси мавжуд бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, нотик етарли даражадаги сўзлар, уларнинг маънолари, сўз бирикмаси ва гап моделлари, жумланинг интонация ва мелодика турлари захираларига эга бўлмоғи лозим. Бу захира қанча бой бўлса, нотик ўз нутқининг мақсадига мувофиқ тарзда ундан мақбул бирликларни танлаш, хилма-хил ифодаларни ишга солиш имкониятига шунчалик кўпроқ эга бўлади.

Лексик, семантик, грамматик, интонацион жиҳатдан ранг-баранглик нутқнинг бойлигини юзага келтиради. Атоқли сўз санъаткорларида, масалан, улуғ Алишер Навоийда 26 мингдан ортиқ,<sup>37</sup> рус шоири Пушкинда 21 мингдан ортиқ<sup>38</sup> сўз бойлиги мавжудлигини таъкидлайдилар. Албатта, бундай улкан сўз бойлигига эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аммо ўз нутқини бой, таъсирчан, ўткир бўлишини истайдиган ҳар бир киши ўз луғат бойлигини кенгайтириб бориш ҳақида қайғуриши лозим.

**Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги.** Агар нотик нутқи ўзида барча коммуникатив сифатларни мужассам этсаю, ҳар жиҳатдан жўяли, яъни ўз ўрнида бўлмаса, у мақсадига эриша олмайди. Жўялилик йўқ жойда нутқнинг бойлик, аниқлик, ифодалилик каби муҳим сифатларининг моҳияти йўқолади. Шарқнинг буюк пандномачиси Кайковуснинг шундай ўгити бор:”... *Тилингни яхши ҳунар била ўргатгил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмагил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатгил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук*

<sup>36</sup> Античные риторика. -Москва: МГУ, 1978. - С.199.

<sup>37</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983.

<sup>38</sup> Головин Б.Н. Основы культуры речи. -Москва: Высшая школа, 1988, С. 209.

яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобон эшитилур (таъкид Н.Маҳмудовники.). Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздур. Бундай бефойда сўз зиён келтирур ва ҳар сўзки ундан ҳунар иси келмаса, бундай сўзни гапирмаслик лозим. Ҳақимлар дебдурлар:”Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур”.<sup>39</sup>

Халқимиз донолигининг бебаҳо хазинаси, ўзбек сўзининг кўрки бўлмиш мақол ва маталларда ҳам айна фиқоида бот-бот таъкидланган. Уларнинг айримларига қулоқ тутайлик: “Сўзга тушмаган сўзни айтма, Созга тушмаган газални”; “Жўяли сўз жўясин топар, жўясиз сўз иясин (эгасин) топар”; “Ўринли сўзга туя чўкади, Ўринсиз сўзга ҳамма сўкади”.<sup>40</sup> Нотик нутқ тузар экан,”туянинг чўкиши ва ҳеч кимнинг уни сўкмаслиги” учун нутқининг жўясини, ўрнини аниқ тасаввур қилиши шарт. Жўялилик тил воситаларини шундай танлаш, уларни шундай алоқалантириш ва бир-бири билан боғлашки, бунинг натижасида нутқ мулоқотнинг мақсади ва шароитларига тамомила жавоб берадиган тарзда таркиб топади. Айна таърифдан келиб чиқилса, жўяли нутқ ифодаламоқчи бўлган ахборотнинг мавзуси, унинг мантиқий ва ҳиссий мазмуни, тингловчи ёки ўқувчилар таркибининг ёш, ижтимоий, маданий-маърифий ва бошқа хусусиятлари, ёзма ёки оғзаки нутқнинг хабар бериш, тарбиявий, эстетик ва шу каби вазифаларига тўла мос келиши асосида юзага келади.

**Нутқнинг (таъсирчанлиги) ифодалилиги.** Нутқнинг бу сифати баъзан таъсирчанлик тарзида ҳам тушунилади. Аммо таъсирчанлик кенг камровли тушунча бўлиб, у яхлит яхши нутққа хосдир. Табиийки, ҳар қандай нутқнинг асосий мақсадларидан бири тингловчи ёки ўқувчи онгига таъсир этишдан иборат. Бу мақсадни амалга оширишда эса нутқнинг муайян бир сифати эмас, балки барча коммуникатив сифатлари у ёки бу даражада иштирок этади. Зотан, тўғри ёки аниқ бўлмаган, бой ёки мантиқий бўлмаган, соф ёки жўяли бўлмаган нутқнинг таъсирчанлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Лекин айна пайтда нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда ифодалилик сифатининг алоҳида, ҳатто ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидламоқ жоиз.

Нутқ тингловчи ёки ўқувчининг куруқ қулоғини эмас, балки қалб қўғонини, ақл қалъасини забт этмоғи учун, энг аввало, унинг таркиби ва қурилиши диққатни тортадиган қизгин қизиқиш уйғотадиган бўлиши лозим. Бу эса айна ифодалилик сифатининг моҳиятини тайин этадиган хусусиятдир. Бошқача қилиб айтганда, ифодалилик нутқнинг таркибий тузилиши ва бошқа лисоний хусусиятларига кўра тингловчи ёки ўқувчи диққатини ўзига жалб қила олишдан иборат коммуникатив сифатдир.

<sup>39</sup> Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: Мерос, 1992, 22-23-бетлар.

<sup>40</sup> Шомақсудов Ш., Шораҳмадов Ш. Ҳикматнома. -Тошкент, 1990, 381, 382, 457-бетлар.

Нутқнинг турли услублари бу коммуникатив сифатга турли даражада эҳтиёж сезади. Масалан, расмий иш қоғозларида ифодалиликка нисбатан камроқ эътибор қилинса, илмий услубда ўрни билан бир қадар бу сифат керак бўлади. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар муаммолари ёритилар экан, нутқнинг ифодалилиги айрича аҳамият касб этади.

Тилда ифодалиликни юзага келтиришга хизмат қиладиган имкониятлар жуда ҳам кўп ва хилма-хил. Бундай имконият ҳеч бир истисносиз тилнинг барча сатҳларида мавжуд. Тилнинг товуш қурилиши, сўз хазинаси, морфологик шакллари, синтактик бирликлари, интонация, услуб кабиларнинг ҳар бири нутқ ифодалилигининг битмас-туганмас манбаларидир. Нутқ тузувчи бу манбаларнинг моҳияти, табиати ва уларни унумли ишга солиш усулларидан етарли хабардор бўлса, нутқнинг ифодалилик сифатини таъминлашга қийналмайди.

Тил фикр аниқлаш қуроли бўлиш билан бирга мукамал ҳиссий таъсир қилиш воситаси ҳамдир. Тилнинг бу хусусиятидан инсон ўз фикрини ўткир ва таъсирчан қилиб ифодалашдан ташқари, кишилар бир-бирини ҳиссий жиҳатдан лаззатлантириш, завқлантириш мақсадида ҳам фойдаланади. Масалан, онанинг ўз фарзандини эракалатишида, севишганларнинг бир-бирига фикр изҳор қилишида, дўстларнинг ўзаро муомаласида, онанинг, отанинг ўз фарзандларини сизлашида, аксинча, фарзанднинг ўз онасига меҳр изҳор қилишида қўлланадиган сўзлар, иборалар, уларнинг ўзига хос мулойимлик, илиқлик билан талаффуз этилиши нутқ оҳангининг ёқимтойлиги, меҳр-муҳаббат ишқи билан суғорилганлиги бунинг исботи бўла олади.

**Нутқий таъсирчанликни** фақат ижобий ҳолат, фақат чиройлиликдан иборат деб билиш тўғри бўлмайди. Баъзан жамиятда номутаносиб ишлар билан шуғулланувчи шахслар (ўғрилар, қаллоблар, чақимчилар, террорчилар, зўравон ва муттаҳам шахслар, ватанфурушлар, босқинчилар), душманларга қарши, нафрат, ғазаб билан сўзланган нутқлар ҳам ўта таъсирчан бўлади. Бундай нутқларда баъзан сўзловчи ўз нафратини ифодалаш учун дағал, қўпол маъноли сўзлардан ҳам ўринли фойдаланади. Аммо бундай нутқлар ҳам ахлоқ-одоб доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим бўлади.

Демак, тингловчи ва ўқувчи эътибори ҳамда қизиқишини қозонадиган хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан нутқдир. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишда нутқнинг алоқавий сифатлари бўлиши, тўғрилиқ, мантиқийлик, тозалик кабилар аҳамиятлидир, яъни нутқ тўғри бўлса, у таъсирчан бўлади, нутқ мантиқий бўлса – таъсирчан бўлади ва ҳоказо.



Нутқнинг бошқа алоқавий сифатлари сингари таъсирчанлик ҳам адабий тилнинг барча лисоний имкониятларига суянади. Бу жиҳатдан тилнинг фонетик-орфоэпик мезони ўзига хос аҳамиятга эга.

Талаффуз жиҳатдан нутқ таъсирчанлигини оширишнинг йўллари турлича. Жумладан, оғзаки нутқда сўздаги унли товушларни чўзиш орқали шодланиш, таажжуб, изтироб, ўқиниш, ғазабланиш, кесатиш каби қатор хиссий маъноларини ифодалаши мумкин.

Нутқий таъсирчанлик урғуни ўз ўрнига кўйиш, ҳамда сўзларни бўғинларга бўлиб талаффуз қилиш йўли билан ҳам рўёбга чиқади: *бор-май-ман, ўқи-май-ди* кабиларда қатъий инкор ифодаланмоқда.

Оғзаки нутқ талаффузидаги оҳанг, тез-секинлик, қаттиқ ёки юмшоқлик ҳолатларини тўлиқ ифодалаш учун ёзма матнлардаги айрим сўзлар имловий қоидаларга зид равишда турли график белги ва шаклларда ёзилаверади. Бу ёзма нутқда фонографик усул билан таъсирчанликни ошириш йўлидир. Нутқ таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида нотиклар ва сўз санъаткорлари ўз нутқларини эҳтиёж талабига кўра кўтаринки, тантанали услубда баён қиладилар. Бундай нутқлар одатда, муҳим қарорлар, ахборотлар, фармонлар ўқилганда ишлатилади. Тантанали нутқларда текис ритм, урғуни тўғри кўйиш, кўтаринки оҳанг, ўрни билан тўхтам (пауза)га эътибор берилади.

Нутқнинг гўзал ва маъно таъсирчанлиги унинг турли маъно нозикликларига эга бўлган сўз ва ибораларга бойлиги билан белгиланади. Чунки бу тил бирликлари нутқда бирор тушунча ифодалашдан ташқари жўшқин ҳис-гуйғуларни, ички кечинмаларни ҳам изҳор қилади.

Сўз ва грамматик шакллардаги бўёқ турли кўринишларда намоён бўлади. Айрим сўзларнинг маъновий таркибида ҳис-ҳаяжон, воқеаларга муносабат ифодаланиб турса, баъзи сўзларга турли хил эркалаш, севиш ва кичрайтириш шаклларини кўшиш орқали таъсирчанлик ҳосил қилинади. Чоғиштиринг: *Салом, раҳмат, яша; мотам, она-жон, бола-гина, Лола-хон* каби. Бу ҳолат тингловчи ёки ўқувчи диққатини айтилаётган фикрга жалб қилиб, унинг ҳиссиётига таъсир қилади.

Нутқий таъсирчанликнинг юзага келишида кўчма ва кўп маъноли сўзлар муҳим аҳамиятга эга. Улар нотикқа кинояли нутқ, сўз ўйинлари, ўхшатишлар ҳосил қилишда кўл келади: *«Ёнгинамда куёв. Нега куёв дейишаркин! Охирги бўғини нега «ёв». Мен ўз тўйимда зўрға ўтирибман. Лекин у йўқ. Ўрнида-куёв ўтирибди». («Ёшлик»).* *Оҳ маликам-, деди Мирзо-, Сиз зотсиз порлоқ. Сиз ҳилолсиз, йўқ қуёшсиз, у-чи сўниқ шам.(А.Орипов).*

Нутқ таъсирчанлигини оширувчи лексик воситалардан яна бири синонимлардир. Синонимик сўз ва иборалар сўзловчи муҳим ҳисоблаган ва урғу бераётган фикрга тингловчининг диққатини янада кўпроқ жалб этишга

ёрдамлашади. Чунки бир синонимик катордаги сўзлар ўзининг белги даражаси ва ҳиссий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Нутқ жараёнида бирор воқеа-ҳодисани аниқ изоҳлашда кўпинча бир синоним сўзнинг ўзи ожизлик қилиб қолади. Бундай ҳолларда уларни жуфт ёки ёнма-ён қўллаб, маъно кучайтирилади: *Ота-оналаридан ажратилган ёш болаларнинг оҳу зорлари, фарёду фиғонлари, кўкка чиқмоқда (С.А.) Кеча жимжит, шамолсиз, сассиз-садосиз эди*(«Ёшлик»).

Тилимизда мавжуд бўлган синонимлардан мақсадга мувофиғини, ҳиссий жозибадорини саралаб ишлатиш нутқнинг вазифавий услубларига кўра ҳам фарқланади. Чоғиштиринг: *Гапирмоқ, демоқ, айтмоқ, сўзламоқ* синонимик каторидаги барча сўзлар умумистеъмомл характерида бўлиб, барча нутқ услубларида учрайди. Аммо шу синонимик катордан ўрин олувчи валжирамоқ вақиламоқ, акилламоқ каби сўзлар сўзлашув нутқига: сайрамоқ, хониш қилмоқ сўзи эса бадий услубга хослиги билан ажралиб туради. Буларнинг ҳар бири ўз ўрнида қўлланилгандагина уларнинг таъсирчанлиги яққол сезилади.

Бадий услуб нутқи ўзининг ифодалилиги, турли тасвирий воситаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунинг ёрқин бир намунасини Э.Воҳидовнинг «Аён бўлғай» шеъридан олинган қуйидаги парчада яққол кўриш мумкин.

*Агар ёринг хиром этса,*

*Саболардан аён бўлғай.*

*Такалуми чаман берган*

*Садолардан аён бўлғай.*

*Агар ёринг қуёш бўлса,*

*Анго асло боқиб бўлмас,*

*Камолингми аҳволинг ё*

*Самолардан аён бўлғай.*

*Агар ёринг ҳусн шоҳи*

*Ўтар бўлса шаҳарлардан,*

*Гузларда қолиб кетган*

*Гадолардан аён бўлғай...*

Нутқ олдиға қўйилувчи юқорида баён қилинган талаблар нутқнинг мавзу ва мазмунига, нутқ услубига, шакли ҳамда нутқий вазиятга кўра турли даражада намоён бўлади. Масалан, бадиий нутқдан таъсирчанлик, жозоба талаб қилинади, расмий, илмий нутқларда кўпроқ қисқалик, мантиқийлик талаблари устун туради.



### Саволлар:

- 1.Нутқ тўғри бўлиши учун асосан қайси меъёрларга қатъий амал қилиш талаб қилинади?
- 2.Нутқнинг тўғрилигига таъриф беринг.
- 3.Нутқий алоқа учун нутқий талаффузнинг қандай аҳамияти бор?
- 4.Нутқнинг аниқлиги деганда нимани тушунасиз?
- 5.Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан нималарни талаб қилади?

6. Аниқ нутқ яратишда синонимларнинг роли.
7. Нутқнинг софлиги деганда нимани тушунаси?
8. Нутқимиз софлигининг бузилишига асосан нималар таъсир қилади?
9. Нутқнинг ифодалилиги қандай воситалар асосида амалга оширилади?
10. Нутқнинг мантиқийлиги қандай омилларга боғлиқ бўлади?

### Глоссарий

**Нутқнинг аниқлиги** – сўзнинг тилдаги маъноси ва ўзи ифодалаган нарсага қатъий мос келиши билан ўлчанадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг ифодалилиги** – таъсирчанлик деб ҳам айтилади, нутқнинг тингловчи ёки ўқувчи эътиборини жалб қила олиши билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг мантиқийлиги** – фикр ривожининг воқеалар ривожига қатъий мос ва мувофиқ келиши билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг тозаллиги** – нутқнинг адабий тилнинг луғавий (лексик) меъёрларига ёт унсурлардан холи экани билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг тўғрилиги** – нутқнинг адабий тилнинг маълум вақтда қабул қилинган меъёрларига қатъий мувофиқлиги билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги** – нутқнинг коммуникатив сифати. Сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш кўникмаси билан белгиланади.

**Орфоэпик хатолар** – асосан у ёки бу товушни нотўғри талаффуз этиш туфайли юзага келади.

### Адабиётлар:

1. Античные риторика. -Москва: МГУ, 1978.
2. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983.
3. Головин Б.Н. Основы культуры речи. -Москва: Высшая школа, 1988.
4. Шомақсудов Ш., Шораҳмадов Ш. Ҳикматнома. -Тошкент, 1990.
5. Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: Мерос, 1992.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Нутқнинг коммуникатив сифатлари

1-илова

**Нутқнинг аниқлиги** – сўзнинг тилдаги маъноси ва ўзи ифодалаган нарсага қатъий мос келиши билан ўлчанадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг аниқлиги** – сўзнинг тилдаги маъноси ва ўзи ифодалаган нарсага қатъий мос келиши билан ўлчанадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг мантиқийлиги** – фикр ривожининг воқеалар ривожига қатъий мос ва мувофиқ келиши билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг тозаллиги** – нутқнинг адабий тилнинг луғавий (лексик) меъёрларига ёт унсурлардан холи экани билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг тўғрилиги** – нутқнинг адабий тилнинг маълум вақтда қабул қилинган меъёрларига қатъий мувофиқлиги билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

**Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги** – нутқнинг коммуникатив сифати. Сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш кўникмаси билан белгиланади.

## 2. Тўғри нутққа қўйиладиган талаблар

### 2-илова

- Нутқнинг талаффуз (орфоэпик) маданияти тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқдир. Бунга сўз ва ибораларнинг тўғри дикцияси, сўз ва мантикий урғу, интонация (оҳанг) ҳамда пауза ( тўхтам)га эътибор қилиш орқали эришилади. Орфоэпик жиҳатдан нутқнинг тўғри бўлиши, асосан, сўз ва гап урғусининг тўғри ишлатилишига боғлиқ.

### 3-илова

#### Нутқий аниқлик омиллари

Тўғри нутқ бу «тил-нутқ» муносабати асосида курилиб, асосан, лисоний далилларга суянса, аниқ нутқ «нутқ-борлиқ-воқелик» муносабати асосига қурилади ва ҳақиқатни фаҳмлаш, билишга қаратилган бўлади.


Айтилаётган фикр тингловчилар томонидан қабул қилинса, тушунилса, бундай нутқ аниқ бўлиб ўз мақсадига эришган бўлади.

Нутқий аниқлик дейилганда, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг лисоний алоқа жараёнидаги атамаси бўлган материали ўртасидаги мутаносиблик тушунилади.

Нутқда **ихчамликка**, **аниқликка** интилиш ҳаётий зарурат ҳисобланиб, у одатда, оғзаки нутқда кўпроқ учрайди. Жумлаларни қисқа ва тўғри тузиш нутқ аниқлигини таъминлайди.

### 3.Фикрий ноаниқликни юзага келтирувчи воситалар

4-илова



### 4. Нутқнинг мантиқийлиги

5-илова

**Мантиқийлик** энг аввало, нутқнинг тафаккур билан алоқасига асосланади. Нотўғри тузилган нутқ ҳеч қачон мантиқий бўлмайди. Мантиқий нутқ нафақат сўзларнинг маъносига асосланади, балки уларнинг синтагматик боғланиши билан ҳам юзага келади.

Бадий услубдаги нутқ мантиқийлиги бироз бошқача характерга эга. Бадий асарларда ҳар бир воқеа ёки ҳодиса тасвири алоҳида мантиқий боғланишларга эга бўлади. Шунга қарамай, асар охирида бир неча мантиқий бутунликлар бирлашиб бир мураккаб мантиқий тушунчани ҳосил қилади.

Мантиқийлик, энг аввало, сўзлар ифодалаган тушунчанинг ўз денотатига мос келиши билан белгиланади. Денотатга, воқеликка мос келмаган нутқ мантиқсиз бўлади.

## 5.Маданий нутқнинг тозалиги

6-илова

Маданий нутқнинг тозалиги фонетик, орфоэпик жиҳатдан сўз ва қўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади. Шунингдек, нутқнинг софлиги луғавий томондан шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, қўпол маъноли сўзларни (вульгаризм) ва жаргон, арголарга хос омма учун тушунарсиз лексикани ҳамда нутқда эҳтиёжсиз ишлатилувчи «бекорчи» сўзларни қўлламаслик билан характерланади.

Юқорида қайд қилинганидек, нутқнинг софлигини бузувчи номеъерий омиллардан бири сўз ва қўшимчаларни маҳаллийлаштириб талаффуз қилишдир.

Нутқ тозалигига путур етказувчи луғавий бирликлардан бири **жаргон, арго ва вульгаризмлардир.**



## **8-МАВЗУ: Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари**

### **Режа:**

1. Нутқ маданияти билан амалий услубиятнинг боғлиқ ва фарқли жиҳатлари.
2. Нутқда тасвирий воситаларнинг аҳамияти.
3. Троплар ва уларнинг турлари.
4. Ёзма нутқда услубий фигураларнинг қўлланилиши.

**Таянч тушунчалар:** тасвирий воситалар, троплар, услубий фигуралар, эпитет, ўхшатиш, метфора, метонимия, синекдоха, муболаға, аллегория, символ, киноя, антифраз, сарказм, перифраз, жонлантириш, апострофа, антитеза, градация, эллипсис, анафора.

### **Кириш**

Нутқ маданияти тушунчасининг моҳиятини, унинг мақсад – вазифаларини белгилаш, нутқ маданияти билан услубият фани орасидаги муносабатни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Мавжуд ишларда бу масалада қўйидаги нуқтаи назарлар баён қилинган:

1. Нутқ маданияти – бу услубиятнинг ўзидир.
2. Нутқ маданияти – бу амалий услубиятдир.
3. Нутқ маданияти билан услубият ўзаро зич боғланган соҳадир.
4. Нутқ маданияти ва услубият ўзаро зич алоқадор, аммо ҳар бири ўзича лисоний ҳодиса ва мустақил илмий соҳалардир.

Сўнгги йилларда **амалий услубият** билан нутқ маданиятининг алоқадор ва фарқли жиҳатлари маълум даражада аниқланди;

-Нутқ маданияти ва услубият тилшуносликнинг бир-бирига алоқадор, аммо алоҳида мустақил соҳаларидир;

- Услубият соҳаси, айниқса, амалий услубият нутқ маданиятини яхшилашга ёрдам бера оладиган омиллардан биридир.

- Нутқ маданияти соҳаси нутқни ва умуман тил ҳодисаларини услубий планда, тилнинг барча услубий кўринишларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиши зарур.

Нутқ маданияти ҳамда услубият нутқий услубларга муносабатда ҳам ўзаро фарқланади. Услубият тил ва нутқнинг барча услубий кўринишларини

назарда тутади, нутқ маданияти соҳасини кўпроқ адабий тилга мансуб услублар тили қизиқтиради.

Нутқ маданияти ўзининг мақсад ва вазифаларига кўра анча кенг соҳа, услубият эса унга нисбатан тор соҳа ҳисобланади.

Вазифавий услубларнинг тил хусусиятларини билиш, уни мукаммал эгаллаш ҳамда ундан нутқ шароитига мос равишда ўринли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим муаллифлар ўз ишларида илмий ва илмий-оммабоп услубни, бадиий ва публицистик услубни аралаштириб юбордилар, бу маълум хатоликларни юзага келтиради. Вазифавий услубларнинг ҳар бирига хос, мослашган тил воситаларини нутқий жараёнда тўғри танлай олиш ҳамда қўллаш муаллифдан билимдонликни, зукколикни, топқирликни талаб этади.

Нутқ маданияти адабий тил сатҳида шаклланувчи услублар – илмий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий услуб, илмий-публицистик услуб, адабий сўзлашув услуби, бадиий услуб ҳамда улар таянувчи меъёрларга асосланади. Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, нутқ маданияти ва услубиятни фарқлаш зарур. Бироқ улар бир-бирини тўлдирувчи, боғлиқ соҳалардир. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Кишилиқ жамиятида тил бирликларидан фойдаланишда турли хиллик бўлиши табиий, чунки ҳар бир сўзловчи нутқ тузаётганда, ўзининг билим савиясидан, тилнинг қонуниятларини қай даражада билишидан, мантикий тафаккур қила олишидан келиб чиқиб тузади ва тингловчига етказишга ҳаракат қилади. Айниқса, уларнинг суҳбат мавзуси қайси соҳага дахлдор бўлса, ўша соҳага алоқадор атамалар, иборалар кўпроқ қўлланади, бу эса ўз-ўзидан ўзига хос, бетакрор услубдан фойдаланишни талаб этади.

Нутқ маданияти соҳаси услубиятдан нутқий услубларга ёндашиш жиҳатидан ҳам фарқланади. Нутқ маданияти соҳаси услубларга адабий тил меъёрлари, ахлоқий-эстетик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашади, яъни жаргонлар, вульгаризмлар, варваризмларни инкор қилади, уларни нутқ маданиятини бузадиган ҳодисалар деб баҳолайди. Шунингдек, нутқ маданияти сўзларнинг ёзилиши ва айтилишига кўра нотўлиқ, бузилган вариантларни салбий баҳолайди. Услубият тилнинг юқорида келтирилган воситаларини услубий вазифасига кўра ўрганади ва баҳолайди.

Услубиятни ўзбек алифбоси, имлоси ва орфоэпиясини такомиллаштириш иши деярли қизиқтирмайди. Нутқ маданияти булар билан жиддий қизиқади.

Услубият ўз мундарижасига кўра: фонетик, лексик ва грамматик кўринишларга эга. Яъни тилдаги фонетик, лексик ва грамматик

воситалардан нутқда мақсадга мувофиқ танлаб ишлатиш қонун-қоидаларини ўргатишга ёрдам беради.

Кўринадикки, нутқ маданияти ўз мақсад ва вазифасига кўра анча кенг ходиса бўлса, услубият анчагина тор, жузъий соҳадир. Шундай қилиб, нутқ маданияти билан услубият соҳалари тенг ходисалар эмас, аммо улар бири иккинчисини тўлдиради.

Юқорида фикр юритилган ҳар бир услубнинг, унинг лисоний меъёрларини таъминловчи муайян луғавий, морфологик воситалари, синтактик имкониятлари мавжуд. Ушбу воситалар услубларнинг қайси бирида қўлланишига қараб нутққа бадиийлик, жозибалик ва таъсирчанлик, жонлилик бағишлайди. Аксинча шундай воситалар мавжудки, улар нутққа расмийлик, қатъийлик, вазминлик оттенкаларини киритади. Айниқса, тилнинг бадиий услуби буёқдор восита ва имкониятларга бой. Улар тилшуносликда тилнинг тасвирий воситалари, шунингдек, троплар, услубий фитуралар деб юритилади. Қуйида уларга қисқача тўхталамиз.

Мавжуд адабиётларда тилнинг тасвирий воситалари ва услубий фигуралар қуйидагича фарқланади:

**1.Троплар:** эпитет, ўхшатиш, метафора, метонимия, синекдоха, муболаға ва кичрайтириш, аллегория, символ, ирония, антифраз, сарказм, перифраза, жонлантириш, апострофа ва ҳ.к.

**2.Услубий фигуралар:** антитеза, градация, риторик сўроқ, кўп боғловчилик, жим қолиш, такрор ва ҳ.к.

Сўзловчи ўз фикрини аниқ, лўнда, ифодали, мазмунли шу билан бирга таъсирли қилиш учун тилнинг махсус ифода воситаларидан фойдаланиши лозим бўлади. Бу воситалар троплар ва фигуралар деб юритилади. Нутқда сўз ва ибораларни кўчма маънода қўллаш **троп** саналади. Унинг қуйидаги кўринишлари бор.

**Эпитет** (сифатлаш). Киши, нарса ёки воқеанинг бирор белгисини, сифатини ифодалаши сифатлаш дейилади. Оддий эпитетлар кишида кучли ҳиссийликни уйғотмайди. Масалан, *мусаффо осмон, қора кўз*. Сўзловчи услубий эпитетда воқеа-ходисани маълум нуктаи назардан туриб баҳолайди, унга муносабат билдиради. Бадиий эпитетлар кўчма маъно асосида ҳосил бўлади. Нутқда *қора тун, яшил водий, оппоқ юз* каби сифатлашлар кўпроқ қўлланади. Бундан ташқари *гунча лаб, ширмой юз, чарос кўз* каби бадиий сифатлашлар ҳам нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

**Ўхшатиш.** Нутқимизда –дек, -дай кўшимчаси ва *ўхшаиш, худди, гўё, мисли, мисоли, сингари, янглиз, бамисоли* каби сўзлар ёрдамида ўхшатишлар юзага келтирилади.

*Лабинг гунча, юзинг икки қизил гул,  
Қаддинг сарву, сочинг гўёки сунбул. (Фурқат).*  
байтида маъшуканинг аъзолари аниқ нарсаларга: лаби гунчага, юзи қизил гулга, қадди сарвга, сочи эса сунбулга ўхшатишган.

Ўхшатишлар бадий нутқда кенг қўлланади. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим омил саналади.

*Сочинг сунбул, қадинг сарви санувбар?*

*Кўзунг нарғис, яногинг арғувондир.*

(Атойи)

*Бўйинг сарви санубартек, белинг қил,*

*Вафо қилгон кишиларга вафо қил.*

(Хоразмий)

**Метафора** - нутқий таъсирчанликни оширувчи воситалардан бири бўлиб, ўхшатишнинг турларидан биридир. Бироқ барча метафоралар нутқий тимсолликни юзага келтирмайди. Шу боис улар **лингвистик метафора ва бадий метафораларга** ажратилади. Масалан, лаб (инсоннинг лаби, ариқнинг лаби), этак (тоғнинг этаги, кўйлакнинг этаги).

*Бизга ётдир Ширин бахтини*

*Поймол этган у қоп-қора тун.*

*Бу не дард- минбарга чиққан беибо*

*Чиройлик ёлгонга қарсак уришлар.*

*Сохталиқнинг илиқ муҳити аро*

*Яйраб кўпаяди манфур вируслар.*

(Э.Воҳидов)

Бу мисрада *вирус* сўзи метафорик маънода қўлланган бўлиб, унинг асл маъноси фақат тирик ҳужайраларда кўпайиб, одам, ҳайвон, ўсимликларда юқумли касалликлар кўзгатувчи микроорганизмдир. Шоир энг разил, жирканч инсонлар, яъни юлғичлар, порахўрлар, шухратпараст мансабдор шахсларни вирусларга ўхшатади.

**МЕТОНИМИЯ** юнонча сўз бўлиб, «янги ном қўйиш», «номини ўзгартириш» демакдир. Икки нарса ўртасидаги алоқадорлик асосида метонимия ҳосил бўлади. Масалан, *Навоий «Қ у и тили» устида завқ билан ишлади.*(О.) *«Гулишан»да уй-эсой муаммо эмас (Рустам Раҳмон).* *Аброр «Жигули» сени ҳар қанча қистаб ҳайдаса ҳам, то Дархон томонидан*

чиқиб, шаҳар марказидан ўтгунларича вақт кетиб қолди. Аброр қўл тормозини шахт билан тортар экан:

-Нима, Бешёгочдан айланиб келаймиди?- деди.

-Шота Руставелидан ўтсак ҳам бўлади-ку.

(П.Қодиров).

Ёки:

Беқадр бўлса, наҳот,  
Тиллардаги тароват!  
Йўқолди бу кун, ҳайҳот,  
Қабрларда ҳаловат!

(Э.Воҳидов)

Ушбу мисрада бу дунёдан ўтиб кетганлар **қабр** сўзи орқали кўчма маънода берилган. Шоир назарида инсонларнинг ўз она тилига бўлган муносабати ҳатто қабр эгалари ҳаловатининг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Бундай метонимик ифода орқали норозилик, ачиниш, огоҳликка даъват каби субъектив муносабатлар бўрттирилган.

**СИНЕКДОХА** – юнонча, «бирга англамоқ», «қўшиб фаҳмламоқ» маъносини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилида синекдоха ҳодисаси кўплаб учрайди. Масалан, Йўрғанинг сўзини бўлди, Каримжон, эшикка қаранг, чопар келибди. Қизим, неварагинам! Собиримдан қолган тирноқ. Сокинабуви Маргаритани бағрига босди.

Юқоридаги гапларда «йўрға», «чопар», «тирноқ» сўзлари синекдоха ҳодисасига мисол бўла олади.

**МУБОЛАҒА ва КИЧРАЙТИРИШ.** Муболаға араб тилида «катталаштириш», «кучайтириш» маъносини ифодалайди.

*Меҳр эмас, оҳим ўтидин кўкка етмиши бир шарар,*

*Айб эмастур гар десам: Дам урсам афлок ўртанур.*

(Навоий)

байтида муболаға қўлланган. Гўёки кўкдан қуёш ошиқ ерда чеккан оҳ ўтининг бир учқуни. Мумтоз адабиётда муболағанинг таблиғ, иғроқ, ғулув каби кўринишлари ҳам қўлланилган. А.Ҳожиаҳмедов ўзининг «Мумтоз бадиият малоҳати» рисоласида муболаға ва унинг кўринишлари ҳақида атрофлича маълумотлар беради.<sup>41</sup>

Ақлан ишониш мумкин бўлган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган муболаға **таблиғ** ҳисобланади.

<sup>41</sup> А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т.: 1999, 9-14-бетлар.

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

*(Навоий)*

Юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасида муболаға мавжуд. Дарҳақиқат, айрим ҳолларда ошиқ маъшукани кутиб ухلامасдан тонгни оттириши мумкин.

**Иғроқ** белги ёки ҳаракатни ақлан ишониш мумкин бўлса ҳам, ҳаётда юз бериши мумкин бўлмаган тарзда кучайтириб тасвирлашдир.

*Чу ошиқ онглади қилгоч тааммул,  
Ки елдин тушқудекдур ер уза гул.*

*Ер ўпмакликка мажнундек ҳам ўлди,  
Қуёш остида гардундек ҳам ўлди.*

*Кўтарди орқасига баднони,  
Нечукким бадно ул дилрабони.*

*... Чу икки-уч йиғоч гам урди шайдо,*

*Бўлиб олинда қарсу ҳавз пайдо.*

*Қадамни қўйди қаср айвони сори,  
Саломат раҳиш бирла шаҳсувори.*

*(Навоий)*

Фарҳод 1,5-2 км масофани отда ва Ширинни кўтарган ҳолда босиб ўтишига ақлан ишониш мумкин, бироқ бундай воқеанинг кундалик турмушда юз бериши мумкин эмаслиги кўриниб турибди.

Ақл ҳам бовар қилмайдиган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмаган тарзда тасвирлаш **ғулув** ҳисобланади. Масалан:

*Ҳар қизил гулким, юзунг шавқида олиб исладим,  
Еткач оҳим шуъласи они сариғ гул айладим.*

Навоийнинг тасвирича, ошиқ ўз маъшукасининг қизил юзини соғиниб қизил гулни олиб ҳидлар экан, оҳи шуъласидан у сариқ гулга айланибди. Чунончи, бу ҳодисани ҳам ақлан қабул қила олмаймиз, унинг ҳаётда юз беришига ҳам ишонмаймиз. Ёки «Алпомиш» достонидаги қуйидаги мисраларга ҳам эътибор берсак, ғулувнинг ниҳоятда гўзал намунаси қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз:

*Одам тушмас унинг айтган тилига,  
Беш юз қулоч арқон етмас белига.*

Муболағада муайян белги-хусусият баъзан объектив воқелик меъёрдан ортиқ даражада тавсифланади ва шу орқали нутққа бадиий руҳ берилади. Э.Воҳидов кўчимнинг бу туридан зарур ўринларда моҳирона фойдаланган. Масалан:

*Полвон эди Матмуса*  
**Тўрт фил кучи жам эди.**

(«Матмусанинг чархпалаги»)

Ушбу шеъринг парчанинг иккинчи мисрасида келтирилган муболаға биринчи мисрадаги фикрни далиллаш мақсадида киритилган бўлиб, шоир шеър қаҳрамони *Матмусанинг полвонлигини тўрт фил кучига эга эканлиги* билан тавсифлайди. Кўринадики, бу ўринда муайян белги-хусусиятнинг меъёрдан ортиқлиги ўхшатиш асосида муболаға билан кўрсатилган.

**Кичрайтириш** нарса ва ҳодисаларни ўз ҳолатига нисбатан ниҳоятда кичрайтириб тасвирлаш санъатидир.

*Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтирур,  
Ғояти нозиклигининг сув била ютса бўлур.*

(*Атойи*)

**Аллегория** грекча сўз бўлиб, “киноя”, “қочирим”, “кесатиш” маъноларини ифодалайди. Аллегория, асосан, масалларда ва ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда ишлатилиб, *тулки-айёр ва алдамчи, бўри-очкўз, чаён-ҳаммага азоб берувчи, илон-маккор, қўзичоқ-кучсиз ва ожиз, чумоли заҳматкаш киши* сифатида тасвир этилади.

**Символ** (рамз)-мажоз турларидан бири. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, тушунча ва нарсалар шартли равишда кўчма маънода қўлланадиган сўз ва сўз бирикмалари билан ифодаланади. Масалан, *тонг-ёшлик, қувноқлик, кабутар-тинчлик, қора-совуқлик рамзи*.

**Ирония** (кесатик). Грекча “зимдан кулиш”, “кесатиш” маъносида қўлланади. Сўз ва ибораларни кесатиш, киноя, биров устидан кулиш мақсадида сўз маъносига зид маънода қўллаш ирония саналади.

Э.Воҳидов «Бизлар ишляпмиз» шеърисида ирония усулидан усталик билан фойдаланганини кузатамиз. Масалан:

*Ёзу қиш далада «жавлон урамиз» –  
Сенинг сўзинг билан айтганда...*

Ушбу мисрада пахтакорлар меҳнатига нисбатан қўлланилган *жавлон урамиз* ибораси киноявий маънода бўлиб, киноя остидаги маъно шеър давомида ёритилади:

*Далада чанг ютиш «жавлон уриш»мас,  
Бизлар ишляпмиз.  
Бу – меҳнат, холос.*

**Антифраза** ҳам ирониянинг бир кўринишидир. Масалан, *Эртасига элликбоши Қобил бобони бошлаб қайнотаси-Эгамберди пахтафурушининг*

олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп “ачинди” ва ерни ҳайдаб олгани битта эмас, иккита хўкиз берди, лекин “кичкинагина шарти” бор. “Бу шарти кузда маълум бўлади” (А.Қаҳҳор)

**Сарказм.** Грекча сўз бўлиб, “аччиқ захарханда”, “истехзоли таъна”, “пичинг” маъноларини англатади.

... мулла Норқўзининг хотини покдомон. Унинг биттаю битта ўртоғи бор. Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда, агар фаришта илгари ўтган бўлса, шунинг онаси, энди тугилган бўлса - шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса – шу хотиннинг ўзи.

-Бу фаришта эркак киши эди.

-Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган. (А.Қаҳҳор)

**Перифраз**-грекча “айлана”, “атроф”, “бошқача гапираман” маъносини англатади. ... шу билан муҳтарам устод менга гўё муборак кўзойнақларини бердилар. (А.Қаҳҳор “Ўтмишдан эртақлар”)

**Жонлантириш**-инсонга хос хусусиятларни жонсиз нарсаларга нисбат қилиб тасвирлашдир.

*Ой ўртанар, кўзларида ёш,*

*Кўкси доғу юраги қийма.*

*Дер: ”Эй фалак, мен эдим қуёш,*

*Нега мени қилдинг таржима?”*

(Э.Воҳидов)

*Дарё сокин, ухлар тўлқинлар,*

*Ухлар, қўйиб қирғоқларга бош.*

(Э.Воҳидов)

**Апострофа**да ҳаракат қилмайдиган жонсиз нарсага, жонли нарсага мурожаат этгандек муносабатда бўлинади.

*Юртим,*

*Сени яна олдим қаламга*

*Тўйинг, шодиёнанг баҳона бўлиб*

*Яна келиб кўндинг тонгги мисрамга*

*Фалак нисор этган дурдона бўлиб.*

(Э.Воҳидов)

*Сиёҳдон, омон бўл, ишчан ҳамдамим,*

*Ишонки, сўққабош бўлмагайсан ҳеч!*

*Сени кўп безовта қилди қаламим,*



*Сен ҳам ухлатмагин мени эрта-кеч!*

*(М.Шайхзода. «Сиёҳдон»).*

Такрор, жим қолиш, сукут, риторик сўроқ, антитеза, градация, кўп боғловчилик ва боғловчисизлик, инверсия, эллипсислар услубий фигураларнинг асосийларидан ҳисобланади.

**АНТИТЕЗА (қаршилантириш)**- грекча сўз бўлиб, «қарама-қарши кўйиш» маъносини англатади.

*Раҳм қилгил бандага, эй шоҳ, ул тенгри учун  
Ким этар бизни гадо ул сизни султон айлаган.*

*(Лутфий)*

*Бу жаҳоннинг роҳатин ол,  
Бор азобин менга бер,  
Сенга бўлсин барча ором,  
Барча бедорлик менга.*

*(Э.Воҳидов)*

**Градация**-лотинча босқичма-босқич кучайтириш маъносида бўлиб, айтилаётган фикр борган сари кучайтириб борилади.

*Юрса агар томирда қонинг,  
Азиз бўлса, бир парча нонинг,  
Керак бўлса, номус, виждонинг,  
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,  
Кўлингга қурол ол!*

*(Ҳ. Олимжон)*

**РИТОРИК СЎРОҚ. РИТОРИК ХИТОБ.** Фикр фақат сўроқ шаклида ифодаланиб услубий маъно кучайтирилади, аммо сўроққа жавоб талаб қилинмайди:

*Айтиб бер-чи, шунча севганлар  
Бўлганмикан менча бахтиёр?*

*(Ҳ.Олимжон)*

*Ёшлик! Сени куйламаган **ким**,  
Эртақларинг сўйламаган **ким**,  
Қариганда ўйламаган **ким**,  
Ўйлаб яна куйламаган **ким**?*

*(Э.Воҳидов)*

**Кўп боғловчилик ва боғловчисизлик.** Нутқда баъзи ҳолларда бир хил боғловчининг такрор қўлланиши учрайди. Бунда боғловчи таъкидни кучайтиради, фикрга қатъийлик тусини бағишлайди. Аксинча, гапдаги уюшиқ бўлақларнинг боғловчисиз оҳанг билан боғланиши бу бўлақларнинг янада жипслашувига, таъкиднинг бўлинмасдан, сусаймасдан яхлит ҳолатда ифодаланишига хизмат қилади.

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.  
Бир қўзгалур, бир кўтирар, бир қайнар.  
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйлар.*

(Чўлпон)

**Эллипсис**-грекча “тушириб қолдириш” маъносини англатади. Нутқ ва мазмунни бузмаган ҳолда гапнинг баъзи бўлақлари туширилиши ёки сўзларнинг қисқарган шаклида қўлланиши учрайди. Эллипсис нутқий жараёнда ихчамликни юзага келтиради. Масалан:

*-Ҳозир келдингми?-сўради Оксана унга ҳаваси келиб*

*-Ҳа, ҳозир. (А.Мухтор)*

**Жим қолиш.** Сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши жим қолиш дейилади. Уни эллипсиснинг бир кўриниши ҳам дейиш мумкин.

*-Қайдам...- Гулчеҳра еккаларини қоқиб қўйди. (Ў.Умарбеков)*

**ТАКРОР.** Илмий адабиётларда аллитерация, анафора, эпифора, рифма (қофия), ассонанс, консонанс, монорин, плеоназм, тавтология, нақорат кабилар бадий такрорнинг кўринишлари сифатида талқин этилади.

Агар гап таркибидаги сўзларда бир хил унли товуш такрорланса, уни ассонанс, яъни оҳангдошлик дейилади.

*Кўм-кўк,  
Кўм-кўк....  
Кўклам қўёшидан  
Кўкарган қирлар.  
Пўлат яғринларини  
Кўтарган ерлар кўм-кўк.*

(Ҳ.Олимжон).

*-Вой, Зебо! Ўзимнинг Зебом, кичкина Зебом! (С.Айний «Қуллар»)*

*Шеърнинг сози – тўрт сатр,  
Тўрт ажойиб – зўр сатр.  
Шоир одам ўзини*

*Тўрт сатрда кўрсатур. (“Тўртлик”)*

Бу шеърий парчанинг ҳар мисрасида ў унлиси такрорланиб келган.

Поэтик матнда бир хил ундошнинг кетма-кет такрорланиши, яъни аллитерация ўзига хос ритмни вужудга келтиради. Э.Воҳидов шеъриятида ҳам аллитерация коннотатив маънони ҳосил қилишга хизмат қилади:

*Моҳиру меҳру маҳорат,*

*Олиму илму амал ,*

*Ошиқу ишқу машаққат,*

*Шоиру шеъру шуур.*

(“То тирикдирки табиат”)

Бу шеърий парчанинг дастлабки икки мисрасида *м* ундоши, кейинги икки мисрасида *ш* ундоши кетма-кет ишлатилган: ҳар иккиси олти марта қўлланган. Мисралардаги товушлар такрори шеърнинг нафақат мусиқийлигини, балки мазмунан янада таъсирчан бўлишини таъминлаган.

Қуйидаги мисраларда эса *қ* товушининг такрор қўлланилиши шеърнинг жозибадорлигини кучайтиради. Бунда шоир мохирлик билан товуш ўйинини ҳосил қилади:

*Қаро қошинг, қалам қошинг,*

*Қийиқ қайрилма қошинг қиз.*

*Қилур қатлимга қасд қайраб,*

*Қилич қотил қарошинг, қиз.*

*Қафасда қалб қушин қийнаб,*

*Қанот қоқмоққа қўймайсан.*

*Қараб қўйгил қиё,*

*Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.*

(“Қаро қошинг”)

Кўринадики, тўртликни ўқиган ҳар қандай тингловчи завқланади, таъсирланади. Кейинги мисолда ҳам ундош, ҳам унли товуш такрорланиб, ўзига хос оҳангдорликни ҳосил қилган:

*Гул бўлиб, гул-гул ёниб,*

*Гулиан аро Гулчеҳралар,*

*Гул узиб ўйнар, қўйиб*

*Гулга бино Гулчеҳралар.*

(“Гулчеҳралар”)

**АНАФОРА** – Нутқда параллел келган нутқий парчаларда айнан бир сўз ёки сўз бирикмаларининг, иборанинг такрорланиши бўлиб, у нутққа экспрессивлик бағишлайди. Фикрни кучайтиради, таъсирчан қилади.

*Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?  
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?  
Ёлғиз менми кўкрагимни тиглаган?  
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган*

(Чўлпон)

*Шукурким, у кунлар олисда қолди.  
Шукурким, ватаним маъмур ва обод.  
Шукурким, бу юртда менинг авлодим.  
Муҳтожликни кўрган энг сўнгги авлод.*

(Э.Воҳидов)

*Шу содиқ бевага саждалар қилинг,  
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.*

(А.Орипов)

*Қалбда ҳамон ўша ёзу*

*Ўша кўк чашма.*

*Ўша созу ўша нозу*

*Ўша карашма.*

(Э.Воҳидов)

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўладики, троплар ва услубий фигуралар нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи, бадий асарларда кенг қўлланиувчи асосий воситалардан ҳисобланади. Сўзловчи ўз нутқида улардан намуналар олиш ва ўз нутқининг таъсирчанлигини оширишда улардан фойдаланишлари мумкин.

### **Саволлар:**

- 1.Нутқ маданияти билан амалий услубиятнинг боғлиқ ва фарқли томонлари нималардан иборат?
- 2.Тилнинг қандай тасвирий воситалари мавжуд?
- 3.Антифраза ва перифразанинг қандай фарқи бор?
- 4.Апострофа билан антитезанинг бадий асардаги вазифалари нималардан иборат?
- 5.Градациянинг қандай турлари бор?
- 6.Услубий фигуралар қандай тил бирликлари ҳисобланади?

## Глоссарий

**Троп ва фигуралар** - сўзловчи ўз фикрини аниқ, лўнда, ифодали, мазмунли ва шу билан бирга таъсирли қилиш учун тилнинг махсус воситаларидан фойдаланиш.

**Эпитет** – киши, нарса ёки воқеанинг бирор белгисини ифодалаши сифатлаш ҳисобланади.

**Аллегория** – киноя, қочирик, кесатиш маъносини ифодалайди.

**Символ** – мажоз турларидан бири.

**Ирония** – “зимдан кулиш”, “кесатиш” маъносида қўлланади.

**Сарказм** – “аччиқ захарханда”, “истехзоли таъна”, “пичинг” маъноларини англатади.

**Перифраз** – “айлана”, “атроф”, “бошқача гапираман”.

**Градация** – айтилаётган фикр борган сари кучайтириб борилади.

## Адабиётлар:

1. Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Самарқанд, 1984.
2. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1992.
3. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т., Ўзбекистон, 1992.
4. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
5. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
6. А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т.: 1999.
7. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
8. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Тилнинг тасвирий воситалари ва услубий фигуралар

1-илова



### 2. Тилнинг тасвирий воситалари

2-илова

**Сарказм.** Грекча сўз бўлиб, “аччиқ захарханда”, “истехзоли таъна”, “пичинг” маъноларини англатади.

**Жонлантириш**-инсонга хос хусусиятларни жонсиз нарсаларга нисбат қилиб тасвирлашдир.

**Апострофа**да ҳаракат қилмайдиган жонсиз нарсага, жонли нарсага мурожаат этгандек муносабатда бўлинади.

**Антитеза** (қаршилантириш)-грекча сўз бўлиб, “карама-қарши кўйиш” маъносини англатади.

**Градация**-лотинча босқичма-босқич кучайтириш маъносида бўлиб, айтилаётган фикр борган сари кучайтириб борилади.

**Ирония** (кесатиқ). Грекча “зимдан кулиш”, “кесатиш” маъносида қўлланади. Сўз ва ибораларни кесатиш, ктноя, биров устидан кулиш мақсадида сўз маъносига зид маънода қўллаш ирония саналади.

**Кўп боғловчилик ва боғловчисизлик.** Нутқда баъзи ҳолларда бир хил боғловчининг такрор қўлланиши учрайди. Бунда боғловчи таъкидни кучайтиради, фикрга қатъийлик тусини бағишлайди.

**Муболаға ва кичрайтириш.** Муболаға араб тилида “катталаштириш”, “кучайтириш” маъносини ифодалайди. Муболағада муайян белги-хусусият баъзан объектив воқелик меъёрдан ортиқ даражада тавсифланади ва шу орқали нутққа бадий рух берилади. Э.Воҳидов кўчимнинг бу туридан зарур ўринларда моҳирона фойдаланган.

**Эллипсис**-грекча “тушириб қолдириш” маъносини англатади. Нутқ ва мазмунни бузмаган ҳолда гапнинг баъзи бўлаклари тушурилиши ёки сўзларнинг қисқарган шаклида қўлланиши

**Жим қолиш.** Сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши жим қолиш дейилади. Уни эллипсиснинг бир кўриниши ҳам дейиш мумкин.

**Такрор.** Илмий адабиётларда аллитерация, анафора, эпифора, ассонанс, плеоназм, тавтология, нақорат кабилар бадий такрорнинг кўринишлари сифатида талқин этилади. Ассонанс бир хил ёки бир-бирига яқин унлиларнинг такрорланиб келишидир. Ассонанс натижасида мисралар алоҳида оҳангдорлик касб этади, ўқувчида алоҳида эстетик завқ уйғотади.

**Анафора.** Нутқда параллел келган нутқий парчаларда айнан бир сўз ёки сўз бирикмаларининг, иборанинг такрорланиши бўлиб, у нутққа экспрессивлик бағишлайди. Фикрни кучайтиради, таъсирчан қилади.



## 9-МАВЗУ: Нутқ маданияти ва нутқий услублар

### Режа:

1. Нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти ва услубият.
2. Нутқ маданияти билан услубиятнинг боғлиқ ва фарқли томонлари.
3. Нутқий услублар.
4. Бадиий ва сўзлашув услуби.
5. Илмий услубнинг ўзига хос томонлари.
6. Публицистик услуб.
7. Расмий услубнинг ўзига хос томонлари.

**Таянч сўзлар:** Нутқ услублари, сўзлашув услуб, бадиий услуб, расмий услуб, расмий иш турлари, оғзаки нутқ услуби, ёзма нутқ услуби, публицистик услуб, илмий услуб, илмий услуб турлари, нутқ услубларининг аҳамияти, ўрни.

### Кириш

Нутқ маданияти тушунчасининг моҳиятини, унинг мақсад – вазифаларини белгилаш, нутқ маданияти билан услубият фани орасидаги муносабатни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Мавжуд ишларда бу масалада кўйидаги нуқтаи назарлар баён қилинган:

1. Нутқ маданияти – бу услубиятнинг ўзидир.
2. Нутқ маданияти – бу амалий услубиятдир.
3. Нутқ маданияти билан услубият ўзаро зич боғланган соҳадир.
4. Нутқ маданияти ва услубият ўзаро зич алоқадор, аммо ҳар бири ўзича лисоний ҳодиса ва мустақил илмий соҳалардир.

Сўнгги йилларда **амалий услубият** билан нутқ маданиятининг алоқадор ва фарқли жиҳатлари маълум даражада аниқланди:

- Нутқ маданияти ва услубият тилшуносликнинг бир-бирига алоқадор, аммо алоҳида мустақил соҳаларидир;

- Услубият соҳаси, айниқса, амалий услубият нутқ маданиятини яхшилашга ёрдам бера оладиган омиллардан биридир.

- Нутқ маданияти соҳаси нутқни ва умуман тил ҳодисаларини услубий планда, тилнинг барча услубий кўринишларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиши зарур.

Нутқ маданияти ҳамда услубият нутқий услубларга муносабатда ҳам ўзаро фарқланади. Услубият тил ва нутқнинг барча услубий кўринишларини назарда тутади, нутқ маданияти соҳасини кўпроқ адабий тилга мансуб услублар тили қизиқтиради.

Нутқ маданияти ўзининг мақсад ва вазифаларига кўра анча кенг соҳа, услубият эса унга нисбатан тор соҳа ҳисобланади.

Вазифавий услубларнинг тил хусусиятларини билиш, уни мукаммал эгаллаш ҳамда ундан нутқ шароитига мос равишда ўринли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим муаллифлар ўз ишларида илмий ва илмий-оммабоп услубни, бадиий ва публицистик услубни аралаштириб юборадилар, бу маълум хатоликларни юзага келтиради. Вазифавий услубларнинг ҳар бирига хос, мослашган тил воситаларини нутқий жараёнда тўғри танлай олиш ҳамда қўллаш муаллифдан билимдонликни, зукколикни, топқирликни талаб этади.

Нутқ маданияти адабий тил сатҳида шаклланувчи услублар – илмий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий услуб, илмий-публицистик услуб, адабий сўзлашув услуби, бадиий услуб ҳамда улар таянувчи меъёрларга асосланади. Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, нутқ маданияти ва услубиятни фарқлаш зарур. Бироқ улар бир-бирини тўлдирувчи, боғлиқ соҳалардир. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Кишилиқ жамиятида тил бирликларидан фойдаланишда турли хиллик бўлиши табиий, чунки ҳар бир сўзловчи нутқ тузаётганда, ўзининг билим савиясидан, тилнинг қонуниятларини қай даражада билишидан, мантиқий тафаккур қила олишидан келиб чиқиб тузади ва тингловчига етказишга ҳаракат қилади. Айниқса, уларнинг суҳбат мавзуси қайси соҳага дахлдор бўлса, ўша соҳага алоқадор атамалар, иборалар кўпроқ қўлланади, бу эса ўз ўзидан ўзига хос, бетакрор услубдан фойдаланишни талаб этади.

А.В.Степановнинг фикрича, талабаларнинг нутқ маданиятини кўтариш ва тарбиялашнинг асосий воситаси амалий услубиятни ўргатишдир.<sup>42</sup>

Нутқ маданияти соҳаси услубиятдан нутқий услубларга ёндашиш жиҳатидан ҳам фарқланади. Нутқ маданияти соҳаси услубларга адабий тил меъёрлари, ахлоқий-эстетик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашади, яъни жаргонлар, вульгаризмлар, варваризмларни инкор қилади, уларни нутқ маданиятини бузадиган ҳодисалар деб баҳолайди. Шунингдек, нутқ маданияти сўзларнинг ёзилиши ва айтилишига кўра нотўлиқ, бузилган вариантларни салбий баҳолайди. Услубият тилнинг юқорида келтирилган воситаларини услубий вазифасига кўра ўрганади ва баҳолайди.

Услубиятни ўзбек алифбоси, имлоси ва орфоэпиясини такомиллаштириш иши деярли қизиқтирмайди. Нутқ маданияти булар билан жиддий қизиқади.

---

<sup>42</sup> Степанов А.В. О культуре речи и практической стилистике//Вестник высшей школы. 1981., с 46.

Услубият ўз мундарижасига кўра: фонетик, лексик ва грамматик кўринишларга эга. Яъни тилдаги фонетик, лексик ва грамматик воситалардан нутқда мақсадга мувофиқ танлаб ишлатиш қонун-қоидаларини ўргатишга ёрдам беради.

Кўринадики, нутқ маданияти ўз мақсад ва вазифасига кўра анча кенг ходиса бўлса, услубият анчагина тор, жузъий соҳадир. Шундай қилиб, нутқ маданияти билан услубият соҳалари тенг ходисалар эмас, аммо улар бири иккинчисини тўлдиради.

Маълумки, гап нутқнинг энг кичик бирлиги ҳисобланади. Биз гаплар воситасида бирор нарсани атаймиз, бирон-бир нарса ҳақида хабар берамиз, айтилаётган фикрга ўз муносабатимизни, ҳис-туйғуларимизни билдираемиз. Демак, гаплар бир нечта вазифани: номинатив–аташ, коммуникатив–хабар, дарак ва экспрессив кабиларни бажаради. Ҳар қандай тилнинг энг асосий вазифаси, аввало, коммуникатив функция бўлиб, кишилар бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмашишда энг зарур алоқа воситаси сифатида гаплардан фойдаланадилар. Бироқ одамлар нутқий шароитга, кўзлаган мақсадларига қараб тил воситаларини танлаб ишлатадилар ва шу тарзда нутқнинг турли вазифавий услублари вужудга келади. Демак, услубият муайян фикрни ва унга муносабатни билдириш учун тилнинг турли воситаларидан мақсадли тарзда танлаб фойдаланиш йўлларини ўргатувчи тил бўлиmdir. Жаҳон тилшунослигида услубият стилистика (грекча стиль - таёқча сўздан олинган) деб юритилади. Стиль – услуб атамаси тилда қуйидаги маъноларда ҳам қўлланади:

-бирор ёзувчи ёки бадиий асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш, масалан, А. Қаҳҳор услуби ёки муайян асар тили каби;

-маълум бир давр адабиёти ёки санъатининг ўзига хос хусусиятлари ёхуд белгилари йиғиндиси, масалан, дoston услуби каби;

-нутқнинг адабий тил меъёрларига мослик даражасини аниқлаш учун, масалан, содда, равон, ғализ услуб ёки услубий хатолар каби;

-ҳаракат ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш, масалан, сўзлаш услуби, раҳбарлик услуби каби.

Демак, «стиль» сўзи бирор нарса ёки ҳолат учун хос бўлган хусусиятларни англатади ва филологиянинг тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимлари ўртасидаги оралиқ фан ҳисобланади. Услубият нутқ тузиш йўллари ҳақидаги таълимот. Чин маънода маданий нутқ туза олиш учун киши нутқ услубларини билиши талаб қилинади. Зеро, ҳар бир услуб ўз нутқ маданиятига эгадир. Масалан, бир услубда ишлатилган сўзни бошқасида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳақда Кайковус шундай ёзади:

«Насрда ишлатган сўзни назмга сурма, чунки наср райят мақомида, назм эса подшоҳ манзиласидандир».

Услубиятни билиш ва услубий хатоларга йўл қўймаслик учун, аввало, тилнинг адабий тил меъёрларини яхши билиш лозим. Адабий тил меъёрлари тил воситаларининг нутқда қўлланишини белгилаб берувчи қоидалар йиғиндиси бўлиб, улар ҳар бир тил бўлимида кўриб чиқилади, яъни лексикологияда лексик-семантик меъёрлар, фонетикада орфоэпик ва орфографик меъёрлар, грамматикада морфологик ва синтактик меъёрлар ўрганилади. Ана шу меъёрларни яхши билган ҳолда улардан нутқ жараёнида ўзи кўзлаган мақсадига мослаб фойдаланиш, нутқ товушлари, сўз шакллари ва гапларнинг маъно қирралари ва нутқий имкониятларини ўринли қўллаш орқали нутқда таъсирчанликка эришиш усуллари нутқ услубларида ўрганилади.

Нутқ услубларининг ҳар бири тилда алоҳида ягона бир тизимни ташкил қилади. Нутқ услубининг бир-бирига боғлиқ элементлар тизимини ташкил қилиши алоқа-аралашув кууроли бўлган тилнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Тўғри, тилнинг фонетик тузилиши грамматик курилиши ва луғат таркибининг ҳар бири ҳам алоҳида бир тизимни, тилнинг ўзи эса яхлит ҳолда бутун бир тизимни ташкил этади. Тилнинг вазифавий услублари мана шу лексик, грамматик ва фонетик тизимларга хос барча воситаларнинг маълум коммуникатив мақсадга кўра уюшиши туфайли бунёдга келади. У фақат муайян ҳодисалар тизими билангина эмас, балки уларнинг боғланиши, алоқаси ва муносабатлари билан ҳам характерланади. Демак, нутқ услублари тилнинг вазифаси-функцияси билан бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар функционал услублар деб ҳам юритилади.

Вазифавий услубнинг умумхалқ тили хазинасидан танлаб олган воситалари айни шу стиль системасини ташкил қилади. Тилдаги бу услубий ҳодисалар тарқоқ характерда бўлмай, балки коммуникатив вазифаси ва умумий стилистик бўёғи билан ўзаро алоқадор элементлар тизимини ташкил этади.

Нутқ услублари ўзларига хос белги ва фарқлардан қатъий назар, адабий тил меъёрлари асосида умумийликка эга. Адабий меъёр тилнинг товуш тизимини, грамматик курилиши ҳамда унинг луғат таркибидаги энг тиник ҳаётий ва зарурий элементларни танлаб олиш асосида ташкил топади. У тилнинг энг юксак, ишланган, силлиқлашган шаклидир. Адабий меъёрлар фақат ёзма адабий тил учунгина тааллуқли бўлмай, у оғзаки адабий тил учун ҳам зарурий ҳолатдир. Шунинг учун ҳам адабий тилнинг оғзаки шаклида (маъруза, радио-телевидениедаги чиқишлар, жонли суҳбатлар) ҳам адабий меъёрга бўйсунилади, унинг қонун- қоидаларига риоя қилинади. Тилнинг

вазифадош услублари нутқ кўринишларининг асосий функцияларига (алоқа-аралашув; таъсир этиш воситаси бўлишига) мувофиқ қисмларга бўлинишидир.

Шунга кўра адабий тил қуйидаги вазифавий услублардан ташкил топади: сўзлашув услуби, бадий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, расмий услуб.

### Сўзлашув услуби

Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби икки асосий турга ажратилади: адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби.

Адабий сўзлашув услуби тилнинг адабий меъёрларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан характерланади. Унинг тили содда: жаргон ва шева элементларидан холидир. Адабий сўзлашув услуби ўз адабий тилини билган кишилар учун таниш ва маълум бўлган асосий услуб ҳисобланади. Тилнинг адабий сўзлашув услуби кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қилади: таълим муассасаларида ўқитиш ишлари шу услубда олиб борилади, ундан бадий адабиётда жуда кенг фойдаланилади. Қисқаси, адабий сўзлашув услуби умумхалқ адабий тилининг энг кенг ва универсал туридир.

Оддий сўзлашув услуби учун нутқ муомаласи жараёнида адабий тил ҳамда шева элементларидан фойдаланиш характерли хусусиятдир. Бу услубда сўзлашув нутқига хос эмоционаллик яққол сезилиб туради. Оддий сўзлашув услуби таркибига содда тилга хос элементларни, яъни у ёки бу даражада тилнинг адабий меъёрларига мос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик ҳодисаларни киритиш мумкин. Сўзлашув услубининг фонетик хусусиятлари сўзлашув услубида, бир томондан, умумадабий тилга хос, иккинчи томондан, оғзаки нутққа хос талаффуз хусусиятларни кўриш мумкин.

Нутқнинг характер ва хусусиятларига кўра талаффуз меъёрларини икки турга ажратиш мумкин. Биринчи талаффуз меъёри маърузачилар, актёрлар, дикторлар, нотиклар нутқи учун характерли бўлиб, адабий тил меъёрларига риоя қилишни талаб этади, унда хар бир сўз аниқ талаффуз қилиниши шарт.

Талаффузнинг иккинчи тил меъёри эса, асосан, сўзлашувда, оғзаки нутқда учрайди. Сўзлашув услубида умумистеъмолдаги адабий-нейтрал сўзларни талаффуз қилишда бирмунча эркинлик сезилиб туради.

Сўзлашув услуби фонетик, лексик ва грамматик ўзига хосликларга эга: -сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашилиши: *тупроқ-турпоқ*, - *дарё-дайро*.

-ўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши: *маориф-мориф, чархламоқ-чахламоқ, саодат-содат.*

-бирор товушнинг орттирилиши: *рўмол-ўрамол, шкаф-ишкон, банк-банка.*

-товуш алмашиниши: *тавсия-тафсия, чироқ-чирог, мактаб-махтаб.*

-сўз тартиби қоидага номувофиқ бўлиши: *Кеча бордим мен, бозорга. –*

-эга вазиятга кўра нутқда қўлланмайди: *Ана келяпти.*

-кўчма, образли воситаларнинг қўлланилиши: *огзи қулогида, капалаги учиб кетди.*

-алдоқчи, жиндай, шунақанги каби сўзларнинг кўп ишлатилиши.

-чилик. –гарчилик кўшимчаларининг кенг қўлланилиши: *хафагарчилик, шерикчилик.*

-такрорнинг кўп ишлатилиши: *тез-тез кел, келиб-келиб сенга айтдимми?*

-тўлиқсиз гаплар ишлатилади.

-диалогик шаклда бўлади.

-имо-ишоралар кўп ишлатилади.

-феъл кесимнинг ишлатилмаслиги: *мен бозорга, биз сизникига.*

Сўзлашув услубининг ўзига хос белги ва фарқларидан қатъи назар, адабий тил меъёрлари асосида умумийликка эга. Сўзлашув услуби ҳам умумхалқ бойлиги ҳисобланади.

### **Бадий услуб**

Бадий услуб инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олиши ва умуминсониятга хослиги, тил ва нутқнинг барча воситаларидан фойдаланиши ҳамда ўқувчи ёки тингловчига эмоционал-эстетик таъсир этишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бадий нутқ услубида ҳар бир услубга хос бўлган «ўз доираси билан чегараланиш» йўқ, унда ҳамма услуб материалларидан фойдаланиш мумкин, ҳатто адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳам мумкин. Бу услубда адабий тилга оид сўзлар билан бир қаторда шевага хос сўзлар ҳам, турли касб-ҳунарга оид сўзлар, архаик - эскирган сўзлар, ҳатто махсус илмий атамалар ҳам ишлатилиши мумкин, бироқ буларнинг барчаси жанрга қараб танланади ва муайян мақсадни ифодалашга хизмат қилади. Бадий услуб бадий асар тили сифатида намоён бўлади, шунинг учун эмоционаллик, таъсирчанлик ва образлилик унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Ёзувчи ва шоирлар сўз ёрдамида реал борлик манзараларини ўқувчи кўзи ўнгида қайтадан яратади, яъни унинг образини жонлантиради. Бадий асар, чунончи, фалсафадан шу билан фарқланадики, фалсафа исбот этади, адабиёт эса кўрсатади. Ана шу кўрсатиш, жонлантириш тилнинг тасвирий-ифодавий воситаларга бой бўлишини талаб қилади. Бадий услуб, айниқса, сўзларнинг моҳирлик билан танланиши,

муаллифнинг имконият доираси жуда кенглиги, ўзига хос йўли, иждоқкорлик хусусиятлари билан барча нутқ услубларидан ажралиб туради. Бадиий асардаги ҳар бир сўз тасвирий восита ҳисобланиши мумкин, чунки у асар мазмунига, персонаж хусусиятига қараб танланади. Шунинг учун бадиий асар тилида метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ўхшатиш, мажоз, жонлантириш, аллегория, рамз, гипербола ва литота каби тилнинг тасвирий воситалари кўп учрайди, риторик сўроқ гаплар, ҳис-ҳаяжон гаплардан, боғловчисиз кўшма гаплар, уюшиқ бўлақлар кўп қўлланади. Гап бўлақларининг эркин тузилиши, инверсияларнинг кўп учраши кузатилади, кўпроқ нутқнинг монологик тури қўлланади. Масалан, эга ва кесим инверсияси, айниқса, шеърятда кўп учрайди. Бунда вазн, қофия, тuroк талаби билан кўпинча кесим эгадан олдин келиб, бадиийлик учун, фикр таъсирчанлиги учун хизмат қилади: *Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини, Ғасб ила молин олиб, қўймадингиз битини.* (Турди)

Хуллас, бадиий услубда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан усталик билан фойдаланиши, турли тасвирий воситаларни қўллаши ёки ўзи янгиларини яратиши мумкин. Қуйида келтириладиган мисоллар айтилган фикрларни тасдиқлайди:

*Мирзо Улуғбек кўзини ундан узиб шифтга, шам терилган чамбарак тилла қандилга тикди. "Ё, тавба! Бу тоғу тахтда не сеҳр, не сир-асрор бор эканким, унга ўлтирган ҳар бир кимса дарҳол ўзгаради? Одамийликни, умри бебақо бир фақир у нақир эканини дарҳол унутади? Бу тоғу тахт, бу салтанат ҳеч бир кимсага вафо қилмаслигини ёддан чиқаради? Наинки шаҳзода, бу тахт ҳаттоким амирул муслимин аталмиш Амир Темурга ҳам вафо қилмаганини тушунмайди? Ана гўё бобоси Амир Темурдай гердаийб ўтирибди! Билмайдиким... йўқ, тўхта, Муҳаммад Тарагай! Нечун сен шаҳзодадан ранжийсен? Бу вафосиз тоғу тахт, инсонлар устидан ҳокимлик қилмоқ лаззати ўзингни ҳам ақлу ҳушингдан айирмаган эдиму? Шаҳзода яхши бўлсун, ёмон бўлсун – ўз фарзандинг, ўз пушти камарингдан бўлган зурриётинг эмасму?... От тепкисини от кўтарадур. Уни қаргаб, ёмонлик тилагандан яхши сўзингни сўзлаб, насиҳатингни қилганинг мақбул эмасму, эй осий банда?"* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси)

Матнда Мирзо Улуғбекнинг рухий изтироблари, ўй-мушоҳадаларини ифодаловчи сўзлар, сўз бирикмалари риторик сўроқ гаплар ўқувчини ҳаяжон ва ҳайратга солади, ўй-мушоҳадага ундайди. Гаплар таркибида кўплаб кўчма маъноли ҳамда услубий бўёқдор сўзларнинг мавжудлиги, жумлаларда образлиқнинг ифодаланиши бадиий услубга хос хусусиятлардир.

Шеърятда ҳам бадий образлиликнинг гўзал намуналарини кузатиш мумкин:

*Хазон япроги янглиг гул юзинг ҳажрида саргардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух бу чеҳраи зардим. (Бобур)*

*Бобурнинг ушбу рубоийси бадий жиҳатдан жуда юксакдир. Маъно жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши сўз ва ибораларни бир-бирига зид қўйиб, хазон япроги – гул юз, лоларух – чеҳраи зард, яъни фикр ва ҳолатни тазод ёрдамида қаршилантириб ажойиб таъсирчанликка эришган.*

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, бадий услубнинг имкониятлари, восита ва усуллари жуда кенг, бой ва ранг-барангдир.

### **Илмий услуб**

Илмий услуб фаннинг турли соҳаларига алоқадор сўз ва терминларни (атамаларни) қўллаши билан, баённинг кўпроқ мантиқий далилларга суяниши билан бошқа услублардан ажралиб туради. Илмий услубда табиат ва жамият ҳодисалари аниқ, қандайдир қоидалар, формулалар асосида ифодаланади. Илмий баёнда фикр мантиқий ва ашёвий далиллар билан мустаҳкамланиб боради. Илмий коммуникациянинг ўзига хос баён қилиш усул ва йўллари мавжуд ва булар қуйидагилардир:

- Ахборотни объектив ва аниқ ифодалаш;
- фикрни мантиқий ва ашёвий далиллар билан асослаш;
- нутқнинг маълумотларга бойлиги;
- фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш

Бу услубнинг ўз лексикаси ва грамматик қурилиши бўлиб, уни асосан, терминлар ва атамалар ташкил қилади. Илмий услубда тўлиқсиз гаплар, бир таркибли гаплар, сўз-гаплар деярли учрамайди. Сўзлашувнинг қисқа диалог тури ҳам илмий услубда ёзилган асарлар учун бегонадир.

Илмий услубнинг лексик хусусиятлари:

1. Китобий, нейтрал сўзлар тўғри маънода қўлланади.
2. Оддий сўзлашув нутқи унсурлари, шева ва жаргонлардан фойдаланилмайди.
3. Типик нутқий оборотлар қўлланади (хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки каби).
4. Илмий термин ва атамалар кўп ишлатилади.

Илмий услубнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари:

1. Турли хил тушунчаларни ифодаловчи отларнинг кўп ишлатилиши.



- 2.Бирлик шаклда қўлланувчи нарсаларни кўплик шаклида ишлатилиши (сувлар, мойлар, тупроқлар).
- 3.Эргаш гапли қўшма гаплар қўлланади.
- 4.Кириш сўзлар қўлланади: демак, шундай қилиб, шунингдек каби.
- 5.Феълнинг мажхул нисбат шаклидан кўпроқ фойдаланилади: тажриба ўтказилади, материаллар фойдаланилди.

Илмий услубнинг илмий ва илмий-оммабоп кўринишлари бор. Илмий-оммабоп баён ўзининг лексик таркиби ва синтаксиси билан халқ оммасига мўлжалланган бўлади: бунга изоҳли луғатлар, соҳаларга оид луғатлар киради. Илмий услубда эса табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар аниқ таърифланади, тушунтирилади. Бу услуб ўзининг алоҳида махсус вазифасига эга эканлиги билан ажралиб туради. Илмий услуб илмий терминология билан боғлиқ. Одатда, терминлар илмий услубнинг лексикасини ташкил этади. Лекин илмий асарлар тили фақат терминлардангина ташкил топмай, унда мавҳум лексика ва кўп маънолилик хусусиятига эга бўлган умумхалқ сўзлари ҳам шартли равишда қўлланади. Илмий услубда яна фаннинг турли соҳаларига оид рамз ва белгилари, рақамлари ҳам ишлатилади.

Илмий услубнинг грамматик қурилиши мантиқий боғлиқликни, изчилликни, синтактик аниқликни талаб этади. Шунинг учун илмий услубда эллипсис (назарда тутилган бирорта сўзнинг тушиб қолиши) ҳодисасидан қочилади. Масалан, предметнинг номини билдириб, ким, нима, қаер сўроқларига жавоб берадиган сўзлар туркумига от сўз туркуми дейилади. Келтирилган таъриф илмий баёнда бўлиб, бунда фикрлар аниқ ва изчил тарзда берилади. Баъзи адабиётлар илмий услуб тилида бўёқдор сўзларнинг бўлишини тарғиб қилгандек туюлади. Бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки экспрессивлик илмийликдан йироқ.

Илмий услубнинг оғзаки ва ёзма шакллари ҳам мавжуд. Илмий оғзаки услуб тили анча сўзлашув тилига яқин бўлса-да, бироқ ундаги қўлланаётган сўз-терминлар, аниқлик, таъриф ва изчилликлар илмий услуб эканлигини исботлаб туради. Бунда адабий тилнинг оғзаки шакли муҳим ўрин тутаетди. Илмий услубда фикр юритаётган шахс турли хил тасвирий воситалардан иложи борича қўлламаслиги лозим. Ҳар бир фикр ўз тасдиғини илмий ва мантиқий асосда топмоғи зарур. Илмий услубнинг ёзма шакли деганда турли хил илмий доирадаги ўқув қўлланмалар тили тушунилади. Бу услубнинг ўз лексикаси ва грамматик қурилиши бўлиб, уни асосан, юқорида айтганимиздек терминлар ва атамалар ташкил қилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, баъзи илмий асарларда термин ва атама тушунчасига турлича қарашлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, термин билан атама илмий услубнинг лексикасидир. Термин илм-фанга тегишли бўлган

тушунчаларнинг номи *фонетика, эга, кесим, кислород, водород* каби. Атама эса мавжуд нарсаларга атаб қўйилган ном: *инсон, осмон, китоб, олма* каби.

Илмий услуб тили ёки унинг йўналишини илмий тадқиқот ишларида, маърузада, шарҳ, аннотация кабиларда кузатиш мумкин. Демак, илмий услуб бугунги кунда алоҳида соҳа сифатида шаклланиб келмоқда. Илмий услубга доир қандай иш ёки асар ёзилмасин, унда муҳим мавзунинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилиши шарт.

Хуллас, илмий услуб бирор нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, асосланган, изчил маълумот беришга қаратилган бўлади, шунга кўра унда таърифлаб бериш, таҳлил қилиш сабабини аниқлаб, исботлаш ва натижаларини баён қилиш асосий ўрин олади.

Илмий услуб фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган вазилавий услубдир. У яна илмий-техникавий, илмий-ҳужжат, илмий-оммабоп, ўқув-илмий, публицистик каби жабҳаларга эга. Фаннинг у ёки бу соҳасига оид тушунчаларни ифодаловчи термин ва атамаларга бойлиги илмий услубнинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Кўринадики, илмий услуб адабий тилнинг меъёрларини тўла сақлаш билан ҳам ажралиб туради. Бу услубда нутқнинг ихчам бўлишига интилиш кучли, лекин синтактик қурилма кўпинча мураккаб бўлади.

### **Публицистик услуб**

Публицистика- лотинча «ижтимоий» сўздан олинган. Публицистика кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади. Бу услубнинг ҳам икки тури, яъни ёзма ва оғзаки кўринишлари мавжуд. Ёзма турига асосан матбуот тили киради. Публицистик услуб ўзбек адабий тилининг нутқ услублари тизимида, асосан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида пайдо бўла бошлайди. Чунки бу даврга келиб, яъни 1883 йилнинг бошларидан, ўзбек тилида илк газеталардан - «Туркистон вилоятининг газети», «Ойина», «Садои Туркистон» газеталари чиқа бошлади. XX аср бошида эса нашриёт ва вақтли матбуот ишлари доирасининг янада кенгайиши ҳамда ўзбек демократик ёзувчилари ижодида бадиий публицистиканинг кенг ўрин олиши каби омиллар ўзбек адабий тилида публицистик услубнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида катта аҳамият касб этди. Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг ўзбек адабий тилининг публицистик услуби ҳар томонлама такомиллашди, ўз таракқиётининг юқори поғонасига кўтарилмоқда. Айниқса, мумтоз асарларнинг ўзбек тилига таржимаси, вақтли матбуот ва нашриётда ҳозирги замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган

материалларнинг кенг ёритилиши, радио ва телевидение орқали сиёсат ва ижтимоий ҳаёт масалаларига бағишланган публицистик бош мақолалар, фельетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириқлар публицистик услубнинг ёзма туридаги асарларидир. Ўзбек адабий тилининг публицистик услуби матбуот тили ривожига муҳим ўрин тутди. Мазкур услуб орқали омма билан доимий мулоқот олиб борилади ва у оммага оператив тарзда информация бериш вазифасини бажаради. Хорижий сўзларга, том маънодаги профессионализмга, сўзлашув услубига интилиш публицистикага хос хусусиятдир. Улар газетанинг умумлисоний қонуниятларига бўйсунди. Улар омма онгига таъсир этиб, уни тарбиялайди.

Публицистик услубнинг оғзаки турига эса нотиклик киради. Ўтмишнинг машҳур нотиклари кишиларнинг ижтимоий алоқа қуроли бўлган тилдан маълум ғоявий мақсадни ифодалаш ҳамда эстетик таъсир этиш воситаси сифатида моҳирона фойдаланиб келганлар. Публицистик услубнинг оғзаки турига кундалик воқеаларга доир мақолалар ёки халқаро обзор билан радио ва телевидениеда чиқаётган шарҳловчиларнинг нутқлари ҳам киради.

Публицистик услубнинг ёзма ва оғзаки кўринишлари ўзига хос хусусиятларига эга бўлса-да, улар публицистик услубнинг умумий талабларига бўйсунди. Чунончи, бу услубнинг иккала турида публицистикага хос сиёсий фаоллик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиклик, мантикий салобат, ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар мавжуд бўлади.

Публицистик услуб қуйидаги тил бирликларининг қўлланилиши билан фарқланади:

1. Лексик
  - Ижтимоий-сиёсий лексика
  - Сўзлашув лексикаси
  - Неологизмлар (муаллиф неологизмлари)
  - Сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши
  - Лексик такрорлар
  - Фразеологизмлар, мақол ва маталлар
2. Морфологик
  - сўз ясалиши (монополиячи, сепаратчи)
  - ясовчи қўшимчалар орқали кўчма маъно ҳосил қилиниши (шаҳарсозлар-курувчилар, зиёкорлар –ўқитувчилар)
3. Синтактик
  - дарак, сўроқ, ундов гаплар
  - тўлиқсиз гаплар

- уюшиқ бўлакли гаплар
- кириш бўлакли ва кириш қурилмали гаплар
- қолиплаган тил бирликлари (вазиятни кескинлаштириш, иқтисодий тежамкорлик).

Публицистик услубда нутқнинг образлилиги барқарор характерга эга бўлади. Ибора, тасвирий ифода, истиора, эпитет, ўхшатиш, муболаға, кесатиш каби ҳис-туйғуга таъсир этувчи воситалар умумхалқ тилидан олинади. Публицистикада лексикани танлаш мантиқийлик ва эмоционаллик талабига кўра белгиланади. Тил воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари, энг аввало, публицистик нутқнинг жанр турларига, уларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бундан ташқари, публицистик материалларнинг барча турларида, чунончи, памфлет, фельетон ва нотикликда муаллифнинг ўзига хос индивидуал услуби ҳам сезилиб туради. Публицистик услубнинг синтактик тузилиши ҳам ўзига хос. Яъни унда содда гап турлари ҳам, қўшма гапнинг ўзаро **ва, ҳам, ёки** тенг боғловчилари ёрдамида бириккан боғланган қўшма гаплар тури ҳам ишлатилади. Синтактик параллелизмлар ҳам ишлатилади: *ҳуқуқда бўлсин, шараф-шонда бўлсин, оилада бўлсин, ишқ ва вафода бўлсин* каби. Бу каби синтактик такрор фикр ва ҳисни яққол ифодалаш билан бирга, таъсирни кучайтириш учун ҳам хизмат қилади.

Шундай қилиб, публицистик нутқда образлиликка катта эътибор берилади. Тилнинг тасвирий воситаларидан кенг фойдаланилади. Тил воситаларини танлаш мантиқийлик ва эмоционаллик талабига қараб амалга оширилади.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, тилни пухта ўрганиш, унинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта эгаллаш, мантиқли сўзлашни ўрганиш, нутқнинг ички(мазмун) ва ташқи(шакл) кўринишига бирдай эътибор бериш, гўзал ва таъсирчан нутқ туза билиш, тил бойликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўяди.

### **Расмий услуб**

Расмий услуб жамиятдаги ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатларaro расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилувчи нутқ услубидир. Мазкур услуб ҳужжатчилик характери билан бошқа услублардан ажралиб туради. Расмий ёзишма ва ҳужжатлар иқтисодий, юридик ва дипломатик муносабатларда, маъмурий - давлат идораларида ишлатилади. Шунга кўра расмий услубда юридик қонунлар, дипломатик ёзишмалар, фармонлар, қарорлар, кўрсатмалар, буйруқлар, шартномалар, расмий эълон ва хабарлар, ёзишмалар ва шу каби ҳужжатлар ёзилади.

Расмий ёзишма ва ҳужжатлар тилининг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хил бўлганлигидан, унинг таркиби ҳам турличадир. Фикрнинг содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий иш қоғозлари услубининг асосий талабидир. Улар ўзига хос лексик ва грамматик хусусиятларга эга:

-профессионал терминлар (гувоҳнома, далолатнома, баёнот, элчихона, ишончли вакил, қидирув);

-турғун иборалар (имзо чекувчилар, юқорида кўрсатилганлар);

-тилга олинаётган кишилар ўз номи билан аталмасдан, бунинг ўрнига уларнинг белгиси ёки бирор ҳаракати, бинарсага муносабатини ифодаловчи отлар қўлланади (гувоҳ, даъвогар, ижрочи);

-ноаниқликка йўл қўймаслик учун отлар олмошлар билан алмаштирилмайди;

-феълнинг мажҳул даражадаги, шарт, буйруқ-истак ва ҳаракат номи шакллари кўпроқ қўлланади (бажарилади, белгилансин, чора кўриш);

-уюшиқ бўлакли содда гаплар кўп қўлланилади;

-шарт эргаш гапли қўшма гаплардан кенг фойдаланилади.

Расмий услубда оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар, диалектизмлар, жаргонлар деярли ишлатилмайди.

Демак, ўзбек тилининг расмий услубига мансуб ёзишма ва ҳужжатлар бошқа услублардан лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятларга кўра бир-биридан фарқланиб туради. Баён қилинган фикрларнинг изчиллик билан узвий боғланган бўлишига алоҳида эътибор қилинади ва танланган сўзларнинг гап қурилишининг расмий муносабатни ифодалашга бўйсундирилганлиги билан изоҳланади.

Маълумки, ҳужжатлар хилма-хил ва миқдоран жуда кўп. Ҳужжатларнинг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли ва бошқа бир қатор сифатлари ҳам турличадир. Маъмурий ва ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Намунали ҳужжатлар. Бошқарувнинг муайян бир хил вазиятлари билан боғлиқ, бир – бирига ўхшаш ва кўп такрорланадиган масалалар юзасидан тузилган матнларни ўз ичига олади.

2. Қолипли ҳужжатлар. Одатда олдиндан тайёрланган босма иш қоғозларига ёзилади, бундай ҳужжатларда икки турли ахборот акс этади, яъни ўзгарувчан ва ўзгармас ахборот берилади.

3. Хизмат ҳужжатлари - тайёрланишига кўра муассаса ёки мансабдор шахсларга тегишли бўлса, шахсий ҳужжатлар - яқка шахслар томонидан ёзилиб, уларнинг хизмат фаолиятларидан ташқаридаги ёки жамоат ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади.

4.Ташкилий ҳужжатлар. Мазмуни ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тармоқлари ва ходимлари бошқарув жараёнининг боришида жамоа иштирокининг қайд қилиниши, бошқа ташкилотлар билан алоқаларнинг ҳуқуқий томонлари каби масалаларни акс эттиради. Булардан ташқари, фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, кўрсатма, фармойиш), маълумотсимон - ахборот ҳужжатлари (далолатнома, маълумотнома, ариза, тушунтириш хати, ҳисобот, ишончнома, тавсифнома), хизмат ёзишмалари каби ҳужжатлар мавжуд.

Хуллас, услубиятнинг тилда тутган ўрни бекиёсдир. Нутқ жарёнида масалага нутқ мавзуси ва хусусияти нуқтаи назаридан ёндошилиб, вазифавий услубларнинг амал қилиш қонуниятларини ва талабларини эътиборга олиш лозим бўлади. Услубшунослик меъёрларни шакллантириш, машхур тилшунос олим Г.О.Винокур таъкидлаганидек, нутқ маданиятининг ўз олдига қўйган асосий мақсади, унинг энг муҳим вазифасидир. Чунки услубий меъёрни яхши билмасдан, уларни мукамал эгалламасдан туриб, нутқ маданиятига, маданий нутққа эришиб бўлмайди. Тилда ҳар бир сўзни, грамматик шаклни, ҳар бир синтактик қурилмани ўз ўрнида, яъни шу сўз, шу грамматик шакл ёки синтактик қурилма (гап) ишлатилаётган вазиятни (тингловчи савияси, уларнинг ҳолати кабилар) ҳисобга олган ҳолда тўғри қўллаш, уларнинг шу вазиятга энг мос тушадиганини танлаб, нутқ жараёнида улардан унумли фойдаланиш, энг ихчам ва фикрни лўнда ифодаладиганини, энг содда ва ҳаммага тушунарлисини ишлатиш нутқнинг равонлигини, тушунарлилигини, аниқлигини таъминлайди, уни ғализликлардан халос этади.

### **Саволлар:**

1. Нутқий услублар деганда нимани тушунасиш?
2. Нечта услуб турлари бор?
3. Сўзлашув услуби билан бадий услубнинг ўзига хос томонлари нимада?
4. Илмий услуб бошқа услублардан нимаси билан ажралиб туради?
- 5.Расмий услубнинг ўзига хос томони нимада деб ўйлайсиз?
- 6.Нутқ маданияти билан нутқий малаканинг фарқи нимада?
- 7.Радио ва телевидение қайси тил меъёрларига киради?
- 8.Нутқ маданияти малакасини эгаллашнинг қандай йўллари мавжуд?
- 9.Тилда оғзаки нутқ маданияти ва ёзма нутқ маданияти тушунчаларининг фарқи нималарда кўринади?
- 10.Ёзма нутқ доирасига кирувчи қандай услублар мавжуд?
- 11.Оғзаки нутқни юзага келтирувчи асосий омиллар нима?

## Глоссарий

**Адабий тил** – оғзаки ва ёзма шаклга эга бўлган, тилшунос олимлар томонидан қайта ишланган, шакллантирилган, меъёрлаштирилган тил.

**Радио ва телевидение нутқи** – радио ва телевидение орқали адабий тилда сўзловчи дикторлар ва шарҳловчилар нутқи.

**Маърузачилар нутқи** - бу кўринишга олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг, тарғиботчилар, олимларнинг маърузалари ва чиқишлари.

**Саҳна нутқи** – томошабинлар учун тушунарли, диалогик характерга эга бўлган оғзаки нутқ кўриниши.

**Намунали ҳужжатлар** - бошқарувнинг муайян бир хил вазиятлари билан боғлиқ, бир – бирига ўхшаш ва кўп такрорланадиган масалалар юзасидан тузилган матнларни ўз ичига олади.

**Қолипчи ҳужжатлар** - одатда олдиндан тайёрланган босма иш қоғозларига ёзилади, бундай ҳужжатларда икки турли ахборот акс этади, яъни ўзгарувчан ва ўзгармас ахборот берилди.

**Хизмат ҳужжатлари** - тайёрланишига кўра муассаса ёки мансабдор шахсларга тегишли бўлса, шахсий ҳужжатлар - яқка шахслар томонидан ёзилиб, уларнинг хизмат фаолиятларидан ташқаридаги ёки жамоат ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади.

### Адабиётлар:

1. Степанов А.В. О культуре речи и практической стилистике//Вестник высшей школы. 1981.
2. Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. -Самарқанд,1984.
3. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари.- Тошкент, 1992.
4. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
5. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
6. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
7. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.
8. Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Нутқ маданияти ва нутқий услублар

1-илова

Нутқ маданияти адабий тил сатҳида шаклланувчи услублар – илмий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий услуб, илмий-публицистик услуб, адабий сўзлашув услуби, бадиий услуб ҳамда улар таянувчи меъёрларга асосланади.

Нутқ маданияти соҳаси услубларга адабий тил меъёрлари, ахлоқий-эстетик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашади, яъни жаргонлар, вульгаризмлар, варваризмларни инкор қилади, уларни нутқ маданиятини бузадиган ҳодисалар деб баҳолайди.

Услубият ўз мундарижасига кўра: фонетик, лексик ва грамматик кўринишларга эга. Яъни тилдаги фонетик, лексик ва грамматик воситалардан нутқда мақсадга мувофиқ танлаб ишлатиш қонун-қоидаларини ўргатишга ёрдам беради.


2-илова





## 2. Нутқ услублари

3-илова



## 3. Услубият тил бўлими сифатида

4-илова

Услубият муайян фикрни ва унга муносабатни билдириш учун тилнинг турли воситаларидан мақсадли тарзда танлаб фойдаланиш йўллари йўлларини ўргатувчи тил бўлиmidир. Жаҳон тилшунослигида услубият стилистика (грекча стиль - таёқча сўзидан олинган) деб юритилади

-бирор ёзувчи ёки бадиий асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш, масалан, А. Қаҳҳор услуби ёки муайян асар тили каби;

-маълум бир давр адабиёти ёки санъатининг ўзига хос хусусиятлари ёхуд белгилари йиғиндиси, масалан, дoston услуби

-нутқнинг адабий тил меъёрларига мослик даражасини аниқлаш учун, масалан, содда, равон, ғализ услуб ёки услубий

-ҳаракат ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш, масалан, сўзлаш услуби, раҳбарлик услуби каби.

#### 4. Маъмурий ва ҳуқуқий ҳужжатлар

5-илова

1. Намунали ҳужжатлар.
2. Қолипчи ҳужжатлар.
3. Хизмат ҳужжатлари.
4. Ташкилий ҳужжатлар.

## **10-МАВЗУ: Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари. Нутққа тайёргарлик кўриш. Нутқ техникаси**

### **Режа:**

1. Нутқ маданияти – нутқий малака.
2. Оғзаки нутқнинг вазифавий кўринишлари.
3. Тилни табиий ҳолда эгаллаш.
4. Тилни ўқитиш ва ўргатиш орқали эгаллаш.
5. Тил ва нутқ маданиятини мустақил ўқиш ва шуғулланиш орқали эгаллаш.
6. Тил ва нутқ маданиятини намунали нутқларга тақлид қилиш орқали эгаллаш.
7. Нутққа тайёргарлик кўриш йўллари.
8. Нутқ техникаси.
9. Стрессга қарши кураш.

**Таянч сўзлар:** нутқий малака, норматив воситалар, ёзма нутқ маданияти, оғзаки нутқ маданияти, илмий нутқ, расмий нутқ, публицистик нутқ, бадиий нутқ, илмий тил, расмий тил, бадиий тил, лекторлар нутқи, радио нутқи, телевидение нутқи, сахна нутқи, ўқитувчи нутқи, ўқувчилар нутқи, ёш-талабалар нутқи, тўғри нутқ босқичи, нутқ маданияти босқичи, нутқ техникаси, овоз, жарангдорлик, тембр, мелодика.

### **Кириш**

Адабий нутқ кўпқиррали хусусиятларга эгадир. Бу хусусият, аввало, нутқий фаолиятнинг ўзи мураккаблиги ва кўп томонли экани билан изоҳланади. Аввало адабий тил ва унинг вазифавий шаклининг ўзи икки кўринишга эга: **1) ёзма адабий тил; 2) оғзаки адабий тил.** Адабий тилнинг бу шакллари нутқий фаолият нуқтаи назаридан: **ёзма нутқ ва оғзаки нутқ** деб ҳам юритилади.

Нутқнинг бу иккала шакли ҳам ягона адабий тил меъёрларига таяниб иш кўради. Шу сабабли уларда муштарак луғавий меъёрлар, умумий морфологик восита мавжуд. Аммо ёзма нутқ амал қиладиган имловий, пунктуацион меъёрлар оғзаки нутқда, оғзаки нутқ амал қиладиган талаффуз меъёрлари, оҳангий (интонацион) меъёрлар ёзма нутқда йўқ ёки етакчи роль ўйнамайди. Мана шундай фарқли томонлар ёзма ва оғзаки нутқнинг синтактик қурилишида, сўз шаклининг тўлиқ ва нотўлиқ қўлланишларида, имо-ишора билан боғлиқ (паралингвистик) воситаларнинг ишлатилиши

хусусиятларида ҳам кўринади. Булар ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини эгаллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлигига далилдир. Шу сабабли ҳам нутқ маданияти соҳасида **ёзма нутқ маданияти, оғзаки нутқ маданияти** дейилган тушунчалар мавжуд. Бу тушунчалар ўзида ёзма ва оғзаки нутқ шакллари олдига қўйиладиган нутқ маданияти талабларини ифодалайди.

Ёзма нутқ доирасига **илмий нутқ, расмий нутқ, публицистик нутқ, қисман бадий нутқ**, шунингдек, радио ва телевидение учун тузилган ёзма матнлар тили киради. Келтирилган ёзма нутқ кўринишларининг ўзаро фарқ қиладиган меъёрий томонлари бор. Шунга кўра, бу меъёрларга амал қилиш билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти талаблари ҳам мавжудлиги, шубҳасиз. Нутқнинг келтирилган вазифавий типлари баъзан **илмий тил, расмий тил, бадий тил** деб ҳам юритилади.

Оғзаки нутқ дастлаб икки типга ажралади: **1) оддий сўзлашув нутқи; 2) адабий сўзлашув нутқи.**

Оддий сўзлашув нутқи ўзбек тилида табиий ҳолда мавжуд бўлган оғзаки нутқ кўринишларидан иборат. Масалан, ўзбек шева ва лаҳжалари тили, яъни **диалектал нутқ** кўринишлари, шевачилик унсурлари таъсирида бўлган кундалик сўзлашувнинг бошқа хил кўринишлари ва б.

**Оддий сўзлашув нутқининг** тил базасини адабий тил ташкил этмайди. Шу туфайли оддий сўзлашувдан биз талқин қилаётган маънодаги нутқ маданияти талаб қилинмайди. Оддий сўзлашув олдига қўйилувчи нутқий талаблар аниқ лаҳжа ва шеваларнинг табиий меъёрлари, лисоний талаблари билан боғлиқ бўлади.

**Адабий сўзлашув нутқи** адабий тилнинг оғзаки нутқ доирасидаги вазифаларидан юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, адабий сўзлашув нутқи – адабий тил маданиятига, яъни адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда гапиришдир. Аммо адабий тилда сўзлаш адабий тилда ёзишга нисбатан анча қийинчилик билан эришиладиган жараёндир, бунинг бир қатор сабаблари бор: 1) оғзаки нутқда шевачиликнинг таъсири кучли бўлади; 2) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб, олиб сўзлаш имкони кам бўлади. Чунки оғзаки нутқ ёзма нутқдан тезкор, жадаллашган (автоматик) жараён экани билан фарқланади; 3) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, қурилиш тартиби мавжуд. Чунончи, гап бўлақларининг тушиб қолиши, қисқариб кетиши, ўрин алмашиши, аксинча кераксиз унсурларнинг, такрорларнинг бўлиши ва б.; 4) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари асосий роль ўйнайди; 5) оғзаки нутқнинг юзага чиқиши сўзловчининг кайфиятига, нутқ сўзланаётган вазиятга, сўзловчи нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ; 6) оғзаки нутқ меъёрларининг

барча хусусиятларини пайқаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади; 7) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса (матн) сифатида чексиз ва сон-саноксиз шахсий (индивидуал) фаолиятдир. Унинг кўпгина кирралари турли шароитларда ўзича кечади ва пайқалмаган ҳолда беиз йўқолиб кетади; 8) оғзаки нутқнинг лисоний хусусиятлари фанда ёзма нутққа нисбатан кам ўрганилган; 9) оғзаки нутқни меъёрлаш ишларига шу кунга қадар фанда ниҳоятда кам эътибор берилади; 10) киши сўзлаганда ўз нутқига худди ёзаётгандаги каби етарли эътибор беравермайди ва б. Оғзаки нутқда қайд этилган хусусиятлар баъзи тадқиқотчиларда оғзаки нутқни муайян меъёрга келтириб бўлмади, дейилган фикр туғдирган. Аслида бу унчалик тўғри хулоса эмас.

### **Оғзаки нутқнинг қуйидаги вазифавий кўринишлари мавжуд:**

1. **Кундалик адабий сўзлашув нутқи кўринишлари.** Бунга адабий тилда гапирувчи шахсларнинг **кундалик сўзлашув нутқини** киритиш мумкин.

2. **Лекторлар нутқи.** Бу кўринишга ўрта ва олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг, тарғиботчиларнинг, олимларнинг маърузалари, чиқишларини киритиш мумкин. Оғзаки нутқнинг бу хили асосан, монологик нутқ характерида бўлади.

3. **Радио ва телевидение нутқи (тили).** Бу кўринишга радио ва телевидение орқали адабий тилда сўзланган нутқлар киради. Радио ва телевидение нутқи асосан дикторлар, радио ва телевидение шарҳловчилари нутқи ташкил қилади. Радио ва телевидение орқали адабий тилда олиб борилган эшиттиришлар, кўрсатувлар, суҳбатлар, эълонлар, рекламалар тили ҳам радио ва телевидениенинг ўзига хос талабларига бўйсунди.

4. **Саҳна нутқи.** Оғзаки нутқнинг алоҳида тури саҳна нутқидир. Саҳна нутқида ижро этилаётган асарнинг тил хусусиятларини сақлаган ҳолда, томошабинлар учун **умумтушунарли** бўлган тилда сўзлашга интилиш мавжуд. Саҳна нутқининг умумтушунарли бўлишини таъминлайдиган асосий омил адабий тилда сўзлашдир. Бунда адабий талаффуз, айниқса, муҳим ўрин тутаяди. Саҳна нутқи нутқнинг юқорида қайд қилинган кўринишларидан диалогик характерга эгаллиги билан ҳам фарқланади.

Нутқ турларини баъзан ижтимоий табақалар ва касб-кор эгалари гуруҳи тили нуқтаи назаридан номлаш ҳам учрайди. Чунончи: **ўқитувчилар нутқи, ўқувчилар нутқи, ёш-талабалар нутқи**, бола нутқи (боғча болалари нутқи) каби. Нутқнинг юқорида келтирилган хиллари ҳам нутқ маданиятининг асосий талабларига бўйсунди. Чунки уларнинг тил асослари ҳам адабий тил меъёрларидир. Шу туфайли ҳам бу нутқий кўринишлардан талаб қилинувчи нутқ маданияти ҳақида ҳам алоҳида гапириш мумкин. Мана

шу асосга кўра ўқувчиларнинг нутқ маданияти, ўқитувчиларнинг нутқ маданияти, сахна нутқи маданияти, лектор нутқи маданияти, радио нутқи маданияти, телевидение нутқи маданияти, умуман кенг маънода оғзаки нутқ маданияти ҳақида ҳам гап юритиш асослидир. Аммо келтирилган нутқ турларининг асосий лисоний хусусиятлари, улар амал қилувчи адабий меъёрлар бу нутқларда йўл қўйилаётган баъзи нуқсонларнинг объектив ва субъектив сабаблари ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилган эмас. Танқидий руҳда ёзилган баъзи мақолаларда адабий талаффузни бузиш билан алоқадор баъзи камчиликлар танқид қилинади, аммо бу нуқсонларни тузатишнинг самарали илмий ва амалий йўллари етарли равишда кўрсатиб берилмайди.

Нутқ маданияти жамият аъзосининг кундалик саломлашишидан бошлаб, кимга, қачон, қаерда ва қандай муомалада бўлишигача бўлган барча нутқий жараёнларини ўз ичига қамраб олади. Жамият аъзолари табиий ҳолда она тилидан фойдалана олиш кўникмасига эга. Улар тил қонуниятларини ёшлигидан эгаллайди, кундалик ҳаётда одамлар билан у ёки бу даражада муомала-муносабатда бўлади. Нутқ маданияти соҳаси мана шундай нутқнинг адабий тилда бўлиши учун курашади. Шунга кўра нутқ маданияти соҳаси жамият аъзоларига адабий тил меъёрларида сўзлашиш, фикрлаша олиш учун йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсатмалар беради. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, жамият аъзолари адабий тил меъёрларини билмаса, улар нутқий муомалада бўла олмайди, дейиш ҳам нотўғридир. Масалан, кундалик ҳаётда адабий тил меъёрларини яхши ўрганмаган ёхуд унга амал қилмаган шахслар ҳам муомала-муносабат борасида у ёки бу даражада иштирок этиши табиий ҳол, албатта.

Жамият аъзоларининг ўзаро фикр алмашинув жараёнида тилдан фойдаланиши ва фойдалана олиш қобилияти ўзининг маълум қонуниятига эга. Бундаги бир умумий ҳолат шундан иборатки, ҳар бир киши ҳам ўз она тили ёки ўзи эгаллаган бошқа бирор тилдан эҳтиёжга яраша фойдаланиш кўникмасига эгадир. Ушбу кўникма кўп замонлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келувчи инсоний мушоҳада ва тафаккур анъаналарининг ҳар бир шахсда такрорланувчи интеллектуал хусусиятга таянади. Бундай қобилият шахснинг ўзи гапираётган тил ёки тил шаклининг меъёрий тизимини эгаллаганлиги, уни ижодий идрок эта олиши билан боғлангандир. Шахснинг ўзи эгаллаган тилни қай даражада билиши шу шахснинг ўз фаолияти, интилиши, ҳаётий тажрибаси ҳамда ҳаётий эҳтиёжга боғлиқ бўлган масаладир.

Демак, одамнинг ёшлиқдан маълум бир тилда сўзлай олиши табиий, шахсий ва объектив қобилиятдир. Шу туфайли ҳам нутқ маданияти соҳаси

кишиларни, умуман, сўзлашга маълум тил воситасида фикр алмашишга ўргатиш вазифасини кўзда тутмайди. Чунки қайд этилганидек, инсоннинг ўз она тилида сўзлай олиш қобилияти аввалдан бор бўлган табиий ҳолатдир. Шундай экан, нутқ маданияти соҳасининг мақсади нима? Бу соҳа, умуман, она тилида эмас, балки жамият аъзоларини она тилининг махсус шаклида гапира олишни ўргатишни кўзда тутди. Тилнинг бундай шакли маълум бир миллий тилда гаплашувчи ижтимоий гуруҳларнинг барчаси учун муштарак бўлган тил - адабий тилдир. Шу туфайли нутқ маданияти учун кураш бу кишиларнинг ўзаро ҳар қандай фикр алмашишини маданийлаштириш учун кураш эмас, балки бутун миллат аъзолари учун ягона бўлган адабий тилда тўғри фикр алмашиш учун курашишдан иборатдир, яъни:

-нутқ маданияти соҳаси бутун миллатни кўзда тутиб иш олиб боради;

-нутқ маданияти фақат зиёлилар нутқини яхшилашни кўзда тутди;

-нутқ маданияти соҳаси, биринчи навбатда, ёш авлод нутқини тўғирлашни кўзда тутиб иш кўради.

-нутқ маданияти тушунчаси адабий тил билан боғлиқдир. Шунинг учун адабий тилни эгалламаган ва унда сўзлай олмайдиган кишининг нутқий маданияти ҳақида гапириш ҳам ортиқчадир;

-нутқ маданияти соҳаси адабий тилда гапирувчилар, адабий тилни эгаллаган ва эгаллаётганлар нутқини, нутқий фаолиятини кўзда тутган ҳолда иш кўради.

Аммо ҳозирда адабий тил барчанинг сўзлашув куралига айланаётган бизнинг жамиятимизда ҳам аҳолининг кўпчилиги қисми маҳаллий лаҳжа ва шеваларда ёки адабий тил билан ўз шеваларининг қандайдир қоришмасидан иборат бўлган бир тилда сўзлашмоқдалар. Ўзбек миллатига мансуб кишилар кундалик фаолиятларида ўзбек адабий тилидан қай даражада фойдаланаётганига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ўзбек адабий тилида гапира олувчи ва ёза олувчи кишилар гуруҳи.

2. Ўзбек адабий тилида ёза олувчи, аммо оғзаки нутқда адабий тил меъёрларига тўлиқ амал эта олмайдиган кишилар гуруҳи.

3. Расмий доираларда адабий тилда сўзлай олмайдиган, аммо оддий сўзлашувда, айниқса, оилада шевасида ва шева билан адабий тилнинг аралашмасидан иборат бир тилда гапирувчи шахслар гуруҳи.

4. Маҳаллий шеванинг кучли таъсири сезилиб турадиган нутқ эгаси бўлмиш кишилар гуруҳи.

5. Маҳаллий шевани, кучсиз таъсири сезилиб турадиган тилда сўзлайдиган кишилар гуруҳи.

6. Адабий тилни ўз маҳаллий шевасида гапирадиган кишилар гуруҳи.

Ўзбекистон аҳолиси нутқининг келтирилган кўринишлари оғзаки нутқ маданиятини барчадан бир хилда талаб этиб бўлмаслигига ёрқин далилдир. Кишиларнинг “адабий тилни билмаслиги” тушунчаси нисбий ҳодиса бўлиб, яъни адабий тилни тамоман тушунмайди маъносида эмас, балки улар адабий тилдан тўла маънода фойдаланмайди, бу тилда гапиришга ва ёзишга тамоман одатланмаган деган маънода тушуниш лозим. Аммо шундай бўлганда ҳам келтирилган олтинчи гуруҳ кишиларининг мавжудлиги, ҳаттоки уларнинг ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этиши нутқ маданияти талабларини бутун ўзбек миллати доирасига қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Бунга сабаб, ўзбек аҳолисининг маълум қисми ҳали адабий тилда гаплашишга ўтмаган ва бундай нутқий фаолиятга ҳали тўлиғича кўникмаган.

Мана шу каби сабаблар туфайли бўлса керак, нутқ маданияти соҳасининг иш тутиш доирасини (нутқ маданияти ҳақидаги гап кетганида кимларни кўзда тутиш лозимлигини) белгилаш фанда мулоҳазалидир. Чунончи, баъзи тадқиқотчилар нутқ маданияти, асосан, ўқимишли кишиларни кўзда тутиб иш кўради, деган фикрни олдинга сурадилар: “Ўзбек адабий тилидан фойдаланиб иш олиб борадиган ва нутқ маданиятлари юқори бўлиши шарт деб ҳисобланувчи кишилар деганда, биринчи навбатда, олимлар, матбуот ходимлари, адиблар, шоирлар, артистлар, давлат арбоблари, идора ва ташкилот хизматчилари, адабий тилнинг оммавий оғзаки шакли бўлган радио, телевидение, кинонинг диктор ва нотиклари, педагоглар, ташвиқотчилар кўзда тутилади.”

Нутқ маданияти – ижтимоий маданиятни, кишилик жамияти маданиятини акс эттирувчи кўзгудир. Нутқ маданияти адабий тилнинг ҳар икки шакли ёзма ва айниқса, оғзаки шакли учун зарурдир. Нутқ маданиятига эътибор ёлғиз нотикдан эмас, билки ҳар бир фуқародан талаб қилинадиган ишдир.

Нутқ маданияти маълум маънода ҳар қандай кишилар, одамлар гуруҳини эмас, балки маълум савияга эга адабий тилни муайян даражада эгаллаган одамларни кўзда тутган ҳолда иш кўради.

Нутқ маданияти ҳақида қайғуриш-умумхалқ ишидир. Нутқ маданияти соҳасининг тўлиқ, яъни асосий ва бош мақсади барча халқ оммасининг нутқини адабий тарбияга олишни кўзда тутмоғи лозим.

Ҳар қандай ҳолда ҳам нутқ маданияти - бу аввало, нутқий кўникма, нутқий ва амалий жараён бўлиб, махсус меҳнат ва машқ эвазига, ўқиш ва ўқитиш орқали эришиладиган қобилият, маҳоратдир.

Инсоннинг алоқа қуроли бўлмиш тилни, жумладан, адабий тилни ўрганиши ва эгаллаши тўрт хил йўл билан амалга ошади:



### **1.Тилни табиий ҳолда эгаллаш.**

Бунга боланинг ўз она тилида оила муҳотида, шунингдек, ўзи дуч келган кишилардан табиий ҳолда эшитиш ва ўзлаштириш орқали эгаллайди. Болада, бола тили малакаси табиий ҳолда, онгли равишда юзага келади ва шаклланади.

### **2.Тилни ўқитиш, ўргатиш орқали эгаллаш.**

Бунга асосан, ўрта ва олий мактаб таълими киради. Шунингдек, қисман болалар боғчасидаги таълимни ҳам мана шу омилга қўшиш мумкин. Тил ва унинг қонуниятлари, нутқ қоидалари ўрта мактабда она тили ва адабиёт дарсларида ўқитилади. Боланинг тил эгаллашида бошқа фанлардан ўтиладиган дарсларининг роли ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Тарих, география, астрономия, биология, ҳатто математика дарслари ҳам ўқувчиларда нутқ маданияти малакасини шаклланишида сезиларли роль ўйнайди. Бу фанларга оид дарслар жараёнида боланинг луғат бойлиги ошади. У гап тузишнинг бир қатор мураккаб типларини, фикр ифодалашнинг баъзи мантиқий асосларини эгаллаб боради.

Табиий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар орасида ўзбек адабий тилини яхши эгаллаган, сўзга уста, моҳир нотиклар талайгина. Нутқ маданиятини тарбиялашда ўқитиш асосий омилдир.

### **3.Тил ва нутқ маданиятини мустақил ўқиш, шуғулланиш орқали ўрганиш.**

Тилни, нутқ маданиятини эгаллашда мустақил ўқиш, тил ва нутқ устида мустақил ишлаш муҳимдир. Буни икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин: 1) киши тилга оид махсус адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, луғатларни ўрганади. Ундаги тил ва нутққа оид махсус адабиётлар ва қонуниятларни эгаллайди. 2) полингвистик адабиётларни мустақил ўқийди ва бу ҳол киши нутқининг ўсишига, адабий тил меъёрларини эгаллашига туртки бўлади. Масалан, бадиий адабиёт асарларини, газета ва журналларни кўплаб ўқиш, шеърларни ёд олиш, радио ва телевидение эшиттиришларини тинглаш ва бошқалар.

### **4.Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг кўринишларидан бири нутқий тақлидир.**

Ҳар бир инсон ўзидан яхшироқ, чиройлироқ, маъноли ва ўткир гапирадиган кишилар нутқига ҳавас билан қараши ва унга тақлид қилишга интилиши мумкин. Бу ҳолда нутқий тақлид бу намунали тил, нутқ маданиятини эгаллашга интилишнинг омилларидан бирига айланади. Намунали, яхши гапирувчилар, одатда радио ва телевидение сухандонлари, машҳур артистлар, бадиий сўз ижрочилари, баъзи ёзувчилар, олимлар орасида ҳам учрайди.

Нутқий тақлид - онгли фаолиятдир ва миллий нотикликнинг энг яхши намуналари ва анъаналарини авлоддан авлодга ўтказиш, етказиш, кўп асрлар давомида сақлаб қолишнинг воситаси ҳамдир.

Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

- оила ва атроф -муҳитдан ўрганиш;
- ясли, боғча таълими;
- ўрта мактаб таълими;
- олий таълим;
- тил устида мустақил шуғулланиш орқали.

Тилни эгаллаш ҳақида гап борганда икки муҳим нарсани фарқламоқ керак. Буларнинг биринчиси, умуман, ўзбек тилини - халқ тилини билиш, иккинчиси, ўзбек адабий тилини эгаллаш.

Нутқ маданияти шахснинг, умуман, тилни билиш даражаси билангина эмас, балки адабий тилни намунали билиши ва ундан нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида тўла фойдалана олиши даражаси билан ўлчанади. Нутқ маданиятини эгаллаш учун нутқни ўстиришга оид бўлган адабий тил меъёрлари ва унга восита бўлувчи нарсалар:

-ўзбек тилининг дарслик ва қўлланмалари, ўзбек тили грамматикаси, ўзбек тилининг турли луғатлари ва бошқалар;

-ўзбек адабиёти дарслари, олий ва ўрта таълимда ўтиладиган бошқа ижтимоий ва табиий фанларга оид дарслар, уларнинг тили;

-ўзбек адабиёти тили (мустақил ўқиш кўзда тутилади);

-ўзбек матбуоти тили;

-ўзбек радиоси ва телевидениеси тили;

-бадий ўқиш дарслари ва таълими;

-нотиклик санъати юзасидан ўқитиладиган махсус курслар таълими ва бошқалар.

Она тили ва ўзбек адабиёти кишиларнинг оғзаки нутқ маданиятини кўтаришга хизмат қилади, радио ва телевидение нутқини тинглаш, нотиклик сирларини ўрганиш оғзаки нутқ маданияти ривожини учун муҳим омилдир.

Ёзма нутқ маданияти, оғзаки нутқ маданиятининг юзага чиқишини таъмин этадиган воситадир. Масалан, ёзма нутқ маданияти учун имло ва тилини белгиларига оид қоидалар, ёзув техникаси, ёзишни кўп машқ қилиш, кўп ёзиш ва кўп ўқиш, сўзларнинг ёзилиш шакллари хотирада сақлай олиш, синтаксисга доир меъёр ва қоидаларни яхши ўзлаштириш муҳимдир. Ёзма нутқ маданиятини оширишда имло луғатлари етакчи ўрин тутди.

Кишиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини эгаллашлари учун қуйидаги томонларга ҳам эътибор бермоғи керак:

- сўзлашув нутқи жараёнида кишилар ўзларининг кундалик тилига эътибор қилмоғи, ундаги ютуқ ва нуқсонларни сеза билмоғи керак;

- ҳар қандай шахс ўз она тилисига, унинг қонун-қоидаларига онгли, илмий муносабатда бўлиши лозим. Бунинг учун ўша тил грамматикасини, фонетикасини, лексикологияси ва стилистикасини яхши билиши талаб қилинади;

- ҳар бир киши ўзининг ёзма ва оғзаки нутқи устидан онгли назорат ўрната олмағи лозим. Бу шахсларда ўз нутқи устидан ютуқ ва камчиликларга танқидий ёндаша олиш кўникмасини шакллантиради;

- ҳар қандай онгли киши учун нутқ маданиятини эгаллашнинг муҳим шартларидан бири бу тилга ҳурмат билан қараш, унга муҳаббат қўйишдир;

- тилни ўрганиш, нутқ маданиятини эгаллаш киши ҳаётининг маълум даврига тўғри келадиган вақтинчалик иш, бир фасллик тadbир эмас, балки доимий интилиш ва шуғулланишни, бир умр такомиллаштириб боришни талаб қилувчи ҳодисадир.

Нутқ маданияти - сўз санъати соҳаси бўлиб, нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилган ҳолда яхши гапириш ва ёзиш санъатидир.

### **Нутқ техникаси**

Нотикнинг нутқи равон, тушунарли ва ёқимли бўлиши керак. Чунки нотикнинг нутқи сўзловчи – тингловчи муносабатини ўрнатишда ҳамда уларнинг ўзаро тушунишларини таъминлайдиган асосий воситалардан биридир. Бунда сўзловчининг тингловчиларга мурожаати, саломлашиши, талабларни қўйиши, огоҳлантириши, гапириш оҳанги, юз ифодаси, нигоҳи, савол бериш ва жавоб олиш усулларининг барчаси муҳим ҳисобланади.

Машҳур рус олими М.В.Ломоносов ўзининг “Нотиклик бўйича қисқача қўлланма”сида нотик бўлиш учун аввало, табиий қобилият зарурлигини, табиий қобилият эса руҳий ва жисмоний турларга бўлинишини айтади. Олим жисмоний қобилият деганда баланд ва ёқимли овоз, узун нафас ва бақувват кўкрак, шунингдек, соғлом тана ва келишган қоматни назарда тутди.

Бугунги кунда нотикларнинг ёки ўқитувчиларнинг оғзаки нутқида барча коммуникатив сифатлар мавжуд бўлса-ю, лекин уларнинг овозида у ёки бу нуқсон сезилса, бундай нутқ таъсир кучининг ярмини йўқотади. “*Табиий жисмоний қобилият*” сифатидаги хирқироқ, чийилдоқ, шанғироқ каби овозлар ҳеч қачон ёқимли бўлолмайди. Бундай ёқимсиз овоздан “либос кийган” фикрларнинг кўпгина қисми нутқ идрокиннинг ўта сезгир ва нозик дарвозаси бўлмиш қулоқдан ўтолмай ташқарида қолади. Бу

албатта, нутқ эгаси қўйган мақсад – муайян бир ахборотни тингловчига тугал ва таъсирли тарзда етказиш учун қулай шароит яратмайди, балки унга монелик қилади. Табиатан ана шундай “қулоқни қийнайдиған” овозга эга бўлган одам ўз ишининг самарасидан чинакам хузур топиши, Шайх Саъдийнинг “Гулистон” идаги муаззин ҳолига тушмаслиги учун фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлмаган бошқа касбларнинг этагини тутгани маъқул.<sup>43</sup>

Тўлиқ, мукамал шаклланган, талаб даражасидаги нутқ техникаси нотик ёки ўқитувчининг (умуман, сўзловчининг) умумий нутқий маданиятининг энг муҳим узви ҳисобланади. Жонли, товушли нутқ ва унинг барча унсурларини тўғри воқелантириш кўникма ва малакаларининг жами нутқ техникасидир. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш қўшилмаларини аниқ талаффуз қилиш, аниқ дикция каби бир қатор ходисалар назарда тутилади. Нутқ техникасидаги бош масала овоз масаласидир. Асосий қуроли нутқ бўлган ҳар бир одам учун овоз ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир.

Нотикнинг овозида қуйидаги хусусиятлар бўлиши лозим:

- жарангдорлик (товушнинг тозаллиги ва тембрнинг ёрқинлиги);
- кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);
- ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитилувчанликка эга бўлиши);
- ихчамлик, ҳаракатчанлик;
- чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);
- мослашувчанлик (динамик, тембр, мелодиканинг эшитилиш шароитига мослаша олиши);
- қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга қарши тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);
- суггестивлик (овознинг ҳаяжон ифодалаш ва бу орқали қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти).

Бунинг учун нотикнинг нутқ техникаси яхши ривожланган бўлиши лозим. Овоз - нутқ техникасининг энг муҳим элементларидан ҳисобланади. Нотикнинг асосий меҳнат қуроли унинг овозидир. Товушларни нотўғри талаффуз қилиш натижасида кулгига қолиш, қаттиқ ва қўпол оҳангда гапириш билан нотик ўзини сўзловчидан узоқлаштириши, нотўғри нафас олиш орқали пайдо бўладиган ҳансираш, юракнинг тез-тез уриб кетиши,

---

<sup>43</sup> Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.

кизариб кетиш сингари ҳолатлар натижасида аниқ гапира олмаслиги мумкин. Шунинг учун нотик нутқиға бир қатор талаблар қўйилади ва ушбу талаблар касбий фаолият жараёнида ҳал қилинади ҳамда аниқланади:

1. Нотикнинг овози тингловчиларда ёқимсиз ҳисларни уйғотмаслиги керак, аксинча, ширадор ва жозибатор бўлиши лозим.

2. Нотикнинг овозида ҳаводорлик бўлиши керак, яъни ўз овозини бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши, ўзи учун эмас, ўқувчилар тинглаши учун гапириши лозим.

3. Овоз – бу нотикнинг қуроли бўлганлиги туфайли ҳам тингловчиларга қўйган талабларини бажартира олиш оҳангини танлай билиши керак.

4. Нотик вазиятга қараб овоз хусусиятларини ўзгартириб туриши лозим.

5. Нотик нутқ аппаратиға кўп куч тушганлиги сабабли унинг овози чидамли бўлиши зарур.

Шунга кўра, нотикнинг овози жозибатор, ҳаводор, чидамли ва ҳаракатчан бўлиши керак. Мазкур сифатларни шакллантириш ва овозни сошлаш бир қатор жараёнларни ўз ичига олади. Нотик овозининг ширадор ва жозибатор бўлишиға ашула дарсларида ҳамда махсус машқлар қилиш натижасида эришса бўлади. Масалан: *Шеърларни турли темпларда, яъни секин, ўрта ва тез ўқиб кўриб, уларнинг қай бири мувофиқ келишини билиб олиш зарур бўлади. Шеърни айтиш ёки бирор бир ҳикояни сўзлаб бериш жараёнида овозға зўр бериш ярамайди. Матнларни овоз чиқариб ўқиш ўқитувчининг фикрлаш қобилиятини шакллантиришиға катта ёрдам беради. Бу машқни ҳар кун бажариш керак ва ўқиётганда тингловчиларни кўз олдига келтириб уларнинг нигоҳларига қарагандек ўқиш керак. Яна уйда оила аъзолари ва дўстларига турли овозда шеър ёки матнларни гапириб бериши мумкин. Улар ўзларига ёққан овозни танлаб берадилар.* Фақат шундагина овоз ёқимлилиқ, босиқлик каби ифодалилиққа эга бўлиши мумкин.

Нутқ техникасининг яна бир зарурий элементларидан бири дикция саналади. Дикция нутқ товушларини, бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этишдир. Дикциянинг яхши бўлиши артикуляцион қонун-қоидаларға риоя қилиш билан боғлиқ. Ноаниқ артикуляция нутқнинг аниқлиғиға путур еткази ҳамда сўзловчининг гапларини тингловчилар тушунмаслиғиға олиб келади. Натижада коммуникатив алоқа юзаға чиқмайди. Шунинг учун ўқитувчи дикциясини яхшилайдиган машқларни доимо бажариб юриши мақсадға мувофиқдир. Ҳатто дарс бошлашдан аввал товуш бирикмаларини (ро, до, зи, ми, ги, ти...) дикция билан айтиб, тайёргарлик кўриш ҳар бир

сўзнинг тўғри ва аниқ айтилишига сабаб бўлади. Баъзилар жуда тез гапиради ёки аксинча секин гапиради. Шунга ўхшаш камчиликларни бартараф этишга ёрдам берадиган машқлар мавжуд. Масалан: *Лабни маҳкам жуфтлаб, ҳуштак чалмоқчи бўлаётгандек, уни олдинга чўччайтириб чапга, ўннга, тепага ва пастга ҳаракатлантирилади. Бу ҳолатда тишлар маҳкам қисилиши ва ияк эса қимирламаслиги керак.*

*Тишларни кўрсатмаган ҳолда табассум қилмоқчи бўлгандай лаблар чўзилади.*

*Юқориги лабни очиб, юқори тишлар кўрсатилади.*

*Пастки лабни пастга тушириб, пастки тишлар кўрсатилади.*

*А товушини овозсиз айтилади, тил худди эснаш пайтидаги ҳолатда бўлади.*

Нутқ сўзлашда нафас олишнинг ҳам аҳамияти катта. Сўзлашни бошлашдан аввал нафас олиб олиш керак. Нафас олганда ўпка ҳавога тўлади, кўкрак кафаси кенгаяди, қовурғалар кўтарилади, диафрагма эса пасаяди. Ўпкага йиғилган ҳаво нутқ сўзланган пайтда аста-секинлик билан сарфланади. Тўғри нафас олиш, тўхташ, нафас чиқариш маълум машқлар орқали амалга оширилади. Чунончи, *қоматни тик тутиб, бир қўлни қориннинг устки қисмига, иккинчи қўлни ёнга, яъни қовурғаларнинг ҳаракатини назорат қилиш учун белдан юқорироқ қисмига қўйилади. Бурун тешикларини қимирлатмасдан бурундан аста-секинлик билан нафас олинади. (5 сония), 2-3 сония ўпкада ҳаво ушланади, сўнгра А товушини талаффуз қилгандай нафас чиқарилади (4-5 сония). 1-машқдагидек нафас олинади ва нафас чиқараётганда 1, 2,3... деб овоз чиқариб саналади. 3-машқда матнларни ўқиш орқали нафас олиш текширилади. Қайси ўринларда чуқур нафас чиқарилганлиги ва нафас олинганлигини белгилаб олиш керак бўлади. Бу каби машқлар билан ўқитувчининг диафрагмаси мустаҳкамланади ва нутқий нуқсонларга йўл қўйилмайди.*

Нутқ техникасини эгаллашда умумий тарзда бўлса-да, фонетик билимлардан хабардор бўлган маъкул. Маълумки, товушнинг физик-акустик хусусиятлари унинг баландлиги, кучи, тембри, чўзиқлиги каби сифатлардан таркиб топади. Оғзаки нутқнинг яшашини таъминлайдиган интонациянинг просодик унсурлари бўлмиш нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ темпи (тезлиги), нутқ тембри каби тушунчалар асосида ҳам мазкур физик-акустик хусусиятлар ётади. Айрим ўқитувчилар дарс жараёнида бошқа жойлардагига қараганда анчайин баланд овозда гапирадилар, баъзи ўқитувчилар дарсда деярли паст овозда сўзлайдилар. Бу иккиси ҳам нотўғри. Ўқитувчининг нутқ

техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан яна бири нутқ темпи, тезлигини тўғри белгиламаслик ёки тезлик-секинликнинг мақсадга кўра мўътадиллигини сақлай олмасликдан иборат.

Нутқда интонациянинг аҳамияти жуда катта. Интонация орқали турли маъноларни ифодалаш мумкин. Шунинг учун нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлиниши (фраза, такт, бўғин, айрим товушлар)ни пухта эгаллаш зарур. Уларни нутқда тўғри қўллаш орқали гапнинг мазмуни аниқ англашилади.

Нотик нутқи орқали тингловчи тафаккурига, хулқига таъсирини ўтказди, дунёқарашини кенгайтира олади. Айниқса, она тили ўқитувчисининг нутқи катта аҳамият касб этади, чунки ўқувчи ўқитувчисига таклид қилиш орқали унинг гапириш услубини ўзлаштириб олади. Бу маънода ўқитувчининг нутқи ўқувчи учун намунадир. Шунинг учун ўқитувчи нутқи лексик, фонетик, грамматик ва стилистик меъёрларнинг барчасига риоя қилиб гапириши талаб этилади. Ўқитувчи сўзлаётган нутқида ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир қилиши ва эшитганларини тушунишларига ҳаракат қилиши керак. Хабар берилаётган ахборотнинг нафақат қизиқарли ва фойдали бўлиши, балки тингловчи, ҳикоя қилиб берувчи ёки ўқиётган ўқувчи учун тушунарли ҳамда тарбиявий аҳамияти жиҳатидан қимматли бўлиши лозим. Шундагина ўқиган асарининг мазмуни ҳақида аниқ, ёрқин ва жонли кўриниш намоён бўлади. Яна ўқитувчининг энг асосий вазифаларидан бири - матнларни хатосиз ифодали ўқишга ҳамда уларни ифодали гапириб бериш йўллариини ўргатишдан иборат. Ифодали ўқишни яхши эгаллаш учун нутқ техникасини (овоз, дикция, нафас олиш, интонация) пухта эгаллаш талаб қилинади. Машҳур Рим нотиғи Квинтилиан айтганидек, нотиклик маҳорати тинимсиз меҳнат ва тиришқоқликни, турли-туман машқларни, бой тажрибани, ақл ва янгича фикрни талаб қилади. Умуман, ўқитувчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайғуриши, фонетика, фонологияга оид билимлардан умумий тарзда бўлса-да, хабардор бўлиши, керак бўлганда, ўз нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга ёрдам берадиган машқлардан муттасил фойдаланиб бориши мақсадга мувофиқ.

### **Нутққа тайёргарлик кўриш ва стрессга қарши курашиш**

Ўқувчилар нутқи оилада, мактабда, жамоада ўзаро фикр алмашиш, суҳбат, диалог, муайян мавзуда баҳс-мунозара, савол-жавоб шаклларида намоён бўлади. Ўқувчи тафаккури, идроки, тасаввури, ҳис-кечинмалари фикрни кўзғаса, нутқ айни ўй-фикрларни ифода қилиш воситасига айланади. Бунда ўқувчининг ўз қарашларини баён тарзида ифода этиши кузатилса, ёзма нутқда ушбу баённинг грамматик, пунктуацион, стилистик жиҳатлардан равон, мазмунли, изчил ва тўғри ифода этилиши назарда тутилади. Ўқувчида

фикр уйғотиш, унга ақлий-ҳиссий таъсир кўрсатиш натижасида юзага келган фикрлар тафаккурда муайян шаклга эга ҳолда нутққа кўчади. Ҳозирги ўқувчи ва талабаларимиз нутқида учрайдиган нуқсон, фикрлашдаги оқсоқлик, фикрини баён этишда қолипдан чиқолмаслик, ортиқча паразит сўзларни, яъни анақа, ҳалиги, шу, нима десам экан кабиларни қўллаши нутқ тузиш малакаларининг заифлиги билан боғлиқдир. Фикримизни ўз она тилимизда равон, тушунарли ва гўзал ифодалаш учун нутқий маданиятни, нотикликни етарли даражада шакллантирмоғимиз даркор. Нутққа тайёргарлик кўриш уни қоғозга ёзиш, ёд олиш эмас, бу – ўйлаш, эслаб қолиш ва уни саралаш, тартиб билан мавзуга мос тарзда жойлаштириб чиқишдир.

Буюк нотиклар омма олдида чиқишдан олдин катта тайёргарлик кўрганлар. Улар ҳақида шундай маълумотлар етиб келган.

Демосфен олдиндан тайёргарлик кўрмасдан омма олдида ҳеч қачон чиқмаган экан. “Тингловчиларимга ҳурмат юзасидан соатлаб нутқ устида тер тўкиб ишлайман”, деган эди у. Ҳақиқатдан ҳам Демосфен нутққа куч-қувватини аямай тайёргарлик кўрган. Тайёрланмасдан омма олдида чиқиш уларни менсимасликдир. Ундан келадиган омад хизмат эвазига эмас, ёлғон туфайли топилгандай бўлади.

Цицерон: “Ҳарбийлар қурол ишлатишни тинимсиз машқ қилганидай нотик ёшлигиданок тинмай сўзга эгалик қилишни машқ қилиши керак. Чунки нотикликка туюлганидан кўра кўпроқ қийинчилик билан эришилади. Унга кўп билим ва меҳнат талаб этилади”, - деган эди.

Цицероннинг нутққа тайёргарлик кўриши ҳақидаги қуйидаги маълумот мавжуд: судда нутқ сўзлаш учун тайёргалик кўраётган Цицерон суд йиғилиши қолдирилганлиги ҳақида хабар олиб келган қулига шу заҳоти озодлик бериб юборган экан. Чунки у нутқини янада мукамал тайёрлашга имконият туғилганидан ниҳоятда қувониб кетган эди. Кўриниб турибдики, Цицерон омма олдидаги нутққа катта масъулият билан қараган.

#### **Нутққа тайёргарлик кўришнинг 4 хил усули мавжуд:<sup>44</sup>**

1. Экспромт (бадиҳа) – ҳеч қандай тайёргарликсиз нутқ сўзлаш.
2. Нутқнинг план-конспекти – олдиндан режа тузилиб, ҳар бир қисмнинг асосий ғояси ва керакли фикрлар батафсил ёритилган бўлади.
3. Нутқ матни – тайёр нутқ матни тўлиқ ўқиб берилади.

---

<sup>44</sup> Стернин И.А. Практическая риторика. –М., 2008 –С. 96-97.



4. Ёддан сўзлаш – ҳеч қандай матнга қарамасдан ёдланган нутқ сўзланади.

Бу усуллардан қайси бири энг осони ва яхшиси деб ўйлайсиз? Бу, албатта, нотиқнинг билими ва тайёргарлигига боғлиқ. Кимдир 2-усулда нутқ сўзласа, бошқаси 3 ёки 4-усулни қўллайди. Нотиқларнинг план конспекти бўлгани яхши, лекин унга боғланиб қолмаслиги керак. Бирор бир мавзу танлангандан кейин у ҳақда пухта ўйлаб олиш керак: *“Аввало, буни гапираман, иккинчидан унисини, кейин ..., ва охирида мана буларни айтаман”*.

Кўпчилик олдида сўзлаш учун қуйидаги йўриқларга амал қилиш керак.

1. Нутққа, айниқса у муҳим бўлса, бир кун олдин эмас, бир неча кун олдин тайёргарлик кўришни бошлаш керак. Бу мавзунинг ичига киришга ёрдам беради. Уни ёдлашга ҳожат қолмайди.
2. Нутқни машқ қилишдан олдин режа тузинг.
3. Нутқни, албатта, машқ (репетиция) қилиш зарур. Нуфузли университетларнинг профессор лекторлари ҳам кўзгу олдида бир неча марта машқ қилишган экан.
4. Нутқни бўлаклар эмас, “бутун” ича машқ қилиш керак. Сўзлашни бошлаган бўлсангиз нимадир ёддан чиққан бўлса ҳам, ниманидир ўзгартирмоқчи бўлсангиз ҳам тўхтаманг. Эсдан чиққан ўринларни “ёдимдан кўтарилай дебди” дея қулай жойда қиритиб кетиш мумкин. Аудитория буни яхши қабул қилади.
5. Нутққа тайёрланишдан олдин шпаргалка тузиб олиш мумкин. Унда зарурий маълумотлар: саналар, цитаталар, мисоллар, асослар ва исботлар бўлади.
6. Машқ давомида нутқий вазиятни кўз олдингизга келтиринг.
7. Машқ пайтида алоҳида ибораларни ёдлашга ҳаракат қилманг. Сизнинг мақсадингиз нутқингизни асосий ғоясини эслаб қолиш, бу ғояларни ифода этадиган кўринишларни эмас.

Оғзаки маърузанинг тузилиши ўзига хос бўлиб, унинг қисмлари бутун маърузанинг асосий мағзини ташкил қилади. Бу композиция деб аталиб, у кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади. Бу уч қисм бир-бири билан боғланган бўлиши нутқнинг муваффақиятли чиқишига сабаб бўлади. Энг асосий фикрни очиб бериш учун материални мантиқий изчилликда жойлаштириш композицияга қўйиладиган энг биринчи талаблардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир қисмнинг ўз мақсади бўлиши керак ва булар қуйидагилардан иборатдир:

-Кириш қисмида нотиқ аудиторияни ўзига жалб қилиши ва ишонтириш

натижасида улар билан алоқа ўрнатиши;

-тингловчиларни қизиқтириши;

-тингловчиларни нутқни қабул қилишга тайёрлаши;

Асосий қисмнинг мақсади:

-тингловчиларга янги хабарларни айтиш;

-олиб чиқилган масалаларнинг тўғрилигини исботлаш ҳамда тушунтириш;

-тингловчиларни керакли хулосалар чиқаришга тайёрлаб олиб бориш.

Хулоса қисмида нотик ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўйиши лозим:

-Айтилганларни умумлаштириш;

-кўриб чиқилган масалаларнинг такрорланиши ва ёдда сқлаб қолинишига шароит яратиш;

-нутқнинг ишончли чиқишига қўшимча аргументларни келтириш;

-тингловчиларни ундаш ва у ёки бу масаларни ҳал қилишга чақириш.

Нотик мавзу ҳақида кўп нарсаларни билиши мумкин, лекин уларни тартибга келтириб олмаса, нутқ муваффақиятли чикмайди. Шунинг учун маъруза қилишдан аввал нутқ режасини тузиб олиш жуда муҳим. Нутқ режаси матннинг асоси ҳисобланади. Матн тузиш тартибига кўра олдиндан қандай масалаларни кўтариб чиқаётганлигини аниқлаб олиш зарур бўлади. Ишчи режа тузилиб, унда айтиладиган масалаларнинг изчиллиги белгилаб олинади. Шунинг негизида асосий режа тузилади. Нутқ тузишга тайёргарлик кўришни аниқ кўз олдимизга келтириш учун қуйидаги “нутққа тайёргарлик кўриш жараёни” жадвалини кўриб чиқиш лозим:

<b>Нутққа тайёргарлик кўриш тартиби</b>
1. Мавзу танлаш ва унга ном қўйиш ҳамда маърузани шакллантириш.
2.Материал тўплаш.
3. Ишчи режани тузиш.
4.Ишчи режа негизида нутқнинг асосий қисмини тайёрлаш.
5. Нутқнинг хулоса қисмини ёзиш.

6. Нутқ матнини таҳрир қилиш.
7. Нутқнинг асосий режасини эса сақлаш.
8. Нутқни сўзлашга тайёргарлик кўриш – овоз чиқариб гапириш, ойна олдида сўзлаш, вақтга қараб сўзлаш, видеотасмага ёзиб олиш.

Матнни ёзиш учун қуйидаги ишларни бажариш мумкин: фактлар рўйхатини тузиб олиш; энг асосийларини танлаб олиб, 2-даражалиларини ўчириб ташлаш лозим; энг керакли деб билган фактларинигизни олиб қолиб қолганларини ўчириш керак; Матнни қайтадан ўқиб чиқиб яна нималар етишмаётганлигини аниқлаш ва ўша жойга белги қўйиб қўйиш; уни кириш, асосий қисм, хулосаларга бўлиб чиқиб, кириш ва хулоса қисмларини батафсил баён қилиш; матн бошидан охиригача мантикий изчилликда баён қилинишига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Д.Карнегининг айтишича, ёзма матн фақат тайёргарлик кўргандагина қўлланиши, нутқ сўзлаётганда эса унга қараш керак эмас, аксинча, уни чўнтакка солиб қўйиш керак. Лекин бу ишни фақат кучли нотикларгина ва бир мавзуни қайта-қайта сўзлайдиганларгина эплаши мумкин. Шунинг учун матнни кичик қоғозларга ёзиб олиб улардан керакли ўринларда фойдаланиш орқали ҳам яхши нутқ сўзлаш мумкин. Матнни ёзиб бўлгандан сўнг уни сўзлашга ўрганиш керак. Матнни қуруқ ёдлаб олиш билан иш битмайди, ёдлаб олинган матнни тантанали маросимлардагина айтиш мумкин. Нотик ёд олган ибораларни ўйлаб, ушбу мавзу борасида мен шундай таклифни ўртага ташлайман, фалон сабабларга кўра шундай қилиш лозим деб ўйлайман, деб гапириши керак. Нотик учун энг муҳими тингловчиларда қизиқиш уйғота билишдир. Нутқда энг керакли ибораларни алоҳида, ифодали ва ишонарли оҳангда айтиши маърузага табиийлик бахш этади ҳамда тингловчиларнинг эътиборини ўзига қаратади. Тингловчиларининг эътиборини жалб қилиш ва уларнинг маърузани диққат билан тинглашлари учун нутқнинг тушунарлилиги ва ифодалилигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун нутқ мантикий изчилликда тузилиши даркор. Нутқнинг тушунарлилиги ҳар бир фразанинг айтилишига, урғусига ва оҳангига боғлиқ бўлади.

### **Тингловчиларнинг диққатини тутиб туриш усуллари:**

- 1) диққат қилишни талаб этиш;
- 2) савол билан мурожаат қилиш;

- 3) нутқдан тўхтаб пауза қилиш;
- 4) риторик сўрок;
- 5) бадиий адабиётдан мисоллар келтириш, мақоллар, иборалар ва юмордан фойдаланиш.

Демак, нотик нутққа тайёргарлик кўришда тайёр материалга ўз шахсий фикр-мулоҳазаларини қўшиб, уни тартибга солиб, нимани ва қандай гапириши ҳақида ўйлаб олса, яъни нутққа тайёргарлик кўриш усулларини пухта эгалласа, нутқ муваффақиятли чиқади. Наполеон шундай деган: “Уруш санъати – бу илм, агар ҳар бир нарса олдиндан ўйланмаган ва ҳисобланмаган бўлса, барчаси барбод бўлади”. Нутқ ҳам шундай. Унда ҳамма нарса олдиндан режа қилинган бўлиши керак.

### **Нотик 3 ҳолатда ҳаяжонланиши мумкин:**

1. Нотаниш аудиториядан кўрқиши мумкин.

Бунда нотик нутқ сўзлашни бошлашдан аввал “Мен мавзуни яхши биламан ва улар мени тинглашади” деб ўзини руҳлантириши лозим ва жарангдор овозда нутқ сўзлаши керак. Ёқимтой одамларни топиб уларга қараб ғайрат билан гапирса, тингловчилар нотикни қўллаб-қуввайтлайдилар.

2. Яхши тайёргарлик кўрмагалигини сезиш ҳисси.

Бу ҳолатда энг яхши билган фикрларни айтиб, иккиланганларингизни ташлаб кетинг.

3. Ижодий ҳаяжонланиш.

Бу табиий ҳаяжонни енгиш шарт эмас, бундай ҳаяжон самимий ва табиий бўлгани учун нутққа ўзгача жозиба беради.

Ҳаяжонни босишнинг амалий йўллари:

-нутқ ҳис-ҳаяжонини кучайтиринг;

-нутқ жарандорлигини кучайтиринг;

-нутқ энергиясини оширинг;

-бир вақтнинг ўзида оғиз ва бурун билан нафас олинг;

қўл ёки оёқ бармоқларини қимирлатинг;

стул, минбар ёки партанинг четини ушланг;

-тангани кафтингизда сиқинг;

-бўр ёки кўрсаткични олинг;

-тахтага мавзу ёки сана кабиларни ёзинг.

Тингловчиларга муҳим информацияларни бермоқчилигингизни, энг асосий фикрларни айтмоқчилигингизни сиздинг ва сизнинг вазифангиз асосий мазмунни тингловчиларга етказишдан иборатлигини ҳис қилинг. Бу вақтда бошқа нарсалар муҳим эмаслигини ёдда тутинг.

## Стрессга қарши кураш

Стресс (ҳаяжон) – қаттиқ ҳаяжон, руҳий зарба ҳолати ҳисобланади. Стресс – муҳим мослашувчан жараёнлардан бири бўлиб, у бутун организмнинг тезда фаоллашуви билан белгиланади. Хавфли вазиятдан кутулишдан бутун кучларни ҳаракатга келтиради. Айтайлик, имтиҳон олдидан ёки минбарга чиқиш олдидаги ўзингизда юз берадиган ҳолатни тасаввур қилинг: тиззалар титрайди, овоз бузилади, оғиз бўшлиғи қурийдди, кафтлар совуқ тер билан қопланади...

Замонавий инсон ўзининг қадимги аجدодларидан фарқли ўлароқ кучли ҳаяжон белгиларини намоён қилмасдан жамоат олдида туришга мажбур. Бундай ҳолатлар билан қандай курашиш керак. Сўзловчи учун ҳаяжонланиш фойдали. У руҳни тетиклантирган ҳолда илҳомланиш имкониятини беради. Бу эса одатдаги ҳолатда мумкин эмас. Бунда нутқ муваффақиятли чиқиши учун зарур бўлган ҳиссиёт пайдо бўлади. Демак, ҳаяжон – нутқ муваффақиятини таъминлашда ижобий омил бўлиб, унга тайёрланиш, ўзингиздаги кўрқувни енгишга, ҳаяжондан эса муваффақият гарови сифатида фойдаланишга ўргатади.

### Стрессга қарши нафас машқи:

1. Турли ҳолатда (турган, ўтирган) ўзингизни бўш қўйинг.
2. Мушакларни бўшаштириб, бурундан хотиржам нафас олинг.
3. Ҳеч қандай зўриқишсиз ўпкада озгина нафас қолгунча секин чиқаринг. Кўзни юмиб олиш ҳам мумкин.
4. Машқни илк бошлаганлар 15-20 секунд нафасни ушлаб туриб, сўнгра 3 дақиқагача етказиб туриш мумкин. Нафас олмай туриш қийинлашганда қорин мушакларини ёрдамга чақиринг.
5. Нафасни ўта хотиржам, секин (худди кам – камдан, оз – оздан ютаётгандай) олиш ва худди шу ҳолатда чиқариш керак.
6. Нафасни шундай олинг ва чиқарингки, аввал қоринга сўнг ўпкада ҳаво тўлаётганини ҳис қилинг. Бу машқни бутун танани бўшаштирган ҳолда 1 дақиқа давомида бажаринг.

Бу – тўлақонли нафас олиш усули дейилади.

### Саволлар:

1. Нутқ маданияти соҳасининг қандай асосий йўналиши мавжуд?
2. Нутқ маданиятини эгаллашнинг нечта босқичи бор?
3. Нутққа тайёргарлик кўриш қандай амалга оширилади?
4. Нотиқнинг овози қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?
5. Овознинг ёқимли бўлиши нималарга боғлиқ?

6. Овоз бузилишига сабаб бўладиган омиллар ва уни бартараф этиш йўллари қайсилар?

### Глоссарий

**Фонация** – тўғри нафас олиш ва нафас чиқариш фазаси.

**Темп** – нутқ оқимининг маълум вақтдаги ҳаракат суръати бўлиб, нутқнинг артикуляцион таранглиги аниқлиги даражасини изоҳловчи тезлашуви ёки секинлашувидир.

**Тембр** – нутққа эмоционал-экспрессив жило берувчи товуш бўёқдорлигидир.

**Дикция** – ҳар бир товуш ёки сўзнинг тўғри талаффуз қилиниши.

**Мелодика** – нутқда овознинг баланд-паст тарзда тўлқинланилиши.

**Жарангдорлик** – товушнинг ёрқинлиги, баланд ёқимли овоз.

**Суггестивлик** – овознинг ҳаяжонли ифодаланиши.

**Кенг диапазонлик** – овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси.

### Адабиётлар:

1. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
2. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
3. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
4. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-2-3- қисмлар.- Тошкент, 1997, 1998, 2000.
5. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Тошкент, 2002.
6. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.
7. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.
8. Стернин И.А. Практическая риторика. –М.: Академия, 2008.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### 1. Нутқ маданиятини эгаллаш йўллари

1-илова

Адабий тилдан, унинг маданийлашган воситаларидан бу тилда гапирувчи кишилар жамоаси ўз нутқий фаолиятларида фойдалангандагина адабий тил мавжуд нутқий ҳодисага, нутқ маданиятининг кучли воситасига айланади.

Адабий тил, унинг ёзма ва оғзаки шакли нормалари бу тилда сўзловчиларнинг кўп сонли шахсий нутқлари ва бу нутқлар йиғиндисидан иборат бўлган умумий норма сифатида намоён бўлади.

Адабий нутқ ва у билан боғлиқ бўлган адабий тил маданияти – бу аввало нутқий кўникма, нутқий малакадир. Адабий нутқ малакасига – адабий тил нормаларини эгаллаш орқали эришилади.

### 2. Адабий тил шакллари

2-илова

Адабий тил ва унинг  
вазифавий шаклларининг  
икки кўриниши бор:

1. Ёзма адабий  
тил (ёзма нутқ)

2. Оғзаки адабий  
тил (оғзаки нутқ)

1. Илмий  
нутқ

2. Расмий нутқ

**3. Публицистик нутқ,  
4. Қисман бадиий нутқ  
киради.**

**1. Оддий  
сўзлашув  
нутқи.**

**2. Адабий  
сўзлашув  
нутқи.**

## **2. Нутқ маданияти соҳаси кимларни кўзда тутди?**

**3-илова**

1. Нутқ маданияти соҳаси бутун миллатни (халқни) назарда тутиб иш олиб боради.

Нутқ маданияти соҳаси фақат зиёлилар (ўқимишли кишилар) нутқини мукамаллаштиришни кўзда тутди.

3. Нутқ маданияти соҳаси, биринчи навбатда, ёш авлод нутқини яхшилашни назарда тутиб иш кўради.

**4-илова**

**Ҳозирда ўзбек адабий тилини кимлар қанчалик ва қай  
даражада билишади?**

1. Ўзбек адабий тилида рисоладагидек (нормал) гапира олувчи кишилар гуруҳи.

2. Ўзбек адабий тилида ёза олувчи, аммо оғзаки нутқда адабий тил нормаларига тўлиқ амал эта олмайдиган кишилар гуруҳи.



3. Расмий доираларда адабий тилда сўзлай оладиган, аммо, оддий сўзлашувда, айниқса оилада шевада ёки шева билан адабий тилнинг қоришмасидан иборат бир тилда гапирувчи шахслар гуруҳи.

4. Маҳаллий шеванинг кучли таъсири сезилиб турадиган нутқ эгаси бўлмиш кишилар гуруҳи.

5. Маҳаллий шеванинг кучсиз таъсири (асосан талаффузда, айрим сўзларни танлашда) сезилиб турадиган тилда сўзлайдиган кишилар гуруҳи.

6. Адабий тилни билмайдиган ва ўз маҳаллий шевасида гаплашадиган кишилар гуруҳи.

### 3. Нутқ маданиятини эгаллашнинг босқичлари

5-илова

**Тўғри нутқ босқичида** адабий тил ва унинг меъёрлари шахслар томонидан эгалланади.

**Нутқ маданияти босқичида** унинг мантикий давоми бўлиб, унда нутқ маданияти маданиятининг барча талабларга жавоб бера олиши назарда тутилади.

### 6. Нотиқнинг овозига қўйиладиган талаблар

6-илова

-жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);

-кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);

-ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитилувчанликка эга бўлиши);

-ихчамлик, ҳаракатчанлик;

-чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);

-мослашувчанлик (динамик, тембр, мелодиканинг эшитилиш шароитига мослаша олиши);

-қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга қарши тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);

-суггестивлик (овознинг ҳаяжон ифодалаш ва бу орқали қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар тингловчининг хулқига таъсир қилиш

Ҳаяжон – нутқ муваффақиятини таъминлашда ижобий омил бўлиб, унга тайёрланиш, ўзингиздаги кўрқувни енгишга, ҳаяжондан эса муваффақият гарови сифатида фойдаланишга ўргатади.

## Стрессга қарши нафас машқи

7-илова

Турли ҳолатда (турган, ўтирган) ўзингизни бўш қўйинг.

Мушакларни бўшаштириб, бурундан хотиржам нафас олинг.

Ҳеч қандай зўриқишсиз ўпкада озгина нафас қолгунча секин чиқаринг. Кўзни юмиб олиш ҳам мумкин

Машқни илк бошлаганлар 15-20 секунд нафасни ушлаб туриб, сўнгра 3 дақиқагача етказиб туриш мумкин. Нафас олмай туриш кийинлашганда

Нафасни ўта хотиржам, секин (худди кам – камдан, оз – оздан ютаётгандай) олиш ва худди шу ҳолатда чиқариш керак.

Нафасни шундай олинг ва чиқарингки, аввал қоринга сўнг ўпкада ҳаво тўлаётганини ҳис қилинг. Бу машқни бутун танани бўшаштирган ҳолда 1 дақиқа давомида бажаринг.

### Тингловчи диққатини тутиб туриш усуллари

8-илова

1. Диққат қилишни талаб этиш.

2. Савол билан мувожаат қилиш.

3. Нутқдан тўхтаб павза қилиш.

4. Риторик сўроқ.

5. Бадиий адабиётдан мисоллар келтириш, мақоллар, иборалар ва юмордан фойдаланиш.

## **МАЪРУЗАДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР**

Ҳар бир маърузада педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш мумкин. Маърузани бошлашда, талабаларни фаоллаштириш мақсадида ёки ўтилган маърузанинг охирида мавзуга мос келадиган замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Маърузада фойдаланиш мумкин бўлган айрим замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар куйидагилар:

1. Зинама-зина
2. Чархпалак
3. Резюме
4. Муаммо
5. ФАСМУ
6. Мулоқот
7. Елпиғич
8. Билиц-сўров
9. Балиқ скелети
10. Нима учун схемаси?
11. Қандай диаграммаси
12. Нилуфар гули

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Наср Фаробий. Рисолалар. -Т.: Фан, 1975.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 13-жилд. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
3. Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. –Т.: Фан, 1982.
4. Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. -Т.Фан, 1982.
5. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1966.
6. Античная риторика. -Москва: МГУ, 1978, С.129.
7. Аристотель. Риторика. -М., 1978.
8. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983.
9. Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. №5. 1975.
10. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
11. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
12. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Тошкент: 1998.
13. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1,2, 3- қисмлар.- Тошкент, 1997, 1998, 2000.
14. Бекмирзаев Н. Нотиклик асослари. –Т.: Фан, 2006.
15. Беруний. Танланган асарлар. III том .Т.: Фан, 1982.
16. Бобур. Бобурнома. -Т.:Фан, 1960.
17. Головин Б.Н. Основы культуры речи. -Москва: Высшая школа, 1988.
18. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. –М.:Прогресс, 1985.
19. Жуманиёзов Р., Салимов С. Ғоявий тарбияда нотиклик санъати.-Тошкент, 2002.
20. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари.-Тошкент, 1982.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ж.1. – Т.:Ўзбекистон, 1996.
22. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997.
23. Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: Мерос, 1992.
24. Крамер С.Н. История начинается в Шумере. -Москва: Наука, 1991.

- 25.Къера Э. Они писали на глине. -Москва: Наука, 1984.
- 26.Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т., Ўзбекистон, 1992.
- 27.Маҳмудов Н. Тил.-Тошкент: Ёзувчи. 1998.
- 28.Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.
- 29.Мўмин С. Сўзлашиш санъати. –Фарғона, 1997.
- 30.Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиклол ва она тилимиз. – Тошкент, 1992.
- 31.Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. -Тошкент, 2002.
- 32.Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2006.
- 33.Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.
- 34.Соссюр де Ф. Труды по языкознанию. -Москва: Прогресс, 1977.
- 35.Степанов А.В. О культуре речи и практической стилистике//Вестник высшей школы, 1981.
- 36.Стернин И.А. Практическая риторика. –М.: Академия, 2008.
- 37.Султонсаидова С., Шарипова Ў. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Юрист – медия, 2007.
- 38.Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.
- 39.Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. -Тошкент: Маънавият, 2004.
- 40.Шомақсудов Ш., Шораҳмадов Ш. Ҳикматнома. -Тошкент, 1990.
- 41.Ўзбек нутқи маданияти масалалари, тўпламлар: 1973, 1975, 1978 йиллар ва бошқалар.
- 42.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. –Тошкент, 2006.
- 43.Ўринбоев Б. Нотиклик маҳорати. –Т.: Ўқитувчи, 1984.
- 44.Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
- 45.Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Тошкент: 1993, 38-бет.
- 46.Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. - Самарқанд,1984.
47. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Тошкент, 1992.
- 48.А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т.: 1999.

## Электрон сайт материаллари:

<http://gov.uz/>

<http://www.ziyonet.uz/>

<http://www.connect.uz/>

<http://www.uzsci.net/>

<http://www.edu.uz/>

<http://www.pedagog.uz/>

## Расмий ҳужжатлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., “Ўзбекистон”, 1996
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
6. “Таълим ҳақида” қонун. – Т., 1997
7. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” – Т., 1997
8. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар 1,2 – қисмлар. Т. 1999

## ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Маҳмудов Н. Тил. Тошкент: Ёзувчи, 1998.
2. Имомхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари.-Тошкент,1982.

3. Жуманиёзов Р., Салимов С. Ғоявий тарбияда нотиклик санъати.-Тошкент, 2002.
4. Бегматов Э., Турсункулов М. Ўзбек нутқ маданияти асослари.-Тошкент: Ўқитувчи,1991.
5. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1, 2, 3 қисмлар.-Тошкент 1997, 1998, 2000 йиллар.
6. Нусратилла Атаулло ўғли Жумахўжа. Истиклол ва она тилимиз. Тошкент, “Шарк”, 1998 й.
7. Былинский К.И., Розенталь Д.Э. Литературное редактирование. М., 1991.
8. Введенская Л.А., Павлова Л.Г., Чихачев В.П. Культура и техника речи. Ростов н / Д., 1994.
9. Головин Б.Н. Основы культуры речи. М., 1998.
10. Ицкович В.А. Норма и кодификация // Актуальные проблемы культуры речи. М., 1990.
11. Ицкович В.А. Языковая норма. М., 1998.
12. Мучник Б.С. Культура письменной речи. М., 1996.
13. Мучник Б.С. Основы стилистики и редактирования. Ростов н / Д., 1997.
14. Основы культуры речи: Хрест. М., 1994.
15. Скворцов Л.И. Норма. Литературный язык. Культура речи //Актуальные проблемы культуры речи. М., 1990.
16. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. М., 1999.



## Муаллифлар хақида



Жиянова Н.Э. - Ф.ф.н., доцент



Мўминова О.Қ. – ф.ф.н..доцент



Максумова С.С. – ф.ф.н., катта ўқитувчи